



ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ҒАФУР ҒУЛОМ

МУКАММАЛ АСАРЛАР
ТЎПЛАМИ

ЎН ИККИ ТОМЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

ҒАФУР ҒУЛОМ

МУКАММАЛ АСАРЛАР
ТЎПЛАМИ

ИККИНЧИ ТОМ

ШЕЪРЛАР

1941—1953

ТОШКЕНТ — 1964

Ўз 2
F 79

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

САРВАР АЗИМОВ, ОЛМОС АҲМЕДОВА-ҒУЛОМОВА, [ВОҲИД
ЗОҲИДОВ], САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ, КОМИЛ НУЪМО-
НОВ — ЯШИН, МАРАТ НУРМУҲАМЕДОВ, РАҲМАТУЛЛА ОТА-
ҚУЗИЕВ — УЙҒУН, ВАҲОБ РҶЗИМАТОВ, ЮСУФ СУЛТОНОВ,
НУРИДДИН ШУКУРОВ, АЗИЗ ҚАЮМОВ, МАТЕҚУБ ҚУШЖО-
НОВ, СОДИР ЭРКИНОВ

Нашрга тайёрловчилар:

ОСИМ БОҚИЕВ,
ФАРОҒАТ МУСАМУҲАМЕДОВА,
ВАҲОБ РҶЗИМАТОВ

Масъул муҳаррир

ЮСУФ СУЛТОНОВ

F $\frac{4702570200-2536}{M 355 (04)-84}$ 245—84

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1984 й.

Ғафур Ғулом «Мукаммал асарлар тўплами»нинг II томи шоирнинг Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги дастлабки йилларда (1941—1953) яратган шеърларини ўз ичига олади.

Шоирнинг «Кузатиш», «Халқ отланди», «Сен етим эмассан», «Соғиниш» каби шеърларида совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонона курашлари, юксак ватанпарварлик ва социалистик интернационализм туйғулари бадиниятнинг янги жилolari билан куйланди. Унинг «Коммунизм асри», «Вақт», «Ўзбек элининг ғурури» каби урушдан сўнгги йилларда ёзилган шеърларида ғолибона меҳнат тароналари, тинчлик учун кураш овози баралла янгради.

Ғафур Ғуломнинг бу даврга оид шеърларининг аксарияти ўз вақтида матбуот саҳифаларида, шоирнинг шу йилларга оид тўпламлари ва коллектив мажмуаларда чоп этилган. Шунингдек, кейинги йилларда нашр этилган кўптомликлар орқали ҳам кенг китобхонга маълумдир. Бу асарлардан кўпчилигининг дастхат нусхалари, машинка босмалари мавжуд. Улар бугунги кунда Ғафур Ғуломнинг оила аъзолари ихтиёрида бўлган шахсий архивида сақланади. Шу билан бирга мазкур архивда шоирнинг ҳали эълон қилинмаган бир қатор шеърларининг қўлёзмалари, тугалланмай қолган шеърлар, қайдлар, вариантлар ҳам сақланади.

«Мукаммал асарлар тўплами»нинг қўлингиздаги томида шоир шеърларининг қўлёзма ва илк нашрлар билан муқоёса қилинган таянч матни билан бир қаторда, уларнинг мавжуд вариантлари, тугалланмаган шеърлари ва қайдлари ҳам илова қилинган.

ШЕЪРЛАР

КУЗАТИШ

(Уғлим Жўраҳоннинг ҳарбий хизматга чақирилиши муноса-
бати билан)

Умрим, эй сен бўлиб шунча беғубор,
То абад айладинг мени бахтиёр.
Умрим, эй сен билан қилиб ифтихор,
Бўлайин ўлгунча мен ҳам миннатдор!

- Туғилган кунимоқ кенг пешонамни
Толе юлдузига баробар этдинг.
10 Бешинчи йилларнинг тўлқинларида
Бешигимни ўз қўлинг билан тебратдинг.

Ленада ишчилар отилган куни
Абжад ўқиш учун мактабга бордим.
Бобомга шул куни юз ёш тўлмишди,
Таажжуб қиламен толеимгаким:

Наполеон Москвада этик йўқотиб,
Иштонсиз Парижга қочган чоғида,
Келажак кунларнинг сутин асқатиб,
Бобом ухлар Ватаним эрк қучоғида.

- 20 (Жўра, шу чистонни дўстларингга айт:
«Бобоси туғилган кун, набираси
Алифбе ўқишга кирибди» — фақат
Айтмагил, юз йилдир бунинг ораси.)

Таажжуб қиламен оиламизнинг
Толелар яратган тасодифига.
Тасодиф эмасдир, балки сен-бизни
Курашлар тақмишдир бахтнинг ипига.

- Йигирма учинчи йилнинг тонгида
Шеърим билан эгизак бўлиб туғилдинг.
30 Йиллар ўтиб ҳар икков ўғил онгида
Уфқлар очилди, фазоларга тенг.

Шеър ўсди, сен ўсдинг соатма-соат,
Мана энди улғайиб, ҳарбий ёшинг бор.

Дўстлар билан бир сафда ўқишга албат
Мен ёзган эгизак марш — йўлдошинг бор.

Улуғ ғалабалар арафасида
Қабул қилди сени пединститут,
Сенга дарс бергувчи муаллимларнинг
Ўрматин доимо сен ёдингда тут.

- 40 Таажжуб қиламен оиламизнинг
Толелар яратган тасодифига.
Тасодиф эмасдир, балки сен-бизни
Ҳаёт ўзи тақмиш бахтнинг ипига.

Сенинг-чун шеъримни ёзар эканман,
Уканг Ўсар елкамда пичирлатиб лаб,
Ҳарфларни бир-бирига қўшолмаса ҳам,
Ўқиб борди сўзларни қийнаб, ҳижжалаб.

Феълени биласан Ўсар полвоннинг,
Ҳозироқ сенданам оташин — олов.

- 50 Ит кўрса, Гитлер, дер, мушук — Муссолин
Манжалақи ҳар ҳайвон доим унга ёв.

— Дада,— дейди,— Гитлер қачон ўлади?
Мен дейманки:— Энг катта байрам кунда.
— Байрам ўзи қачон?— дейди, сўрайди.
— Байрам фашизмнинг ўлган кун-да...

Таажжуб қиламен оиламизнинг
Толелар яратган тасодифига.
Фашизм итлари қутурган дамда
Қира олдинг курашнинг кескин сафига.

- 60 Кулумсаб турғувчи толеинг порлоқ,
Худди шу йил таппа-тақ ўн саккиз ёшинг.
Ватан қирғоғига ёв қўймиш оёқ!
Жангга юр, Партия, халқлар йўлдошинг!

Мен ҳам роппа-расо Пушкин ёшида,
Фақат бу курашдир, эмасдир дуэль.
Дуэлда ўлурлар, курашда — ҳаёт,
Тарих талаб қилган улуғ қирон йил.

Ўсар, мужда сенга, улуғ байрам кун,
Бўлар ёв ерида худди эртага,

70 Улур Гитлер, фашизм, ўлур даҳшат — тун...
Халқ юргач, бу байрам бўлмасин нега.

Боболар удумин тутиб назарда
Курашда толеинг бўлур сенга ёр.
Чунки бу курашда улуг саркарда
Партия байроғи бизга ифтихор.

Сафлар олдида бўл, мард бўл, ботир бўл,
Дўстларга ҳамоҳанг жўра бўл, жўр бўл.
Партия ҳурмати, Ватан ҳурмати,
Халқимнинг ҳурмати, ғолиб бўл, зўр бўл.



Ғафур Ғулом. 1953 йил.

ОДАМЛАР УРТАСИДА

В а л и ж о н

— Вай ёрай...

Бемаҳал

баланд авж билан...

Чибин чақмаган

тойчоқдай кишнаб,

ён қўшним Валижон

қичқириб ўтди.

10 Халқи билан Ватани,

комсомол,

ва меҳнат

бағрида ўсолган

ишқдир абадий.

Т ў л а г а н

Тўлаган — ҳаттоки,

олти ойликни

газетага олдиндан

ўзи тўлаган.

20 (Комсодга заём-чун

нақд тўланиши

Тўлаганнинг раъйи,

ўзининг иши.)

А л и х ў ж а

Мен ўзим

барала кўриб турибман:

Қулоқ бўлиб кетиб,

биқиниб келган

Алихўжа,

30 Гўё

бепарво эснаб

рабочий одамни гапга солади;

«Гитлер ишга тушди десанг-чи,
Буёгин ўқи, Тўлаган,
қани, ўқи-чи...»
Эртаси уччовдан мен олдим хабар,
Бари традицион,
синфий
муқаррар...

I

В а л и ж о н

Тенгқури комсомоллар-ла,
Военный комиссар буйруғи билан —
ҳарбийга,
дўстлари қўшига кетди!

II

Т ў л а г а н

Уғлини ҳарбга жўнатиб,
Меҳнат интизоми,
рабочий киши,
айниқса ҳарбий вақт...
Ишига кетди.

III

А л и х ў ж а

Қисқаси —
фармойиш экан,
Ҳарбий трибунал
ҳукми шунақа:
60 Фашист ифвоғари
сифати билан
Гитлернинг
ўлакса тўшига кетди!

МЕН ЯХУДИЙ

(Берлиндан берилган бир радио эшиттиришга жавоб)

I

- Мен яхудийман!
Уомимни тилингга олма,
 э олчоқ!
Кимлигимни энг катта
 бувингдан сўра.
Боболаринг
10 бошига шох тақиб юриб,
Билмасдан
 туз нима,
 ўт нима,
 лунги...
- Ва Нибелунги,
Ваҳшат масжидида
 готик нақшлар
Ҳали содда
 ва ҳали бўлганда ғўра;
20 Асрий ақийдада момақалдироқ
Яратароқ
Бир худо бўлиб
 Таврот ёзган яхудий,
 мен яхудийман!
- Гитлернинг паргарсиз
 тумшуқли афти
Ирқий нисбатларда
 «энг аъло» бўлса —
Бу жуда ҳам соз,
30 сўйил, э ҳайвон!
Менинг кимлигимни тарих бағишлар,
Кўзимда ғурбатнинг заҳарли дуди...
 мен яхудийман.
Қуръон оятлари
 менинг ақлимдан
Туя тўқимидай
 минг қурсқланиб.

- Уғирланиб, ямалиб...
фақат,
40 Араб саҳросида
тентиган соя.
Эҳ-ҳе...
Билолсайдинг
қанча машаққат,
Гурбатда кезганман,
биланиҳоя...
Узоқ бир умрки,
доим дарбадар,
Ақлини орқалаб олган
50 бир карвон...
Фиръавнлар қувларкан,
Нилнинг лабида —
Уз зеҳним, фикримнинг
ғариб мардуди,
мен яҳудийман!
Нега сўйламасдан
турмоқдасан тин,
Э Байтулмуқаддас,
сен бергил хабар,
60 Йиғи деворлари
кўҳна Фаластин...
Беш минг йил илгари,
чорак аср олдин,
Тарих бетларида
жавраб келгувчи,
Узи соқов
қалъаи Бобил сингари,
Айтиб келганман:
Мен ҳам одамман!
70 Қаерда,
қайдадир,
Айтинг, фиръавнлар,
Шу тупроқ заминда
менинг ватаним?
Еинки,
камолот — тухмат бўларак
Қўмилсинми муаллақ
осмонда таним?
Жим!
80 фиръавн жим, хоқон жим!
Пайғамбарлар,
сулаймонлар жим.
Бир хабар келтирмас.

умид ҳудҳуди,
мен яҳудийман...

II

Мен яҳудийман!
Номимни тилингга олма,
э олчоқ!

90 Беда тамаида
бўйинини чўзиб,
Боши жоди ичра қолган
эшакдай
Манфур, чинқироқ
Овозингни радиодан
ҳамма эшитди.
«...Ундай яҳудий,
бундай яҳудий...»

100 Бали, яҳудий,
мен яҳудийман.
Капиталга қарши «Капитал» ёзиб,
Ҳамма фиръавнларнинг гўрини қазиб,
Одамлик ҳуқуқин
бизга ўргатган
Халқлар бобосининг
руҳига қасам,
мен азиз одам.

Инсон қони аралаш
миллионлар карра
110 Ва менинг қоним ҳам
халқлардан зарра.
«...Ирқу дину миллат...»
Тағин нимадир?
Билсанг эди, буларнинг барисин
бизда:

Сен итдан —
тўнғизни ажратиш учун
Байтарий илмида
боби заммадир.

120 Инсон ирқиданман,
инсон миллати,
Менда йўқ афюннинг пинакларидан
яралган динларнинг
зарра иллати.

Шу тупроқ заминдир
менинг ватаним.
Туғилиш, яшайиш,
меҳнат ва насл,
Муҳаббат ҳам ғазаб...

- 130 Инсонда не хислат
 бор бўлса мавжуд;
 Барига қобил,
 барчасига боп.
 Шу тупроқ заминда
 қолажак таним.
 Билгил, э мардуд,
 Бизлармиз оламда
 халқлар масъуди,
 мен яҳудийман.
- 140 Бу Ватан советлар
 халқин тупроғи —
 Муқаддас, даҳлсиз,
 бунни билиб қўй.
 Сен сифлис тумшуқни
 суқмоқчи бўлиб,
 тўрт оёқлаб
 Ўрнингдан қўзғалган чоғи,
 Заҳарли найзага айланиб кетди
 Бизнинг бадандаги
- 150 ҳар бир тола мўй.
 Қўзғолди бутун халқ,
 улуғ рус,
 украин,
 ўзбек,
 яхудий;
- Икки юз миллионли,
 юз эллик миллат,
 Узоқ фалсафанинг
 ҳеч ҳожати йўқ;
 160 Замин тарбузидан
 фашизм — иллат
 Йўқолур,
 жуда тез,
 мутлақ абадий.
- Шунда сенинг
 мурдор танинг бир умр
 бўлура жаҳаннам,
 фиръавнлар барҳам.
- Голиблар сафида
- 170 турарак мен ҳам,
 Яъни содда формула:
 Яҳудий — одам.
 Менинг кимлигимни олам олқишлар,
 Кўзимда бахтимнинг
 қуёш — сурурди,
 мен яҳудийман...

ХАЛҚ ОТЛАНДИ

(Дивизия йигитларига)

Мардлик майдонида бел синаш учун
Жасур ўзбек халқининг ўғли отланди.
Кўп йиллар қинида ётган қиличнинг
Татигини душман тотажак энди.

- Бошда пўлат дубулға, яғринда қалқон,
Оёқда қайиши таранг узангу.
Интиқом ҳисси-ла кўзга қон тўлган,
10 Довюрақ эрларнинг намоиши бу.

Юганда ер титрар, ўқирса осмон,
Бу сафда арслонлар керади ўмров,
Модомики, Партиянинг ўзи қўмондон,
Мутлақ ғалабага етарли гаров.

Ҳой йигит,
Ҳой йигит, унутма кимнинг ўғлисан,
Бу кескин курашга сени ким йўллар?..
Шонли ўзбек халқининг азиз фарзанди,
Олдинда шиддатли интиқом, йўллар.

- 20 Ота-бобонгдан тортиб жанговар ўтган,
Шербаччалик сенга мерос сифатдир.
Қочиб орқасидан ўқ еган ўғлон —
Ўғил эмас, оқпадар, қўрқоқ, номарддир.

Октябрь тонгида талай миллатлар,
Шу қатори отанг ҳам ичмишди қасам.
Шу аҳд тақдиримиз бирлаштирмишдир,
Улуғ Ватан халқлари билан мустақкам.

- Миллатлар бирлашдик, сен ўсган Ватан
Шу шерик қўлларда чаманзор бўлди.
30 Разил, маккор, ярамас Гитлер дастидан
Ватан таҳликада қолмишдир энди.

Ботлар бўл, аяма, қонга қон сўра,
Отанг қасамини айлагин давом.
Токи, малъун душман аччиқ сезолсин,
Даҳшатдир биздаги хунин интиқом.

Чолларнинг оқарган сочу соқоли,
Онанинг оқ сути, етимлар ёши,
Севишган ёрингнинг кўзи ҳурмати
Кўмилсин абадий фашизм боши.

40 Юрганда ер титрар, ўқирса осмон,
Жасур ўзбек халқининг ўғли отланди.
Модомики, Партия бизга қўмондон,
Ғалабанинг довули чалинур энди.

СЕН ЕТИМ ЭМАССАН

(Улуғ Ватан урушининг ота-онасиз қолган гўдақларига)

- Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфиқ
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
10 Халқ бор — отанг бор.
Чўчима, жигарим,
Ўз уйингдасан,
Бу ерда
на гурбат,
на офат,
на ғам.
- Бунда бор:
ҳарорат,
муҳаббат,
20 шафқат
Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам.
- Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.
- Бу ерда музлаган
Аждар ҳалқумли
Ваҳшат тўпларининг
Қаҳқаҳаси йўқ.
Бу ерда —
одамзод шаклида юрган
лаънати девларнинг
30 Манфур, юқумли,
мараз намойиши
тополмас ҳуқуқ.
- Улуғ жанг кунидир,
Жангки, беомон.

Лашкар деган ахир
Бехатар бўлмас.
Отанг ўлган бўлса
Қайғирма, қўзим,
40 Кўзим усти
Миннатинг бошимга дурра,
Шу соғлом ҳавода
Саломат-омон,
Хўрсинмай, эркинлаб
Ола бер нафас.
Эй улуғ наслиминг
Юраги, жони,
Кипригингга илинмас
Йиғидан зарра.

50 Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.

Етимлик нимадир —
Бизлардан сўра.
Ўнинчи йилларнинг
Саргардонлиги;
Иситма аралаш
Қўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан
Ўчмайди сира.

60 Мен етим ўтганман,
Оҳ у етимлик...
Вой бечора жоним,
Десам арзийди.
Бошимни силашга
Бир меҳрибон қўл,
Бир оғиз ширин сўз
Нондек арзанда.
Мен одам эдим-ку...
Инсон фарзанди...

70 Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.

Кўзимга уйқунинг
Мудроқ овчиси
Тўрин солмасдан,
(Биринчи гудокка
Икки соат бор.)
Оталиқ ҳиссининг

Бебаҳо, лазиз
Тўлқинлари ичра
80 Фарқ бўлиб кетиб,
Азиз бошинг устида
Телмурмакдаман.

Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим. ,

Нега чўчиб тушдинг?
Мурғак тасаввур,
Гўдак хаёлингга
Нималар келди?
Балки Одесс даҳшати,
90 Керчь фожиаси,
Ёввойи маҳлуқлар,
Қонхўр ваҳшийлар...
Маммаси кесилган
Шўрлик онангнинг
Пажмурда гавдаси
Кўзинг ўнгида
Бутун даҳшати-ла
Акс этар энди?
Онанг хўрландими,
100 Отанг ўлдими,
Сен етим қолдингми,
Қайғирма, кўзим,
Кўзим усти,
Миннатинг бошимга дурра.

Ота-онасининг
Тайини ҳам йўқ,
Сут кўр қилгур, ҳароми
Гитлер оқпадар —
Фарзанднинг қадрини
110 Қаердан билсин?
Бир қўнғиз мўйловли,
Бароқ соч малъун,
Жигар ранг бир мундир
Истаги учун
Наҳотки еримиз
Чалпа айланиб,
Наҳотки дарёлар
Оқар тесқари,
Наҳотки одамлар
120 Кезар дарбадар?..
Ахир, жуда яқин

- Қонли интиқом,
 Алҳазар,
 алҳазар,
 Кўпирар
 томирларда қон
 Ва портлар ҳадемай
 Бу ўтли вулқон.
 Сен етим эмассан,
 130 Ухла, жигарим.
 Сен кулаётибсан,
 Балки бу кулги
 Сўнгги ойлар ичра
 Биринчи чечак.
 Лаълин лабингдаги
 Ғунча табассум,
 Албат толеинга
 Муҳир бўлади
 Ва бунда акс этар
 140 Порлоқ келажак.
 Тонг яқин,
 тонг яқин,
 оппоқ тонг яқин.
 - Бир нафас ором ол,
 Ухла, жигарим.
 Оқ ойдин
 тонг олди,
 Ухламоқдасен.
 Лабларинг шивирлар,
 150 Изламоқдалар...
 Балки бир эркалаш,
 Бир она бўса.
 Улуғ оиланинг
 гўдак фарзанди,
 билиб қўй энди:
 Сен тезда улғайиб,
 Олам кезасан,
 Манглайда порлаган
 Толеинг — қуёш
 160 Бутун ер юзини
 Қилур мунаввар.
 Ҳақорат емрилур,
 Зулм янчилур,
 Жаҳонда бўлурмиз
 Озод, музаффар.
 Сен етим эмассан,
 Менинг жигарим!

қиш

Ноль минус қирқ икки градус... фақат
Дарёлар яхбаста, биллури кўприк,
Изғирин бўронлар нурдай югурик,
Ўрмонлар ғувиллар, увлар бетоқат,
Даҳшатли қуюндан иборат бу ғув,
Улуғ Россияга қадрдон қиш бу.

Арча япроғида муздан пардалар,
Печкада қизариб гупирмоқда нон,
10 Тошмоқда боршч билан лиммо-лим қозон.
Гитарада бир куйни Ваня тимдалар...
Колхоз хонадони ҳаёт ва ғулу —
Саодат юртида қадрдон қиш бу.

Мум шамли қандилдай қудуқ лаблари,
Бир қатор қиз кетар, елкада обкаш.
Қулоғингни солсанг: ҳаёт аралаш
Навбахор ёшликдан дoston гаплари.
Қишда ҳам кўкламдай юракда севгу,
Чунки ишқпарварда қадрдон қиш бу.

20 Қирқ икки градус... Беш яшар Олег
Оёқда валенка, эгнида тулуп, —
Чана судрамоқда қаҳқаҳа уриб,
Ёқут суви билан пардоз бергандек,
Қизил лабларида муттасил кулгу,
У рус ўғли, унга қадрдон қиш бу.

Россия қишининг хислатлари бор,
У ёв учун қопқон, бизларга қалқон,
Москвадан қочаркан шумшук Наполеон
Минг бир баҳонани қилса ҳам такрор,
30 Бу бизнингча оддий арпа уни-ку,
Аммо ҳақиқатан қадрдон қиш бу.

Қирқ икки градус..., Гитлер акиллар:
«Бизнинг чекинишга қиш бўлди сабаб...»

‘Сабаби — халқдаги қудрат ва шараф,
Информбюро ҳам шунини таъкидлар,
Уруш машинангиз йўқотмишдир чув,
Ўз вақтида келган қадрдон қиш бу.

Париж шантанида «ғалабалар»дан
Бадмаст ғурурлар-ла топиб осойиш,
40 Фаҳшлар қўйнида йирганч парвариш
Кўрган сояпарвар илмилик бадан
Шовутдай қотади худди сассиқ сув,
Чунки аёв билмас қадрдон қиш бу.

Музлаган бармоқлар, адрес йўқотган
Қлизма трубка бўлиб қолади,
Ҳовурми ҳарорат қидириб энди,
Тўсатдан оғзига бориб қоларкан,
Ҳолингизга бойқушлар кулади: Ку-ку!
Чунки русларга хос қадрдон қиш бу.

50 Маза бўлар эди сизга жобажо,
Истаган қишлоқни бузиш ва талаш,
Маза бўлар эди гулхан — ўт қалаш,
Бурунга ғоз ёғи суртиб бепарво,
Бироқ жуда равшан мисоли кўзгу,
Русларга бир умр қадрдон қиш бу.

Бизда ботир маршал, генераллар бор,
Ўз қатори қиш ҳам қоҳат генерал,
Халқи ва иқлими бирлашган маҳал
Фашизмга ўлим ҳукмидир тумор.
60 Мозор билан қонур ёвдаги орзу,
Кўпларининг гўркови қадрдон қиш бу.

Нуҳ тўфони энди оддий кулгудир
Халқим бу бошлаган юриш олдида,
Ёки яланг саҳрода туёқ изида
Тўпланган бир ҳовуч бемаза сувдир.
Ёв учун тўфондан баттарин қайғу,
Ёвга қирон солган қадрдон қиш бу.

Ноль минус қирқ икки градус... фақат,
Советлар қўшини нурдай югурик,
70 Бўрон армиямиз бошлади кўрик,
Ёв қочар, чекинар, увлар, бетоқат,
Тарихда ёзилур бу катта ғулу,
Ғалаба йилида қадрдон қиш бу.

УЧУВЧИНИНГ ҚУШИҒИ

(Ўзбек жангчисига бағишланади)

Забаржад кўк сари учади лочин
Ва осмон тинглайди қанотин кучин.

Шунчалар фазога кўтарилдиким
Лочин қўшиғини айтсинму торим.

Булут чўққисида қанотлай олмас
Шафақда юз ювиш биздайларга хос.

Юсакда сузгувчи шу мовий туман
10 Лочин қанотидан қолади тубан.

Учаман севимли Москва томон
Ватан хизмати-чун фидо бўлсин жон.

Хайр энди, омон бўл, жонажон водий,
Чаман пахтазорлар бор бўл абадий.

Яшна ҳалол меҳнат, яшна гул қишлоқ,
Зумрад сувлар оқсин донм шарқироқ.

Жарангла гул боғлар маскани диёр,
Омон бўл, кўз нурим қирқ кокилли ёр.

Қанотимда чалай мардликнинг созин,
20 Билиб қўйсин душман, ўзбек парвозин.

Мард қўлда янгратиб кураш танбурин,
Ёв бошига қуяй қўшин ёмғурин.

Халқлар оиласин бузолмас душман,
Дўстларга жонимни фидо қилганман.

Мен улуғ ўлканинг озод лочини,
Партия йўл бошлар йўлларнинг чини.

МАРД ЙИГИТЛАР ҚАНОТИ

Табиатга қирқ градус ҳокими мутлақ,
Будённийча суворийлар бошладилар жанг.
Ҳатто кишнаш қотар эди кўкда муаллақ,
Ўша куни ёвнинг ҳоли жуда эди танг.

Қийқириқдан кўк гумбаз-да қулоқ беркитган,
Ярқираган қиличлардан чок эрди фазо.
Тулпорлар ҳам ёвни тишлаб кўкка ирғитган,
Ёвга ажал соқий эди, бодаси — қазо.

- 10 Қамиш қулоқ, ўмови кенг, қуйруғи қалам,
Тикилганда отилади ўтлар, чақмоқлар.
Сакраганда юзлаб фарсаҳ — худди бир қадам,
Сайхасидан еру кўкка тушар титроқлар.

Қора, ўсиқ киприкларни остида сузгун,
Машъал каби порлар бир жуфт чағир сурма кўз,
Ел тараган ёли худди қоп-қора тутун,
Манглайида оқ қашқаси — Муштарий юлдуз.

- Дарё кечса туёғига илашмайди нам,
Гўё фалак денгизида уч-тўрт кунлик ой.
20 Забардастлар қилич чопур, айил мустаҳкам,
Бошларига соя солур бахт қуши — Ҳумой.

Ерни босмас туёқлари душман бошида,
Ҳар тепкиси ёв юзида лаънат тамғаси.
Уйиб кирган кўкрагида, ичу тошида
Олтин тақа, олмос михнинг ўткир қирраси.

Тоғ устига тоғ мингандай ҳисобсиз кўп мард
Қор устида қонли палос босиб бормоқда.
Ҳар зарбада минглаб фашист гавдаси гард-гард,
Ҳар арғумоқ минган — ёвнинг сафин ёрмоқда.

- 30 Ер оташин, кўк оташин, жаҳон оташин,
Отилган ўқ, оташпора каби чопар от.

Миномётлар нафас олур мисоли яшин,
Душман умри қил устида, дўстларда ҳаёт.

Шул дамда бир тулпор ўтди бори сарсардек,
Бул от билан фахр этарди майдон мардлари.
Қадамлари санчилади тошга ханжардек,
Бир кўргандек бўлдик қараб, бундан илгари.

- Уни минган тоғдек йигит, ажойиб ўғил,
Кўринади жабҳасидан мардлик нишони.
- 40 Минг кўрсанг ҳам ҳеч тўймайди кўз билан кўнгил,
Кимки кўрса деюр буни — одамнинг жони.

Совуқ ўтмас, сув ҳам ўтмас кийган эгнидан,
Қуйиб қўйган совут янглиғ йўлбарс пўстини.
Қоматига олмос қилич жуда ярашган,
Қулоч ёзиб қучоқлайди биздек дўстини.

Муҳаббатнинг улуғ бахти мавж урди, тошди,
Юзимизда шодлик тери — гавҳар доналар.
Ширин тилда зафарлардан бизга сўз очди:
«Саломатми,— деди,— бизнинг ота, оналар?»

- 50 Соғлиқларин баён этдик меҳрибонларнинг,
«Сизлар учун ишламоқда,— дедик,— кекса, ёш».
Сўраб қолди яйраб ўсган гулистонларни,
Бизлар дедик: «Нур сочмоқда тобора қуёш».

Биз кўришган бу азамат, лобар қаҳрамон
Халқи севган, ватанпарвар озод инсондан;
Номи экан Баҳром полвон, юрти — Андижон,
Энг атоқли фарзанд насли Ўзбекистондан.

- Бу майдонда иш кўрсатган филдай арғумоқ,
Зар қуёшли гўзал юртнинг тулпорзодаси;
- 60 Уни боққан ўзбек элда серҳосил тупроқ,
От боласи жанг кунининг шунқорзодаси.

«Яша!», дедик от эгаси Рустам нишонга,
«Бошинг тошдан бўлсин», дедик қашқа жийронни.
«Душман бошин узиб олиб, ирғит осмонга,
Омон бориб кўргил яна озод гулшанни».

Тилагимиз қабул қилди, сакраб кишнади,
Жиловини қўйгач учди шамолдан тезроқ.

Тилла даста, олмос дамли қилич ушлади,
Устидаги Алпомшдан эди кўркавроқ.

70 «Яша,— дедик,— ўтдан қайтмас ўзбекнинг оти,
Кишмиш сенинг емишингдир, кумуш лажоминг.
Бу майдонда мард йигитнинг синмас қаноти,
Тарихлардан тарихларга кўчар бу номинг!»

ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАН ЕРДА

- Уфуқда қуюлиб ва сузиб аста
Ер юзин қоплади шу қонли туман.
Ваҳшат қўшинининг оёқ остида
Йиринглар мисоли яраланган тан.
Шаҳарлар хароба, бир уюм тупроқ,
Қишлоқларнинг кули кўкка соврулган.
Бу ерларда қайғу муттасил кезар,
Бу ерда шамоллар тортарди фиғон.
- 10 Бу ернинг водийси, ўрмон, тепаси
Қонли шабнамларга бўкиб ётади,
Бу ердан ҳар дамда чолғи кўтариб,
Мудҳиш шарпа — ўлимнинг ўзи ўтади.
Одамсиз ерларда тентиб юради
Очликдан «ув» тортиб бир тўда кўппак.
Ким ахир, бу мазор, ваҳшат, жимжитлик,
Етимлар бошини қурайди жиндак.
Ҳар ерда сочилган одам сўнгаги,
Қасрларни муттасил қузғун қоплаган.
- 20 Пуштиранг уфқлар кўзга акс этар.
Дарё бевалардай тортади фиғон.
Эй ота-бобомнинг муқаддас ери,
Қайси қўл бошингга бало келтирди.
Қону ёш ичида ўлжа қидирган
Тубан ўғриларга лаънат абадий.
Хўрликка чидама, титра, эй замин,
Шу малъун лашкарни ўз қаърингга ют.
Фашистни қоп-қора қонга белаштир,
То бўлсин бу ерлар душманга тобут.
- 30 Урмалаб, ҳурпайиб мудҳиш жонворлар,
Душман ўнгуридан биз томон келди.
Курашда мадорсиз қолиб охири
Оғзи кўпикланиб, увлайди энди.
Йўқ, ҳайвон, фашист деб номланган жонвор,
Тақдиринг тамомдир, ўласан ифлос.
Ғижиниб олдинга умтилган билан
Шарафсиз нест-нобуд бўласан холос.
Қазо ҳукми шундай, сенга, эй малъун,
Қотилни авф этмас тарих мутлақо.
- 40 Қаро бутинг билан сени одамлар
Ахлат каби қилурлар қаро ерга жо.

САЛОМ ВА ТАБРИК

(Фарбий фронтда «Н» дивизиясининг жангчиларини нишонлаш кунини ўқиб берилган)

Доғули у душман панжасин солди —
Улуғ Ватан таҳлика остида қолди.
Халқим бу малъунга қарши қўзғолди,
Йигитлар камарни боғлади маҳкам,
Арғумоқда айиллар бўлди мустаҳкам.

- Хамелеон сингари минг товланди ёв,
10 Ҳар қишлоқ ўлкамда бўлди бугун гов,
Халқларнинг бирлиги энгишга гаров,
Советлар қўшини юрди илгари,
Тўхтамас, даҳшатли тўлқин сингари.

Кумуш қанотини ёзди лочинлар,
Тўзғиди иблислар, шайтонлар, жинлар,
Тўпимиз миллионлаб ёвни парчинлар,
Қўкда катюшанинг қаҳқаҳаси бор,
Совет қўшинига муносиб виқор.

- Пўлат истеҳкомлар, советский танк
20 Мурдор, ўрмаловчи тўпни қилур танг,
Биздаги шижоат улуғ, ранг-баранг,
Мардлик ҳунаримиз, ботирлик мерос,
Бунга бас келолмас ҳеч қандай ифлос.

Қизил флотимиз омон бўлади,
Гитлернинг аҳволи ёмон бўлади,
Дунёда эрк, озод замон бўлади,
Бу бўлур энг охир ва кескин кураш,
Оламга муттасил қуёш бўлар бош.

- Йигит номи муносиб генералларимиз,
30 Йигитлар, жангчилар сиз-биз баримиз —
Дунёни қилурмиз фашистдан тамиз,
Бизларга Лениннинг ўзи саркарда,
Йиртилур абадий бу зулмат парда.

Ботир кўксингизда порлаган юлдуз,
Оламни қилажак мисоли кундуз,
Чунки бу юлдузда акс этар сўзсиз
Улуғ Кремлнинг дурахшонлари,
Қаҳрамон ўтмишнинг асл қонлари.

Қалбингиз устида ҳилпирар байроқ,
40 Мунаввар, муқаддас, хунин, ярқироқ.
Аслини билмоқчи бўлсангиз бироқ,
Бу байроқ остида жаҳон бўлар жам,
Жаҳон пролетари альон бўлар жам.

Бағрингиз устида Ленин ордени,
Ленин очмиш, демак, сизга бағрини,
Билмоқчи бўлсангиз сизлар сирини,
Халқим атар экан сизни қаҳрамон,
Гитлер армияси қон ютади, қон!

Улуғ айём кунига келдик рўбарў,
50 Дилларимиз тоза мисоли кўзгу,
Бос олдин, тулпорим, чу, азамат, чу,
Нишонлаш кунлари берган бу илҳом,
Ерга яксон қилсин душманни тамом.

Саломат борингиз, қайтингиз омон,
Кўксингизда порласин бир қатор нишон,
Курашда мард бўлинг, ғолиб қаҳрамон,
Улуғ ўзбек халқидан табрик ва салом,
Салом билан шоир Ғафур ал-Ғулом.

СОҒИНИШ

Зўр карвон йўлида етим бутадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш.

Ўзилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид,
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.

- 10 Хоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган,
Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим,
Бир малъун гулшанга қадам қўймишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим.

Унда етук эди мерос мард ғурур,
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди.

- Иблиснинг ғарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
20 Ўғлим омон келади, ғолиб музаффар,
Гард ҳам қўндирмасдан қора қошига.

Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Кутаман узоқдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса ғубор.

Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.
Кўчатлар қоматини эслатганидак,
Нафасин уфурар тонг отар ели.

- 30 Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни — аллакимимни,

Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни.

Балки бир ғалат ўқ, ё хавфу хатар
Ҳазинаи умримдан йўқотди олмос...
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,
Ҳаётини бу олам сизу бизга хос.

- Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
40 Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

Ўроғу гулқайчи, истак кўтариб,
Ҳовримни босишга боққа жўнадим.
Ҳашарчи қўшни қиз — унинг севгани,
Маъюс босар эди орқамдан одим.

Боғда сарвинозим йўқ эди гарчанд,
Кўмакчим арғувон ёринг Нафиса.
Сени соғинганда қилдим гул пайванд,
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.

- 50 Дур бўлиб тақилур ёрнинг бўйнига,
Садафдай кўзимда беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабига
Қўяр. Васвасамдан кулади қуёш.

Асалдан ажраган мумдай сарғариб,
Ини йўқ аридек тўзғиганим йўқ.
Улуғ эътиқодда ўламан қариб,
Абаддир ленинча падарий ҳуқуқ.

- Сизларни, келди, деб эшитган кунни,
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда
60 Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,
Ғалаба кунлари яқин албатта.

Яёв, кўксим очик, бошда шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор.
Ҳар битта шафтолу мисоли кулгу,
Шафақдай нимпушти, сарин, беғубор.

Суйганинг лабида реза тер каби
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.

Мунчалик мазани топа олмайди
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.

- 70 Е ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг данагин сақла.
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.

Боғда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиз.
Ғолиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.

ХОТИН

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат,
Меҳнат бор, муҳтожлик доим бегона.

Онамсан,

ёримсан,

синглимсан фақат,

Дунёда энг азиз дўстим, ягона.

Онам деганимда, оқсоч, жафокаш,
Мунис ва меҳрибон чеҳранг намоён.

- 10 Сен ахир бағрингда парвариш қилиб,
Кўзимга бахш этдинг кўзгудек жаҳон.

Улғайдим, «Ёр, сенга мубтало бўлдим...»
Кучини кўрсатди шунда ғазаллар.
Ҳазил-ҳазил билан мучаллар ўтди,
Кулмасин комсомол ёшли гўзаллар.

Яшаш орзусини синашга атай,
Ўртоқ тутундиму уйландим, аммо,
Бадавлат чўнтакдан сўм санагандай,
Чуғурчиқ: қиз, ўғил туғдинг, тасанно...

- 20 Онам зотан хотин, ёрим ҳам хотин,
Синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинсдош
Ва булар ҳаётда, меҳнатда бутун,
Дубби Акбар каби бўлдилар йўлдош.

Базмимда шулардек шамим бўлмаса,
Лабимда не лаззат берарди шароб?
Муттасил ҳамёза, ҳаёт бебўса —
Супурги тегмаган хонумон хароб.

- Муҳаббат сурмасин қўшни қизига
Олиб беролмасдан умрда бир бор,
30 Юзинг ҳасратида ҳатто кўзига
Ўргумчак ин қўйган йигитлар ҳам бор.

Эътироф оҳанги яхши жаранглар
Муштоқ юрак билан ростини айтсам;
Сенсиз нашъа бермас гулшанда ранглар,
Ваҳмдир бутун соз, бутун зилу бам.

Севинч йўқ, қайғу йўқ, кўклам йўқ, хазон,
Худди мақолларда айтилганидек,
Сенсиз келажак йўқ, бемаъни жаҳон,
Дарди йўқ кесакдир, ишқи йўқ — эшак.

- 40 Астойдил ҳар эркак — йўлдош, демаса,
Инсоф маҳкамаси судга беради,
Икки дўст қийинни енга олмаса,
Ҳаётнинг чиппакка чиқар омади.

Қийин кунга қолди тоғдай бошимиз —
Бу туман, ёлғон ваҳм ниҳоясида,
Чақмоқдай чимрилди бирдан қошимиз
Ҳар икки чеҳранинг ифодасида.

- Гавризангар бошин чулғаган туман
Тўкилиши мумкин ерга худди ёш,
50 Гитлер қудрат нарвонин кўкка қўёлмас,
Қудуқ чуқурига тушмагай қуёш.

Одам боласига қайта туғилиш,
Кошки бўлолсайди яна муяссар,
(Чақмоқ тош ва оташ топган ақлдай,
Доро, Искандардан эски нақлдай);
Бизнинг бу курашдан, оғирликлардан
Келажакка берар наслимиз хабар.

- Не-не мусибатда қолиб бошимиз,
Не кулфат тортмадик сен билан бирга,
60 Ҳалол, покизадир еган ошимиз,
Минг карра ташаккур пешона терга.

Ҳаётда, меҳнатда, ишқу аламда,
Бутун мазмун билан мен бўлган ўзинг,
Мен Фарҳод аждар-ла олишган дамда,
Қоматинг ханжардир, машъалдир кўзинг.

Ростин айт, бу жангда мен ўлар бўлсам,
Бағри доғ лоладек дилинг ачишар,
Модомики, яшар ҳақиқий башар,
Наслимнинг ҳомийси сен борсан — не ғам!

70 Ватан озод бўлур, серҳаракат бўл,
Арафа кунлари қувонган ёшдек.
Зулматда меҳнатдир очолгувчи йўл,
Кеча ёқасини йиртган қуёшдек.

Бўйига гул ўлчаб ўғил ўстирдик,
Ўғиллар қон кечиб бугун курашда,
Хаёл паришонроқ... айтилганидек
Юрак ҳам озгина ташвишда, ғашда.

Энди кўрибмизми бу оғир кунни,
Йиғлоқи ўз бахтин душмани, ахир,
80 Меҳнат қуёши-ла ёритиб тунни
Қилайлик иблиснинг номин бир пақир.

Меҳнатда тафовут бўлмайди, чалиш!
Трамвай ҳайдашдан қила кўрма ор.
Саодат гарови ҳар қандай юмуш,
Хонзода қизидай ўлтирма бекор.

Душман янчилди, деб хабар бўлган чоғ
Истиғно базмига менинг ишим йўқ,
Бир-бирига очилур қадрдон қучоқ,
Бугунча талтайиш тополмас ҳуқуқ.

90 Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат,
Вафо ҳунаридир, меҳнат одати.
Кетади бошлардан бу соя — ғурбат,
Енгади Партия кураш санъати.

БИЗ ЕНГАМИЗ

Шоҳ асарин тамом қилган рассомдай,
Варақлайман бу чаманлар дафтарин.
Атлас каби улуғ водий устидан,
Учираман дилнинг озод каптарин.

Эҳ, бу ернинг нимасини айтасан:
Хаёлдаги жаннатнинг худди ўзи,
Қатор-қатор кўкка қараб нур сочар,
Колхозларнинг байроқдаги юлдузи.

- 10 Бахтимизга бу йил ҳосил ҳаддан кўп,
Барчаси ҳам фронт учун ҳадия.
Улуғ Ватан жанги борган бир чоқда,
Ботирларга ёзай чандон мадҳия.

Суйган йигит олғи сафда снайпер,
Рапорт берар командирга юзма-юз,
Суйишган қиз теримдаги планин
Бу томонда бажармоқда юзма-юз.

«Ун фашистни якка ўзим ўлдирдим»,—
Шу мазмунда онага хат тегади.

- 20 Штурвалда ботир ушумасин деб,
Она унга иссиқ қўлқоп тикади.

Бу боғларда битган ҳар бир қай-анор,
Ёв бағрига отилажак гранат,
Уни терган саксон ёшли мўйсафид
Жасоратнинг шукуҳин қилур парад.

Фронтдаги каби жасур, мардона,
Юмушга банд биздагилар ҳаммаси,
Ватанимиз ишқи билан юраклар
Оташиндир, ана сўзнинг хулласи.

- 30 Тезу тоза, ҳарбийларча мунтазам
Мўл ҳосилни йиғиб олиш вазифа,

Ҳар бир грамм пахтамыз бу — бир варақ,
Ёвга ўлим ҳукмин ёзган саҳифа.

Биз енгамиз, дўстим, буни яхши бил,
Малъун Гитлер қабрига шу ёзилур:
«Мучали ит, ўзи тўнғиз душманнинг
Улган йили бир минг тўққиз юз қирқ бир»..

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Handwritten marginal notes on the left side of the page.

Handwritten marginal notes on the right side of the page.

«Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» шеърининг дастхати.

БИЗНИНГ КҮЧАДА ҲАМ БАЙРАМ БҮЛАЖАК

Маҳшар ҳаётнинг ҳам чегараси бор,
Зулм занжиридан сўкилар тугун.
Информбюромиз башорат берар:
Муқаддас арафа кунлари букун,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Боғимиз ҳуснида хазон офати
Кўклам ели билан чечак отгувси¹.
Бу хўрлик, ҳақорат, алам кулфати
10 Жаҳаннам қаърига бориб ботгувчи,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Бутун савлати-ла алвон ёзилур
Қатта оилага лойиқ дастурхон.
Қадрдон дўстларга нома ёзилур,
Чунончи: «Бўлинг,— деб,— бизларга меҳмон»,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қрим шароблари жомга қуйилур,
Мусибат кун тўкилган қон билан ёшдек.
Саҳий баркашларда буғланиб келур
20 Украинанинг нони иссиқ қуёшдек,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қизларни қўлтиқлаб келар қаҳрамон,
Кўзларда акс этар ўлмаган бу насл.
Қулоқда «бобо» деб янграйди нидо,
Олтин бешикларда туғар янги фасл,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Йигитлар давра олиб айтурлар қўшиқ.
Ҳижронзада қизлар бўлиб жўр овоз;
Висол кунидир бу ва мукамал ишқ
30 Одамлик шаъни-ла қилади парвоз,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

¹ Фузулийдан (Автор).

Рақслар бошланур, гул ўйин, гопак,
Хунарин кўрсатар қиз, жувон, хоним.
Ширакайф қарсақлар, гулдурос чапак,
Улуғ айём кунидир, қолмас армоним,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Шоир ҳам шеър ўқир завқдан асабий,
Шеърини ўқийди у биринчи бор.
Шеърда Гитлердай итвачча каби
40 Лаънати сўзлардан бўлмайди ғубор,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Ивирсиб базмга кечикиб қолсам,
Ғолиблар афв этсин — бироз узрим бор;
Бисотда йўқ эмас, қийиқ, беқасам,
Бирор кун дам олсин азиз жомакор,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Ғафлат ҳаммомида кирим қолади,
Енгил тортажакман мисоли пардек;
Кўринган дўстларим белим олади
50 Ғолиблар белида олтин камардек,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Жаранглаб червонлар ҳамёндан чиқар,
Қизларимга атаб хина оламан.
О, ранглар...
Ой туғиб, офтоб болқар,
Ҳақиқий ҳафтранг, ҳақиқий чаман,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Кариндош, қондошлар ҳалқасин қоқиб,
Эринмай айтарман: «Айём муборак!»
60 Афв этсин оламнинг посбони эрлар,
Афв этсин ғолиблар, кечиксам андак,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қиёмат куннинг ҳам сўнги бор ахир,
Бўлмагай бу зулмат билониҳоя.
Ватаним тоғ тўйи ғоятда яқин,
Енгажак мутлақо ленинча ғоя,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

АЛВИДО

(Уртоқ Охунбобоев хотираси)

Уясин тарк этган маҳзун булбулдай,
 Чамандан узилган паришон гулдай,
 Орадан йўқолди қадрдон ота,
 Ўзбекка жонажон, меҳрибон ота,
 Улим болишига қўйилди боши,
 Хусуфга учради умрин қуёши,
 Йиғламоқ одатим йўқ эрди, аммо,
 10 Йиғламай бўларми бу мотам аро?

Йиғламоқ қайғуни юмшатар, балли,
 Кўз ёши мотамга берар тасалли.
 Обод Фарғонанинг чаман боғидан,
 Сеҳрли Фарҳоднинг юксак тоғидан,
 Бухоро, Хоразм йироқ ёғидан,
 Қўкламда ўлкамнинг саҳар чоғидан —
 Насимдай нафасинг бизга келажак.

Ҳар азиз кексанинг мушфиқ пандида,
 Ҳалима авжининг энг баландида,
 20 Шеъримнинг шўх сатри, танноз бандида,
 Ҳар уста нотик ҳам орзумандида,
 Сенинг бурро тилинг сўзга келажак.

Ишчи пок уйида олар экан дам,
 Гўё, ер нонини сен билан баҳам,
 Колхозчи ерига қўяр экан сув,
 Кўзгудай бўлади сенга рўбарў.
 Унинг тўқ хонаси сендан миннатдор,
 Бу бахт китобида сенинг имзонг бор,
 Гигант биноларда бу сарвқомат
 30 Қаддингга тавозе қилади албат.
 Қўлингдан ўтмишдир ҳар битта хишти.
 Раҳмат дер ўзбекнинг ўн етти пушти.

Соддаю улуғвор, оддий, аммо ҳақ,
 Муносиб сифатлар сенда, муҳаққақ,
 Бариси сен оша бизларга мерос,
 Бу хислат ҳақиқий коммунистга хос...

- Эй, бизнинг биринчи раиси жумҳур,
Исмингдан ўзбекнинг шаънига ғурур.
Дўстларнинг базмида хандон печ-бапеч,
- 40 Душман қаршисида беомон қилич,
Ёшларга чин падар беради ўғит,
Ёвларнинг бўйинини узишга бургут,
Дилида доимо ягона армон:
«Энг сўнгги фашист ҳам топмасин омон.
Ленинга қадамжо бўлган бу ўлка
Устига тушмасин машъум кўланка,
Советлар Ватани барқарор бўлсин,
Партия байроғи пойдор бўлсин» —
Ниятинг ўринлар, э мушфиқ падар,
- 50 Ўзбек томирида қон юрган қадар,
Бизда боқий қолур мерос — интиқом,
Қиламиз Гитлери тез кунда тамом...
Юртимиз бўлади қайтадан бўстон,
Бу кураш миллион йил тилларда дoston,
Мағрур ва музаффар қабринга келиб,
Тавозе қиламиз икки букилиб,
Жанговар ўғилмиз, биздан бўлгил шод,
Тинч ухла, ғазабга ўргатган устод.

- Севганинг Фарғона, еринг Самарқанд,
60 Сен орзу қилгандек, гуллар неча чанд,
Сен бошлаб, битказмай кетган иморат,
Мўлжал қилганингдай бўлар маҳобат.

- Тезроқ бита қолса, деганинг Фарҳод,
Ширин дostonларда қилар сени ёд.
Ардоқли Тошкент сенга пойтахт,
Бошига нур сочар доим унинг бахт,
Қадрли Ватанинг ва азиз халқинг
Сени ҳеч унутмас, бу ҳурмат ҳаққинг,
Шу Ватан, шу халқинг саодати-чун,
- 70 Умрлар бахтиёр ҳаловати-чун,
Дилингда сақлаган мингларча тилак
Жобажо бўлажак ўйлаганингдак.
Бу ерда сен бизга доимо такрор
Қилганинг қайсики миллатлардан бор,
Яшагай бир-бирга дўст-жонажон,
Эй дили уйғоғу соқит, отажон.
Йўлдош отамиздан айирди ўлим,
Ўз эски ҳукмини буюрди ўлим.
Кўзимиз ёш аро, дилимизда доғ,
- 80 Алвидо, қадрдон ота, алвидо!

ҚАСАМ

Йигирма йил илгари, январь оқшоми
 Батан ўз бағрига падарин кўмди.
 Улуғ тобут ёнида Совет халқининг
 Айтган қасамлари шаксиз, абадий!

Ленин байроғига садоқат билан
 Илгари бошлади Партия устод.
 Халқимиз онтининг жумлаларидан
 Мазмунлар кўтариб қилдик қасамёд.

- 10 Миллатлар биродар, дедик, рост чиқди,
 Улуғ жанг кўрсатди онтининг кучини.
 Бошқа миллат каби ўзбек ҳам олди
 Руснинг қасосини, украин ўчинни.

Бу ўч билан халқлар бирлашиб маҳкам
 Ёвимиз кўксида оча олди доғ.
 Октябрь тонгида ичилган қасам
 Бўлолди халқимнинг қўлида яроғ.

Аҳд-паймон синдириш фашистларга хос,
 Чунки у қасамхўр, мурдор, имонсиз.

- 20 Большевик қасамки, қудрат ва қасос,
 Қолдирар малъунлар тандурин нонсиз.

Большевик халқимнинг айтган сўзига
 Муҳр ва туғродир феълу атвори.
 Ёппа шимарилиб почалар тизга,
 Бошланди қасамёд йилнинг баҳори.

Ғалаба байрами эълон бўлган кун
 Янги жомаларда эллар ранг-баранг.
 Бутун юрт ясанган — усти бош бутун,
 Мақтан, мард халқим, бу сенинг пахтаңг:

- 30 Биз эккан пахтаңинг алвонларидан
 Ғалаба байроғин тўқир Москва.
 Ўзбекнинг ўз сўзли ўғлонларидан
 Миннатдор, тасанно ўқир Москва.

* * *

Яшна, озод Ўзбекистон, шонли эй ўзбек эли,
Гулла эй бизнинг муқаддас сен азиз тупроғимиз.
Тоғларингда эрк қуёши, боғларингда бахт ели,
Олға бошла бизни ҳар чоқ, эй қизил байроғимиз.

Н а қ а р о т:

Биз Ватаннинг эллари-ла бўлғумиз доим иноқ,
Қалбимизда доҳиймизнинг номи порлар субҳу шом.
Эй совет халқи яратган ғолибона Йттифоқ,
Одамизод бахтига қил беҳисоб йиллар давом.

- 10 Шавкату шонингни сақлашга ҳамма ичдик қасам,
Биз баҳодир аскарингиз — ҳар биримиз посбон.
Ҳам яланғочдир қиличлар, ёв агар қўйса қадам,
Бошига қирғин солармиз, жон олармиз беомон.

Н а қ а р о т:

Меҳнатимиз кўрсатиб чўлларга озод эл кучин,
Ғайратимиз бир чароғон ўлкани қилди бино.
Ҳимматимиз қанча дарёлар яратди юрт учун,
Гуллагин, эй жонажон бўстониимиз, сен доймо!

Н а қ а р о т:

ЯНГИ ЙИЛ ҚУШИҚЛАРИ

Янги йил янги бахт айёми келди,
Асл умримизнинг давоми келди,
Қалам тебратингиз бахтли шоирлар,
Ғалабанинг жўшқин илҳоми келди.

Кечалар кумушранг, олам оппоқ қор,
Бу қалин қорларда не-не ҳикмат бор...
Тенги йўқ ҳосилдан бўлиб муждалар,
Қор остида камол топади баҳор.

- 10 Қор остида камол топади баҳор,
Тошқин далалардан тошиб келади,
Қирларни кўтариб, гуркираб, яшнаб,
Тўкин-чочин фасл шошиб келади.
-

Бу кеча жомлардан лимо-лим бода,
Базм дастурхони тамом омода,
Дўстлар соқий бўлинг бизга бу кеча
Дўст юзидек иссиқ тонг йўқ дунёда!

- Зафар шаробидир, дўстлар, бу шароб,
Ёвнинг орзулари бўлмишдир сароб,
20 Бу кеча шерларнинг жасур ҳамласи
Душман галасини қилажак хароб.
-

Шафақдек қирмизи майга тўлса жом
Не учун рубойи ўқимас Хайём?
Азиз умрларга дебоча бўлган
Энг баланд толелар юксалур мудом.

Майда акс этмишдир саҳар кулгуси,
Қуёшга ранг берур юзларнинг туси,
Димоғда эртанги баҳор атри бор,
Бизга қучоқ очар ғолиб келгуси.

30 Бу кеч бахт мадҳига сайроқдир тиллар,
Севинчдан мавжланур оташин диллар,
Мангу галабага комилдир имон,
Бизнинг ҳукмимизда мазмундор йиллар!...

Висол тонг отари — сузгун кўз вола,
Қўлларда фалакдай гулгун пиёла.
Ўпишинг ошиқлар, соат ўн икки,
Ёв қисмати бўлсин ўлим ва нола.

Лаб ўйнаб гўёки каптарнинг пари,
Эл мадҳини йўллар ғолиблар сари,
40 Миллион йиллар бўйи такрор ва такрор
Ўқилур зафарнинг улкан дафтари.

Бошланур янги давр — забардаст кунлар,
Қўзғалур истакка тўлган кўнгиллар,
Ёқутдай лабларга кулгулар сиғмас,
Очилур гўёки қирмизи гуллар.

Хусн тўйда керак, муҳаббат ҳар кун,
Муҳаббат созидан жарангласин ун!
Озод келажакнинг ишончи билан
Салмоқдор йилларга айладик якун.

50 Отлар сувлиқ билан сув ича олади,
Мардлар этик билан сув кеча олади.
Ақлу идрокимиз, куч ва зарбамиз
Душманга кафанбоп бича олади.

Бу йил асримизнинг гўзали бўлур,
Гўё шеърда Бедил ғазали бўлур,
Жаҳонга озодлик ва шон бахш этган
Авлодларнинг бахти азали бўлур.

Висол арафаси, юзлар лоларанг,
Ҳижронзада қошлар ўсмадан таранг,
60 Эллари қутқазган эрлар айш этинг,
Бу йилги жангингиз бўлсин сўнги жанг.

Одам тинчлигининг посбонлари,
Жаҳон гумбазининг чароғбонлари,
Янчинг ўз ичида дарранда зотин,
Гитлернинг балойи ноғиҳонларин.

Кураш ва енгишни севар аслимиз,
Озодлик фаслидир бизнинг фаслимиз,
Ёвни яксон этинг, соҳибқиронлар
Мангу омонликда ўтсин наслимиз!

- 70 Алёрлар бошлангиз, бахт бўлсин соқий,
Қадаҳлардек тўла дил иштиёқи!
Қуёш паймонадек ҳар кўнгил равшан,
Унинг умри каби умрлар боқий.
-

Ҳалол меҳнат ҳалол шаробдай бўлсин,
Ёшликда ёдлаган китобдай бўлсин,
Келинг азиз дўстлар, оппоқ ичайлик,
Шу йил умримизга савобдай бўлсин.

- Интизор келинлар, қадаҳ кўтаринг!
Нигорон оналар, қаҳ-қаҳ кўтаринг.
80 Бу йил келиб етур сиз кутган баҳор,
Зориққан булбуллар чаҳ-чаҳ кўтаринг!
-

Бутун юрт пурвиқор кўтарсин коса,
Азамат пахтакор кўтарсин коса,
Соғлиққа кўтарсин жангдаги шерлар,
Халқига вафодор кўтарсин коса.

- Бу йил сўнгги бобни биткумиз охир,
Берлинда байроқни тиккумиз охир,
Олам гулшанида инсонлар учун
Озодлик чечагин тиккумиз охир.
90 Умр баҳор бўлсин, асло сўлмайлик,
Жангларда енгайлик, мағлуб бўлмайлик,
Ватан иқболига кўтариб қадаҳ,
Оқ ичинг йигитлар, йигит ўлмайлик!
-

Эй Ватан, янги йил муборак бўлсин,
Боғингга саодат гуллари тўлсин,
Она юртим, қутлуғ йигирма ёшинг,
Сенга қасд қилганлар маҳв бўлсин, ўлсин!

- Завқлар кўнглимизни тўлқинлатади,
Бодамизга иқбол шарбат қотади,
100 Оқариб оталар кумуш сочидай
Улуғ ғалабанинг тонги отади.

ҒОЛИБЛАР

(Ўзбекистон пахтакорларининг иккинчи қурултойи вакилларига)

Инсоният ҳуқуқи, ростини айтсам,
Ҳамма одамларга муяссар эмас;
Малъун бўлиб яшашни афзал кўрганлар
Бўлолмас одамзод билан ҳамнафас.

- Одамнинг муқаддас, улуғ меҳнати
Неъмат оламига ёзур дастурхон.
10 Бир тўда ҳаромхўр қуртдан чиримас
Қоинотга нисбатан олмадай жаҳон.

Ўзбеклар, юртим, деб атаган бу ер —
Ҳаёт тилсимининг хазинасидир.
Улуғ коммунага етиш йўлининг
Йигирма йил умри, бир зинасидир.

Одамзод билади муаззам бу Шарқ
Фил бўлса, биз эркин, соғлом кўзимиз.
Ленин йўли билан Партия айтган:
Биз қандай халқмиз-ку, киммиз ўзимиз.

- 20 Биз бундан илгари худди шу ерда
Улуғ ваъда билан ёд қилдик қасам.
Эрнинг зийнатидир — ваъдага вафо,
Ўзбекнинг ўзидек сўзи мустаҳкам.

Қадами нақшидан бўстонлар унган,
Қўли баракатли чоллар нур тўқар.
Ўзбекнинг ўз сўзли бўз ўғлонлари
Гердаийб бу мажлис аро қўр тўқар.

- Ҳижрон ғалабага ўрин бўшатар!
Ҳалол меҳнат файзини толе деб билган
30 Пардоз қутичани, ёр висолини
Меҳнат чаманига айирбош қилган
Санаморасталар, жононлар бунда,
Моҳрўй шеър аро дostonлар бунда,

Даври даврон эрлар жангда ёв қирар,
Машҳури жаҳону давронлар бунда.

Шунчалар тўкилган пешона тери
Умидлар булоғи бўлди охири;
Йигирма йил сиз қилган меҳнат сўнгида
Миллион йил бор бўлур ўзбекнинг ери.

- 40 Бизнинг янтоқлардан ҳалво пишгандай,
Бизнинг қамишлардан шакар тўкилур;
Бизнинг тариқлардан бир тўйган чумчуқ
Жаҳонлар айланиб йироқдан келур.

Чегара билмаган озод қалдирғоч
Ошён топади бўғотимизда.
Иқбол жаннатининг қопудоримиз,
Меҳмонлар жой олур қароғимизда.

- Бу алвон неъматлар дўстларга хосдир;
Ёвларнинг ярашиқ бор «насибаси».
- 50 Биз қуйган тўпларнинг гуркирашидан
Берлинда Гитлернинг ўчар нафаси.

Биз эккан пахталар дўстларга либос,
Ёвимиз бошига мисли бало, ўт!
Фашистнинг кулини кўкка совурар
Ўзимиз ясаган пўлат самолёт.

Ижодкор табиат, меҳнаткаш, ботир
Ғалаба кўрасин уфловчилармиз,
Ёвларнинг калласин сапчадай узиб,
Мурдор чехрасига туфловчилармиз.

- 60 Унумли бу қишнинг қантари оғиб,
Ғалаба йилининг келур баҳори.
Қурултой залида гур келган шерлар,
Яна ўша қадрдон даламиз сари.

Тонг отар-тонг отар бутун дунёга,
Берлин фатҳ бўлди, деб хабар берилар.
Шунда бизнинг меҳнат, ғолиблар билан
Бир сафда туришга ҳуқуқ берилар.

ҒОЛИБЛАР БАЙРАМИ

Укириб тўхтади сўнгги замбарак,
Жаҳаннам худоси қаҳқаҳдан тинди.
Тўрт йил жафо чеккан ватандош ўртоқ,
Бу йилги байраминг муборак энди!

Уфқ меҳробида сўнмаган шамдек,
Ялтираб кўринди Зухро ниҳоят.
Қош-қабоқ ораси тўрт йил сақланган
Умид шабчироғи порлади ғоят.

- 10 Қоя тошларидек халқнинг бардоши
Монолит қудратин қилди намойиш.
Тўфон — қасирғани зўримиз енгиб,
Ваҳшат ғалаёни топди осойиш.

Лениннинг муборак вужуди ётган
Бу тупроқ бўлмади ёвга поймол.
Ленин идеяси — башар қуёши
Зулмат томуғида топмади завол.

- Партия байроғи шафақдай гулгун,
Ҳаётдай абадий, бўлди пешво.
20 Бу байроқ остида бутун одамлар
Шайтанат тахтини ерга қилди жо.

Улуғ рус — халқимнинг улуғ оғаси,
Жаҳон бор, жаҳонча умринг пойдор.
Лочин парваришин топган шунқордек,
Ўзбек алалабад сендан миннатдор.

Жангларда қон кечиб олинган ҳуқуқ,
Йигирма саккиз йил бундан илгари,
Яна қонлар тўкиб устивор қилдик —
Биринчи Октябрь йили сингари.

- 30 Ғалаба байраминг муборак бўлғай,
Тўрт йил уруш қилган ватандош ўртоқ!

Кўнгиллар агарчи лоладек хандон,
Мушибат тамғаси қалб устида доғ.

Орада кимлардир кўринмас. Тингла,
Большевик юракнинг шу тасаллисин:
Ватан озодлиги учун жон берган
Эрларга абадий шон-шараф бўлсин!

Шон ила шарафлар... Бали, интиқом
Жаллодлар устидан ҳукмин юргизди.
40 Эрк учун тўкилган ҳар бир қатра қон
Саодат асрини барпо турғизди.

Асрлар тақдири қўлимиздадир,
Ватан қайта бошдан бўлади обод.
Оташлар ичида енгиб чиқолган
Халқим мўъжизалар қилолғай ижод.

Кеча ғазаб билан юмулган лаблар,
Бугун куйламоқда эрк нашидасин.
Кеча автоматни кўтарган билак
Бугун қўлга олди меҳнат тешасин.

50 Яша, пойдор бўл, Ватан ва Давлат,
Ҳилпира, Партия берган ол байроқ.
Ғалаба байраминг муборак бўлсин,
Тинчликка посбон, меҳнаткаш ўртоқ!

* * *

Афсуски, афсусни қўшиб кўммади
Улимни яратган золим табиат.
Дўстлар қалбимизда тажалло қилур
.

Балоғат кунларин ўтган йиллари
Симоб булоғидай беқарор тошдинг;
Йўлларга кираркан улуғ йўлининг
Барига иккита қўл-ла тирмашдинг.

Шараф қаламини қўлингга олиб,
10 Голиб асримизнинг бўлдинг шоири,
Бинафша бўйидай нафис шеъринг-ла
Муаттарланолади ўзбекнинг ери.

Йигитлик шотисин пояларидан
Тўғри юқорига кўтарилолдинг,
Аргувон қоматинг қазо елидан
На ўзинг, на бизлар кутмасдан
бирдан...

Йўқ, ишонмайман...

Бир йил бўлибдирки, ҳар кун саҳарда
20 Марсиянг айтмакка қалам йўнаман.
Аммо айт-чи, Ҳамид, тирик сўз билан
Қандай сени, ўлди, деб айта оламан?

Ҳали ҳам кел, ўртоқ, Шайх, Уйғун, сен, мен
Кремлга бу кун ҳам ёзайлик мактуб,
Қаторда порласин жонланиб имзонг,
Афсуски, бу ишда чорасиз табиб.

Афсуски, афсусни қўшиб кўммади
Улимни яратган золим табиат,
Дўстларнинг қалбида, халқнинг қалбида
30 Ҳурматдан гулдаста боқийдир фақат...

КУЗ КЕЛДИ

Урушдан қайтган голиб отадек
Қўйни-қўнжи тўлиб сахий куз келди.
Қатор теваларга сепини ортиб,
Мардликнинг юртига етук қиз келди.

Қирқ беш ёшдагидай мош-биринч соқол,
Барваста, меҳрибон, ялангтўш, танти,
Ағдарма этикнинг чанги ҳам қутлуқ
Барака йилдаги хирмоннинг гарди.

- 10 Сумбула сувидай тиниқ манглай тер
Марварид доналар бўлди оқибат.
Чалишмак мезонин ботмонларидан
Юлдуз сон қанорлар тўлди оқибат.

Қуёшга тиф уриб, учди куркунак,
«Кузак яхши бўлур», деган дарак бор
Қирқини бажардинг, қирқ бири — йиғим,
Қани, бир этакни бар уриб юбор.

- Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди
Димоғни шод этар, руҳни саломат;
20 Шарбат-шароблардан сипқорган киши
Тўқсон йил яшайди кўрмасдан офат.

Ишкомлар ёқуту ақиқ хазина,
Қирқ беш ном узумлар осилган атан.
Улма, эй қўли қанд, жафокаш боғбон,
Яшай бер, боғларга чулғанган Ватан.

Қирқуяк ёмғири шивирлаб ўтди,
Чўпон қўчқорларга ташлайди назар.
Келаси кўкламда қўзи кўп бўлур,
Алҳазар, ярамас кўздан, алҳазар.

- 30 Тавротда афсона: бир олма учун
Жаннатдан бадарға бўлганмиш Одам...

Ёпирилиб келинглар, азиз одамлар,
Бу ер одам ери — муқаддас, кўркем.

Бизда олмаларнинг юз беш тури бор:
Розмарин, бильфлёр, жоноқи, кандил...
Олма тақдим этмак муҳаббат рамзи,
Олмада акс этар қонга тўла дил...

Тилими тилингни минг тилим қилган
Қирқмалар боғлади юкин ковғага,
40 Асалжон Шакарров паспорти билан
Бебилет жўнайди дўстга совғага.

Нимтатир шабада, шабнам, бедана,
Чайлага ўрмалаб чиққан сувқовоқ...
Соҳибкор ўзбексан, бу ер полизинг,
Мен эса шаҳарли бир ширин томоқ.

Ёз бўйи уч-тўрт гал ер этагидан:
«Ҳорманглар-ў», — қичқириб ўтиб кетганман.
Бу гал инсоф билан, колхозчи ўртоқ,
Сенга ёрдам учун келиб етганман.

50 Меҳнат кузагининг тўйин файзидан
Қолмагай дарёдил эрлар бебахра,
Яккалай жасорат меваси ирмоқ
Бир қатра бўлса ҳам қуюлар наҳра.

Зумуррад бутоқда, олтин чаноқда
Биллурин май тутар кўркем пахтазор.
Ўз сўзли ўзбекнинг кўклам ваъдаси
Минг карра минг тонна, ҳазор бор ҳазор.

Инжу доналаринг бўлмасин увол,
Чўнтаги тешилган мудроқ заргардек,
60 Қишнинг гулдуросин кутиб ағрайма,
Карнай овозига ишқибоз кардек.

Иккита чаноқнинг пахтасин олсанг,
Энг ози бир ғалтак чийран ип бўлур.
Исрофгар ўз бахтин душмани ахир,
Белинг оғриган-ку, нечук эп бўлур?

Куз келди, ғанимат олтин куз келди,
Манглай осмонига минг юлдуз келди,

Урайлик, йиғайлик, терайлик, дўстлар,
Бир кутган унумдан юз тўққиз келди.

- 70 Элдошлар оғзига бол қуйғувчимиз,
Қондошлар, киясиз янги сарупо.
Ўз сўзли ўзбекнинг ваъдаси битта,
Минг карра минг тонна пахта жобажо.

Ғолиб ватандошим, кеккай, ҳаққинг бор,
Бу карвон юкидир меҳнатинг — меванг.
Шаҳарлар кезади мағрур одим-ла,
Бўйнида қўнғироқ гилампўш теваанг.

ВАҚТ

(Менга соат тақдим этган жияним майор Ҳамидулла Ҳусан ўғлига бағишланган)

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бир нафас олғулик муддат —
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

- Яшаш соатининг олтин капкури
Ҳар бориб келиши — бир олам замон.
10 Коинот шу дамда ўз кўрасидан
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.

Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб, ўтгувчилар бор;
Кўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бир оннинг баҳосини ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг
Барини тутолмас айҳаннос овоз.

- 20 Йигит телмуради қизнинг кўзига,
Киприк сузилиши, майин табассум...
Қўша қаримоққа муҳр бўлади
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.

Яшаш дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам,
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

- Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
30 Барҳаёт Лениннинг авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.

Қатрада осмон акс этганидек,
Жаҳондай маънодор қорачиғимиз.

Ғолиб асримизга қуёшдан машғал,
Замон кўрасининг сўнмас чўғимиз.

Кремль куранти занг урар мудом,
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд;
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,
Бир гигант қурилди шарафли бу пайт.

- 40 Рейхстаг устига Ғалаба туғин
Қадашда отилган Советнинг ўқи —
Ялт этган умри-ла барқарор қилди
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.

Ғалаба амри-ла мағлуб немиснинг
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат...
Шу малъун имзода одамлар ўқур
Миллион йил фашистнинг умрига лаънат.

- Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
50 Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шухрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас,
Қўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улуг бинога бир ғишт қўйсак бас.

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун;
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,
Умрдан ўтажак, ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

- 60 Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
Қуёшки фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

АВВАЛ УҚИ

Кеча ўнинчини аъло тугатдинг,
Қўлингда етуклик гувоҳномаси.
Ипак галстукка энди ижозат,
Йигитга муносиб, йигит жомаси.

Овозинг дўриллар, демак, бу уйда
Иккита эркакнинг шарпаси ҳоким...
Онани бўйгинанинг тасаддуқ бўлиб,
Отани мақтанади:— Таянчим, кўрким.

- 10 Сезаман, оқшомлар мени ухлатиб,
Ўтёсов джазини тинглайсан секин.
Жавондан Мопассан томи йўқолса,
Билиб-билмасликка олишим мумкин.

Қўшнидан келарса жаранглаган сас,
Ҳушингни элитар ишқнинг ғаммози,
Тентагим, бу қизнинг кулгуси эмас,
Жонон пиёланинг янгроқ овози.

- Сени ҳам домига тортмоқ бўлади
Севги деб аталган бу эски шева;
20 Ўзига куёв деб номзод этади
Миллиард йигитлардан тул қолган бева.

Бироқ, вақт эртароқ, сабр қил, ўғлон,
«Шошган қиз ялчимас эрга», деганлар...
Қалинга етгундек бисотинг ҳам йўқ,
Ҳумоюн овлайди шошмас мерганлар.

Улуғ беш йилликнинг қарзи елкангда,
Ҳали ўқилмаган мингларча китоб,
Ҳали институт минбарларидан
Ўнларча олимдан тинглайсан хитоб.

- 30 Фалсафа — Афлотун, илмлар — Сино,
Шеърлар Пушкинни қидирар сенда,

Отага ўғил бўл, яъни хўжа бўл,
Қон-тер билан барпо бу сарзаминда.

Конлар — инженерни, тоғлар — Фарҳодни,
Устасин чақирар тонгги гудоклар.
Кеча ўнинчини тугатдинг... Бу оз,
Том Сойер қиссасин билган гўдаклар.

Шунчалар ўқийсан, бир эмас бир кун
Илмингга бугунги доно қолур лол,
40 Онанг оқ сутини, отанг меҳнатин
Билимдон бошингга бағишлар ҳалол.

Беш йил — аср эмасдир, ғанимат фурсат —
Эндиги юз йиллик умрингга гаров,
Беш йиллаб шогирдлик умринг яшайди
Созга қўшилгунча най бўлиб ғаров.

Дипломсиз умрни — умр ҳам дема,
Озгина билганни, билмадим, деб бил...
Олим ўғил билан отинча келин,
Бир минг тўққиз юзу эллингинчи йил —

50 Марҳамат! Бу уйнинг тўри сизники,
Тўйга келгувчилар мингдан кам эмас.
Биз учун ҳаваснинг умри қариган,
Қамишдан бел боғлаб хизмат қилсак бас...

Кўпчилик айтгандек: киши қариса
Эзма, насиҳатгўй бўлиб қоларкан,
Не қилай, мен ахир улуғ наслимни
Комрон, бахтиёр кўрмоқ бўламан.

Ўғиллар толеини тилаб ҳамиша,
Отанинг билгани яхши дуодир,
60 Сиз қанча донороқ, ғолиб бўлсангиз,
Айни муддаомиз — шу муддаодир.

ЧИН АРАФА

Сахарда чарақлайди осмон тўла юлдузлар...
Толеи тонг отардай, келажаги кўкдай кенг,
Эй, менинг фарзандларим, қундуз қош, қора кўзлар,
Дастурхон атрофига юлдуз каби тўпланинг,
Бугун чин арафадир.

Бугун чин арафадир, ғолиблар ўлкасида.
Кўзгудек жилолансин мурғак кўнгилларингиз,
Бахтингиз қолмасин деб зулмат кўланкасида,
10 Дарё-дарё қон тўкиб, бу кунни келтирганмиз,
Бугун чин арафадир.

Малъунлардан яширган тилсим сандуғингни оч,
Ҳимматинг қанчалар бор, олтин юзли офтоб?
Болаларнинг бошидан аямай зарингни соч,
Энди кулиш — арғанун, қаҳқаҳалардир рубоб,
Бугун чин арафадир.

Шодлик қўшини босди саодат кўчасини,
Гўдаклар жаранглатар ҳайитлик тангасини,
Келинчаклар ахтарар пардоз қутгачасини,
20 Қирқ кокил бўлсин дейди, қистайди янгасини,
Бугун чин арафадир.

Бўлган эдик интизор кўз кўзга тушмак учун,
Ғолиблар қайтган кун, ёр орзуси қонган кун
Шеърый ўхшатиш билан қалбимиздир лолагун,
Айрилиқ унут бўлиб, бир-бирни қучмоқ учун,
Бугун чин арафадир.

Юзимизни ёритди кечаги тўкилган ёш,
Бугун байрам келтирди кечаги ҳажру фироқ.
Бугун бўстон кезади, кеча қон кечган қуёш,
30 Ҳар куннинг файзи бошқа, эрта яна яхшироқ,
Бугун чин арафадир.

Йигитга от келишар, байроқ — ғолиб қўлига,
Қадри баланд инсонга шон керак, шараф керак,
Юз минг кўклам пойандоз арслон эрлар йўлига,
Менинг енгган элимга байрам куни муборак,
Бугун чин арафадир.

Эртага тонг отардан ноғорада зилу бам,
Чалинг, Аҳмаджон ота, навони савти билан,
Сен ҳам шоҳ шеърингни ёз байрамга, Ғафур Ғулом,
40 Фоилотан фаалан, фоилотан фаалан,
Бугун чин арафадир.

ҚОЗОҚ ЭЛИНИНГ УЛУҒ ТҮИИ

Азамат халқ — улкан қозоқ,
Ўзбек элидан қутлов.
Бир туғ ости бирлаштирди
Партия берган ялов.
Бир томирмиз, бир чорвамиз,
Бир қозонмиз, бир олов,
Ўртамизда неъмат тўла,
Дастурхондай кенг яйлов.

- 10 Ўзбек эли — ўз оғам,— деб,
 Утрик сўзламас қозоқ,
 Жекам, десам, жонга тутош,
 Иним, десам яқинроқ.

- Минг йилларнинг дебочаси
Улуғ тўйинг муборак,
Йигирма беш ёшга кирган
Кўркам бўйинг муборак,
Нурга тўла, эркин-озод,
Қутли уйинг муборак,
20 Жондош қозоқ, шон-шарафинг,
Обруйинг муборак.

Тўйбошидир улуғ карвон
Етакчиси Партия,
Мазлум эллар халоскори,
Кўмакчиси Партия.

- «Озод бўлсин,— деди Ленин,—
Мазлумларнинг ҳаммаси».
Парчаланди зулматларнинг
Бизни бўққан қафаси,
30 Сор бургутдай қанотланди
Элларнинг эркин саси,
Кулаш қизнинг овозида
Омонгелди нафаси.

Улуғ оға рус халқига
Умр бўйи миннатдор,
Минг Жамбулнинг умри каби
Умринг бўлсин пойдор.

Минг йилларга бар тутқазмас
Қондошлик тарихимиз,
40 Икки бошга бир манглайдай
Ярқироқ тақдиримиз.
Бир китобнинг икки бети,
Туташгандир еримиз,
Бир-бирова кундай равшан
Аёнимиз, сиримиз.

Қариндошим, туғишқоним
Улкан қозоқсан ўзинг,
Тонготарда эгиз болқар
Ўзбек билан юлдузинг.

50 Олматанинг олмасидай
Қон талашган юзларинг,
Конибодом бодомидай
Қур-қуралай кўзларинг.
Олтой бўркин қинғир қўйган
Қошлари қундузларинг.
Саримойдай сўлқилдогон,
Ғоз ўмровли қизларинг.

60 Ойнабулоқ сувларидек
Бахти бўлсин ярқироқ,
Женгай, десам йироқ бўлмас,
Синглим, десам яхшироқ.

Кечаги дашт ҳаттоки ўз
Исмидан шармандадир,
Жаҳон-жаҳон хазиначилар
Сахий бу Ватандадир.
Манов олтин, манов уран,
Манов Қарағандадир,
Менделеев жадвалининг
Бариси шу кондадир.

70 Қозоқ боши маърифатнинг
Дурраси-ла бойланди,
Чексиз саҳро жавоҳирлар
Сандуғига айланди.

Қуёш ўғли, қуёшдан ҳам
Баракали улкан халқ,
Миллиард тонна арпа-буғдой
Омборлари тўлиқ халқ,
Ёвқур, дадил, жанг кунлари
Оти чайнар сўлуғ халқ,
80 Аҳди маҳкам, бошлар бўлса
Ҳар ишни қилғулик халқ.

Қариндошим, туғишқоним
Улкан қозоқ, омон бўл,
Тиниқликда осмон бўлу
Доимликда жаҳон бўл.

Улуғ тўйинг, қувонаман,
Йўлбарсдай гуркирайман,
Қорабайир ёлларини
Пойгаларда тарайман,
90 Мақтанмайман, чин айтганда
Бир чамалаб қарайман,
Айтисувда Сабит билан
Тортишувга ярайман.

Ўзбек элнинг донг қозонган
Манадай оқиниман,
Жон қозоқнинг оқинларин
Дўстиман, яқиниман.

АҚЛ ВА ҚАЛАМ

Ақл вужудингда ҳокими мутлақ,
Қалам — қалб орқали унга таржимон.
Ақл, қалам камолга етиб олгунча
Саодат асрида яшаб ол, эй жон!

Ақл йўлбошчилик қилолган ерда,
Чўлоқ чумолидек ожиз Геракл.
Эй, мени ўзимга танита олган,
Ленин парваришин топа олган ақл.

- 10 Ҳуррият қалами ихтиёрингда,
Бун сенга берди Қонуни асос.
Бу қалам саодат таржимонидир,
Бизнинг улуғ қонун одамзодга хос.

Халқнинг манфаатин кўзлай олмасанг,
Ватан саодатин ўзлай олмасанг,
Таржимон тилингнинг лол ўлгани хуш —
Ҳуррият мазмунин англай олмасанг.

- Қонуни асосий порлоқ нуридан
Мен қалам эгаси ҳуқуқли башар,
20 То жаҳон борича бизники бўлган
Қонуни асоснинг мазмуни яшар.

Шу улуғ кунларнинг гражданиман,
Ақл ва балоғат жонга пайваста,
Қариб-чуриб ўлгач саодат билан,
Қаламим қабримнинг туғига даста.

ИГИТЛАРГА

Игитлар халқларнинг мақтови — кўрки,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гуркираши, файзи қувончи...

Игит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,
Қалқон бор: қалъа бут, қўрғон саломат,
Қизлар кулгусида авжу даромад,
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

- 10 Игитлик умрининг бир кўкламига
Бир бутун замонни алишсанг арзир.
Арзир, ўз йигитинг қадами учун
Замонлар, кўкламлар бўлса мунтазир.

Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...
Расо қоматингиз бизга асодир,
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

- Сиз ахир, ўлимни юртдан қочириб,
Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз.
20 Сиз ахир, улуғ юрт иқболи учун
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.

Лаънати галалар ердан суприлди
Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан.
Янги жаҳон учун асос қўйдингиз
Ўлимни билмаган жонингиз билан.

Атомлар қуввати пок қалбингизда
Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон;
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат
Сизга таянади, сиздир посбон.

КЎЧАТ

Кеча тўқсон чиқди, наврўзи олам —
Кўчат — келинларнинг тўйи бошланди.
Эй кўнгил куёви, сен ҳам жиға тақ,
Чаман чимилдиқлар муборак энди.

Лолалар базмига борур чоғингда
Бинафша таъзими ёдингда бўлсин.
Кўкламдай мусаффо нафасларингдан,
Уду анбарларнинг қадри тўкилсин.

- 10 Халқимиз тарихлар яратмоқ учун,
Каналлар чиқариб, шаҳар қургандек,
Ширин номинг минг йил тилларда қолсин,
Яхши ният билан бир жуфт кўчат эк.

Ўғил, қизларимиз бўйига етиб,
Ўзи-чун қурганда ошёну бахт,
Шамшоду арғувон хиёбонларда
Саломига чиқсин Тошкент — пойтахт.

МАЙ

Бир йил ўрта умрнинг олтмишдан бири,
Умрдан ҳар дамнинг хуш ўтгани хуш.
Боғ обод бўлгунча йигит қарийди,
Ҳаққи бор боғидан этса бода нўш.

Арзирлик умрдан яна бир кўклам,
Токлар шонасида тақдир этар май.
Тотли ёз, тўкин куз, фароғатли қиш,
Йўқсайди, бир умр қолсанг, майли Май.

- 10 Бугунги кўкламни кетиргунича
Олам кулфат ичра тўрт йил қариди.
Шукурки, толеннинг кўки ёриди,
Манглайдан зулматнинг туни ариди.

Бир олим ўзининг бир йил умрини
Бир кичик винт учун сарф этиб юрар,
Бир она қаҳрамон ўғли мотамин —
Ҳаёт тасаллиси билан унутар.

- Бузуқни тузатиш, барбодни — обод,
Бизнинг халқимизга бўлур муяссар.
20 Йўртмачоқ ўғлондай йиқилиб турди
Ленинград каби бир гигант шаҳар.

Пахтакор ўзбекнинг холис нияти,
Халқим кийинсин, деб айқирар, гурлар.
Йил бўйи шу умид иштиёқида
Тинмайди уйингга буғдой тўлгурлар.

Шоир, ёзмайсанми, қани йил бўйи
Авайлаб асраган бадиа сатринг?
Эй кўнгил ғунчаси, япроғингни ёз,
Майнинг ҳавосига қўшилсин аtring.

- 30 Яна кўклам келди елмай-югурмай,
Токлар шонасида тақдим этар май.
Ўлмас халқ Ватани бўсағасида,
Ғалаба асридир бу Биринчи Май.

ЎЗБЕКИСТОН ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАРИ МАРШИ

Бизлар озод Ўзбекистон ўғил-қизимиз,
Эркин Шарқда порлоқ бизнинг шон юлдузимиз.
Тоза ҳаво, тоза нафас саломат бадан,
Йўлбарс каби кечаси ҳам кўрар кўзимиз.

Мардоналик парадини бошласак агар,
Қизгин қуёш, бошимиздан тўқуб қолур зар.
Келажакнинг ёруғлиги бизнинг қўлларда,
Озод меҳнат, эркин ҳаёт қурувчи бизлар.

- 10 Кеча жангда бирга эдик оға рус билан,
Зўримиздан кўтарилди, янчилди душман.
Бугун ортиқ тинч турмушни бошлаб юбордик,
Салом сенга Партиямиз Ўзбекистондан.

Яша, яша, яша, яша бўл омон,
Яша, яша, яша, ўзбек қаҳрамон.

УҚИ

Уқишни, билишни севгани учун
Мен ҳам ўз қизимни жуда севаман.
Чунки, у билади, ҳамма отадек
Бахтларнинг юкига доим теваман.

Китобинг қўлтиқда, кунни эртага
Биринчи «А» ҳарфин сен ўрганган чоғ,
Уялмай келавер, манглайинг ўпиб,
Сенга ҳам очилгай бу мерос қучоқ.

- 10 Билмак шарафидек юксак зинадан
Одамзод шунчалик кўтарилолди.
«О» ҳарфи, «Д» ҳарфи ҳурмати учун
Одам деган муқаддас номни олди.

Доҳиймиз Ленинни яхши танийсан,
«Л» ҳарфи шундайин ёзилур, ўқи!
Шу улуғ ном билан очилди мактаб,
«М» будир ва бундай ёзилади «Ғ».

ҲУКМ

Ер юзи одамзод туғилган уйдир,
Бу уйда иблисга бўлмаган ўрин.
Иблислар ўлсин, деб ҳукм чиқарди
Адолат судьяси кеча кечқурун.

Золимлар бўғзини пўлат кишандай,
Шунчалар бегуноҳ оққан қон тутди.
Инсонлик ҳуқуқи ваҳшат, зулматни
Ҳаёт курашида ниҳоят ютди.

- 10 Қаро байроғини кўтарди қасос,
Қуюнда тебранур мурдалар мурдор.
Оҳу фиғонларнинг изсиз товшидан,
Зоянинг сочидан ўрилган бу дор.

Учини ололди зўрланган, ожиз,
Маъсум қурбонларнинг покиза руҳи.
Адолат сиртмоғин ҳукмига тушди
Шайтанат сардори, лаънат гуруҳи.

- Етимлар ёшининг қонли тўфони
Малъун вужудларни охир фарқ этди.
20 Зулумот уфқида ўтли шамширдай
Саодат қуёшин тиғи ярқ этди.

Қасос ҳисси билан чанқоқ юраклар
Тарих жазосини дедилар:— Дуруст.
Берлинни забт этган халқим номидан
Ҳукмга қўл қўйди улуғ оға рус.

Руҳингиз шод бўлсин, ғариб, бечора
Овора миллионлар... азиз вужуди!
Дорга ҳалқа бўлди Майданекдаги
Тирик ёнганларнинг интиқом дуди.

- 30 Бир қатор дор билан шарманда бўлди,
Фашизм бешиги бўлган Нюрнберг.

Гитлернинг минбари, Геббельс масжиди,
Жаҳаннам қопқаси мангуликка берк!

Халқим! Омонликда бемалол, озод,
Ҳалол меҳнатингни қилишинг мумкин.
Ерларга кўмилди оҳу фиғон, дод,
Геринг ҳалқумига боғланди тугун.

Тарихнинг ҳукми бу. Унутиб бўлмас,
Миллионлар қонидир ҳар қатра сиёҳ.
40 Жаҳонни қайтадан ташвишга солмоқ
Кўйида юрганлар бўлсинлар огоҳ!

Ҳукм қатъий, тарихнинг ҳукмига улуғ —
Ердаги одамлар чекдилар имзо.
Малъун фашизмнинг қилмишларига
Бу бўлура аёвсиз ва қатъий жазо!

БАХТ ТОНГОТАРИ

Тўлқинларда жилоланур
ой нуридан ҳалқалар,
Қўнолғада кукулашар
бир жуфт тўйин мусича.
Мард йигитга бир кам ўттиз
ёш тўлади бу кеча,
Тонг елида Фарҳод ГЭСнинг
чироғлари чайқалар...

- 10 Туғилганда жаҳонларни
титратган бу зўр айём,
Ҳеч кетмасин қалбдан қувонч,
лабдан кулгу, қўлдан жом.

Қундузойнинг сочларида
қоракўл товланиши.
Марғилоннинг ипаги дер
«уфор»га йўрғаласа.
Мартенларга Оҳангарон
шахтёри ўт қаласа —

- 20 Бекободда ўзбек қўлда
пўлатнинг товланиши,
Бу файз сендан, Партиямиз,
Минг-минг йиллар омон бўл,
Жаҳонга жон, жаҳондай кенг
жонимизга жаҳон бўл.

Бадахшоннинг лаълидандир
тиллақошнинг дурраси,
Еқут кўзлар қуршаб олган
тож-дуррамиз Москва.

- 30 Бухорою Самарқанду
Тошкенту Анжон, Қува —
Шаҳарлардан чароғондир
келинчак ер курраси.
Йўқдан бунёд бу тиришқоқ
халқнинг суйган ҳунари.

Қад кўтарди Оҳангарон билан
Чирчиқ шаҳари.

Гулгун шафақ ранги кўчмиш
Шакархон ёноғига,
40 Шу қизлардир оқ олтинлар
хирмонида миллионер.
Бир иштиёқ билан яшар
миллион аёл, миллион эр,
Ўн бир грамм инжу сиғди
бу йил ҳар чаноғига.
Бу уруғни, уста Канаш,
рост айт, қайдан олгансан?
Ё мағзига большевиклик
илмин эзиб солгансан?

50 Бу ўлкада ким кучлироқ:
одамларми, Амуми?
Қуёш тезда Қизилқумнинг
кўзгусига боқади.
Янги токлар томирида
кузги шароб оқади.
Ўзбексану муддаоинг
бўлиқ ер, айқин сувми?
Шу беш йиллик охирида
барчасига эгасан.
60 Меҳнат сенинг ҳунаринг-ку,
етмай ахир нетасан!

Уста Ширин шогирд олди
Алексей Иванични,
Профессор Нажмиддиннинг
Слонимдир устози.
Менга ёқар арғанунда
Шостакович овози.
Бу ҳаётий қардошликка
асос қўйган Ильични —
70 Бахтли кунлар тонготари:
улуғ руҳи бўлсин шод,
Ғоят мағрур жаранглайди
Мен, деб айтса одамзод.

Шунча узун, манзил-манзил
қўниб ўтар самолёт,
Ҳисобидан адашади
ҳар қандай математик;

Чегарамиз посбонлари
миллион сонли дадил, тик,

- 80 Паҳлавонлар, кечаги жанг
ғолибларики, бургут —
Қараши-ла, тонг меҳнатнинг
тунқотари ўғлонлар.
Қадамига пойандоздир
эндиги шан замонлар.

Узоқ яшаш қадим-қадим
одамларнинг армони.

Тўқсон яшар чол олади
эварага исирға,

- 90 Эндиги умр достонига
тинчлик бўлади жиға.
Элчимизнинг Нью-Йоркда
кеча қилган баёни —
Атомларнинг қувватидан
зўрроқ халқим сўзидир,
Бу сўз бутун одамларнинг
муддаосин ўзидир.

Жондан ёзмоқ иштиёқи
юракка берар мадад,

- 100 Шеър шундай шўхшанлансин,
бўлолмасин ўхшаши.
Фикр кундай равшанлансин,
қоралмасин қуёши,
Обу ҳаво ўйинлари
тилакка бўларму сад!
Гўзал қўшиқ синалади
булбулнинг оҳангида,
Бу галги ишқ товланади
қизил гулнинг рангида.

ТОШКЕНТ

(12 ноябрь, соат 6, тонготар)

Уфқнинг этагида майин қизиллик ўйнар,
Сўнгги кулимсаш билан Зухра ҳам термулади.
Тарновда ўсмир чумчуқ қанотини тузатар,
Кампир ҳовли саҳнида ивирсилаб юради.

10 Майсаларнинг сочига
Қиров қўниб қолибдир,
Булоқнинг ҳоври кетиб,
Лаби тўнғиб қолибдир.

Суворов мактабининг дев қоматли биноси
Секин йиғиб олмоқда асфальтдан кўланкасин.
Подъёмга чақиради фанфарларнинг садоси,
Саша чўткаламоқда шинелининг елкасин.

Фараҳли тонготарнинг
Файзи бор, сурури бор.
Шу кичик юракларда
Кутузов ғурури бор.

20 Расо бир соат бўлди Хадрадан йўлни бошлаб,
Муюлишдан трамвай ғийқиллаб ўтганига,
Осмондаги тўлин ой шафақ аро ёнбошлаб,
Койнот минбаридан юмалаб кетганига.

Укирар Текстилниг
Мағрур, вазмин гудоги.
Узоқ-узоқдан келар
Бўзсувнинг гулдураги.

30 Кўкда қора корвондек аста жилиб бормоқда
Н-нчи заводларнинг мазутланган дудлари.
Нон комбинат печидан буғланиб тарқалмоқда
Тўйинчилик йилларнинг иштаҳали ҳидлари.

Юз тоннали ханпада
Хамирлар гупуради,

Райпишчеторгнинг қизлари
Дўконин супуради.

Аэродром майдонин чулғаган кумуш туман,
Қиймаланиб ўтади қатор пропеллердан.
Ўнлаб оғир самолёт шарқу ғарб, шимол томон
Азму салобат билан ердан кўтариларкан —

40 Олис йўллар шунқори,
Ошноларга салом айт,
Масковданми, Урганчу
Кавказданми омон қайт.

Ўзбек трассасида манглайи тонгни ёриб,
Пахтачи машиналар қатор кетар ғувуллаб,
Пунктнинг хирмонлари қорли тоғдай оқариб,
Ўнгу сўлда қолади бири-бирисин қувлаб.

50 Шаҳарли кўмакчилар
Терим учун йўл олар,
Мазгилгача кузатар
Куркилдак билан Салор.

Вокзалда соат учдир. Москвача интизом,
Терлаб-пишиб, ҳансираб, тўхтади паровоз ҳам,
Тез тушишга шошади йўловчилар беором:
Омон-эсон етдингиз, тўрт кўз тугал, хотиржам.

Бағри кенг ота шаҳар,
Қўноқларга чиқ пешвоз,
Салом бер, қўлга сув қуй,
Йўлнинг ҳордиғини ёз.

60 Кўчанинг у юзида мутахассислар уйи,
Иккинчи қаватида инженер Попов яшар.
Не учундир ўлмади чароғи туни бўйи,
Балки ижод уйқунинг фурсатини талашар.
Рубобий пардаларнинг
Оҳангида тонг отур,
Ҳойнаҳой бир янги куй
Яратди композитор.

Қуёндай ҳуркак, бедор дояларнинг уйқуси,
Юракда доим зовта, ташвишли, аммо кўркем
Тонгнинг мушфиқ қўйнида чақалоқнинг йиғиси,
70 Қуёш билан баробар кўз очди янги одам:
Тинмағур шаҳримизнинг
Субҳида шунча овоз,

Ҳатто туғуруқхона
Бу овозга қўшиди соз.

Кўчада қий-чув қўпди, «Нима гап?»— деб қарадим,
Олмоснинг сиёҳини тўккан эмиш Хадича.

Мактабга кетар эди болалар туркум-туркум,
Соат ҳам саккиз ярим, қаранг-а, ҳа дегунча.

80

Тонг смена алмашиб,
Офтоб ҳам найза бўйи,
Ана энди бошланар
Кундузги меҳнат тўйи.

Бир умрлик севгининг майда жузъндир бўса,
Бир бўсаи субҳнинг қадридек кичик бу шеър.
Сени мақтамоқ учун умрим тонготар бўлса,
Субҳидамдек тотади жонимга сучук бу шеър.

90

Туганмас хазинангни
Тинмай қозганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин.

Бебаҳо Тошкентимиз, наҳоринг кундуздан шан,
Меҳнаткаш, мунис, ўртоқ, қадрдон дўст, эмукдош.
Қиши — ёз, кузи — баҳор, тунн — кундуздан равшан,
Лондон, Париж, Румога алишмайман кўҳна Шош.

Муқаддас Совет элин
Кўркисену бахтлисен,
Шарқда ёруғ дарича,
Ўзбек пойтахтисен.

ОЛТИН МЕДАЛЬ

(10-синф ўғил ва қизларига)

Мармар тусидаги пўлат сандуқда
Балоғат муҳридек ялтираб кутар:
Ҳали қўл тегмаган, жарангли, вазмин,
Зарбдан янги чиққан олтин медаллар..

- Класда шу доно кўзларга боқиб,
Чексиз қувонч ичра сураман хаёл...
Бу йигит, қизларнинг қанча-қанчасин
10 Кутиб турган экан порлоқ истиқбол.

Сизга қарсақларда чиниқди илгим,
Истиқбол сизники, барингизники.
Оламнинг эгаси сиз бўлмайин, ким?
Шундайин оламки, келмаган тенги.

Сизсиз келажак йўқ, сиз ахир халқнинг
Минг йилни кўражак қароғларисиз.
Сизсиз ёрмайди осмонда Зухра,
Замонлар тонгининг чароғларисиз.

- Кўчқор бўлатурган қўзичоқларнинг
20 Манглайи туғилган чоғда дўнг бўлур.
Ғалаба асрининг ўсмирларисиз —
Шербачча қилиғи шердай чўнг бўлур.

Шунчалар билимдон сиёқингиз бор,
Минг ўйлаб, бир сўйлар ўқитувчи ҳам,
Уйда, сиздан олдин бир масалани
«Биламан», дейишга қиладилар шарм.

- Бебаҳо наслсиз, ҳаёт ва меҳнат
Олим қалбингизга сут билан кирган.
Сизнинг хамирингиз шу улуғ халққа,
30 Ватанга муҳаббат билан йўғрулган.

Ваъдага вафоли, ахлоқда мумтоз,
Дўстпарвар, ўз сўзли, ёрига содиқ.

Оталар: «ўғлим», деб тўшини керса,
Қизи бор онага, куёвга лойиқ.

Бахтимиз чароғи, қизлар, жононлар,
Ухшашсиз чаманда кўргизинг жамол.
Хуснинг умри оз, аммо гўзаллик —
Илму маърифатда топади камол.

- 40 Игитлар сараси сизга мунтазир,
«Уйқу жой танламас, муҳаббат — чирой».
Донолик сурмаси билан қарангиз,
Нечоғлик равшандир бу гулшан сарой.

Бу гапга ҳали бор... келаси баҳор
Етуклик паспорти қўлга теккан чоғ,
Учирма боласин кутган лочиндай,
Қатор институт очади қучоғ.

- Беш йил ҳа дегунча ўтиб ҳам кетар,
Сўзингиз мамлакат хирожи бўлур.
Ватан ва давлатга онд кўп ишлар
50 Обрўли фикрингиз муҳтожи бўлур.

Кўк ўлган тоғларнинг муаммосини
Бирингиз геолог эрта қилур ҳал,
Бирингиз Амудан чўлга сув очиб,
Жаҳондай кўзгуга беражак сайқал.

Бирингиз шеърда камолга етиб,
Ишқу сўз мулкани қилурсиз обод;
Шунда ибтидоий бўлса ҳам гарчанд
Менинг ёзганимни қилажаксиз ёд.

- Забардаст, бардошли, қунту ихлосли,
60 Азамат ўғиллар, отинча қизлар,
Сизларга ярашар шу олтин медаль
Келажак уфқида сиздир — юлдузлар.

ТҮПЧИ ЙИГИТЛАРГА

Қоронғу тунда қаҳқаҳдан
Оғирроқ бир заҳарханда,
Гувиллар, гуркирар, даҳшат
Солур кўкларга ҳар дамда;
Жимирлар, депсинур, титрар
Асаб мурдор баданларда,
Тубанлик ер билан яксон,
Кўтарди қаддини инсон,
Шараф-ла порлади олам.

10

Мусибат тунларини
Ярқиратди сизнинг отган тўп,
Саодат уфқида тонглар
Ёритди жонажон, маҳбуб,
Бузуқлик, фаҳшу номардлик,
Фалокат бус-бутун мағлуб.
Жаҳаннамларда ўт сўнди,
Хароботларда гул унди.
Ватан, сен мунчалар кўркам!..

20 Чўзар ҳалқумларин ўт —
Пускуриб қўрқинчли аждарлар,
Катюша оташидан янги
Дунё бошига зарлар,
Њураб Берлинда тожу тахту
Олий қасру мраммарлар,
Тўкилди ерга Рейхстаг,
Ҳавога тўзғиди пардак,
Фашизм масжиди — барҳам.

30 Бағир қалқонларин ёв
Човтига тутган йигитларсиз,
Пўлат, қурч, ўтли ғовдан
Ўқ бўлиб ўтган йигитларсиз,
Бу қонли жангда оғир,
Зўр бўлиб ютган йигитларсиз.

Гурур — ғолибга миннатдир,
Жаҳон шаънига зийнатдир,
Одимланг, кеккайинг бардам.

Қуюн савлат, бўрон тахлит
Ўғиллар ўстиролган халқ,
40 Шукуҳу қудрату меҳнат,
Бу бўлғай; ярқира, ўс, қалқ,
Кремль юдузидек, эй
Қуёш, тонг манглайдан балқ,
Тўлин ой бунда ҳар зарра,
Умр юз карра-юз карра,
Енгилмас ўлкамиз хуррам.

ЎЗБЕК ЭЛИНИНГ ҒУРУРИ

Яна ёли таралур, улоқларда толиқмас,
Шер ўмров, темир туёқ айғир қорабайирнинг,
Яна қадри ошади, онамиздай муқаддас,
Ота-бобо тупроғи ётган азиз бу ернинг.

Яна ўз қудратини эълон қилур жаҳонга —
Аёвсиз ҳарб кунлари енга олган улуг халқ.
Донм шон байроғини кўтаролган осмонга
Довруғидан ер юзи мақтовларга тўлиқ халқ.

- 10 Ўз улуг Ватанига арзигулик хизматин
Ваъдасига вафосин яна қилур намойиш.
Ҳамиша у қўзғалса, бўронлар ҳам қолиб тин,
Океанларда тўфонлар топа олур осойиш.

Уралнинг метин тоғин бриллиант парма тешар,
Бриллиантдан сўйироқ кишининг матонати.
Сўнгги шеърин ёзганда Жамбул эди юз яшар,
Партиямиз ҳурмати — одамлик амонати.

- Донбасс кўмир конлари одамзод бардошининг
Ер қаърида ўйилган монолит ҳайкалидир.
20 Урушдан бир йил ўтмай Днепр куёшини
Қайтадан ёритолган ишчиларга баллидир.

Илму маърифат ҳақи ўн-ўн бешта диловар
Қуюн-суронлар ичра қутбда қолиб қишлар.
Энг кичик ғалаба ҳам барчамизга баробар,
Ватан — бутун мамлакат тикка туриб олқишлар.

Каттакон Ватан экан, юмушлари ҳаддан кўп,
Вазифалар ранго-ранг, меҳнатлари шарафли.
Истеъдодга яраша ҳунарлар жонон, маҳбуб,
Биллури қандақ каби товланар юз тарафли.

- 30 Меҳнатлар гарчанд оғир, аммо дилда иштиёқ,
Баъзан машаққат ичра ҳансираб қолур нафас,

Ота-бободан қолган мақол айтади бироқ:
Машаққатсиз ёрнинг васлига етиб бўлмас.

Ҳар ким ўз ҳунарини севмаса бўлади хор,
Ҳунарнинг қадри доим қунт билан меҳнат талаб,
Ўзбекмиз, ҳунаримиз пахтакорлик — ифтихор,
Обрўмиз кўкдан баланд, омборимиз лаб-балаб.

- Пахтанинг устасимиз, уни биламиз, ҳатто
Чигит тупроқ ичида ниш урганда сасидан,
40 Илк баҳорда ҳавонинг қутблардан тортиб то
Ҳиндистонга етгулик тортган бир нафасидан.

Еримиз ёддош китоб, бунда билим жобажо.
Биламиз мўл ҳосилнинг барча фаслу бобини,
Ҳаётий қондадан сўралганидек гўё
Яшамоқнинг дастгоҳи — меҳнатнинг асбобини.

Бир кафт тупроқни олиб саккиз, ўн етук киши
Тонг отгунча тикилиб, текширган чоғлар бўлур.
Бун кўрган бошқа касб — бу ишдан итик киши,
Билмаймиз, не деб ўйлар, ҳар ҳолда биздан кулур.

- 50 Илк кўклам кезларида уч қулоқ кўчатларнинг
Мурғаккина бўйнига бевақт терилган шабнам,
(Унча-мунча байт — ғазал ёзувчи сифатларнинг
Илҳом париси учун инжу маржон бўлса ҳам)
Япроқни ялагувчи ширалар бўлмасин, деб,
Битталаб силкитамиз, дарров берамиз барҳам.

Бир талай чолларимиз гўёки барометр,
Юз йиллик тажрибалар фанга қуда-қудағай.
Агрономлар буларни ёнидан қўймас сира,
Гўё Ҳамроқул ака Павел Кузьмичга тоғай.

- 60 Бирор баланд оҳангни илғаб қолган бўлсангиз,
Қайси бир соҳибкорнинг ноғиҳон ялласида,
Бир фазилат кашф этди, бир янгилик яратди,
Бир гап бўлди, девуринг, саратон чилласида.

Пахталар гуллаганда колхозларнинг даласи
Кўм-кўк кўкда Сомончи йўлидай мавжланади.
Шунда булбул нағмаси, қизларимиз ялласи,
Ингитларнинг гурури айниқса авжланади.

Гуллар шукуфасидан арилар эмганда зар,
Бу гулшаннинг рассоми, билсангиз, бизлар эдик.

70 Гулпараст, деб атаманг ишимиздан беҳабар,
Шоналар санаб юрган меҳнаткаш қизлар эдик.

Қўшни колхоз ғўзаси олдинроқ тутса шона,
Бутун қишлоққа тарқар бу севинч, янги хабар,
Ешгина қизлар учун келин кўриш баҳона,
Пахта ерин оралаб кезадилар сарбасар.

Қузимизнинг байрами — гулларнинг тамошоси,
Тўла-тўла умидлар шоналарда яширин,
Меҳнатдадир даланинг барча Мажнун, Лайлоси,
Фарҳод ер суғоради, қулоқ очади Ширин.

80 Бойваччалар ўйининг даричаси тубида,
Сопол тувакчаларда ўсган қоқи гул бўлур.
Меҳнатсиз муҳаббатнинг узоқ умри кўпида,
Қоқи гулдай бебақо, оқибати шул бўлур.

Меҳнатсиз муҳаббат йўқ, бизнинг ёшлар билади,
Меҳнати кафил бўлур тўйининг тузигача.
Тўйни икки ойгина тўхтатса ҳам бўлади,
Қизгин ишлар ёзидан фароғат кузигача.

Пахтакорлик шунчалар ота-бободан мерос,
У билан эгизакдир биздаги урфу одат,
90 Пахта учун ғоятда юқори сидқу ихлос,
Худди тирик жон каби тилайдилар саодат.

Ҳар бир туп она ғўза ўзи-чун ошён қуриб,
Бу улуғ мавж ораси, ман, деб кўриниб турсин.
Ҳар битта бўла кўсак қалбдай бемалол уриб,
Кўм-кўк томирларида жони билиниб турсин.

Далаларда чин байрам, бир йўл чиқиб кўрсангиз,
Қизларни юз килолаб пахта терган чоғида.
Марварид доналардан ширмондай бўртади юз,
Гўёки бахт кўтариб келади қучоғида.

100 Бир кило холис пахта чит бўлиб тўқилгунча
Минглаб моки отилур, минглаб урчуқ айланур.
Шу пахта ўсиб-униб, пишиб, терилгунича
Қипригимиз минг карра толаларга бойланур.

Пахтанинг меҳнати зўр, ҳимматимиз ундан зўр,
Қондош эллар олдида юзи шувит эмасмиз.

Юртимиз тинч, ободон, тўйинчилик баҳузур,
Қурдошлар гурунгида биз ҳам соҳиб нафасмиз.

- 110 Яна ёли таралур, улоқларда толиқмас,
Шер ўмров, темир туёқ, чопқир қорабайирнинг.
Яна қадри ошади онамиздай муқаддас,
Ҳар қариши муборак дахлсиз, азиз ерининг.

Яна Байтиқўрғоннинг кўчасида машшоқлар
Нохунлари дам олмай юрадилар тўйма-тўй.
Яна Анжон, Фарғона, Тошкентдаги қишлоқлар
Бу йилги ғалабага ишлайдилар янги куй.

Яна юриб кетади саккиз тепки гул атлас,
Чивиқ беқасамларнинг олағовур бозори.
Колхоз хазиначисин қўли қўлига тегмас,
Танда каби уланур оқшомига наҳори.

- 120 Яна Тошкент — пойтахт кутар қадрдонларин,
Қатордаги норларин, жасур паҳлавонларин,
Етук қиз-жувонларин, азиз отахонларин,
Куз усти меҳмонларин, тан мулкида жонларин.

Яна юксак минбардан большевиклик ваъдаси,
Навбатдаги беш йиллик эндиги йили учун.
Ҳамиша енгиб келган ўзбекнинг анъанаси
Қатор йиллар кўрсатур ўз қудрати, ўз кучин.

ҚОР

(Пейзаж)

Она ғознинг тўши каби юмшоқ қор
Сукут билан қўйилади сарбасар...
Борлиқ вазмин уйқу ичра беҳабар,
Ёки осмон туллаб, тўзғитмоқда пар,
Киприкларнинг момиқлардан юки бор.

- Узоқларга боқар сузук кўзингиз,
Нуқтадай тор қорачиғдан оқар нур...
10 Тала-тузнинг кўркамлиги нур-биллур,
Елкалардан босар енгилтак сурур,
Бир бурда қор салмоғича ўзингиз.

Унутилар олам-олам алвон ранг,
Ёруғликдир коинотнинг энаси,
Санчиб ўтар ҳар учуриқ игнаси,
Сутдай оппоқ боғ-бўстоннинг сийнаси:
Гўё кўклам чаманида ранг — найранг.


- Қор марварид қипиғидай қуп-қуруқ,
Ҳурпанади бир зум олдин босган из.
20 Кўк супраси ёйилгандир теп-текис,
Тўй оқшоми инжу таққан етим қиз;
Мажнунтолнинг маржонида булдуруқ.

Оқ кўзининг сиртидаги баррадек
Эланади зарра-зарра беғубор.
Учиб келиб тушгунича қалтирар,
Кафтга кўниб, эриб титрар, ялтирар,
Еш боланинг мижжасида қатрадек.

- Пора-пора совургандек елларга —
Вафосиз қиз ёр мактубин майдалаб,—
30 Қиров каби қилтириғи тимдалаб,
Қор ёғади тинмай парда-пардалаб,
Бир мунтазам зарб бахш этиб дилларга.

Сутда мойдек сингиб кетган офтоб
Еру кўкнинг поёни йўқ ичида.
Микроскопсиз кўриш ҳам қийин жуда,
Олти қирра қор парчанинг учида
Илғанади қуёшчалар парпираб.

Сомон йўлин эслатади даричам,
Бунда узоқ юлдузларнинг йўқ сони,
40 Ҳар юлдузнинг ўзига хос жаҳони,
Ижод уйин қордай босиқ имкони —
Шеър билан зийнатлади бу кечам...



Гуляму Гафургу
 (Гулямову Гафургу Гулямову)
 в 1946 году присуждена Государственная премия СССР
 второй степени и присвоено звание
 ЛАУРЕАТА ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПРЕМИИ СССР
 за сборник стихов
 «МДУ с Востока»

Государственный Комитет
 по делам печати, телерадиосвязи
 и связи с зарубежьем
 при Советском Правительстве
 СССР

№ 1372

Государственный Комитет
 по делам печати, телерадиосвязи
 и связи с зарубежьем
 при Советском Правительстве
 СССР

(И. Ташев)

18. сентября 1946.

(И. Ташев)

Гафур Гуломнинг СССР Давлат мукофоти билан тақдирланган
 «Шарқдан келаётирман» китобнинг муқоваси ва лауреатлик дипломи-
 1946 йил.

БИРИНЧИ ШЕЪР

Ким эдинг ким бўлолдинг
 Не бор азиз жонингда,
 Эй дил, бергил сарҳисоб!
 Ошиқларга пешволик
 Даъвоси бор қонингда
 Қатрадаги офтоб,
 Камалакнинг товланиши
 Нур баҳсидан ҳикоят.

- 10 Муборақдир туз тотимча
 Ширингина ҳаётнинг
 Жаҳон-жаҳон мазмуни,
 Шу бўлмаса, юлдуз-юлдуз
 Умрли коинотнинг
 Жамулжами — якуни
 Бўлар эди, азизларим,
 Афсонавий ривоят.

- Қор тагида кўклам кутар
 Таъзим билан бинафша,
 20 Ер ухлайди ҳансираб.
 Арпаларнинг намга тўйган
 Иштаҳаси ҳамиша
 Қиёқ чўзар нур сўраб,
 Зарраларнинг томирида
 Яшамоқ намойиши.

- Вулқонларнинг дағдағаси
Атомларда яширин,
Қалбинг билан тингласанг,
Электрик қилга қўшар
30 Дарёларнинг ич сирын.
Аёвсиз ҳаётий жанг —
Қувватдан ранг, ҳаракатдан
Муаммо осойиши.

- Сурур тўла ширин хаёл
Ўрталикда гангийди
Ярқираган бу оқшом.
Рентген каби мағзи-мағзи
Устихонга сингийди
40 Ҳоври чиқиб турган жом.
Эски йилдан боқий қолди
Беш минутлик уч юз зарб.

- Қатрадаги офтобу
Заррадаги вулқондек
Ҳар зарб умр билан тенг.
Биз яратган бу оламнинг
Ҳар ғишти бизга жондек,
Жонимиз жаҳондан кенг,
Юрагимнинг ҳар бир зарби
Арзир бўлса унга сарф.
50 Янги йилни қаршилаймиз,
Ёр-жўралар, бу кеча,
Лаб бўсага интизор,
Эски йилнинг ижод, меҳнат
Дағдағасидан анча
Келар йилга ёдгор
Товус пари қўйилганча
Чала қолган китобдай.

- Хаёл ўйнар чаманларда
Бу муҳаббат нотаом,
60 Кутади Фарҳодини,
Ҳаво бунда эритилган
Зумрад каби дилором,
Қўмсайди Беҳзодини,
Қайноғини тиндиришга
Уста талаб гулобдай...

Эҳромларнинг салобати,
Навойнинг ғазали,

Арасту фалсафаси
Бўлолмагай етукликнинг
70 Намунаи азали.
Асрдошлар нафаси —
Минг йилларнинг ҳавосини
Уфуришга етгулик.

Кечагина ғалабамиз
Нишонланган қаттол жанг
Тоқатларнинг синоғи,
Ҳалок бўлган бир солдатнинг
Кўйлагидек лола ранг
80 Минг «Шоҳнома» достонини
Қонлар билан битгулик.

Аждар кўзи каби порлар
Минг қиррали шарора —
Фарҳод ГЭС чароғлари.
Ўзбек эли меҳнат билан
Нур отига сувора,
Сирдарё қирғоқлари —
Куллиётдан бир жилд тарих
Ўқимоққа тап-тайёр.

90 Темур қурган «Оқ сарой»да
«Ишратхона» қизимас,
Бу қиссадан алҳазар,
Киприкдаги сурмача ҳам
Соф кўкраги кир эмас
Археолог Муътабар:
— Бир кулолнинг қизиман! — деб
Қилолади ифтихор.

Асл бахтдир туғиб, ўсиб,
Яшаб, гуллатганинг ер —
100 Қариб ўлсанг мазоринг.
Она, бешик, боғу бўстон,
Дастгоҳу манглай тер,
Еринг ва пахтазоринг —
Шону шараф, обрўйинг,
Маърифатинг шундадир.

Юрт саломат, халқ фаровон,
Оила тинч, бор ҳуқуқ —
Одамзодга хос ғурур.

Ўзбекмен, деб кеккайганда,
110 Кенг пешонанг ёп-ёруғ.
Партияга ташаккур;
Бали, ойнинг ярқираши —
Нур булоғи кундандир.

Келинг, дўстлар, вақт ўтмасин,
Меҳнат, истироҳатнинг
Қадаҳини сипқоринг.
Бўса билан иштиёқу
Дилдаги ҳароратни
120 Янги йилдан қудратимиз
Намойиши баҳона.

Муборакдир туз тотимча
Ширингина ҳаётнинг
Жаҳон-жаҳон мазмуни.
Шу замона бўлмасайди
Умрзоқ коинотнинг
Жамулжами — якуни
Сизу бизга бўлар эди
Аттанг каби афсона.

ЯНГИ ЙИЛ ҚУШИҒИ

Боғчамизнинг арчаси,
Ярқирайди дарчаси,
Мунча ҳам ширин экан
Янги йилнинг кулчаси!

Барра пўстин қўзичоқ,
Қўзлари шиша мунчоқ.
Пўлат пружинаси бор,
Турли-туман ўйинчоқ.

- 10 Бир, икки, ўн олти,
Ўн олти деб ким айтди?
Тишим бир тушиб чиқди,
Ёшим саккизга етди.

Олмос, Назми, Нурзода,
Китобимиз озода.
Эрта кўклам бўлади,
Қўшиқ айтар шаббода...

- Лайлак келиб, ёз бўлур,
Қаноти қоғоз бўлур.
20 Аъло ўқувчи қизнинг
Ахлоқи ҳам саз бўлур.

Маржонимни тизаман,
Ўйнаб-кулиб кезаман.
Ленин бобомнинг расмин
Дафтаримга чизаман.

Бизнинг уйда шу кеча,
Радио чалди тонггача,
Шунда келиб Қорбобо
Қутладилар менгача.

30 «Оппоқ қизим», дедилар,
«Юмшоқ қизим», дедилар
«Яхши ўқиб, униб-ўс,
Бахтли қизим», дедилар.

Ўттизгача санайман,
Йигирма ҳарф танийман.
Қулупнай пишгунича
Мактабимдан қолмайман.

Жон арчажон, арчажон,
Янги йил сенга маржон.
40 Бу йил бир йил қўшилди,
Унга кираман қачон?

АВЛОДЛАР

Улуғ Ленин наслининг
Кичкина фарзандисан.
Келажакнинг эгаси,
Фарзанди — дилбандисан.

Гарчанд ҳали кичкина,
Ўн-ўн бир бўлди ёшинг.
Минг йилларнинг кўкида
Болқир сўнмас қуёшинг.

- 10 Манглайнинг толеингнинг
Порлаб турган ойнаси.
Сенинг учун очиқдир
Кенг жаҳоннинг сийнаси.

Тоза ҳаво, тоза сув,
Озод Ватан сеники,
Ёп-ёруғ мактабларда
Илм ва фан сеники.

- Осмонда учар бўлсанг,
Тайёр пўлат қанотинг.
20 Кундан-кунга мавж уриб,
Гуллайди шод ҳаётинг.

Бўйнингдаги галстук,
Алангалайди гулхандай.
Гуллаган мақсадларинг
Бахмал қирда чамандай.

Сенга оға комсомол,
Қўлинг тутиб, йўл бошлар.
Каттакон оилада
Ака-ука, йўлдошлар.

- 30 Сиз икков бахтимизсиз,
Ўлим билмас зўр авлод
Ва сизнинг қўлингизда
Бу Ватан бўлур обод.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН

Ташаккур айтаман азиз умрнинг
Улуғ ва муқаддас чароғбонига.
Шунчалик юксакдир қиймати нурнинг
Мунис, меҳрибондир одам жонига,

Ёруғлик жаҳоннинг бошланғичидир,
Жонини бағишлар нурга парвона.
Сен ёққан чароғнинг машъаласида
Порлади асрлар, замин, замона.

- 10 Ўзбек хонасини ёритмоқ учун
Қуввати етмади шамси самонинг.
Ильич шуъласидан баҳраманд бўлдик
Ўзинг тузиб берган ГОЭЛРОнинг.

Ленин партиясининг пешволигидир
Бахтимнинг камоли, ҳаётим сири.
Чунончи шу онда бахтиёр эмас
Жаҳонда менчалик бағдодий, мисрий.

- Ўғлим Абдуқодир икки ҳарфни
Бир-бирига қўшиб айтолмаса ҳам,
20 Улуғ бобомизнинг азиз номини
Ҳижосиз айтади, мукамал, кўркам.

Эртаги минг йилнинг одамлари ҳам
Табаррук умримни қилурлар ҳавас.
Чунки Владимир Ильич Ленин билан
Замондош бўламан, жондош, ҳамнафас.

Ўзбекнинг уйида доимо шодлик:
— Алло, Москва сўзлар — демак она шаҳр
Қайси бир бечора инсон бор экан
Ленин нафасидан ола олмаган баҳр.

- 30 Ташаккур айтаман азиз умрнинг
Улуғ ва муқаддас чароғбонига.
Шунчалар юксакдир қиймати нурнинг
Мунис, меҳрибондир одам жонига.

КОМСОМОЛ

(Ўзбекистон комсомолининг XI қурултойига)

Ленин партиясининг ўстирганлари,
Азиз авлодларсиз, ўғилларимиз.
Жаҳонда фароғат билан яшамоқ
Қачон мумкин бўлур, айтинг-чи, сизсиз!

Ленин фарзандлари қалбининг кучи
Атомлар сиридан хийли буюқдир.
Бомба овозидан ҳуркович махлуқ
10 Бизнинг замонада фақат кийикдир.

Ўғиллар буютдик, ҳар бирин жони
Коммунизмга фидо бўлиши мумкин.
Бироқ бу жонларнинг ўлмас қиммати
Капитал оламга тушмайди текин.

Отага ҳароми бўлмаган ўғил,
Асил фарзандликни ҳар дам кўрсатдинг,
Ғолиблик ҳиссасин жанг билан олдинг,
Қай тарих бўлолғай бу қудратга тенг!

Даҳшатли дорларга осдилар, кўрдик,
20 Фашизм умридек қисқа эди у.
Яна халқимизнинг ўзиникидир
Замину замона, Волга — она сув...

Мичурин, Алишер, Менделеевнинг,
Ленин бобомизнинг улуғ авлоди,
Сизнинг қўлингизда барбод бўлади
Зулм кўрган бечора дунёнинг доди.

Ғолиб ҳақ олинди, қаттол жангларда,
Ҳарбу зарб кунларин ҳар дами минг боб,
Бу ҳақнинг муфассал ифодасидир
30 Асосий қонун деб аталган китоб.

Бир кунни Ҳимолай тоғига чиқиб:
— «Шунча ожизманми?», дебди Тагуро.

Бир мазмун етмабди унинг фаҳмига:
«Озод одамзодман», демабди, зеро:

Одамлик мазмуни тоғлардан буюк,
Айниқса озодлик нақд хазинангдир.
Сен унинг қадрига етгучи фарзанд,
Асрлар кўзгуси мағрур сийнангдир.

- Тоғдан буюк озодлик қадрин сақламоқ
40 Қуруқ ғурур билан бўлмас устивор.
Шукурки, тепангда Партиянг, халқинг,
Ватанинг, меҳнати, ғолиб ҳаққинг бор.

Ажойиб наслсиз, сиздаги талант
Амулар, Сирларнинг мазмунидан мўл,
Кўкимиз шунқори, еримиз кўрки,
Яша, омон бўлгил, енгган комсомол.

- Шудгорнинг четида, тут соясида
Кўп ширин тотадн меҳнат кулчаси.
Ҳар нон катталиги худди офтоб,
50 Меҳнатсиз умрдир миннат кечаси.

Узоқ-узоқларга кўзингни тикиб,
Ўз умринг баҳсида сурганда хаёл,
Беш йиллик меҳнатнинг поёнларида
Ажойиб келажак кўргузар жамол.

Бу ўз қўлинг билан ғиштини қўйган
Чирчиқ шаҳарида улуғ комбинат.
Бу Фарҳод тоғидан чўзилган симдир,
Ҳар битта томирда ўн минг киловатт.

- Ернинг ўртасида гуркираб кезар
60 Бекобод темирин яққол маҳсули,
Шунчалар фаровон, шунчалар кўркам —
Катта беш йилликнинг ҳар фасли, йили.

Даланг қирғоғидан уқадай ўтар
Пахталар юклаган чексиз карвон,
Сенинг манглай теринг, меҳнати сингган
Ҳар бир дақиқадир пўлат, зўравон.

Сенинг орзуйинг вазмин, маънодор,
Ўз эккан пахтагнинг чигитидай тўқ.
Чунки бу пахтани ўстира олди

- 70 Сенга бахш этилган меҳнатга ҳуқуқ.

Ажойиб наслсиз, сиздаги талант
Минг йилнинг жамулжам мазмунидан мўл.
Гомердан ёд олган, Гейнедан ўзган,
Яша, омон бўлгил, олим комсомол!

Музика бешиги, Штраус ватани,
Оҳанглар бозори қадим Венада
Динора янгратди ўзбек юрагин
Рубобий ҳиссини пианинода.

Ўрта Осиёнинг шарқ факультети
80 Лисонлар, забонлар, тиллар-ла обод;
Матлуба арабча бир шеър ўқиб,
Кеча ҳаммамизни қила олди шод.

Илм амал билан шарофатлидир,
Ўз-ўзига билимдон, бу билим ҳуллол,
Меҳнатинг синггани учун ҳар бошоқ
Оёқ ости бўлса кўринар увол.

Ажойиб наслсиз, сиздаги қудрат
Тоғлардан юксакроқ, зўр, оламшумул,
Бургут ошёнлар қура олгувчи,
90 Яша, омон бўлгил, доно комсомол.

Катта шаҳарларнинг гражданлиги
Сизнинг паспортларга бўлур муборак.
Чунки ўзинг қурдинг, ўзинг яшайсан,
Бунда шербаччалар турмоғи керак.

Аскарсиз, инженер, олимсиз, доктор,
Агроном... хулласи, ажиб наслсиз.
Ватанга биринчи эгатни солган
Совет трактори қолмади нзсиз.

Коммунизм асрин гражданлари
100 Ленин идеясин зарротларисиз.
Каттакон йўлларда кўзингиз чароғ —
Азимкор бир халқнинг зурётларисиз.

Уҳхў... ёза берсам Теодор Драйзер
Ўлим олди қилган васият каби,
«Мен ҳам коммунистман!», дея оларди,
Ярим озод бўлган дунё асабий.

Ленин партиясин ўстирганлари,
Азиз авлодларсиз, ўғилларимиз.
Жаҳонда фароғат билан яшаймиз,
110 Чунки сиз биз билан ва биз билан сиз.

СИЗНИНГ ҲАДЯНГИЗ

Бизнинг уйнинг зийнатлари китоблару гиламлар,
Тирик жонлар намоиши оддий бу оилада.
Бобом каби мағрур турар боғимизда бир терак,
Бибим каби бошимизга ташлайди соя сада.

Онамнинг худ шарпаси бор кўз ёши бу кўзгуда;
Ўтганларнинг азиз руҳи доим бўлсин биздан шод...
Мерос қолган бу бисотда бир гавҳарни сақлайман,
Бу бисотдан олам озод бўлган, оилам — обод.

- 10 Бир бор экан, ҳаёт экан, мўйсафид азиз маршал,
Унинг битта Тошмуҳаммад солдати бўлган экан —
Царициннинг жангларида бир миллионнинг биттаси.
Мен бир миллион берданкадан биттасин сақлаганман.

Уша жангнинг Паулюсни асир қилган қуроли
Бир табаррук бисотимдир.

Биринчи маршалимиз
Тошмуҳаммад деб номланган ўша ўзбек солдатга
Ғолибларнинг қаторида ҳадя қилган экансиз.

ТОНГОТАР ҚҰШИҒИ

«Соғ одам қўшиқни севади»

(Йўлдош Охунбобоев сўзлари)

Сен билан баб-баравар
Уйғонолдим, эй қуёш.
Тонготардан кечгача
Сен ҳар кун менга йўлдош.

Ҳозир мен ювинишим,
Сутни ичишим зарур.
10 Мен нонушта қилгунча,
Сағал юксакланиб тур.

Даричамдан мўралаб,
Китобимни ўқиб боқ,
У ерда Ленин бобом —
Юзингдан ҳам ёруғроқ.

Кейин бирга кетамиз,
Мактабимни кўрасан,
Қатта ойна орқали,
Синфимизга кирасан.

20 Синфимизни сен айлан,
Ўқишларим битгунча.
Аранг тўрт соат ўтар,
Бир бошга етгунингча.

Кейин ўқиб бўламиз,
Бирга-бирга ўйнаймиз.
Қиличу тўқмоқ каби
Ўртоқликни қўймаймиз

Сен ўрнингга кетасан,
Бизда ёнади чироқ.
30 Жон ўртоқ, жоним ўртоқ,
Эртага кел барвақтроқ.

МОСКВА

Маркази оламсан улуғ Москвам
Жаҳон пойтахтим, ҳуқуқим, бахтим.
Шарқлик бир шоирнинг ташаккурини
Қай сўз билан айтай, эй кўҳна тахтим!

- Ҳофизи Шерозий бир кун мақтаниб,
Сурайё юлдуздан қўйгандек нуқта:
«Ғазал гуфтию дур суфти биёу хуш биҳон Ҳофиз
Ба назми ту биафшонад фалак иқди Сурайёро».
- 10 Менинг осийлик шеърим қонида
Кремль юлдузи доим омухта.

Уч соат бурунроқ Тошкентдан салом,
Шоир тонг отарда завқдан асабий,
Великая, непобедимая, живая
Столица советской державы.

Арзи муқаддасни қидирган ийсон
Шу азиз тупроқни қилур зиёрат.
Озод одамзоднинг таянчи сенсан,
Менинг эътиқодим шундан иборат.

- 20 Чунки ишонмаклик ҳурриятини
Уқиб ёд олганман худ офтобдан.
Ҳуқуқи башарий камолотини
Москвада ёзилган катта китобдан.

Мўйсафид умримнинг бошланғичида
Яхши умидларим сендадир чунки:
Муқаддас Кремль деворларига
Бир сиқим тупроғим қўйилса кошки...

- Тириклик чоғимда айтолганим сўз
Гарчанд умрларга қилур кифоя.
- 30 Улимни билмаган дўстларим сифат
Мени ҳам минг йиллар қилур ҳикоя.

Қизил майдонаро улуғ мақбарнинг
Ҳокидир миллионлар кўзига сурма.
Ленин тарбиясин топган инсонман,
Бу сирни капитал аҳлидан сўрма.

Жаҳон Москвадан нурланиб борур
Гўё ерга бирдан қўнгандек қуёш.
Қутб юлдузидек мунаввар бўлди,
Кечаги ўзбекнинг кўзидаги ёш.

- 40 Кўзимиз ёриди кўрдик оламни
Шунчалар жамоли бор экаи ернинг,
Ақл довдираб ҳам қолиши мумкин
Ташаккур айтишга нима ҳам дернинг.

Озодлик истаган ҳар қайси халқ ҳам
Москвага тикар интизор кўзин.
Қуллик занжирида афғор бўлганлар
Мужда деб тинглайди Москва сўзин.

- Инсон саодати ёвуқлашади
Кремль куранти дақиқасида,
50 Шунинг-чун Москва сўзи мўътабар
Эркин кишиликнинг васиқасида...

Маркази оламсан улуғ Москвам
Жаҳон пойтахтим, ҳуқуқим, бахтим,
Шарқлик озод эллар ташаккурини
Қай сўз билан айтай, э кўҳна тахтим.

«МОСКВИЧ»

Москвадан самолёт Тошкентга етиб,
Лолалар устида чеврилар эди.
«Чаманзор оралаб юрган тинмағур,
Бу қайси қўнғиз?» деб дўст сўрар эди.

Сариғу ол, пушти, қўнғир, зангори,
Кўклам ранг дейилса мумкин барисин.
Самолёт парраги ҳар айланишда
Берарди Тошкентнинг кўклам исин.

- 10 Поя-поя тушар ерга самолёт,
Тошкент гулзорлари гулхандаги ўт.
Ерга қўнишга ҳам аяйсан киши;
Гўё синмасин деб балдоқда ёқут.

Гурс этиб, гурс этиб қўндик биз ерга,
— Москвич дўстларим, Тошкент муборак!
Бир йўлчи чучмўма тергали кетди,
Бир йўлчи айтдики: «Олтию чорак».

- Дўстларнинг ҳалқаси тутди узукдек,
— Ассалом алайкум!... — Ваалайкум салом!
20 Ёру дўст, уй ичи, бир-бир ўпишдик,
Шеърнинг охири хулласи калом:

Москвич дўстларни уйга чақирдик,
Дўст дўстнинг ҳамиша меҳмони, ахир.
Икковлон, учовлон, тўртовлон бўлиб,
«Қўнғиз»ларга миндик қатор бирма-бир.

Осмонда биз қўнғиз деган нарсалар
«Москвич» номланган машиналаркан,
Яша, эй Ватаним, мунча гўзалсан!
Визиллаб кетдилар оралаб чаман.

БИЗНИНГ БОҚҚА КЕЛИНГЛАР

(Ғалаба кунининг қўшиғи)

- Узоғ йили қўлим билан
эккан эдим шафтолу,
Бу кўкламда гулладики,
худди бахмал чамандай.
Бизнинг боғда ўйнашайлик,
ҳаво хушбўй, салқин сув,
Чамандагул дўппи каби,
10 катталиги Ватандай.
Уша йили сочим эди —
оқ пиликли жамалак.
Бу йил энди белга тушди,
қошим ойдек камалак.
Дадам омон-эсон келган —
икки йилга тўй қилиб,
Жуда яхши қурчоғим бор,
унга гулдан уй қилиб,
Жон ўртоқлар, бизга келинг,
20 учишамиз ҳалунчак.
Қуда-қуда ўйнашамиз,
келин-келин, келинчак.
Оқшомгача қўл тутишиб,
боқчада ўйнашамиз.
Биз яшаган замоннинг
қўшиғин куйлашамиз.

ЕТТИ ЮЗ УТТИЗ КҮН

Бугун соат бешда тонг отар чоғи
Тўлин ой дарчадан мўралаб ўтди.
Зулмат кечалари нурга алмашиб,
Итлар ойга қараб ҳуриш унутди.

Кечалар умрнинг ярмиси демак,
Умрда зулматнинг фазилати йўқ,
Айниқса, етти юз ўттиз кундирки,
Ғолиблар юртида тополмас ҳуқуқ.

- 10 Жаҳонга жамолни бергувчилармиз,
Миннати қолмаган инсонда ернинг.
Қон билан лолалар ўстирдик, чунки
Табаррук изи бор музаффар эрнинг.

Ота-боболарнинг удумин оқлаб,
Тупроқни пок тутмак одатимиздир.
Бахтиёр умрнинг шаҳаншоҳимиз
Халқимиз бутлиги давлатимиздир.

- Ҳамиша муборак бўлғувси бизга
Дастурхон устида ушатишган нон.
20 Қуёш дастурхони ушалмагандек,
Минг бўлак бўлинмас бу кўҳна жаҳон.

Коинок буюқдир, еримиз гарчанд
Узилган кичкина юлдуз поради.
Хўш, нима қилайлик, лўттибозларга —
Бир нўхат устида қандай чорадир!

Сувда ой нурининг жилваси каби,
Қалбада умидларнинг намойиши бор.
Ажойиб насллар улғайтган халқнинг
Эндиси ўтмишдан топди эътибор.

- 30 Майнинг тўққизида гилос ҳам пишди,
Уни эккан эдик ўтган наврўзи.

Маърифат боғида, ростини айтсам,
Жаҳон боғбонининг ўзимиз, ўзи.

Еру сув, ҳавода бахт топа олган
Икки юз миллионли озод инсонмиз.
Кафтимизда олам сири яширин,
Биз-ла ўчакишмоқ унча осонмас.

Нима гап жаҳонда билгувчи халқмиз,
Ўз давлат ҳукмининг бир ҳижосида.
40 «Ўқлар» давлатини барбод қилолдик,
Етук қудратимиз бир имосида.

Энди, биродарлар, азиз меҳнатнинг
Муқаддас этаги кетмасин қўлдан.
Эргашиб, қўшилиб, жонга жон қўшиб,
Баракат топганмиз Ленинча йўлдан.

Ҳаётда, меҳнатда, жангу жадалда
Қаҳрамон халқлармиз — хулласи калом;
Меҳнат қаҳрамони еттита дўстга
Ғалаба кунда шоирдан салом.

50 Ота-боболарнинг удумин сақлаб,
Тупроқни пок тутмоқ одатимиздир.
Бахтиёр умрнинг шаҳаншоҳимиз,
Халқимиз бутлиги давлатимиздир.

БИРИНЧИ ДАРС

Боғимда жамбил, райҳон
Атиргулнинг сони йўқ.
Уздирмасдан сақлаганман
Сентябрга гулдаста.

Чамандагул, пушти, нимранг,
Гўлос, сапсар, қизил тўқ.
Қучоқ етмас гулдастамни
Кўрган бола ҳавасда.

- 10 Кумуш қулфли чарм папкам
Товланади офтобда.
Буни менга Улуғ акам
Москвадан келтирган.

Буюк Ленин бобомизнинг
Сурати бор китобдан
Кунни эрта варақ очиб,
Биринчи дарс ўқийман.

- Ёз ҳам ўтди, йироқ-йироқ
Қолди лагерь, Чимёнсой.
20 Баракали куз бошланди —
Омбор тўла, уй тўла...

Ғайрат билан ўқиш учун
Биз ҳам кучни аямай
Мактаб сари оқмоқдамиз,
Кўча тўла, кўй тўла.

Ўтган йили биринчида
Билдим ўттиз бешта ҳарф.
Ҳарфлар менинг аскарларим,
Ҳужумга бўлинг тайёр!

30 Иккинчини эгаллашга
Бор зехнимни қилай сарф.
Кундай ёруғ бу синфда
Аталган ўз ўрним бор.

Бу кун ғоят кенг кўринар
Мактабимиз кўраси.
Мингдан ошиқ болаларнинг
Чуввоси кўкдан ошар.

Ҳар боланинг синфдоши,
Қурдоши, ёр-жўраси,
40 Шу ёшгина юракларда
Эндиги олам яшар.

Янги, тоза китоб каби
Синфимизнинг эшиги.
Шафтоли гул юзимизга
Қўш тавақа очилган.

Бу синфдир эрта кунги
Олимларнинг бешиги.
Қадамига гулдасталар
Пойандоздай сочилган.

50 Синфларда бўш парта йўқ,
Мағзи тиқин анордай.
Болалар тинч, ўрталикда
Кезиб юрар интизом.

Ҳар боланинг зийрак кўзи
Электрик фонардай.
Ўқитувчи кулиб кирди.
— Оёққа тур!
— Ассалом!

Биринчи дарс бошланади
60 Олам каби китобдан.
Нур оламиз улуғ Ленин
Ёритган офтобдан.

БИЗНИНГ ҚИЗЛАР

Бор бўлсин совет юрти,
Ер саҳнида бўстондир,
Озодлик талаб бўлган
Халқлар ичра дostonдир.

Ўз бахти, ўз иқболи,
Ўз эркида қизлармиз,
Юрган йўлимиз порлоқ
Меҳнатдан чароғондир,
10 Илму фан билимларга
Қалбимиз тўла кондир.

Гулларга тўлиб-тошсин
Бизнинг бу чаман доим,
Кундан кунга бўл кўркем,
Яшна, яшнагин доим,
Тинчликда омон бўлсин
Ғолиб бу Ватан доим,
Бор бўлсин Совет юрти,
Ер саҳнида бўстондир.

Д Бу юртда озод инсон
Бахт боғига боғбондир.
Шон бирлан, шараф бирлан
Эрта-кеч камолимиз.
Меҳнат-ла, илм бирлан
Порлайди жамолимиз.

Ҳар лаҳза бўлур равшан
Гулдек юзи элимиз.
Бор бўлсин совет юрти
Ер саҳнида бўстондир,
30 Бу юртда озод инсон,
Бахт боғига боғбондир.

МОСКВАМИЗ

Улуф Москвамиз — она бешиги,
Айниқса баланддир бизларга қадринг.
Сен очдинг бизларга бахтнинг эшигин,
Бу толе умрлар мазмунига тенг.

Қувонар оталар ўғил кўрганда,
— Наслимнинг жавҳари, қўлда асом,— деб.
Ўғиллар буютдинг озод Ватанда,
Ҳар бири оламга бир зийнату зеб.

- 10 Сени сақлаш учун биз комсомоллар
Дарвозанг қўриқлаб, қон ва жон бердик.
Гарчанд ҳалок бўлдик, дорга осилдик,
— Яшасин Москва! Ватаним! — дердик.

Асл ўғилларнинг бебаҳо хоки,
Муқаддас девордан эгаллайди жой.
Кимки сени деса, ғолиб Москвам,
Бошига солади соясин Ҳумой.

- Кремль куранти чалади гимн,
Ғурурли кўкракка қуяди оҳанг.
20 Фашизм устига юрган байроқлар
Ҳамиша кўчирди юлдузингдан ранг.

Қизил майдон аро ухлаган зотнинг
Орзусин оқлашга туғилганлармиз.
Улуф ленинизм таълимоти-ла
Жони ва виждони йўғрулганлармиз.

Москвам, гўзалсан, поксан, жонажон,
Сенда Зояларнинг ўлмас ҳусни бор.
Садоқат фарзанднинг айни бурчидир.
Сидқимиз она сут каби беғубор.

- 30 Не бахтдир МГУнинг кафедрасида
Шогирдлик курсиси узра ўлтириш.

Не бахтдир бу илму маърифат билан
Тошкентни Москвача қайтадан қуриш.

Оёғинг толмасдан чиқсанг Помирга,
Ё Маноқ қишлоққа айласанг сафар.
Ҳамиша рўбарў, ёндош, нафасдош,
Говорит Москва — Москва сўйлар!

Одамлар ишончи, озодлар юрти,
Мазлумлар умиди, дўстлар таянчи,
40 Мағрибнинг қопқаси, машриқнинг кўзи,
Жанубнинг қуёши, шимол қувончи...

Саккиз юз йилдирки, шонли байроғинг
Ғалаба чўққиси узра намоён.
Қуёшдай барқарор абадул-абад
Яшайсан, тоинки тургунча жаҳон.

Қутлуғ кун тонгида бахтиёр халқлар
Қатори фарзандинг ўзбекдан салом!
Нақадар яқинсан, нақадар мушфиқ,
Нечоғлик жонажон хулласи калом.

АССАЛОМ

Бир карра синалур толе жаҳонда,
Умр тасбиҳ эмас, ўгрилса такрор.
Ялт этган чақиннинг умри осмонда
Бир мижжа қоқиш-ла топгай эътибор.

Толе синамадик, толе яратдик,
Ўттиз йил жанговар умр ораси.
Муборак бу тонгда овозга эга
Ўзбек халқининг ҳам қўш ноғараси.

- 10 Бир йигит умрича ўтган муддатда
Қирқ чинор ҳаётин яшадик кўркам.
Ҳар дамнинг монолит ҳайкалин қўйдик,
Урал тоғларидек метин-мустаҳкам.

Қуюнлар, ўту сув, яшин, зилзила,
Олий биноларни қилолур барбод.
Аммо, биз асосин қўйган бу олам
Олам сўнгигача қолажак обод.

- Озодлик чанқоғи халқлардан сўранг,
Улуғ Октябрнинг бебаҳо қадрин.
20 Кафе-шантанларнинг сотқин тантинги
Не билгай Сиёмда рикшанинг дардин?

Мен шарқли шоирман, илҳомим уфқи
Куриль оролидан Африкагача.
Фаллоҳлар, кулилар жаҳон орзусин
Ифодаси бордир шеъримда анча.

Қўтир фил сингари беш юз йил яшаб,
Беш юз йил бировга хизмат қилмоқдан,
Бедпай даланинг янтоғин ошаб,
Озод қулонликни афзал билганман.

- 30 Ўттиз йил мобайни олганим ҳақнинг
Кичик бир бўлагин йитиргунимча,

Разолат чоҳига ботганим яхши,
Майли, сассиқ алаф кўрсатсин ғунча...

Инсонга ҳурмат, бу — ўзин танимак,
Муқаддас атамак яшаган ерни,
На қулу на хўжа, на миннат, на зулм,
Муҳтарам санамак пешона терни,

Халқлар дўстлигига қойил ва иқрор,
Ҳуқуқ тенглигига юракдан кўнган,
40 Одамда нечоғлик яхши хислат бор,
Жумласин азамат қалбга касб этган.

Ленин тарбиятин топган халқлармиз,
Тинч меҳнат шиорли, лобар ва эркин.
Ҳуқуқ, Ватанимиз бўлмас поймол —
Буни синаб кўрди немис, япон, фин.

Жаҳонда қанчалик мурдорлик бўлса,
Фашизм номи-ла ҳужум қилганда,
Бир қилич, бир қалқон жангга отландик,
Нечоғлиқ тирик жон бўлса Ватанда.

50 Даҳшат, қасирғалар, ваҳшат ва бедод:
Адолат амри-ла зўр келдик — енгдик!
Оила хотиржам, тўрт кўз ҳам тугал,
Дастурхон устига келганда, энди;

Бир кафтча тупроқнинг исми атому
Ундан жаҳон халқи кўрқмоғи лозим?!
Яъни, Форд, Рокфеллер ё бошқасига
Дунёда бор жонлар бўлмас мулозим!

Бас энди, жаноблар хўп мутадингиз,
Ҳақ-ҳисоб кунни ҳам яқиндир, ахир!
60 Африка, Ҳиндистон, Ироқу Ажам
Теванинг тўшидай бўлди тап-тақир.

Негр қони каби кўпирган Нилнинг
Қуту баракаси қилди сизни тўқ.
Қуллар бозорида оч-юпун элнинг
Нархини қўймоқлик сизники — ҳуқуқ?!

Ҳабаш, Зангиборда, Коф тоғларида
Соядай сургалур мазлумлар, лоллар...
«Демократия», Уолл-стрит
Томуғ қопқачиси бўлган даллоллар!

70 Биллур аквариум олтин балиғи
Лордлар, мусьёлар, синьор, жаноблар,
Тобакай бечора олам кўкида
Қонталаш болқади ойлар, офтоблар!

Яхши ҳам Москва бор жаҳон бахтига,
Халқимиз бирлиги ҳамиша омон!
Вулқон кишанланган, зилзила тинган,
Қуюн бостирилган — муқтадир замон.

Муқаддас Москва бўсағасида
Тўкилган покиза қатра қоним бор.
80 Жангу жадалларнинг ўт кўрасида
Куйиб оруланган ўлмас жоним бор.

Москвани севамиз, чунки Москва
Мазлум Шарқу Фарбнинг халоскоридир.
Москвани севамиз, чунки Москва
Халқларнинг таянчи, ифтихоридир.

Москва бўлмасайди, жаноб Черчилль,
Мен ҳам қулбаччангиз — ҳинду бўлардим.
Москва бўлмасайди, мен ҳам қўтир фил —
Гарданга ғалоғул кишан илардим.

90 Қироллик тожига ўғирлик зийнат
Заҳарханда қилур ҳатто Ҳиндикуш
«Улуғ мўғул» номли машҳур олмоснинг
Тожмаҳал ерида ўрни ҳали бўш!

Москва бўлмасайди, ҳар субҳдамда
Ҳеч ким ўз боғидан гул узолмас эди.
Ватан гулшанидан бизга насиба
Рангу ҳид қаёқда, тикан бас эди.

Оқшомлар ёқилур миллион ватт чароғ,
Қалбда нур йўғрулган ғолиб ташаккур —
100 Сарвиноз экилган хиёбонларда
Ўғил-қизларимиз ишқижон ўқур.

Меҳнат ва муҳаббат, ишонч ва ҳаёт
Наслимиз иқболи учун пойандоз,
Ўттиз йил тотилган ҳар ҳур нафаснинг
Бирига бир миллиард раҳмат десак оз.

Дуруст, виждонлимиз, ақл эгаси,
Геркулес қудратли, инсонпарварлар...

Бор бутун бу хислат кибр бўларди
Ақлда ихтиро бўлмаса агар...

- 110 Бизга бахш этилган зеҳн — маърифат
Атомлар қудратин тасхир этгулик,
Керак бўла қолса, бу она тупроқ
Атом жавҳарларин туғар етгулик.

Оламни қайтадан қурмоққа етган
Ўттиз йил бир бутун умр демакдир.
Зулумот қаърида саргардонларга
Октябрь пешрав бир нур демакдир.

- Нур демак Партия иродасидир,
Жаҳон халқларининг иқболи шунда.
120 Не бахтдир дўстларга «Ассалом!» демак,
Шундай улуғ айём, ёп-ёруғ кунда!

САМАРҚАНД УЧУН

(Ўзбекистон Давлат университетининг 20 йиллик тўйига бағишланади)

Нилий гумбазлари кўк ичида кўк,
Ложувард осмонда чиний кабутар.
«Самарқанд сайқали рўйи заминаст»,
Шарқнинг кўрки бўлган тарихий шаҳар.

- Манглайнинг бир ажин касб этолгунча,
Минглаб жафоларни кечирди бошинг.
10 «Зижи Кўрагоний» секундларида
Кўп карра тутилди кўкда қуёшинг.

Яхши ҳам Москва, рус халқи, Ленин,
Партия қўл тутди — кўтаролдинг қад.
Йўқ эса Мадойин қасри сингари
Тарихдан ўчардинг абадул-абад.

Ёмон кўз тегмасин: шундай бўлганда,
Зарафшон водида бир уюм тупроқ...
Толеинг ёр бўлди, саломат қолдинг,
Умринг коммунизмга боғланди — порлоқ.

- 20 Илму маърифатнинг, фанларнинг шаҳри,
Ўзбек халқи учун Ленинградсан.
Сенда улуғ Ленин таважжуҳи бор,
Ҳамиша озодсан, шансан, ободсан.

Ишқу вафоларнинг «Хамса»син ёзган
Жомий, Навоийнинг асрий нидоси,
Ҳали гумбазидан ғўнғирлаб келур
Олимлар баҳсининг акси садоси.

- Улуғбек юлдузлар сирин фош этиб,
Сўник шам олдида тақдим этди бош.
30 Мазлум Шарқ халқига бўлолур кўзгу,
Топталмас тупроққа тушганда қуёш.

Ўз давлат туғроли, ҳур Ўзбекистон,
Мазлум Шарқ халқига бўлолур кўзгу.

Яша, эй халқимнинг дорилфунуни,
Илму фан манбаи барҳаёт ЎзГУ.

Ватанга — жамоли жаҳон орони
Бергувчи фарзандлар бешиги бу ер.
Шарққа маърифатнинг аниқ юзини
Бениқоб кўрсатган эшиги бу ер.

- 40 Бу ерда Маркснинг, Энгельс, Лениннинг,
Коммунизм асрин илми ўқилур,
Бу ер тонг отарнинг дастгоҳидир,
Инқилоб атласи бунда тўқилур.

Европа устида кезиб юргувчи
Улуғ коммунизм наҳоридамиз,
Умр учун шу шараф кифоя, ахир,
Коммунист инсонлар қаторидамиз.

- Оталар одатин тутиб назарда,
Келтирдим дўстларга атаб гулдаста.
50 Чунки Самарқанд бу ЎзГУ демакдир,
Шоирнинг жони ҳам унга пайваста.

ҚУЕШЧАЛАР ШЕЪРИ

Саъвалар куйлайди тонг отар куйин,
Қалин қор тагида ухлайди кўклам.
Арча атрофида бошлаймиз ўйин,
Ғоятда хурсандман дўстлардек мен ҳам.

Ярим йил аълочи бўлдим ўқувда,
Звеном ичида энг интизомли.
Арча лампочкаси порлар кўзгуда,
Пирожний ошаймиз олча қиёмли.

- 10 Соатлар — кунларни, кунлар — ҳафтани,
Ҳафталар — ойларни туғдирганидек,
Аълочи номимни асло бўшатмай
Синфдан синфга кўчаман тетик.

Бугундан бошланур бизда каникул,
Шовқинли синфлар бир оз олур дам.
Қиш фасли, дарчада қировлардан гул,
Уйимиз хотиржам, қувнаган, кўркам.

- Ота, оналарнинг бебаҳо қадри —
Хурмати жонимиз устига миннат.
20 Шу азиз кишилар меҳнат, шафқат-ла
Биз каби авлодни улғайтди фақат.

Улуғ Ватанимиз осмон бўлса,
Биз уни безаган юлдузларимиз.
Умримиз муттасил бир жаҳон бўлса,
Биз уни порлатган кундузларимиз.

Ҳаётда, меҳнатда, ўқувда доим:
Улуғ Партиямиз ишига тайёр!
Қалбимиз қон тўла, ёқут парчадек,
Кремль юлдузи каби беғубор.

- 30 Яшаймиз ҳаётдан олиб бўсалар,
Умринг найини бизлар чаламиз.
Халқу Ватанимиз қуёш бўлсалар,
Биз бу кенг осмонда — қуёшчалармиз.

ЯНГИ ЙИЛ ШЕЪРИ

Янги йил баҳона — қудратимизнинг
Бир йиллик маҳсулин қилсак сарҳисоб.
Ғолиблар илкига муборак бўлғай
Байроқ ҳам, қилич ҳам, қадаҳ ҳам, рубоб.

Меҳнат, муҳаббатнинг, шараф, номуснинг
Халқимиз қалбида тантанаси-чун
Фараҳли кўкракда ёқут маржондай,
Қўллардан ичқитманг шу ипнинг учин

- 10 Синоқлар олдида элаврамасдан,
Ҳамиша зўр келган советлар халқи,
Жаҳондай пойдор бўлиб абадий,
Яшамоқ манбаи — қуёшдай балқи!

Дўстлик пиёласи тўлсин лиммо-лим,
Соат ўн иккидир, базмимиз чаман.
Ўн икки ойдаги меҳнатларимиз
Яратган муҳайё, мағрур анжуман.

- Базмимиз ёритган шу шабчароғнинг
Симини тортганмиз кеча «Фарҳод»дан.
20 Ушбу нур ўзбекнинг кўзин қароғи,
Фарҳод ГЭС аталган шарафободдан.

Бу шароб жомларга оқиб тўлгунча,
Не етук қизларнинг юзини кўрган.
Бу коса лабларга ета олгунча,
Не тўлин ойларнинг умрини сурган.

Боғу бўстонларнинг мазмуни бунда —
Хуррамлик ёшидай тоза, беғубор.
Бу шароб орқали кучин кўрсатар
Ўзбек деб номланган кекса соҳибкор.

- 30 Шабнам оёғига илиниб қолган
Гулларнинг ҳиди бу, занжирлари бу,

Қиров парчаларга боғланиб олган
Қуёш рангларининг шамширлари бу.

Тамбурда бир зарбнинг уни тинмасдан,
Йиллардан-йилларга кўчар умримиз.
Ватан ошёнди, биз эса чаман —
Чаман ошёнида шоир қумримиз.

- Қани, ҳей, сипқоринг, азизлар, ёрлар,
Қадахни узатар бугун дўстга дўст.
40 — Янги йил муборак!... — Бўса ва оғуш,
Қўшалоқ мағиздай икки тан — бир пўст.

Мардликнинг юзини нурда йўғуриб,
Дўстларнинг кўзига тик қараган хўб.
Севишмак жаҳонда кучли мўъжиза,
Бир-бирга ошиқмиз, қадрдон-маҳбуб.

Маърифат халқимиз ҳунари бўлди,
Китоб рўзғорда ўту сув каби.
Доно авлодларга ҳар варақ қоғоз —
Уйнинг тўридаги бир кўзгу каби.

- 50 Уқилган, ёд бўлган ошно китобдай,
Қадрдон ота юрт, она еримиз
Биз айтган ҳосилни бера олади,
Бор бўлсин биллак куч, манглай теримиз.

Бир йилда умрлар яшамоқ учун
Ҳар соат ўлкамиз бўлолди обод.
Бир минг тўққиз юз қирқ еттинчи йил
Ғалаба асридай қилинажак ёд.

- Кечаги даҳшатлар, уруш, вайронлик —
Капитал аждарин қилмади ёввош.
60 Не ёмон ниятлар билан сақланган,
Атом деб аталган сир ҳам бўлди фош.
Кимда-ким бўлса ҳам, таваккал билан
Халқимни енгмакни қилса бадфикр —
Қадамни дадилроқ қўйишдан ожиз
Муз узра тайғаниб боргувчи сигир.

Истаган бўҳтонни айтиши мумкин
Деворда раҳнадай паришон оғиз.
Дунёни комига юта олмагай
Уолл-стритли беш-ўн ялмоғиз.

70 Ёлғон ваҳималар қўрқита олмас,
Шамолдан денгизнинг манглайи ажин.
Кун кеча халқимиз намоёиш қилди
Нечоғлик қудратин, нечоғлик кучин.

Ўз ерда ўз эккан азиз нонимиз
Улуғ халқимизга қилади насиб.
Бировнинг ҳаққига зомин яшамак
Инглиз лордига эрур муносиб.

Озодлик чанқоғи бўлган инсонлар:
Майли, ҳинд, ҳабашми, хитой халқими,
80 Золимлар панжасин зўр билан қирқар;
Бўғилмас бундан сўнг Шарқнинг ҳалқуми!

Янги йил баҳона — қудратимизнинг
Бир йиллик кучини қилсак сарҳисоб.
Ғолиблар қўлида муборак бўлғай
Байроқ ҳам, қилич ҳам, қадаҳ ҳам, рубоб.

Меҳнат, муҳаббатнинг, шараф, номуснинг
Халқимиз қалбида тантанаси-чун
Сипқоринг, азизлар, дўстлар, ёронлар,
Кўрсатинг асримиз енгувчи кучин!

* * *

Уқилган, ёзилган ва ёд олинган,
Ақлли ҳар сўзнинг садоси бордир.
Ажойиб Ватаннинг фарзандларимиз,
Эритилган шеърдек ҳавоси бордир.

Нафаслар вазндай ўзи мунтазам,
Ўғил, қизларимнинг кўзи қофия.
Юракнинг уришин ўлчамак учун
Икки оғиз сўзнинг ўзи кифоя.

10 Мен сизни севаман азиз фарзандим,
Сиз ахир Нодира, Зебуннисосиз,
Ўзбекнинг шон ила шарафларини
Кўкларга кўтарган Хайринисосиз.

Азиз манглайингиз ҳар тонг отарда
Ошиқлар бахтига бўлсин офтоб.
Кўксингиз шарафли бир йигит учун
Муҳаббат баҳсига очилган китоб.

УЛУҒ АҚАМГА

- Уфқдай қуёш болқиб
 Упган пешона учун,
Еш юрак ошиқади
 ВЛКСМ нишони-чун.
Ҳали ўзим ёшману
 Оламча ғурурим бор.
Чунки бу гўдакликка
 Ленин берган эътибор.
- 10 Партиямнинг йўлдоши
 Улуғ оғам комсомол,
Уттизга тўлди ёшинг,
 Уттиз минг йил омон бўл!
Бўйим чўзилиб қолди,
 Синфимда аълочи.
Акажон, шу нишонни
 Бир тақиб кўрайин-чи;
Албатта ярашади,
 Ўз ўғилмен Ватанга,
- 20 Этигинг кийиб кўрдим,
 Бориб келувдинг жангга.
Ярашади, дедим-ку,
 Ярашади бекўст-кам,
Яъни қаторингизда
 Қад кўтараман мен ҳам!
Еримиз обод бўлур,
 Ота, она шод бўлур,
Бизга қасд қилган душман
 Тез аро барбод бўлур.
- 30 Коммунизм тонгидир
 Менинг ўсиб етганим,
Офтобни эритиб,
 Шу сўзларни битганим.

СИЗГА

(Урта Осие Давлат университети филология факультетида ўтказилган кечада ўқилган)

Мажлисда муборак юзингиз кўриб,
Шоирнинг довдираб қолиши мумкин.
Қайсингиз Алишер, қайсингиз Пушкин,
Қайсингиз Нодира, Ломоносов ким?

- Хато айтмоқдаман, доно авлодлар,
Бу мажлис эгаси сиз ўзингизсиз.
- 10 Эндиги оламнинг ҳар бир мушқули
Ҳал бўлмас муътабар бир сўзингизсиз.

Сиз, ахир, осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тутиб бермайин,
Ақлу балоғатнинг шотуларидан
Юксала берингиз секундлар сайин.

Бир варақ қоғозга беш сўз ёзгунча,
Минг карра ўйлайман сизни, токи бу —
Сиздай доно бола, ўғил, қизларим,
Битта мўйсафидни қилмасин кулгу.

- 20 Сиз, ахир, қутлуғ уй эгаларисиз,
Сиз, ахир, гулханлар хўжаси ўтдек;
Сиз, ахир, гулшанлар яратолғувчи,
Найсон тонготари қутлуғ булутдек.

Ердаги барака қадамингиздан,
Азиз феълингиз-ла олам мунаввар.
Сиз, ахир, бизлардан эндиги минг йил,
Яна минг йилларга бергувчи хабар.

- Қимки юз, кўзини сийлаш истаса —
Бизнинг авлодларга бир назар солсин.
- 30 Ўқиб, ўрганингиз, ижод қилингиз,
Ҳамма душманамиз беҳабар қолсин.

Сиздай ўғил, қизни улғайтган Ватан
Ҳамиша ободу ҳамиша дилшод.
Бизнинг авлодларни туға олмаган
Ўзини танигандан буён одамзод.

Маърифат ярашган пешонангизда
Истиқбол бўсасин аниқ муҳри бор.
Ўз ота, оналар сиз шарпангизда,
Гердаяр, ташаккур, яъни шукри бор.

ГИЛАМ

Бир Мари қизининг тиккан гилами,
Охирги сатрда номин ўқидим.
Юлдузни эритиб, азиз дўстларим,
Шу туркман қизи-чун шеър тўқидим.

Оқшомни ким яхши кўради, дўстлар,
Тонготар чоққача кўзим толиқур.
Умр бошланди, деб ўйлайман тонглар,
Қачонки, зориққан қуёш болиқур.

Чинорлар учида биринчи нурни
Даставвал кўришга кўзим учади.
Қалам ҳам қуёшдек, тез юриш билан
Сатримдан сатримга қараб кўчади.

Малла қўзичоқнинг териси каби,
Баҳор эркалаган айқирувчи сув,
Битта қиз гуллардан тақиб чамбарак,
Ўзи ҳам кулворди ва кулди кўзгу.

Бир Мари қизининг тиккан гилами,
Охирги сатрда номин ўқидим.
20 Юлдузни эритиб, азиз дўстларим,
Шу туркман қизи-чун шеър тўқидим.

СИЁҲДОН

Алишер қаламга қилганда хитоб
Давоти ёдидан кўтарилдиму?
Сиёҳдон, азизим, қора кўзлигим,
Қора тунлар аро ёриган кўзгу.

Сендаги у сиёҳ — йўқ сиёҳ эмас,
Қалбимда қайнаган қип-қизил қоним —
Донгимни оламга ўзинг ёйгансан,
Омон бўл, қолмади дилда армоним.

- 10 Йилларки ухламай иккита шоир —
(Сенинг ҳам шеъримга анча ҳаққинг бор,) —
Оқни қора қилдик — қоғозу қалам,
Ҳар яхши фикримиз бўлди беғубор.

Улуғ жанг кунларин ёзар чоғида
Мардларнинг қонидек дафтарга томдинг.
Лаънати малъунлар номин ёзганда —
«Мен қора эмасман!» дедингу тондинг.

- Шеър тамом бўлди, раҳмат, азизим!
Не қатра сарф қилдинг қуйиб қўяман.
20 Бугун биз икковлон ёзган китоб ҳам
Чиқармиш, табриклаб, суйиб қўяман.

ЎЗБЕКНИНГ ТОМИНИ...

Ўзбекнинг томини томоша қилинг,
Байрам байроғидай яساتган бошин —
Ҳеч қандай уста ҳам тўқий олмайди
Оламнинг мунчалик атлас — қумошин.

Кеча тераклар ҳам ташлаб кучалак,
Туялар туллади, қўзилар маъраб.
Яхши ҳам жаҳонга шоир келибман,
Бу баҳор файзидан қолмадим ганграб.

- 10 Довучча, кўксултон шўх ўғилларнинг —
Ҳар баҳор чоғида эрур эрмаги.
Улар-ку шоҳларда ўйнаб юради,
Менинг манзилимдир дарахтнинг таги.

(Қамич қафасларга мазза кўксултон
Булбулдай илинса, қизғалдоқ томда...
Ҳаммаси яхшию, аммо бувимнинг
Ёқмайди, ювгани мени ҳам жомда).

- Майнами, читтакми, янги кўчатми,
Омон бўл, келажак, менинг ёшлигим.
20 Бир марта ёшликни яшаб ўтганман,
Тилхат бераманки, бор қардошлигим.

Ёшликнинг ҳурмати ҳали кўнгилдан
Ойина зангидек кўчиб кетган йўқ,
Гарчанд ота-бобо айтгани каби,
Ёшлик қайтиб келмас, бир отилган ўқ.

Йўлбарс терисини силаб кўрмаклик,
Тирик йўлбарс учун бўлмас муносиб.
Кошкийди яна ўз вужудим узра,
Ёшликни табиат қилолсин насиб.

ТУШ ИҶИШИ

(Шукруллонинг тушига таъбир)

Туш кўриб келибсан, ўғлим, йўяйми,
Ёмғур баракату қуту нишона.
Камалак кўрибсан, бунинг таъбири —
Етти ранг қуёшу қутлуғ пешона.

- Қалблари покиза дўстларнинг доим
Хаттоки тушлари келади таққос.
Умид кўкламида олма гулидек
10 Шоир шу файзни ҳам ўз шеърингга ёз!

Гулсафсар очилди, қизғалдоқлар ҳам,
Арпа, буғдой бўйи белга баробар.
Йўнғичқа шабнами тўпиқларда нам,
Мол тўйин, юрт тўйин, элга баробар.

Чигитдан хавотир ола кўрмангиз,
Экилди ва унди, кўп жойда чопиқ,
Яъни бу йилги планимизни
Бажармак, узрсиз, бўлур йўл очиқ.

- Ёмғур-ку кўрибсан — халқнинг қудрати,
20 Шундай баракали, енгилмас, ботир.
Камалак кўрибсан, ўзбек элининг
Икки қош ўртаси бир қуёш ётур.

Туш кўриб келибсан, ўғлим, йўяйми,
Ёмғир баракату қуту нишона.
Камалак кўрибсан бунинг таъбири
Етти ранг қуёшу қутлуғ нишона.

- Ҳаёт туш эмасдир, ҳаёт — ҳаётдир
Туш гарчанд, яхшилик кўргузади фол.
Ҳаёлсиз ва фолсиз, тушсиз келажак —
30 Бизда шундақадир порлоқ истиқбол.

БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

1. Янги кун

Янги кун уйғонди, улуғ халқимга
Тонг отар муборак офтобидек.
Шарафли меҳнатнинг субҳидамида
Ери юз минг йиллик ўз китобидек.

- Ердан ўз кетмонда кўчган ҳар тупрок
Ота юрт илмидан гўё бир варақ,
Тонг отар меҳнатин айтганда бироқ,
10 Кўёшнинг тиғидек ҳар дам ялтироқ.

Меҳнатсиз умрнинг тонги отмагай —
Баҳордан бенасиб қуригай кўчат.
Энг азиз фурсатни елга бой бериб,
Тиззасин қучоқлар аҳмоқлар фақат.

Яшагил, кетмоним, қўёшим, ноним,
Бошимга олтиндан қўйдинг чамбарак.
Яшагил, меҳнатим, қувватим, жоним,
Илк тонг саҳардан беролдинг дарак.

- Янги кун уйғонди шудгор оралаб
20 Биринчи чигитни экишим зарур.
Тоинки ўтган йил қиссаси каби
Бўлмайин халқимиз олдида маъзур.

2. Икки «беадаб»

Бир баҳор шеърини ёзмоқлик учун
Талай бинафшани чаккамга тақдим.
Ҳар кўклам, бу гулшан яшнагайми, деб,
Раъно гулларида гулханлар ёқдим.

- Иккита «беадаб»: гул ва наъматак
Кўкламнинг удуми — қилолдим пайванд.
30 Иккита «беадаб»: булбул наъмадак
Сайрабон кетдилар гўё ақду банд.

Колхознинг иккита семиз байирин
Минган икки йигит — икки «беадаб»,
Ишимдан қўйди-ю тўйга чорлади,
Не қилай, бунга ҳам илк баҳор сабаб.

Алвонранг гул эқдим, токи келажак,
Ердаги қуёш бу, десин чаманни.
Номард ўлиб кетсин безамас экан,
Ўзи туғиб ўсган азиз Ватанни.

- 40 Нур томон тил чўзар бунда ҳар гиёҳ,
Қимники жуфт кўрсам, яшай бер, дейман,
Ҳар кўчат ўғлимдек жонимга азиз,
Ердаги неъматни ошайвер, дейман.

Тўпалон Мирзо ҳам минди сўрига
Қуёшда бепарво исинмоқ учун.
Қўлидан нонини Қоплон опқочди,
Унутган эди у суқтой кучугин.

- Иккита «беадаб» муснча келиб,
Ўрик гулларига биқиниб олди.
50 Ўзганинг сирига ошно эмасмен,
Тарновга ин қўйди, тухумин солди.

3. Олмосни уйғотинг

Тонг отиш ҳуқуқин ҳали табиат
Одам боласига бергунича йўқ.
Қизим Олмос ухлар тантиқ, бепарво,
Тўйиб-тўйиб туш ҳам кўргунича йўқ.

- Иккита капалак бир-бирин қувлаб,
Атиргул оралаб ел қоқар қанот.
Саҳархез чоллардан яна иккиси,
60 Бириси: «Шаҳ!» деди, бири қолди мот.

Бешиктоғ орқаси қуёшнинг тиғи
Уфуқ минбарида пушти ранг кулгу.
Бу кулгу боғистон аро кўчгандай,
Гуллар-ла табассум қилди шафтолу.

Болари қайдандир визиллаб келиб,
Олти оёғида олтин этиги,
Шоир айта олмас бугунги тонгнинг
Қанчалар буюқдир аниқ тағ-туғи.

Чаманда аллаким қийқиллаб қолди,
70 Таниш-таниш эмас, бу қай қуш экан?
Қуш эмас, гулқайчи. Нўноқ Хайрининг
Этагин тутибди беш-ўнта тикан.

Тўрқовоқ ичида малла туллак ҳам
Қоқинди, чўқинди, сайраб бир қафас.
Қиш кўрпа бардини токдан учирди,
Кўклам тонг отари, «пуф» деган нафас.

«Олмосни уйғотинг», деди отаси
Агарчи беш карра — беш-ку, жўн ҳисоб:
Ювинди, кийинди, нонуштадан сўнг,
80 Қўлтиқда китобу манглайда офтоб.

ФАРЗАНДЛАРГА

Ёзилди бу шеър баҳор тонгида,
Азиз фарзандларга савғо бўлсин деб,
Токи бир мўйсафид отанинг сўзи —
Эндиги қалбларга дилжо бўлсин деб.

Эндиги умрнинг посбонлари,
Азиз фарзандларим, ўғил, қизларим!
Улуғ Май кунингиз бўлғуси қутлуғ!
Насллар шаънида ўйлаганимда,
10 Бўйингиздан ҳеч насл бўлмади улуғ.

Нью-Йорк, Вашингтон иморатлари
Қаддингиз олдида бўлажаклар паст.
Ҳушёр қалбингизга халал беролмас
Париж шантанидан чиққан битта маст.

Улуғ тарбияда учинчи бўғин,
Ленин, Октябрнинг набирасисиз.
Оламини сиз учун яратиб бердик,
Қолганин баробар қўриқловчи — биз.

Ёдингиз Синонинг ёдидан ўткир,
20 Бирор сўз айтганда, унутмас асло,
Аввалги шеъримда айтиб ўтганман:
Расо қоматингиз — бизларга асо.

Давлату мамлакат, Ватан ва ҳуқуқ
Қачон йигитларсиз бўлур барқарор!
Уйимда тинч-омон ухлай оламан:
Қаторда норим бор, норим бор қатор.

Май уни суйган ёр биллагин тутиб,
Бу гулшан арода кезмак — ҳаққингиз.
Бекорга эмас-ку: кўкрак устига
30 ВЛКСМ деган нишон тақдингиз.

Боғлар, бу бўстонлар, Ватан ва давлат —
Бариси сизники, бари сизники.
Наслсиз, бепадар, бадбахт солимнинг
Не билан тугалур охир таг-туғи!..

Ота юрларининг ўғил, қизлари,
Майингиз муборак қуёшингиздек,
Ўпишинг, кулишинг, ўйнанг, гул тақинг!
Муборак, қутлуғ кун ўз ёшингиздек!

СОЧЛАР

Қариган бошимда сочининг қайғуси
Баъзида оқини, қорасин кўриб...
Баъзида қизим ҳам қирқ кокил ўриб,
Сочини тарайди келмай уйқуси.

Баъзида чаккага қўяди гажак,
Энсам ҳам қотади қилигин кўриб,
Гўёки мен эккан гуллар югуриб,
Боғимни ўради мисли гул — печак.

- 10 Уғлимнинг тарағи кўкрак чўнтакка
Янглишиб тушибди: мендек бўйи бор,
Оёғи мендан-ку бир номер ортиқ,
Жаҳонга қадамни қўймоқ эътибор.

Узр этди Муҳаррам соч ювар чоғда:
— Янглишиб кийибди костюмингизни,
Ўттиз йил ҳидладим мен сочингизни,
Ҳиди гукраб кетди нечун бу боғда.

- Уғил, қизларимнинг сочини силаб,
Бахтини тилайман, доим вақтим чоғ.
20 Аммо тушган тишу сочимни кўриб,
Мендан кулмакдадир эскиган тарақ.

ГУЛ

Бу баҳор тонгида биринчи гулни
Андижон шаҳрида ҳидладим, тақдим.
Бу гулни энг азиз ва зариф дўстим
Мулла Абдулҳамид айлади тақдим.

Енида ғунчаси, япроғи тугал
Бу гулни китобга солиб қўйганман
Ва унга насиҳат қилар чоғимда
Тамбурнинг қулоғин бураб қўйганман.

- 10 Ҳаётдан баҳраманд жаҳонда ҳамма,
Бебаҳра яшамак муносиб эмас.
Баҳорда ерларни қазиб чуволчанг
Қуёшга бош чўзар, олсам, деб, нафас.

Якка уй мўрисин тутунларидек
Юзингга сингмасин ғурбатнинг доғи:
Баҳор айёмидир, баҳор айёми
Сенга ҳам япроқлар, ғунчалар чоғи.

- Сен тақдим этдигинг шу гулни, дўстим,
Ўз кўзинг ўнгида чаккамга тақдим,
20 Ҳазил-ҳузул аралаш рост сўзни айтиб,
Қалбингга гул рангли бир гулхан ёқдим.

АЛИШЕР

Юксак тоғ оралаб ўкирган шернинг
Наърасига тенгдир акси садоси.
Беш юз йил янградн тоғдай Ватанда
Буюк Алишернинг асрий нидоси.

Она сутидан ҳам азиз нарса йўқ,
Бағир: форсий — сийна, арабчада — адр-
Кўкрак сути билан боққан ўғлини
Она юрт халқлари қилмоқдадир қадр.

- 10 Биринчи тамшанган сутнинг ҳурматин
Бутун ҳаёт бўйи оқлай ололган,
Теварак оламга кўркин кўрсатиб,
Ватан ва халқини йўқлай ололган;

Тирик одамларга насиба бўлган
Ҳаётий фароғат, жаҳоний алам;
Бириси озгина эркалаб ўтиб,
Бириси бир умр таъқиб қилса ҳам;

- Тўфон, қуюнларда яккаю ёлғиз,
Монолит, гранит ҳайкалдай мағрур,
20 Темурланг давлатин сўнгги чоғида
Саркашу барҳаёт, бўйсунмас шуур —

Дарахшон юлдузлар сари ўкирган,
Бўйнида занжиру қалби озод шер,
Инсоний муҳаббат меҳри-ла вафо,
Эрку бахт тимсоли улуғ Алишер.

Ҳирот тонготарин тасаввур қилиб,
Йигитлик умрингнинг камолин кўрдим.
Қариган чоғларинг қаро шомида
Хуросон ўлкасин заволин кўрдим.

- 30 Заволни билмаган порлоқ ижодинг
Маърифат мулкида битмас хазина!

Инсоний камолот катта йўлида
Бир поя юксакроқ олтиндан зина.

Ўтмишдан беш юз йил тарихчи учун
Синчиклаб қараса — кунни кечадек.
Яшовчан кишига эндиги минг йил
Эртага қўлига кирган ўлжадек.

- Беш юз йил ҳурматинг сақлаган ўзбек
Кеча туғилдинг, деб қилади фараз.
40 Етук кишиларни яна минг йиллар
Халқ фарзанд атайди, жондан — беғараз.

Ўзбек деб аталган озод улуснинг
Отахон шоири, қадрли устод.
Ошиқлар ғазалинг куйга солганда,
Маъшуқлар дилининг хонаси обод.

Бирор шоҳбайтингни ёддош тутмаган
Каттадир, кичикдир, бизда киши йўқ,
Олтин балдоқдаги нифрит кўз каби
Асаринг биз учун бўлди қорачуғ.

- 50 Улуғвор халқимиз тарихда машҳур,
Гувоҳлик беролур бунга Геродот.
Ўзбекни, тожикни қабила атаб,
Бирор лорд қилолмас ўтмишни унут.

Шарқимиз чумоли уя эмасдир,
Бирин-бировидан таниб бўлмаса,
Шўрлик бойбаччалар, толеингиз шўр,
Афсуски, тарихдан тониб бўлмасал!..

- Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,
Талай жафоларни тортган эски Шарқ —
60 Не-не даҳоларни тарбият қилиб,
Офтобдай жаҳонни нурга қилди ғарқ.

Алишер Муштарий юлдузи каби
Ўзбек осмонида болқиган чоғи
Яна бир муҳтарам ўғил кўргандай,
Каттароқ очилди олам қучоғи.

Электр барчанинг уйин ёритур
Ва туз тотимида миллий фарқ йўқ.
Маърифат инсоннинг шерик хислати,
Ватани фазодир бўшаларкан ўқ.

70 Тирик Фарҳодларни танимақ бўлиб,
Олий юртимизга қилсангиз сафар,
Бу ерда ҳар битта тарошланган тош
Юксак умидлардан беради хабар.

Мирзачўл саҳросин суғора олган
Ширинсой қизлари тилақларида,
Янги замонани йўргаклаб олиб,
Сизга тақдим этар билақларида.

Алишер бобонинг холис нияти
Бизнинг асрларда ҳаётга кўчди.
80 Ильичнинг юз минг вольт чироғи ёниб,
Бойқаро саройин шамлари ўчди.

Меҳнатда қаҳрамон, жангларда ботир,
Севмакда вафоли, дўстликда маҳкам —
Алишер орзуси бўлган авлодмиз,
Асримиз — кўркимиз, асримиз кўркама.

Юксак тоғ оралаб ўкирган шернинг
Наърасига тенгдир акси садоси,
Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда
Улуғ Алишернинг асрий нидоси.

90 Навоий қадрини била олмади
Ложувард кошинли, олтинланган қаср.
Асил ўғиллари давлат қурулган
Яшасин коммунизм аталган бу аср!

ЎЗ

Умрдан ўтажак ҳар бир нафасни
Яна бир ёз ўтди, дейилса ҳам оз.
Бу ёз таърифини сенга айтаман,
Олтин қалам билан дафтарингга ёз!

Гилосдай бир лабдан бўса олгунча
Баъзан бир йигитлик кетади увол.
Қишки лаззатларни хаёлга олсанг,
Ёздаги меҳнатинг келмайди малол.

- 10 Ёзги тонготарда ўз боғинг ичра
Бир нафас кезишинг — бир умр демак.
Гўёки кечаги пайванд кўкариб,
Эндиги умрдан беражак дарак.

Настарон шохида сайраган булбул
Наҳотки кўзингга бегона бўлса?
Хуш келар қалбимга, менинг боғимда
Атир гулларидан минг дона бўлса.

- Бир тилла қўнғизнинг оёғин боғлаб,
Уғлингга берганинг неқадарли хўб,
20 Жаҳонга келибсан, обод қил, ахир,
Боғ-бўстон ўстирмоқ нақадар маҳбуб.

Ғўзалар гуллади, Масудахоннинг
Қалбида қанчалик ғурури бордир,
Чиллаки чумаки урган чоғида
Хаста хаёлотлар гўё ғубордир.

Ёз келди... Саратон. Луччак шафтолу
Марғилон шаҳрига зийнат саналур.
Тут пишиқ тугади, илк бодомнинг,
Қандак ўрикларнинг вазни синалур.

- 30 Меҳнат бозорида мард ўғилларнинг
Гердайган мевасин бозори ушбу.

Ёз демак — азамат ҳар бир колхознинг
Боғини қилолур лола ранг, хушбў.

Бир сада салқини баъзан чарчаган,
Ҳорғин баданларга беролур роҳат.
Нимтатир шаббода ичра палакдан
Бир бодринг узмоқлик қанча фароғат.

Чошгоҳ чоғида далада гўжа
Ўн-ўн беш базмдан лаззатлироқдир.
40 «Ҳай, бўл!», деб огоҳлик берган бригадир
Ота, онадан ҳам иззатлироқдир.

Беш бошоқ илк буғдой понини еган
Ҳамма меҳнат аҳли қалбида гурур,
Яшагил меҳнатим, кетмоним, ерим,
Яъни, она-Ватан, сенга ташаккур!

Пахтаолма пишди, шотут қизарди,
Учинчи чопиқни бошладик кеча.
Теп-текин ёз бўйин ялло сурганлар,
Йўқ эса ҳаётдан қилсин андеша.

50 Ҳей, колхоз ҳақиға текин яшовчи,
Бир кичик жонвордан, хўш, нимангиз кам?
Яшангиз бир ипак қурти сингари,
Болари меҳнати азиз, мукаррам.

Ернинг ўзи бизни чақириб турса:
«Жаннатмен, неъматлар маконимен», деб,
«Ҳаёт бу ердадир, жаннат бу ерда,
Ватаннинг жаҳонда жононимен», деб.

Неъматдир бу ёзнинг чорак соати,
Файз эрур ҳар ерга тўкилган жийда.
60 Урунмак балодан қутқаражакдир,
Унча ҳам тантиқлик кетмайди жуда.

Арпа ўримида кулган юзлардек
Кулимсаб бошланди бу чаманда ёз.
Шоирлик даъвоси бордир қалбингда,
Бунини ҳам назм этиб дафтарингга ёз.

ҚИЗЛАРГА

Гилослар лабингиз акси бўлгандек,
Лабингиз аксидир бу боғда гилос.
Сиз учун шеър ёзар бўлган чоғимда
Усма сиқиб бердингиз сиёҳимга мос.

Кўкаринг, ўн-ўн беш бола кўрингиз,
Уялманг, бу ахир табиат ҳукми.
Эр, хотин бўлмаса кишилиқ наслин
Давоми бўлибон қоларди кими?!

- 10 Боғимда настарон гуллаб қолдию
Баҳор ҳурмати-чун мен узиб олдим,
Кейин ўз чаккамга тақишдан кўра,
Бекамга тақдимин ўйлабон қолдим.

Бали, унинг чаккасида келажакимнинг
Ун олти нури бор, унга арзигай.
Табиат ҳукмини ёзар чоғларда
Сават тўқимоққа ўрагай қўгай.

- Бош қизим эр ўғил набирам билан
Қутлуғ оилага қўйганда қадам,
20 Узимни қизимнинг юзида кўриб,
Ғафур деб атайман набирамни ҳам.

Келажак наслининг манглайини ўпиб,
Умрим ўлмас бўлиб қиладн давом.
Баҳор табригини сизга ёзгувчи
Катта тўй кунлари бобонгиз Ғулом.

ҚИЗИМГА

Мукаммал одамни яратмоқ учун
Фақат бизнинг қонун бўлади асос.
Ойнадан доғларни кеса олгувчи
Уткир сўз бриллиант, қалбимиз олмос.

Қиз деган кўнгилнинг қонидан бўлур,
Бўй етиб, бошқа уй эгаси — бека.
Қиз деган гулшаннинг онаси бўлур,
Фамилия бошқадир, унамай нега?

ЎТТИЗ ЁШ

Ўттиз йил баркамол йигитнинг умри,
Уртача китобнинг айни шоҳ боби.
Бу ёшда ешилур жаҳонлар сири,
Қиёмига етур ҳаёт офтоби.

Жангу ҳодисалар, кураш, ғалаён,
Тўфон, қасирғалар тўла ўттиз йил.
Юксалиш авжида поя осмон,
Коммунизм йўлида ҳар қадам бир миль.

- 10 Тарихнинг ёдидан кўтарилмагай,
Ўн саккизинчи йил, тўрт томонда сад.
Қонталаш шафақда қирон юлдуздай,
Партия ёnidан сен кўтардинг қад.

Улуғ Октябрда жавҳари унган,
Ленин фарзандлари бўлган комсомол,
Сизларга доҳимизнинг кўз нури инган,
Мураббий Партия бошлаб берган йўл.

- Чексиз улуғ Ватан ҳар кафт тупроғи,
Сиз босган қадам-ла бўлди чаманзор.
20 Ҳар озод хонанинг ёнган чароғи
Сўнмас ҳаёти-ла сизга миннатдор.

Кекса коммунистлар оппоқ сочида
Ёп-ёруғ юзингиз товланиши бор,
Сиздай ўғлонларни улғайтирган халқ,
Отанинг ҳаққи бор қилса ифтихор.

Волховдан чўзилган биринчи симнинг
Илк шуъласида кўзингиз акси.
Биринчи домнанинг шуҳрати «КИМ»нинг
Кўралар ёқувчи оташ нафаси.

- 30 Биринчи беш йилликнинг ҳар секундини
Қалбингиз зарби-ла ўлчанса мумкин.

Сизсиз ечилмайди, айтсак чинини,
Ҳаётда қумурсқа белича тугун.

Қайда Партиямиз иш кўрар бўлса,
Фидойи қўшиндай ёнбошидасиз.
Қайда бирор машъал гуркирар бўлса,
Мазмунда, ичида ва тошидасиз.

- Ҳар битта коммунист сизни кўраркан,
Ўзини кўради у кўзгу билан.
- 40 Номингиз Кремль китобида бор,
Олтин варақларда ёқут сув билан.

Донишманд авлодлар, доно фарзандлар,
Кўксингиз мазмуни олам хирожи.
Асримиз гурури, одамлик мағзи,
Истиқбол кўкининг чўққиси, тожи.

Кун кеча зулматни қилиб паришон,
Покиза қон билан тарих ёздингиз,
Фашизм ўрдусин қилгувчи яксон
Гранит қояда биз, деб қаздингиз.

- 50 Ҳамиша Партия пешво бўлди,
Ҳамиша Партия бўлди байроқдор.
Ҳамиша йўлингиз пурзиё бўлди,
Ҳамиша қалбингиз бўлди беғубор.

Тинч меҳнат, тинч ҳаёт, фикр ва ижод,
Халқимиз нияти, асос шиори
Ва лекин буларни қилолмас барбод
Бир неча долларзод чирк кўпансори.

- Ўттиз йил мобайни эшитдик, кўрдик,
Жала кўпигидек девараларни.
- 60 Эҳтимол, бу дўқлар, бу пўписалар
Чўчитар мағрибли овораларни.

Атомми? Яхши гап, балки колхознинг
Тегирмон чархига от бўлиб қолур.
Сўнгги жанг талабли олийжаноблар,
Тарихда зоти йўқ от бўлиб қолур.

Юртимиз шукуҳи, халқимиз кўрки,
Келажак таянчи бўлган Комсомол,
Инсонлар бахтига, одам бахтига,
Партия раҳбаринг, доим омон бўл!

УРИНБОСАРЛАР САЛОМИ

- Ленин ўғли комсомол
Бугун шафақ билан тенг —
Ўттиз ёшли баркамол.
Коммунага борар йўл
Ёп-ёруғ, мусаффо, кенг.
Сиз билан очиқ жамол,
Қуёшнинг тиғи заррин.
Ғалабалар илғори —
- 10 Байроғимизга даста,
Тонготар ели майин
Олтин уқа сингари
Уфқларга пайваста.
Улуғ партиямизнинг
Содиқ ўринбосари,
Ҳаёт сабабкорлари,
Бугун ва эртамизнинг
Енгилмас лочинлари,
Норлари, шунқорлари,
- 20 Сенга салом айтади
Ленин пионерлари.
Ленин бобонинг иши
Ва халқимиз иши-чун
Биз ҳамиша тап-тайёр.

ИНСОНИЯТ БАЙРАМИ

Тонг отур, шафақларнинг алвон ранг товланиши
Таққоссиз умримизнинг файзидан бериб хабар,
Қуёшга пешвоз чиқмоқ ўз туғма одатидек
Яна улуғ халқимга бўла олди муяссар.

Коинот соатининг секундига хатосиз
Бугун ҳам ўз вақтида ўкиролди гудоклар,
Эрка табассум билан тўлганиб уйғонмоқда
Бағримизда барқ уриб ухлаб ётган гўдаклар.

- 10 Байрам тонготари бу ва бу менинг оилам
Улуғ совет Ватандан узилмас инжу пора.
Катталарнинг ғурури, ёшларнинг шод қийғоси
Ташаккур айтмоқдадир қалбидан бу наҳора.

Коммунизм қураётган халқларнинг оиласи
Муборак улуғ юртда муқаддас байрам қилур,
Тонг отур, шу дақиқа Партиямиз табриги
Ердош заҳматкашларнинг шарафига ўқилур...

- Халқимнинг юрагида қайнаган севинчини
Урал тоғларига ҳам қилиб бўлмайди қиёс,
20 Боши баландлигига кўкни ўхшатолмайман
Осмон деган нимадир? — Тўнкарилган эски тос;

Даҳшат, қоронғуликлар, йўлсизлик, зулму бедод,
Барчасига зўр келиб, янги дунё қурган халқ.
Осмон деган нимаю қуёш деган нимадир?
Барчасидин устунсан, ўзинг яша, ўзинг балқ!

Улуғ инқилобимиз байроқдори оталар,
Оппоқ соч-соқолингиз субҳдамлар сабаби.
Бу сафнинг илғорисиз, биз изингиз босамиз,
Арзиган ғурурлар-ла, нурда йўғрулган каби.

30 Кўкси пок, мушфиқ озод, муҳтарама оналар,
Улуғ айём кунидир — байрамингиз муборак!
Бахт бешигин қучоқлаб, бизни улғайтирдингиз,
Қаҳқашон юлдузлари сутингиз бўлса керак.

Бўй етган авлодларнинг кеча тўйин ўтказдик,
Ленин комсомоллари кўркам эди шунчалар...
Замон, замин, келажак, бахту вақту саодат,
Бариси шуларники, бари гуллар, гунчалар.

Ўз йигитнинг яғрини қалъаларнинг девори,
Ўмрови ўз халқ учун пўлатдан қуйма қалқон.
40 Қалби саломатлиги чеҳрасига солиб акс,
Кандил олма сингари юзи тарам-тарам қон.

Кулгуси — сўздай аниқ, сўз — кулгуга ҳамоҳанг,
Меҳнат, муҳаббат, билим барчасида баркамол,
Шундай етук қизлар бор маърифат офтобидек,
Астойдил тикилсанг кўзни элитур жамол.

Манглайининг нуридан жилвасин тинмай солур,
Тим қора ўсиқ киприк қуйи қабоққа соя.
Чинакам бир кулгунинг вазнин ўлчамак учун,
Бу бахт оиласига аъзо бўлиш кифоя...

50 Бугун бир архитектор ўзи чизган бинонинг
Шукуҳини қилмоқда теварақдан томоша,
Битта кекса инженер ўз қурган машинасин
Манглайин силаб айтар: «Болам, минг йиллар

яша!»

Рассом бир лавҳасини йилларча қалам чекиб,
Талантини эритиб, ёзиб тугатди кўркам.
Қани энди Рафаэль қайта бошдан туғилиб,
Шу минутнинг завқини кўра олсайди баҳам.

Бугун Одесса каби қаҳрамон шаҳар аро
Қайтадан икки гигант бир-кетин кўтарди қад.
60 Харобалар боиси фашистларнинг қадами
Бу эзгу тупроқларни босмас абадул-абад!

Пахтакор ўз халқи-чун шу оппоқ олтинларни
Грамм-грамм теради, шон иши, виждон иши.
Беш йилликлар яратади ишчи ўз дастгоҳида,
Инсонлар бахти учун чолишмоқ инсон иши.

Шоир ўз асри учун обида қўяйин деб,
Йиллар кеча ухламай шуни қилади ижод...
Йўқ, йўқ, жаноб олийлар, лордлар, маршалл,
черчиллар,

70 Дўқингиз қила олмас ижодимизни барбод!

Кишилик тафаккури зулматлардан нур томон
Поя-поя ўсаркан санаб ўтган зинада,
Тарихий йўллар ошиб, улуг инсоннинг зеҳни —
Чин халос машъалини топди коммунизмда.

Одамлик шарафига чин маърифат муносиб,
Маърифат, маданият — бу бизнинг идеямиз,
Гарчанд миллионлардан сўнг кекса Бернард Шоу
ҳам
Бу чўнг аксиомага иқрор бўлиб букди тиз.

Инсоний камолотни қирғин билан чеклаган
80 Маршаллар, Черчилларнинг вабодан не фарқи бор?
Капиталистик дунё одамлардан қўрқади.
Инқилоб океанининг тўфони бор, фарқи бор.

«Демократия» деб номланган алдоғингиз,
Билиб қўйинг, жаноблар, шунда бўлур бир чақа.
Гитлер қабри устида бўлганидек, сизга ҳам
Иблис истеҳзо билан солажакдир қаҳқаҳа.

Ява халқлари чеккан қонли азоб, уқубат,
«Мағрибли қўш меҳмон»дан тоқай олур ҳимоя?
Голланд босқинчисининг хомхаёл калласига
90 Сўнгги ўч — интиқомнинг шарпаси солур соя.

Бепадар янглиш қоннинг бузуқ жўшқинлари-ла
«Янки»ни бобом деса, дея берсин Ёлчинлар.
Лекин эндиги тарих аёвсиз панжаси-ла
Бу геббельсбаччани ҳам жаҳаннамга парчинлар.

Шарқнинг азамат фили залвордор хартуми-ла
Тўймас қарри «арслон»нинг белини букажакдир.
Ниҳоят, эрк карвони қардошлик юкин ортиб,
Мазлум халқлар кулбаси олдида чўкажакдир.

Катта революция ўз голиб байроғини
100 Куни эрта тикажак жаҳонимиз томига.
Ҳароми ниятлар-ла кашф этилган бомбалар
Эритиб қуйилажак малъунларнинг комига!

Инсон чин инсон бўлур, умид, умтилиш билан,
Бўғовларни парчалаш унинг хоҳиши, иши,
Не ажаб, бугун-эрта олам даричасидан
Озодлик қуёшининг нурга тўлиб кулиши!

Яша, Ленин таълими, яшасин коммунизм,
Яша, улуғ Партиям, яшасин порлоқ иқбол!
Яша, азиз Ватаним, ватандош қон-қардошлар,
110 Инсоният чароғи топмасин ҳаргиз завол.

Саломат бўл, эй қалам, тонготарлар йўлдошим,
Тилингдан сатрларга оқади ҳамниша нур.
Одамзод улуғлиги ёзилган ҳар варақнинг
Сўзлари бриллиантдан, нуқталари жавоҳир.

КУЗГИ КУЧАТЛАР

Навқирон бир теракнинг чўққисида ошён —
Кеч куз тонготарини салом билан олқишлар.
Олтин тангалар каби барглар учар паришон,
Аллақачонлар кўчмиш бўғот тагига қушлар.

Онда-сонда қоқилмай қолган бир-икки ёнғоқ
Осмон фалакда шўнғиган қарғаларга ўйиндир.
Изғиринда таранган зағизғонлар серчақ — чоқ,
Юмрон мўралаб пусар, ини иссиқ қўйиндир.

- 10 Карам илдизин чайнаб олазарак товушқон
Бўрсикдай юм-юмалоқ, бир савам пахта каби,
Ўспирин шоирлардай ҳижога уста, чаққон,
Кузга мадҳия ўқур тегмай лабига лаби.

Барди кўрпаларини елкага қийғоч ташлаб,
Учиб қолган соқийдай гунгурс ухлайди тоқлар.
Пахсаларнинг бўйнига билак ташлаб ёнбошлаб,
Хомуш уйқусирайди қўрғон тагида ноқлар.

- Теваракка жовдираб, ниманидир чулдираб,
Эриган шиша каби тиниқ оқар ирмоқлар.
20 «Боғаро ёлғизим», деб ёндош юриб, эркалаб,
Бағрига сингиб борур ҳалқа-ҳалқа булоқлар.

Каттакон мис баркашдай бўғриққан, қон талашган,
Аранг чинор учига келиб қўнади қуёш.
Камҳафсала, бепарво, қилар иши қолмаган;
Юрайми, юрмайми, деб ер билан қилар кенгаш.

Ху... Шудгор этагидан шу томонга йўл олур,
Ирғайдай тетик, лобар боғбон Миршакар ота,
Узун-узоқ сояси гўёки режа солур,
Елкада кетмон билан беш-ўн кўчат, албатта.

- 30 Ҳар илк баҳор, ҳар кеч куз қадрдон ҳунар билан,
Ўз удумин қўймайди саксон ёшли соҳибкор.

Бу боғда ўз номини ёзолди у зар билан,
Дарахт кесиш жўн ишдир, кўкартириш эътибор.

Бу ниҳол қачон униб, қачон мева беради,
Миршакар тотадими, тотмайдими, барибир.
Одамзод ўлмайди-ку, кимдир ахир теради,
Мана, Миршакар ота ҳаётида ечган сир.

Унинг учун келажак ўз фарзанд, ўз авлодлар,
Бу қари боғбонини эсга олса кифоя.

40 Шунда Миршакар ота, сиз қомати шамшодлар,
Наслларнинг бошига чинордай солур соя.

ЛЕНИН УЧУН

Ленин хотирасининг Шарқдаги ҳайкалидир —
Тошкент, Ленин кўчаси, Давлат кутубхонаси.
Миллион том китоблар-ла маърифат сайқалидир,
Бунда бир мармар лавҳа — Бешинчи йил зинаси.

Мемориал бу лавҳа безабдир бутун Шарқни,
Азиз тарбиятингда ёзилган номи билан:
— Биз ленинчи,— деёлди бундан ярим аср бурун,
Сени таниган ўзбек покиза қони билан

- 10 Ва Маркс кўчасида, Ўрта Осиё халқи
Сен декретга қўл қўйган САГУмизда илм олуру.
Шарққа дарича бўлди, ёриди Шарқнинг қалби,
Шарқнинг азиз жонида жонинг ҳамшиша қолуру.

Сен қўл қўйган декретлар, ўзбек озод бўлсин, деб,
Бахтимиз шарафига сен қилганинг орзу,
Табиат қудратини халққа бўйин эгдириб,
Шарққа машъал бўларлик тополдик нур ила сув.

- Улуғ Октябрь тонги руслар билан қадамдош,
Сенинг байроғинг билан борур эди бутун халқ,
20 ВКП(б) байроғи, яъни сенинг байроғинг,
Шафақ ранг шуъласи-ла ерни қилиб нурга ғарқ.

Йигирма беш йил бурун, январь учинчи ҳафта,
Йиғладим мотамингда, қўлтиқда бир китобинг.
Оламларча ёритди дилим уйин албатта,
Жаҳонлар озод қилган ленинча офтобинг.

Аввалги саҳифага тўкилган кўзим ёши
Юлдузлар каби ёриб, бахтимни қилди равшан.
Сен — оламни порлатган билимдонлик қуёши,
Яхши ҳам бахтимизга борсену бор экансан...

- 30 Рус халқининг изидан халослик топди ўзбек,
Ватанимиз бепоён, бутун халқ жондош — ўртоқ.

«Товариш» деган сўзу — бу энди ўз сўзимиз,
«Кибрит» сўзидан кўра «спичка»миз яқинроқ!

Катта революциянинг тарихини ўқиркан,
Туркман саҳросидаги қоннинг ўзи минг китоб.
Йигирма олти азиз комиссарлар жонини —
Хунини талаб қилар эндиги ҳар инқилоб.

- Халқнинг ёдидан чиқмас инглиз босқинчининг
Дахлсиз юртимизда бизга берган озори.
40 Туркия сотқинларин масхара ўлакчаси —
Сурхон саҳросидаги Анвар пошшо мозори.

Ленин таълимотининг Шарқдаги ҳайкалидир
Хонадон ободлиги уйимизда ҳар китоб.
Бу покиза чеҳралар Лениннинг сайқалидир,
Уйимизда ўзинг бор, демак, доим офтоб.

Тоғлардан тоққа ошиб қуйилган ҳар шаршара,
Катта-кичик ГЭСларга айланди бу ўлкада.
Ўзбек оиласида ҳар чароғ сендан зарра,
Муборак қўлинг бордир доим бизнинг елкада.

* * *

- 50 Ушбу шеър ёзилди комсомол авлодларнинг
Ленинча шуур билан жам бўлган жойида.
Кўзимиз қароғлари, йўлимиз чароғлари,
Эндиги гулбоғларнинг катта қурултойида.

«СОВЕТ АРМИЯСИГА

Ёдимда, ёшлигимнинг бир қиши кун ўртаси
Изғирин, дала йўли... Қочар эдик шаҳардан.
Соат соатдан узоқ, оқшомнинг йўқ эртаси,
Юрак депсиниб тушар даҳшатли ҳар хабардан,
Буюғда ҳилвираган япроқ каби паришон.

Шаҳарда Осиповнинг осий ҳаромилари
Ҳалқумдан бўғар эди оч қанжиқ бўри каби.
Қишлоқда босмачининг дўзах гўлачилари
10 Хоналар ёқар эди тамуғ тандири каби,
Ер қаттиқ, осмон йироқ, тўзғиб кетган ошён.

Оч, юпун, етим, есир, жин арава, яғир от;
Муштипар, увол, мазлум — кетар эди корвон.
Ҳуркак қалб уриши-ла қишлоқдан кутиб нажот,
Уфқда қора тутун, қонталашган осмон,
Умидлар манзилини ваҳмаларга қилиб ғарқ.

Ора йўлда корвон, йўлсиз, бадбахт, тўнгбўй қиш,
Лондон тамға пулемёт қарсак чалур пайдарпай;
Падаркуш сотқинларнинг чеҳрасида намойиш,
20 Бизлар ҳам ғурбат аро идрок кучин аямай,
Инглиз агрессорнинг найрангини қилдик
фарқ.

Худди шу ғурбат аро шлёмли битта солдат
Қорвон тизгинин олиб, йўллади нажот сари.
У тасалли беради, умтилади тўриқ от,
«Биз Ленин аскаримиз, ишчи-деҳқон аскарари,
Сиз демак, бу — биз демак, биз демак —
сизга пайванд».

Солдат сумкасин очиб, биттадан қанд улашди,
Болалар қўл узатдик озгин — иркит кафғирдай,
Шунда қалб қалби билан, кўз кўзи-ла тиллашди

30 Ва гўдак тасаввурдан ўчмас олтин муҳрдай
Қўриқчим бор экан деб шимиганим чақмоқ
қанд.

Қаҳрамон аскаримиз қила олди айирбош
Нурлар сарупосига ернинг хирқа жомасин.
Озод шаҳар, қишлоқлар уфқида балқиб қуёш,
Ёзди эрк дебочасин, инқилоб «Шаҳнома»син,
Диктатурамиз кучи ишчи-деҳқон аскарари.

Осипов, Омонполвон, лорд Лоуренс рўйнатан
Ғалат ёзилган хатдай тарихдан ўчирилди.
Бизнинг Ўрта Осиё бўлинмас азиз Ватан,
40 Халқлар оиласининг қайдига кўчирилди,
Қўлимиздан ушлади башарият раҳбари.

Қондош, қариндош, жондош, қардошу ҳукмрон эл,
Улуғ коммунизмнинг шоҳроҳига йўналди.
Халқимиз шунқорлари омонлик учун кафил,
Ватанимиз камолот чўққисига қўнолди,
Қудратини кўрсатди инсондаги озод ақл.

Республика, пойтахт, муҳру байроқ, ҳақ-ҳуқуқ,
Дахлсиз она тупроқ, меҳнат шараф, муҳаббат —
Иттифоқдош халқлармиз, катта-кичик фарқи йўқ...
50 Жаҳонда ягонадир биз қурган ҳокимият,
Одам одам бўлгали буни қилмас тарих нақл.

Ер қуёшдан узилган кундан бошлаб то ҳануз
Яйлов қолган саҳролар узра қурдик минглаб шаҳр,
Ваҳший қудратларини нур йўғириб балқди юз,
Кишанланган аждардай бўйин эгди юзлаб наҳр:
Зўр келдик, тоғлар очди сийнасин,
ҳазинасин.

Маърифат ГЭСларининг миллион ватт чароғида
Ўғил, қизлар буютдик, ҳар бири жаҳон кўрки.
Ҳар кирпичин ардоқлаб, кўзларнинг қароғида
60 Ҳафта оша қуролди халқнинг прода-эрки
Коммунизм қалъасин олтиндан ўн зинасин.

Фақат нур тезлигига мумкин қиёс этгулик,
Бу халқнинг, бу Ватаннинг суръатига эътибор.
Ҳатто ер куррасини уч айлапса етгулик,
Чегарамиз олдида Сомончи йўл бир ғубор,
Ҳар қадамда посбон, дадил, тийрак юлдуз
кўз.

Париж мағлубиятин шаробидан эсирик,
Малъун фашист галаси Машриққа қўйди қадам.
Жаҳоний фожиалар унинг учун кекирик;
70 Бироқ бир қадам босмай ер ўприлиб жаҳаннам,
Қирон бўлди, нур билан зулмат келиб

Юзма-Юз.

Башарият раҳбари — Компартия авлоди,
Совет қизил аскарлари кўрсатди ўз кучини.
Фазода йўқолмади миллион мазлумнинг доди,
Фашистлардан ололди инсоният ўчини,
Биз билан одамликнинг ҳаққи қилди
намоиш.

Такрор айтиб турмайман, фашист йиғиндиларнинг
Бизнинг Ватандан олган гўристон насибасин.
Қизил қўшин ёзолди эрта ва эндиларнинг
80 Ғолиб кеча аталган шаҳномасин — қиссасин,
Тўлқинларда ёлқиндай байроқларда осойиш.

Яна ўз уйимизда, дахлсиз, озод, мағрур,
Истиқбол қўрғонининг кулласида мустаҳкам.
Қардош, қариндош халқлар қалбида сўнмас шуур,
Партия атрофида якдил, якнафас, бирдам,
Коммунизм асрининг тонгин яшамоқдамиз.

Бу кучли иродани, бу жаҳоний қудратни
Ҳар кимки менсимаса, ўзи ўзига золим.
Ҳадеб пеш қила берса атомдаги қувватни
90 Етти океан наридани дядя Сэмми, аллаким,
Ёки парламент оша бир-икки лорд —
бетамиз;

Шуни аниқ билсинки, Корея, Вьетнамда
Аллақачонлар балқмиш инқилоб офтоби:
Ҳар халқнинг ўз раёни бор шериклик бу жаҳонда,
Ҳар халқнинг ўз ижоди, ўз туғма инқилоби.
Бу тўфонни бўғолмас «пактлар»нинг
гармсари.

Бизда ўз ватан, ҳуқуқ, ўз меҳнат қўриғида
Ҳар бир озод граждани солдат дея аталган.
Оламча баҳрамандмиз ҳар амру йўриғида,
100 Яша улуг Лениннинг парваришин тополган,
Халқимнинг чин фарзанди, Совет Қизил
аскари!

ШАРАФ ҚҮЛЕЗМАСИ

(Инглиз лордининг бизларни қабила деб атаганига жавоб)

Қадим ўзбек халқисан,
Асл одам авлоди.
Миср эҳромларидан
Тарихинг қарироқдир.

Хоразмнинг ҳар ғиштида
Боболарнинг ижоди,
Англо-саксонлардан
10 Анча юқорироқдир.

Бизда логарифманинг
Мушкул муаммолари,
Қўлдаги бармоқлардай
Оддий қилинганда ҳал,

«Олий ирқ» даъвогари,
Черчиллнинг боболари,
Ҳатто санай олмасди
Ўн бармоқни мукамал.

Биз эккан пахталардан
20 Ер юзида бор киши
Уятини ёпганда
Устма-уст, қават-қават,

Ҳозирги жанобларнинг
Маърифат ва дониши:
«Пахта дарахт қўзисин
Жуни», деб билган фақат.

Улуғ рус халқи билан
Оға-ини, қариндош,
Жаҳонлар яратарлик
30 Тарихий камолинг бор.

Озод Ватан эгаси,
Ўз кўкингда ўз қуёш,

Қуёшдай завол билмас
Ярқироқ жамолинг бор.

Худди шу тарихингни,
Шу еринг, қуёшингни,
Билиминг, дўстлигингни
Кўролмади капитал.

Бечора негрлардай
40 Ерга тиқиб бошингни,
Қуллик кишанларида
Қилмоқ бўлади маътал.

Не-не жафо кунлари
Қатта ёруғ йўл сари
Ҳулкар юлдузи каби,
Етаклади меҳнатинг.

Озодлик қўлёмаси —
Шарафингнинг дафтари,
Текинхўр бойваччадай
50 Бировга йўқ миннатинг.

Улар не-не пактларга
Оғули муҳр босиб,
Жаҳаннам қопқасини
Ер юзида очмоқчи.

Сен ҳам шу малъунларга
Дўзахни қилиб насиб,
Қадрдон шудгорингда
Кетмонинг уриб боқ-чи...

Улар айҳаннос солган
60 Атом шу тупроқдадир
Ва бу тупроқ сеники
Бутун мазмуни билан.

Оламга арзигулик
Қудрат шу чаноқдадир,
Сен қудрат эгасисан,
Меҳнат якуни билан.

Соҳибкор ўзбек халқи
Деҳқон ашраф авлоди,
Пахтакорлик санъатинг
70 Тарихдан қариқоқдир.

Бир зўр ур, гурулласин
Билағонлик ижодинг,
Сенинг билан шоирнинг
Манглайи ярқироқдир.

«Шараф қўлёмаси» деб
Аталган катта хатда,
Билиб қўйки, азизим,
Сенинг улуғ номинг бор.

80 **Партияга берилган**
Сўз ўринлар албатта,
Ваъдага вафо билан
Ўзбек топди эътибор.

ФАРҒОНА УЧУН

Шеър айтгим келяпти, азиз дўстларим,
Шеър айтгим келяпти, гўзал Фарғона,
Бир сабаб излайди шеър айтган ҳар ким,
Шеъримга ГПИ да бир қиз баҳона.

Қаерда саодат қуриб ошён,
Халқи ҳаётидан миннатдор эса,
Шу ерда қўшиқдан жаранглаб осмон,
Меҳнатдир муҳаббат, шарафдир бўса.

- 10 Шу қиз ялла учун лабин тебратса,
Қўшалоқ олчани ел очар гўё.
Ўртанган авжлари бир дам титраса,
Бийрон булбуллардан кабоб муҳайё.

Энг шўх қўшиқларнинг ота шоири —
Шаббоданг яллалар бастакоридир.
Ўғил, қизларингнинг иккидан бири —
Ўзбек санъатининг ифтихоридир.

- Мен ўз Фарғонамни мақтамоқ бўлсам,
Йигити Фарҳоду қизи Шириндай;
20 Самолёт бу ерга қўнади кўркем,
Кўланка излаган чарчоқ лочиндай.

Етмиш гўзалликнинг биттаси — меҳнат,
Етук бу гўзал қиз топмасин завол,
Пахтакор отизда сарбаст муҳаббат
Ва меҳнат сайқали йўғирган жамол.

Фарғона пахтаси оламга машҳур,
Номимиз соҳибкор — ҳамма берар тан.
Еримиз ўз эга эрлар-ла мағрур,
Яшай бер, муқаддас, дахлсиз Ватан.

- 30 Биз ипак ишида толалар чўзгач,
Чин-Мочин рассоми ора йўлда лол.

Биз шоҳи танданинг нақшини чизгач,
Нилий ранг кўк ундан топади жамол.

Тўқув тарихимиз билмоқчи бўлсанг,
Хонатлас қатларин ўзи бир китоб.
Дарё жилваси-ла товланади ранг,
Алвон шуъласи-ла шогирд офтоб.

Ипак комбинатнинг дастгоҳида
Жужунча тўқийди барно бир жувон,
40 Ингити ҳарбийдир, парашютчидир,
Ёрининг ёдида қўнади омон.

Шу қизга муносиб шеър ёзсам деб,
Хаёл тинка қуриб ошар тоғма-тоғ,
Мусаффо ҳавога вазн қидириб,
Қуёшга рўбарў, қучоқма-қучоқ.

Водил ирмоғининг олмос қатраси
Гўзаллар лабида реза донадир,
Рост айтсам ГПИда қизлар сараси
Бу гал шеър учун бир баҳонадир.

50 Уша Фарғонали отинчахон қиз —
Кўзгуда акс этган гўзал Фарғона.
Сочлари оқшомдир, чеҳраси кундуз,
У билан мукамал бизнинг замона.

* * *

Кеча ўнинчини аъло тугатиб,
Мамлакат севинчи бўлган қизлар,
Бахтимиз, кўкимиз, келажакимиз,
Саодат юртининг эркаси сизлар.

Ватан ўз бағрида сизни ўстириб,
Ўзига тан бериб айтур муборак.
Ҳали йўлингизда имтиҳонлар кўп,
Бу — умр йўлида биринчи чорак.

Сиз эрта қайсидир институтнинг
10 Олий қопқасига қадам қўйган чоғ
Бугунимиз сизга пойандоз бўлур,
Истиқбол манглайи ёруғ шабчироғ,

Сиз шону шарафни, оиламизни,
Юртнинг бойлигини яратувчисиз.
Коммунизм асрининг дурдоналари,
Ватаннинг донғини таратувчи қиз.

ЭМУҚДОШЛАР МУСОБАҚАСИ

(Тошкент — Самарқанд мусобақасига атаб)

Эгизак туғилган икки азамат,
Икки мард ўғлини ёндош турғазиб,
Бўйига, бастига қилади диққат:
Белбоғин боғлатиб, белин тутқазиб,
Кураш майдонига қўяди ота.

- Ҳар икков йигитлик навбаҳорининг
Ирғай ниҳолидай эгилмас, синмас.
10 Ота бу ҳар икки куч шунқорининг
Довюрак кўкси-ла олади нафас,
— Иккови ҳам енгсин,— дейди алб

Она-Ватан узра Тошкент — Самарқанд
Шарқнинг умидидир, порлоқ кўзидир.
Иккови эмуқдош, қариндош, пайванд,
Бирининг — бириси ўзининг — ўзидир,
Бел тутди ўғлонлар ким ўзмоқ учун.

- Зарафшон сувининг олтин зарраси
Пахта толаларда жило беражак.
20 Чирчиқ, Сирдарёнинг олмос қатрасин
Бўлиқ чаноқлардан Тошкент теражак,
Эгизак ўғиллар синайди кучин.

Қун кеча жангларда ғолиб байроқни
Лаънати рейхстаг томига тикдик.
Даҳшатлар топтаган яқин-йироқни
Текислаб, тинчликнинг уруғин экдик,
Жаҳонда яшасин жафокаш инсон.

- Шайтондай найрангбоз капиталистлар —
Америка, англиз босқинчилари,
30 Уруш дамкашлари, қаттол иблислар
Офатга тўлатиб қўни-қўнжларин:
— Қайтадан қонларга ботсин,— дер,—
жаҳон.

Ҳеч қачон топталмас кўкдаги қуёш,
Душманнинг аҳволи ёмон бўлади.
Жаҳонда энг улуғ, азиз ва жондош —
Совет Ватанимиз омон бўлади,
 Ҳар ҳовуч тупроғи бизга муқаддас!

- Биз авлод туғма коммунизмнинг
Аввал пионери, асосчисимиз.
40 Биз авлод охир капитализмнинг
Гўркови, ашаддий қасосчисимиз,
 Бизга қасд қилувчи шуни билса бас.

Атомлар қудрати бу она юртда
Ҳар кетмон кўчирган тупроқда демак,
Минг атом қуввати бир ипак қуртда,
Ҳар туп ғўзадаги чаноқда демак,
 Демак, бу зўр кучда бор сенинг ҳиссанг.

- Ҳиссангни ўз меҳнат ҳосили билиб,
Шарафли йўл сари боссанг илгари,
50 Бу дўқлар туманли дўлдай ёйилиб,
Душман ожиз қолур ҳар гал сингари,
 Ўзига гўр бўлур бу ҳийла-найранг.

Ўзбекмиз, жаҳонда машҳур пахтакор,
Ваъдамиз — қурбимиз кучига эга.
Самарқанд ваъдаси нақддай эътибор,
Тошкентнинг сўзи ҳам олади пакка,
 Сўз синмас, синажак шайтонлар бўйни.

- Ғалаба бешлиги ҳал қилувчи йил,
Планлар ўринлаб, чехралар кулиб,
60 Биз қанча пахтадан олсак мўл ҳосил,
Одамзод ташвиши — буткул ҳеч бўлиб,
 Тинчликнинг дурига тўлажак қўйни.

ПОЛЬ РОБСОНГА

Укирган арслон каби кўк гумбазин титратиб,
Поль Робсон қўшиқ айтар, тинглайди бутун олам.
Бу қўшиқда ҳуқуқсиз қора башариятнинг
Жаҳоний изтироби гуркирайди мужассам.

Қўшиқ айтар қора қул — негрнинг асл ўғли,
Бу қўшиқда акс этар мазлум халқнинг садоси.
Бу қўшиқда айтилури Гарлем маҳалласида —
Ўз юртида ғариблар бошга тушган савдоси.

- 10 Бу қўшиқда эҳтирос, асаб, умид, келажак
Қуёш аниқлиги-ла эртадан берар хабар.
Бали, қоронғуликнинг ўрнини нур эгаллар,
Том тоға кулбасида тонг отиши муқаррар...

Ҳар халқнинг ўз хоҳиши, иродаси, ҳуқуқи,
Тузуми ва тўзими — ўз-ўзининг ишидир.
Қўшнилар деворидан мўралаб сир ахтарган
Худди шу қўшнисига душман бўлган кишидир.

- Демократ ахлоқли ернинг гражданини
Томас, Ренкин эмаски, ўғирликда ушланса,
20 Шум Кэннон кийган бўлса Розенберг кафанини,
Не ажаб кули кўкка соврилибон ташланса.

Иигирманчи асрнинг қонхўр каннибаллари
Бемурод ният билан топган ирқий фалсафа —
Нуҳ кемасин қидирмоқ Туркия тоғларидан,
Хом, Сом, Ёфас сингари жуда эски сафсата.

Ердаги неъматлардан маҳрум қила олмагай —
Оқ, сариқ, қизил, қора, бадандаги жило ранг.
Ер юзи инсонники, уйи ҳам гўри шунда,
Янкилар фалсафаси Геббельсдан мерос найранг.

- 30 Ҳалигача негрлар, ҳиндулар, ҳабашларнинг
Тортган жаҳон алами Африкадан оғирроқ.
Тўймағур, очкўз, золим инглиз қулдорининг
Виждони дўзахларнинг саҳросидан тақирроқ.

Оқсуяк жанобларнинг қонли мудҳиш ижоди —
Қора қасос симболи аталувчи Линч суди:
Оҳу фиғон ичида ўртанган негрларнинг
Тутуни улар учун гўё сигара дуди.

- «Америкача интизом», «жаҳоний ҳукмронлик»
Ер юзида жаҳаннам қопқасин очиб халққа,
40 Булар бари Трумэн нияти, ширин хаёл,
Бармоқни кўзга тиқса кўринган тилла ҳалқа.

Форрестол деган бири девона бўлган билан
Девона бўлмаяжак жаҳондаги ақллар
Ва Уолл-стритдан қачон бўлса ҳам ахир,
Занжирини парчалаб ўтажак қора қуллар.

Тинглар хайрихоҳ эллар, Поль Робсон қўшиқ айтар,
Қуёш аниқлиғи-ла эртадан бериб хабар,
Бали, доллар зулматин эркнинг нури эгаллар,
Том тоға кулбасида тонг отиши муқаррар.

ОЛА БУЗОҚ

Уй ичимиз билан шу кеча
Ухламадик оппоқ тонггача.

Бизда қўнғир сигир бор эди,
Соғ-саломат кўзи ёриди.

Ола бузоқ, қашқаси ҳам бор,
Усти қора, бағри оппоқ қор.

Тили худди лола япроғи,
Сапсар гулдай тикка қулоғи.

- 10 Думи гажак, қўнғир-қўнғироқ,
Садаф мунчоқ тиши ялтироқ.

Олхўридай қуралай кўзи,
Босволдидай чўзинчоқ юзи.

Бақбақаси маржон осгандай,
Тумшуғига чакич босгандай.

Хиёл ўтмай бурни терлайди,
Нафасидан келар сут ҳиди.

Бурун учи дона-дона тер,
Мўнграб-мўнграб алланима дер.

- 20 Қамчин даста ҳар бир оёғи,
Бирам жажжи силлиқ туёғи.

Ола бузоқ туғилиб олди,
Оғзимиз ҳам оқариб қолди.

Биринчи сут — оғиз бўлади,
Седанадан мағиз бўлади.

Бир, икки, уч... олти дегунча,
Тана бўлиб етилар шунча.

Битта сигир икки бўлади,
Қаймоқлари локки бўлади.

30 Сутларини соғиб хурмага,
Топширамиз колхоз фермага.

Мана қатиқ, мана сметан,
Пишлоғини есанг тўймайсан.

Қатта бўлсин ола бузоғим,
Овунчоғим, эркам, маъроғим!

ФАРҒОНА ДАРЕСИ

Ўзбек деб ном олдик, эркин ва озод,
Мазлум Шарқ кўзининг қароғи бўлдик.
Бир халққа шу шараф кифоя, ахир,
Шарқнинг машъали — чароғи бўлдик.

Қардош онлада эркин умрнинг
Юз йили бир суҳбат онича яқин.
Қуллик, асоратда ўтган минутнинг
Ҳар бир секундида бошларда чақин.

- 10 Ҳур ўзбек халқининг олган толеин
Мазлум қўшни Шарқда қилсак ҳикоя,
Ҳамманинг дилига далда бўлади,
Дилига дармонун қувонч, ҳимоя.

Мана ўн йил ўтди, куни кечадек,
Йигитлар бўй ўсди, қизларда жамол,
Кун-кундан бахтимиз қуёшдек порлаб,
Улуғ коммунизм топмоқда камол.

- Партия номи-ла ўн йил илгари
Катта Фарғонада қазирдик канал,
20 Халқимиз минг йиллик жаҳон орзуси —
Юртимиз тақдирин қилар эдик ҳал.

Ўзбеку тожикнинг ботир эрлари
Норин бўйларидан то Конибодом,
Большевик қудратнинг кучин кўрсатиб,
Қирқ беш кун муттасил топмасдан ором;

Ватан картасига тузатиш ясаб,
Уч юз километр дарё қазарди,
Минг йиллар шарафли тарихи учун
Олдиндан яна бир варақ ёзарди.

- 30 Мана ўн йил ўтди, куни кечадек
Ғолиб асримизнинг ўнта зар ғишти,

Кечаги биринчи синф боласи
САГУ қопқасига келиб етишди.

Гурунгли оқшомлар унутилмагай,
Қуйганёр лабида бор жамоат жам.
Кечани кундуздай равшан қиларди
Ильич лампочкаси, ҳар бири минг шам.

Унутиб бўлурми, халқидай лобар,
Қамтару заҳматкаш Йўлдош отани,
40 Юрт билан баробар кетмон ургувчи
Туғишган отамиз, қардош отани!

Сиз қатор номларни учратажаксиз,
Варақлаб кўрсангиз кўнгил дафтарин,
Ижодкор халқимиз илҳомчилари
Улуғ партиямиз раҳбар эрларин.

Бир киши тарихни яратмаса ҳам,
Кишининг тарихда юксак ўрни ҳақ,
Ташаккур ном қўшиб айтилмаса ҳам
Қалб ичра жойланиб қолур муҳаққақ.

50 Халқимиз ўз туққан ботирларини
Ҳамиша ҳурмат-ла қила олур ёд.
Хотирдан чиқиши мумкинми асло
Дўстматовлар каби қаҳрамон авлод?

Ҳамид Олимжоннинг имзоси бордир
Шонли Партияга ёзилган хатда.
Ўртада жудолик бўлмаса эди,
Қўшилиб ёзардик бугун, албатта.

Ун йил ўтиб кетди, гўзал Фарғона
Бориб туташолди коммунизмга.
60 Жаҳон иштиёқлар ичра мунтазир
Советлар юртида барпо тузумга.

Меҳнату шарафу жанги жадалда
Улуғ Ленин бобо айтганидекмиз,
Ун йилдай озгина фурсат ичида
Уч карра қаҳрамон бўлган ўзбекмиз.

Меҳнатдир қилгувчи азиз, мукаррам,
Вақт эса сабабкор, қилсак сарҳисоб:

Ун йил ичидаги Ўзбекистоннинг
Йиллари қомусдир, ойлари китоб.

70 Катта канал бўйлаб минг-минг гектар ер
Аъло пахта берар миллион тонналаб,
Ҳар икки қирғоққа шаҳарлар қурдик
Бир эмас, беш эмас, балки ўнталаб.

Юртнинг ободлиги, тўйларнинг кўрки,
Ёш-яланг қувончи шу шоналарда,
Тўқлик, фаровонлик юлдуздай чақнар,
Чамбарчас боғланган пешоналарда.

Пахта этагида лим-лим товланиб,
Симоб тўлқин билан оқаётган сув —
80 Гўё толеимиз рўбарўсига
Ўтру ўрнатилган тим-тиниқ кўзгу.

Фарҳод ГЭС, Чирчиғу Оҳангароннинг
Довруғи минг йилга етарлик хабар,
Мирзачўл саҳросин қоқ ўртасида
Комсомол авлодлар қурмоқда шаҳар.

Кетмоннинг руҳига ўқиб фотиҳа,
Далада меҳнаткаш ўз машинамиз,
Пахтадан, ипакдан кийим-бош тикар
Бекобод пўлатдан қўйма игнамиз...

90 Ажойиб Ватаннинг эгаларимиз,
Мақтансак арзийди, аканг қарағай.
Партия буютган ўзбек авлоди
Фурур-ла одимлаш учун ярағай!

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

Уйимизда зўр қувонч
Катта байрам тонгидек,
Ҳамма ўрндан турган
Офтоб билан баробар.
Акам, опам кийинган
Бўстонларнинг рангидек,
Қалбимиз чаман-чаман
Бошимизда гулчамбар.

- 10 Биринчи сентябрнинг
Қутлуғ тонготари бу,
Қадрдон мактабимиз
Бизга қучоғин очар.
Куз ҳавоси мусаффо,
Ариқларда сув — кўзгу...
Ўқиш, ўрганиш, билим
Ақлимизга нур сочар.

- Жуда катта Ватаннинг
Кичкина фарзандлари,
20 Улуғ Ленин бобонинг
Ёққан чироқларимиз.
Қанчалик соғлом, аъло
Ўқишни билган сари,
Билим билан порлайди,
Бизнинг қароғларимиз.

ОРЗУ

Куни кеча биринчи синфда эди,
Бармоқлар санардик: «Олти, етти», деб,
Бугун еттинчида... Орзу қистайди:
Эртани ўйлашнинг пайти етди деб.

Катта келажакка бораверишда,
Кичкина тилаклар зинаси керак.
Йигитлик умрининг тонготарида
Олдинга умтилиб кетяпман зийрак.

- 10 Яна ўн йил ўтар, гўё ҳаводан
Гувиллаб ўтгандек ўнта самолёт,
Минглаб кемаларга йўл кўрсатади
Кремль маяги — парпираган ўт.

Еттинчи синфнинг ўқувчисиман,
Ўн тўртдан ўн бешга ошмоқда ёшим,
Умидлар атласин тўқувчисиман,
Йўлдошим — ниятим, ният — йўлдошим.

- Ажойиб Ватаннинг ўғлиман ахир,
Эндиги юз йилни ҳал қилур ҳозир.
20 Бундаги мазмунча асрий минутлар
Билагон кучларга ҳардам мунтазир.

Йигитнинг қиймати ўлчанилади
Туққан Ватанининг салобати-ла.
Онага ўғиллар умрбод қарздор
Идроки, қудрати, балоғати-ла.

Ким бўлиб етишай — шу масалани
Худди шу дамдаёқ ҳал қилиш лозим.
Бриллиант қиррали турмушимизга
Ким керак ва жуда зарурроғи ким?

- 30 Отам: «Медик бўлсанг», дейдилар, аммо
Ўзим инженерлик қиламан орзу,

«Биз ҳам проблема», дегандай бўлур
Қизилқум чўллари, Амудаги сув.

Баъзан бир нафасга ором олади,
Эркин умидларнинг гўдак ғунчаси,
Истак капалаги қанотин жуфтлаб,
Ватанни сайр этиш шавқ тушунчаси.

- Гўзалим Ватаним, боғу бўстони,
Ўнгимда очилур каттакон китоб.
40 Қайнаган ҳаётга сингиб кетаман
Қўйнига олгандек заррани офтоб.

Мўйсафид отамнинг умиди катта,
Мерос орзуларнинг фарзандиман-ку,
Инженер бўламан, дедим, албатта,
Покиза ниятлар тип-тиниқ кўзгу.

Искандар, Доролар фатҳ этолмаган
Икки минг йил тарихли, жангоҳли Тошкент,
Бир бутун мазмуннинг ва салобатинг
Ёшгина жонимни сенга қилур банд.

- 50 Тошкент пойтахтимиз, коммунизмнинг
Катта Шарқ уфқида порлоқ чароғи.
Улуғ Москванинг туққан иниси,
Ўзбеклар шухрати, кўзин қароғи.

Шаҳарлар қурувчи инженер бўлиб,
Сени ер юзида шаҳаржон қилсам,
Дунёда инсондан азиз нарса йўқ,
Азиз инсонларга ошиён қилсам.

- Тонгги гудокларнинг ўкиришида
Рабочий Тошкентнинг овози бордир,
60 Биздек йигитларда ғурур-ла айтсак,
Енгган асрларнинг парвози бордир.

Ўн минглаб студент маърифат олган
САГУмиз илмнинг қуйма ҳайкали.
Бу ерда ақллар жилоланади,
Бу ерда зеҳннинг аниқ сайқали.

Ўн, ўн беш қаватли, кунгай бинолар,
Қайроқдай ялтироқ асфальтли кўча.

Шу шеърим ёзилган қоғоздай равшан
Бу ерда кундуздай чароғон кеча.

- 70 Теварак-атрофда нуқул шеър ўқиб,
Санъатни кўрсатар радио навоси,
Қайда бор биздаги паркларнинг гашти,
Қайда бор «Комсомол кўл»нинг ҳавоси?

Тинмағур «Победа» машиналарнинг
Қувноқ суворийси, бу кунинг реал.
Қулоқ сол... Бир қизнинг хандон авжига
Жўр овоз бўлмоқда жуда соз рояль.

- Партия йўл чизган беш йилликларда
Халқимнинг қудрати қилур намоёнш.
80 Мен қурган гигантлар қадру қийматда
Бир фишти олтиндан, бир фишти кумуш.

КОММУНИЗМНИНГ ЙИГИТ НАСЛИГА

Ҳаво тоза, гўзал тонг отар,
Тонг қушлари билан баробар,
Еруғ кунга бўлиб сафарбар
 Ҳаёт томон юрар комсомол,
 Қадамига мунтазир шу йўл.

Истиқболнинг очиқ боргоҳи,
Гўзалларнинг илиқ нигоҳи,
Оталарнинг қутлуғ дастгоҳи
10 Барчасининг эгаси сизсиз,
 Келажак йўқ вужудингизсиз.

Чегаранинг қоралигида,
Юлдузларнинг оралигида,
Одамларнинг саралигида
 Шунқоримиз, асл наслимиз,
 Баҳоримиз, йигит фаслимиз.

Ернинг сири сизларга аён,
Стадион сизга осмон,
Сизникидир эндиги замон,
20 Манглайлари кенг жаҳонимиз,
 Яғрини кенг паҳлавонимиз.

Улуғ Ленин илми кўнгилда,
Партиямиз таълими дилда,
Коммунизм каби кенг йўлда,
 Маърифатнинг том-томларисиз,
 Саодатнинг атомларисиз.

Жаҳондаги тинчлик, омонлик,
Одамизод хуррам замонлик,
Сиз қиласиз шунга посбонлик,
30 Таянчимиз, метин қалъамиз,
 Қопқамизда пўлат ҳалқамиз.

Агарчи мен бўлиб қолдим чол,
Сизнинг билан умрим безавол,
Сизнинг билан шеъримда камол,
Бахтимиз сиз, чароғларимиз,
Қўзимизсиз, қароғларимиз.

Улуғ байрам — қўнгиллар кушод,
Сизлар билан олам бўлсин шод,
Коммунизм ватани обод,
40 Улуғ Ленин фарзанди яшар,
Партиямиз дилбанди яшар.

! БИЗНИНГ ПАХТАМИЗ

Қуёш томон беткай туриб очилган гулдай,
Чаманларга зийнат берган юзимиз қизил.
Қардош эллар қаторида ўзбек халқи ҳам
Зиммадаги вазифасин бажарар ҳар йил.

Бахт юкини юклаб олган улуғ корвон
Коммунизм йўлларида боради илдам.
Саодатнинг дарвозаси юзига очиқ,
Бу муқаддас замонада муборак қадам.

- 10 Улуғ халқим рўбарўдан уни олқишлар
Жангдан ғолиб қаҳрамонин кутган падардай.
Қуёш болқар пахтакорлар манглайи томон,
Нур лавраси бошларида олтин чамбардай.

Олқишлайди қишлоқ, шаҳар туташган йўллар,
Йўллар бўйлаб коммунизм иншоотлари.
Шулар ахир бу омонлик юртин безаги,
Шу омонлик замонанинг мукофотлари.

- Олқишлайди Шарқ уфқида порлаган чароғ —
Ўзбекистон пойтахти улуғ Тошкент;
20 Шонли совет Ватанининг олмос пораси —
Москвадек саодатга тўлиқ Тошкент.

Олқишлайди бирин-кетин тонгги гудоклар,
Ҳар бирининг зиммасида ўз вазифаси.
Мамлакатнинг ҳавосига туташиб борур,
Бу заҳматкаш гигантларнинг олган нафаси.

Бу ҳаводан нафас олган бир зот бормикин,
Ўз жонини аягувчи ўз юрти учун.
Бизда ҳар ким билган ишда иқтидорича
Қўшиб борар жамиятнинг кучига кучин.

- 30 Кичик ишлар якунидир тўлдирилгувчи
Улуғ юртнинг ўздан улуғ эҳтиёжини.

Шунинг учун бир бутун юрт қувнаб олқишлар
Ҳар ишчининг ижодини ва ривожини.

Ҳар пахтакор агрономча ўз ишин билар,
Ҳар ишчида инженерлик етуклиги бор.
Меҳнат — шараф, билимдонлик — бахт ўлкасида
Халқ ишини ўз ишим деб билмак эътибор.

- Қардош халқлар даврасида ўзбек ҳам мағрур,
Пахтасининг доврўғини билади жаҳон.
40 Пахта деса, кўз олдига келади ўзбек,
Ўзбек деса, кенг пахтазор бўлар намоён.

Пахта бизнинг бурчимизга тушган ҳиссадир,
Кўп миллатли, кўп касбкорлик улуғ ўлкада.
Мўъжизалар яратолдик бу бобда чексиз,
Минг йилларнинг тажрибаси бордир елкада.

Сўнги грамм пахтагача терамиз, чунки
Граммлардан тўқилади миллион усти-бош.
Чақилмаган бир гугуртнинг мазмунида бор
Оламларни иситувчи бир зарра қуёш.

- 50 Меҳнат билан туғишганмиз, меҳнат — шонимиз,
Шараф билан якун топди тинчлик вахтаси.
Миллион халқлар маҳсулидай мағрур-мардона
Тинчлик учун гарав турур ўзбек пахтаси.

Қуёш томон беткай туриб очилган гулдай,
Чаманларга зийнат берган юзимиз қизил.
Қардош эллар қаторида ўзбек халқи ҳам
Зиммадаги вазифасин бажарар ҳар йил.

КИЧИК ДУСТЛАРГА

Ҳамиша порлаб турган
Бошинг устида қуёш
Сенга хушхабар берар:
— Ёшингга қўшилди ёш.

Эллик биринчи йилдир
Гўё чинни кабутар,
Ер юзи халқларига
Берар тинчликдан хабар.

- 10 Сен ҳам соғу саломат
Ўқишда қилиб давом,
Ҳамма қилар ишингда
Лениндан олиб илҳом

Йилларни ойларга бўл,
Ойни ҳафта, кунларга,
Ҳар кунни бўлиб ташла
Энг аъло якунларга.

- Соат-соат қувониб,
Қарай бўйи-бастингга.
20 Янги йил қутлуғ бўлсин,
Азиз ўғиллар, қизлар.
Улуғ Ленин йўлини
Босувчи авлод сизлар.

ИМТИҲОН

Каттакон мактабларнинг
Мингларча юлдузисиз.
Республика таянчи —
Ўғиллари, қизисиз.
Сиз билан гуркирайди
Эндиги порлоқ замон.
Ёдингиздан чиқмасин,
Бугун сизда — имтиҳон.

- 10 Бугун ўқиган ҳар фан
Эртанинг нақдинаси.
Сизнинг шу ёш қалбингиз
Билимлар хазинаси.
Илмингиз-ла ер яшнаб,
Ярқирайди осмон.
Ёдингиздан чиқмасин,
Бугун сизда — имтиҳон.

- Аълочи номингизга
Туширмасдан зарра доғ,
20 Ўқиган китобингиз
Зеҳнингиздаги чароғ.
Оталар нақази шу,
Бўлсин бошимиз осмон,
Аъло баҳолар билан
Кутар сизни имтиҳон.

ДИПЛОМ

Узоқ кечаларда юлдуз кўз билан
Олам китобини кезади зеҳн.
Гранит лавҳага ўйилган каби
Мияда чизиқлар секиндан секин,
Билим пармаси-ла бўлур чуқурроқ.

- Жимжитлик... Қитирлар баъзида қалам,
Оқ қоғоз юзида янги жимжима.
Ўн-ўн беш китобдан худди шуниси,
10 Худди шу бетдаги мана шу жумла
Студент кўзига ойдек ярқироқ.

Гўё шу жумлада жаҳонлар сири,
Шу сирни гўёки билар фақат у.
Жимжитлик... Бир ғурур ўртада гангир,
Келажак шу тобда келиб рўбарў
Кеча заҳматкашин қучар, эркалар.

- Ўн-ўн беш китобни ёзган устодлар
Қўлтиқлаб олгандай ўз шогирдини,
Қапалак сингари учишни чоғлаб,
20 Қанотин тузатиб, қоқиб гардини
Ўрнидан қўзғалур қатор эрталар...

Зачёт книжканинг қатор бешлари,
Унинг-чун кечаги босган зинадай
Тайёрлаб папкага тушган ўн варақ
Ўн ойлик ёшдаги она сийнадай
Унинг улғайиши учун восита.

- Нонушта чоғидир... Бироқ хаёли
Дўстлари, муаллим, аудитория,
Кичкина олимнинг — кенг оламидир.
30 Отаси эшикни сал очиб қия:
— Ўғлим, чойингни ич,— деёлур аста.

КОММУНИЗМ АСРИ

Йигирманчи асрнинг доvon ошажак
Биринчи ярмининг сўнг йили бугун.
Ғалаба асрининг ўтган қисмига
Тўлиқ мазмун билан бу йилдир якун.

Эллик йил илгари инсон қалби-ла
Кўкарган умиднинг бу навниҳоли
Бугун чўлни босган ўрмон сингари
Тамоман ўзгартмиш ернинг жамолин.

- 10 Эллик йил илгари коммунизмнинг
Европа устида кезган шарпаси —
Бугун жаҳондаги озод кишининг
Етишган орзуси, олган нафаси.

Эллик йил илгари жанговар руснинг
Биринчи қадамда тўкилган қони
Бугун байроқларга жилвасин солиб,
Нурларига чўммишдир яқсар жаҳонни.

- Эллик йил ораси, доҳи Лениннинг
Улуғ Партиямиз ҳар айтган сўзи —
20 Бўлолди — одамзод ўзин танишда
Рўбарў қўйилган порлоқ кўзгуси.

Бугун ер юзининг озод уфқида
Инқилоб байроғи ҳилпирар кўркам,
Бу байроқ остида эркини олган
Миллиардча инсонлар қоядай маҳкам.

Йигирманчи асрнинг қудрати билан
Мақтанур тарихлар, мақтанур замон.
Қанчалик бахтиёр бу аср ораси,
Жангу курашларда қатнашган инсон.

- 30 Эндиги йилларнинг бўсағасида
Навбатни кутади ғолиб орзу:

Ҳозироқ тасаввур ойинасида —
Эрк олган Африка ва озод Ҳинду.

Кўринур тошларга теккан шишадек,
Капитализмнинг увоқ кукуни.
Кўринур даҳшатлар тўла туш каби
Мазлумлар оҳининг кўкда тутуни.

- Кўринур англиз, америкали
Беш-ўнта қонхўрнинг мурдор жасади.
40 Буларни қону ёш ўзи фарқ қилур,
Ҳатто, иблиснинг ҳам келмас ҳасади.

Қуёш болқар ери Машриқдан тортиб,
Европа ўртаси озоду асил,
Демак, коммунизмнинг ихтиёрида
Сутканинг кундузги қисми муттасил.

Қишилар қалбида енголган умид
Ўртача манзилга етган корвондай,
Эртанинг ғалаба тўла кунлари
Қўлига киргизган нақд бир замондай.

- 50 Одамлар рақамни, тақвимни англаб,
Санашни ўрганиб, то ҳалигача
Бунчалик муборак йил санамаган,
Ҳеч бир аср ўтмаган муборак шунча.

Корвон ўз йўлида давом этади,
Қуюнлар, тўфонлар, жанглар оралаб,
Мақсад сарманзили ёвуқлашади,
Океанлар ошарак зим-зим қоралаб.

- Худди шундай бўлади, ер юзидаги
Барча мазлум инсон кўтаради қад.
60 Ота-боболар ҳам айтадиларки:
«Соли нек аз баҳор маълум мебошад».

Мени нур — истиқбол ўзига тортиб,
Шеъримни юксакдан бошладим гарчанд,
Халқи ва давлати ҳимоя қилган
Шеърнинг уфқи кенг, фазоси баланд.

Ёдимдан чиқмади халқим, Ватаним,
Партиям бу йўлга бошлаган раҳбар.

Қалбимнинг ҳар тўртта хонаси ичра
Буларнинг ўз ўрни — жойи муқаррар.

70 Қондош, қариндошим совет эллари,
Қутлуғ уйингизга янги кун келди,
Ўзимиз меҳнатда, жангларда қурган
Коммунизм асри бус-бутун келди...

Қани, ҳей, дўстларим, тонглар ҳурмати,
Лиммо-лим қуйилсин навбатдаги жом.
Бу ашъор дostonча узайиб кетди,
Коммунизм асри бераркан илҳом!

КУКЛАМ ТОНГОТАРИ

Балоғат ёшига етган йигитнинг
Завқига оҳангдош куйлағумиз бор...
Товус пари каби нурда товланиб,
Алвон ранг шукуҳ-ла келмакда баҳор.

Хурликнинг меҳнати, меҳнатнинг ҳаққи,
Халқнинг ғурури-ла бўла овози.
Офарин, ҳар кунни якунлаб десанг:
«Эл мендан розию мен элдан рози!»

- 10 Ватан шеърларга тўлиб-тошгандай,
Муҳайё сатрлар ҳаётдай равон.
Халқимиз қудрати бахш этган азиз,
Ширин ва муқаддас, ажойиб замон.

Меҳнат бу ўлкада шарофат, роҳат,
Иш — севинч шиори ҳаммага ёддир.
Куннинг соатлари замондан мамнун,
Ватаннинг унвони — Меҳнатободдир.

- Қанчалар шириндир пешона тери,
Ўз ҳалол меҳнатинг зебу зийнати.
20 Тўйин ва фаровон умрга безак
Советлар сўмининг олтин қиммати.

Икки дўст ўн-ўн йил бирга яшади,
Бир-бировининг жони — меҳрибон.
Бола-бақра қилиб, оила қуриб,
Қутлуғдир супрада синдирилган нон.

Отага эҳтиром фарзанд бурчидир,
Ўғил ҳар қанчалик олим бўлса ҳам.
Ўз уйи, ўз эрки, эрkning виждони,
Тўрда салобати қанчалар кўркам.

- 30 Шириндир дўстлардан олинган мактуб
Сизга деб олқишу саломи билан.
Конверт бутунлиги, почта тезлиги,
Барча иш хулласи каломи билан.

Ернинг зийнатидир, элнинг кўркидир
Икки ёр бир-бирга тутса гулдаста,
Кўрганимиз самолёт уфқда чўмар,
Бир қиз рўмолини тебратар пастда.

- Ҳай-ҳай тўйни айтинг, никоҳ тўйларин,
Дўстлар шоду хандон, душман бағри чок.
40 Кўнгилда заррача қудурат бўлса
Тўйнинг гулханида ёнган бир хошок.

Ўғил-қиз ўстириш, иморат қуриш,
Китоб, театру курорт, сайёҳат,
Ишлабсан — қандингни ура бер, ҳаққинг,
Эртаси заволсиз бахту фароғат.

Бағрингда анордай тиқин орзулар,
Байрамда чиқасан пардай ҳилпираб.
Жангда ва меҳнатда шарафинг сўйлаб,
Орденлар нур сочар кўксингда порлаб.

- 50 Жаҳондай сайри кенг, денгиздай сахий,
Ердай баракали, кундай танти халқ.
Қоядай кўксингни фазодай очиб,
Чинордай қомат-ла уфқсимон қалқ.

Чунки сен жаҳонда ягона бўлган
Советлар давлатини гражданисан.
Озодлик чанқоғи қалбларда ўрнинг
Дунё инқилобин пок виждонисан.

- Гигант комбайннинг кичик винтидай
Давлат бутунлигин бир зарротисан,
60 Ҳайқирсанг мағрибдан машриққа етар,
Ленин бобомизнинг зурриётисан.

Йилларни қадамлаб, доvonлаб ошиб,
Зўр урдинг саодат ишхонасида.
Офат-балоларни енгиб етолдинг
Улуғ коммунизм остонасига.

Севиниб-қувониб шеър айтмоқ бўлсанг
Мисрага халқимиз иқболи келур,
Энг аввал Лениннинг нурли сиймоси,
Сўнгра шу Ватаннинг жамоли келур.

70 Америка-инглиз бадавлатлари
Дунёни бир ямлаб ютмоқ бўлса ҳам,
Атомлар, микроблар орқалаб олиб,
Муҳитдан муҳитга ўтмоқ бўлса ҳам.

Ҳаромхўр Ситилар, Уолл-стрит
Қутуриб, қуйруғин чайнар бўлса ҳам,
Ҳақиқат аёндир, совет ва корейс —
Халқининг дўстлиги ғоят мустаҳкам.

Эрк олган демократ эллар-ла бирга
Қизил байроқ ости ярим жаҳонмиз.
Эҳ-ҳе, бу қудратнинг кучи, имкони
80 Минг йилда секундча саноқсиз-сонсиз:

Халқларга берилган эрк ҳужжатиди
Қуёш шаклидадир озодлик муҳри,
Ўз муҳри, байроғи бўлган ҳар халқнинг
Қалбиди қуёшдай Лениннинг меҳри.

Тарих излай-излай таянч нуқтасин
Ниҳоят Кремль бағрида топди.
Асрлар кенгашиб, Москвамизни
Минг йиллар мулкига марказ сайлабди.

Ҳурлар овозининг акси садоси
90 Дунё қирғоқларин қопларкан шу дам,
Тилмочсиз тушунар «совет» сўзига,
Озодлик ва нурга ташна ҳар одам.

Жаҳондай бағри кенг, денгиздай сахий,
Ердай баракали, кундай танги халқ,
Уфққа гулдурас ёлсин овозинг,
Мағрур ҳуқуқинг-ла минбар томон қалқ!

Улуғ Коммунистлар партиясининг
Бахтингга посбон эрлари учун,
Ватаннинг жонажон мард фарзандлари
100 Меҳнат водийсининг шерлари учун,

Ишқинг, бола-чақанг, бахтинг, меҳнатинг,
Ҳуқуқинг кундан-кун бўлсин десанг соз,
Қўклам тонготарин байроқдорига —
Улуғ Партияга бўлгин жўр овоз!



Фафур Гулом СССР Ёзувчилар Союзи XII пленуми иштирокчилари билан. 1950 йил.

ХАЛҚЛАР ОТАСИГА

Ленин халқлар отаси — халқларнинг ўз сўзи бу!
Кўнгил кўзгуси каби замонлардан улуғ ном.
Коммунизм демаклик, халқларда туғма орзу,
Бугун Ленин ишини авлодлар қилур давом.

Мен табриклай оламан қизлар пианиносин,
Чунки шу овозларда менинг кўп қувончим бор:
Доим ҳурмат қилгандек Ватаннинг хазинасин,
Бугун ва келажакка каттакон ишончим бор.

- 10 Москва, Қизил майдон мен учун жаҳон демак,
Ўз шарқлик шоирини қучоғида эркалар,
Болалар, сиз омонсиз, бошлар осмон демак,
Қизил майдон орқали нур жаҳонга таралар.

Шеъримнинг мазмунлари, фикрим, ижодимда сиз,
Юрак сўзини айтдим туғилган кундан буён,
Сизга ташаккур айтар, эй менинг улуғ доҳим,
Номингиз шарафи-ла улуғлик топган замон.

- Ленин тарбияти-ла жаҳондаги кишилар
Ўзини таний олди инсонча ғурур билан.
20 Мен шеъримни ёзаман доим ёзганим каби,
Ильичнинг ўзи ёққан порлоқ ушбу нур билан.

Рус халқининг қудратин бундан минг йиллар бурун
Қайд қилиб келгандай, тариху ҳар замондош,
Саксон йил бундан аввал буюк Ленинимизни
Инсонлар иродаси ўз ақлига қилди бош.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ

Ленин комсомолин шону шарафи
Энг аввал ўзининг исмидек аниқ.
Фурур кўкрагида кичик значок
Йигитлик ҳуснининг кўркидек таниқ.

Қўлтиқда китоби, барваста, лобар,
Манглайин кенглиги бахтидек равшан.
Оналар эркаси, оталар фахри
Шулар омонлигин истайди Ватан.

- 10 Ленин уч қайтариб «Ўқинг!» деганин
Ўқиб-уқуб олган ленинчи авлод.
Улуғ бобомизнинг азиз ҳурматин,
Билимдон қалб билан қила билган шод.

Меҳнат дастгоҳининг ўз эгалари
Юзларча ҳунарнинг ичи-тошида
Оламча мазмунни кўтариб юрар
Партия силаган баланд бошида.

- Шундай ўғил, қизли катта оила
Советлар юрти деб аталур, дўстлар!
20 Шуни билиб қўйсин ёвуз ниятли
Бошидан ажраган мағзи йўқ пўстлар!

Инсонлик дафтари кўкрак чўнтакда,
Ҳамма халқ

Ленин дер,

демак, ўз сўзин.

Ғолиб коммунизм сиздан топади —
Доҳиймиз Лениннинг нуроний юзин.

ДАВРА ҚУШИҒИ

Ўз яратган замонамиз умримиз боқий,
Тўпланибдир ошноларнинг яқин-йироғи.
Қадрдонлар даврасида жонажон соқий,
Халқлар озод, Ватан обод, ҳамма бахтиёр,
Тўлдириб қуй қадаҳларни, янграсин гулёр.

Қон-қариндош халқлар ўсган Ватан ҳурмати,
Меҳнатимиз обод қилган гулшан ҳурмати,
Авлодимиз ўйнаб-кулган чаман ҳурмати,
10 Халқлар озод, Ватан обод, ҳамма бахтиёр,
Тўлдириб қуй қадаҳларни, янграсин гулёр.

Шундай улуг давраларга бошлаб берган йўл
Қалбимизга қувончларни бағишлаган ул —
Партиянинг ҳурматига, эй жон косагул,
Халқлар озод, Ватан обод, ҳамма бахтиёр
Тўлдириб қуй қадаҳларни, янграсин гулёр.

>

БИЗ ТИНЧЛИК ИСТАЙМИЗ

Жаҳонда энг улуғ устод, соҳибкор —
Боғбоннинг таълими билан ўсган боғ;
Шу боғ ўртасида нур ижодкори
Ўзи ёқиб берган қуёшдай чароғ —
Ўчмагай!

То қуёш ўчмагунича.

Инсонлар орзуси — яшасин тинчлик!
Пўлат ғишт қўйилган азим қўрғондай,
10 Кишилиқ бахтига Советлар юрти
Темир бетонлардан метин қалқондай,
Кўчмагай!

Қоннот кўчмагунича.

Атом, водороддан тўқима иғво
Озодлик уйини қилолмас хароб.
Жаҳонга янкилар хўжайинлиги —
Лаънатлар саҳроси уфқида сароб,
Иблис одамзодни эгарлай олмас!

Инсонлик қудрати парчалай олур
20 Уолл-стритнинг «тилло қафас»ин.
Черчиллнинг қўланса сигара дуди
Бўғишга ожиздир киши нафасин;
Зулумот нур ўрнин эгаллай олмас.

Қуни кечагина вабодай елиб,
Миллионлаб навқирон жонни чайнаган,
Қону ёш, фалокат, порох, қулғуна,
Азобу уқубат биқсиб қайнаган —
Уруш ёдимиздан чиқмаган ҳали.

Йўқ, жаноб олийлар, эндиги уруш,
30 Уйламанг, умрингиз узайтиради,
Бироқ ҳаётингиз олам боғини
Урушлар орқали кузайтиради,
Қундуздан яратиб оқшом маҳалин.

Кишилар, долларни семиртирай, деб,
Қирилиб битишни истамайдилар,
Капитал амри-ла янги урушнинг
Даштида йитишни истамайдилар,
Омонлик истайди ҳар озод одам.

Инсонлар орзуси — яшасин тинчлик!
40 Пўлат ғишт қўйилган азим қўрғондай.
Кишилик бахтига Советлар юрти
Темир бетонлардан метин қалқондай,
Тинчлик қалъасидир, турар мустаҳкам!

ЯШАСИН ТИНЧЛИК!

Бу гал ҳам,
Беш йил бурун
Рейхстаг қуббасидан
Жаҳонни титратолган
Советский «Урра!»дек,

СССР халқларининг,
Яшасин тинчлик!— деган
10 Гурур тўла овози,
Яна салобат билан:

Океанлардай пишқириб,
Вулқонлардай ўкириб,
Тоғу тошни ошароқ
Жаранггосин урмоқда.

Тинчлик пўлат қўрғонин
Қалқонбағир эрлари,
Атомлардан активроқ,
20 Ҳаётий ва зарурий
Нур манбан заррадек
Оламаро парвозин
Матонат-ла тўхтатиб:

Кўзгуда сайқал каби,
Монолит ҳайкал каби,
Уфқларга боқароқ
Мижжа қоқмай турмоқда.

Омонлик қалъаси бу:
Башарият ишончи,
Озод эллар қувончи,
Ҳур кишининг таянчи.

30 Менинг азиз Ватаним,
Сомончи юлдузлари
Йўлидек порлоқ бу йўл
Бошланади шу ердан.

Ер юзида тинчликнинг
Нақдина — сармоёси,
Қуввати-ҳимёси,
Коммунизм ғоясин —
Пўлат метин негизин
Қурган тенгсиз Ватаним,
40 Кишилиқ саодати,
Энг азамат нияти
Бошланади шу ердан.

Инсонлар ўз тақдирин
Ўзи қилар экан ҳал;
«Оқ уй»нинг олтинланган
Мармар салонларида
Кибр билан кезиниб,

Гўёки ер куррасин
Олов, аламлар билан
50 Таслимга қистаймиз, деб
Трумэн имзо чеккан
Даҳшат тўла фармойиш
Топа олмас эътибор!

Инсонларнинг тақдири
Ўз қўлида мукамал.
Бир хитой деҳқонининг
Қамиш уй — фанзасида
Кишилар қатор туриб
60 Фаров қаламлар билан
«Биз тинчлик истаймиз!» деб,
Чеккан ҳукми — имзоси:

Енгилмас қудрати-ла
Водород бомбасининг
Кулин кўкка созуриб,
Жисмидан қўймас ғубор!

Ер юзида ҳеч киши
Ўзи эккан боғини,
Ўз суянган тоғини,
70 Еру дўст, ўртоғини,
Уйдаги чароғини,
Ўғил, қиз қароғини
Эндиги жаҳаннамнинг
Гирдобига бошламас.

Ер юзи инсонники
Мазмун — жаҳони билан,
Денгиз, осмони билан,
Бойлиги, кони билан,
Вақти — замони билан,
Барча имкони билан,
80 Демакки, асил инсон,
Шунча нозу неъматни
Улоқтириб ташламас!

Улуғ Иттифоқимиз
Кексаси-ёшигача,
Улуғ қардошигача,
Кўкда қуёшигача
Юз миллион имзо чекиб,

Ер юзи халқларининг
Омонлик орзусига
90 Қўшади ўз сўзини,

Бу сўз
Қўрқоқ,
Ялинчоқ
Номард илтижо эмас;
Доим ғолиб эрники,
Жанглар аро шерники,
Яъни СССРники;
Муҳр ўрнига босилмиш
Омонлик симболидек
100 Кремль юлдузини!

Озод ўзбек халқимиз
Сўзи ўздек муътабар,
Тинчлик учун сафарбар,
Эллар билан баравар
Тинчлик васиқасининг
Давомига қўл қўйиб,
Инсоният умрининг
Давомини истаймиз,
Яъни яшасин инсон!

110 Инсон шаклида юрган,
Инсонни ёмон кўрган,
Дўзахлар уйин қурган,
Трумэн, черчилларнинг,
У номурод дилларнинг
Заволини истаймиз!

Тамуғ гўлахийлари
Атомдан чақиб чақин,
Яна қуллик, асорат,
Яна зўрлик, ҳақорат,
120 Яна фаҳшу шарорат
Ўтини гуриллатиб,
Ер юзида инсонлар
Тухмини қира олмас.

Аммо коммунизмнинг
Ғалаба тонги яқин:
Малъунлар бўлиб барбод,
Инсонлар бўлур озод,
Ер юзи ғоят обод.
Ҳамма халқлар баробар
130 Куррамизни чулғаган
Сахий атмосферадан
Текис олажак нафас!

БУ — СЕНИНГ ИМЗОНГ

Галаба умрининг қомус мазмуни,
Безаги, яқуни — ҳар битта хатинг,
Озодликка чанқоқ элларга етгач,
Кулбасин ёритур албатта хатинг,
Азиз ватандошим,
Бу — сенинг имзонг.

10 Берлинда Рейхстаг колонналари
Кечаги зафар, шон дарагин берар;
Бу ернинг ҳар битта ярим ғиштида
Галаба келажак сўзи ярқирар:
Азиз ватандошим,
Бу — сенинг имзонг.

Тантилик одатинг, ғолиб бўлсанг ҳам,
Омонлик тилаган омонлик олди,
Аммо шонли тарих саҳифасида
Бир умр нурланиб дастхатинг қолди:
Азиз ватандошим,
Бу — сенинг имзонг.

20 Сўзи эътиборли, аҳди вафоли,
Ажойиб бир халқсан, топилмас тенги;
Америка, инглиз дипломатидай
Номард лўттибозлик билмайсан, чунки:
Азиз ватандошим,
Бу — сенинг имзонг.

30 Қаерда порласа заррин хат билан
Оламни ёритган сахий офтоб,
Қаерда ўқилса халқлар толеи,
Бахту саодати ёзилган китоб,
Азиз ватандошим,
Бу — сенинг имзонг.

— Тинчлик бўлсин! — дейди халқлар
жаҳонда,
Тинчлик билан ўтсин одамзод умри.
Тинчлик васиқасин бош варағида
Советлар халқининг чин лафзи — муҳри:
Азиз ватандошим,
Бу — сенинг имзонг.

**БИРИ БИРИГА ШОГИРД,
БИРИ БИРИГА УСТОД**

Шогирдлар қалб уйининг
Порлаган чароғидир,
Шогирд устоддан ўтса,
Дил уйи шунча равшан.
Маърифат инсонга хос,
Гўё кўз қароғидир,
Билимдон эгаларнинг
Қўлида чаман — Ватан.

- 10 Офарин умри билан
Шунчалар бўлиб обод,
Бири бирига шогирд,
Бири бирига устод.

Фузулий лирикасин
Булоқбоши устози —
(Ўзи тан берганидек)
Шоир ота Алишер.

- Муқимий ҳажвларин
Қаҳқаҳаси, садоси
20 Муаллимни кўрсатиб,
Сайдазим Ширвоний, дер,
Бу икки халқ азалдан
Бирликда қилди ижод,
Бири бирига шогирд,
Бири бирига устод.

- Полвонтошда қайнаган
Олтин нефть булоқлари
Таълим олди Боқунинг
30 Жаҳон хазинасидан.
Боқу ёритар эди
Уйимнинг чароғларин
Электрга кўчгунча
Маърифат зинасидан,
Бу икки эмукдош халқ
Қуёшлар қилиб ижод,

Бири бирига шогирд,
Бири бирига устод.

- Қанчалар муборакдир
40 Қўлдаги қувватингни
Бахтлар иморатини,
Турғазिशга қилсанг сарф.
Идроку салобатинг,
Зеҳний шижоатингни
Сарф этсанг халқинг учун,
Нуқта-нуқта, ҳарфма-ҳарф.
Бу икки халқ қадимий,
Шунчалар олам обод,
50 Бири бирига шогирд,
Бири бирига устод.

- Янгийўл пахтакори
Қамтарин санъатини,
Қардошлар кўз ўнгида
Қилар экан намойиш,
У аниқ биладики,
Шу қардош халқ меҳнати,
Юртимизда таъминлар
Омонлик ва осойиш.
Меҳнату шараф эмиш,
60 Инсонни қилғувчи шод,
Бири бирига шогирд,
Бири бирига устод.

- Билмаганни ўрганиб,
Одамзод топди камол
Ва асрий илмимизнинг
Дебочаси, туғроси,
Ленинизм ғояси
Қуёшдай билмас завол,
Қардошлар гурунгининг
70 Ақлига раҳнамо ул,
Эй устодлар устоди,
Яша, соғ бўл, зиндабод!
Биз доим сенга шогирд,
Сен доим бизга устод!

ТЕЗУ ТОЗА ТЕР!

Кунлар, ғоятда чўнг талаби билан
Ҳар минут меҳнатдан кутади мазмун,
Йил бўйи қилинган меҳнат маҳсулин
Халқим хирмон-хирмон қилмоқда якун.

Тоғларни қўпориб қўйдик, десак оз
Ҳали терилажак пахтани кўриб;
Қайтадан юзимиз шувит бўлади
Фурдат қочирмасдан олмасак териб.

- 10 Утган йиллардаги узру хижолат
Ҳар қандай уятли кўзга кифоя...
Ерга қарамаймиз, киприкларимиз
Қуйи қабоқларга солмагай соя.

Бу йил план тўлар, каромат эмас;
Иш бўлур атоқли номга яраша.
Ёруғ юзимизга дўстлар, ёронлар
Дегайлар: «Хўб шудаёт», «Это хорошо».

- Кунлар... Жаҳон бўйлаб қуюн қўпса ҳам
Гарчанд мижжамизга қўндирилмас гард.
20 Аммо офатларнинг олдини олиб,
Эртасин таъминлаб қўйган киши мард.

Юввош табиатли кирпитиканга
Қутурган ғазабла кулган кўпакдек,
Корея кўкида Американинг
Хужуми қабарур, шишган пуфакдек.

Атом, водороддан тўқима иғво
Трумэн, Черчиллнинг оғзида ҳалво,
Аммо тинчлик севган миллиард ирода
Бу шақал зотларга беролур жазо.

- 30 Яна янги уруш ўт қаловчиси
Беш-ўнта муттаҳам қилинажак фош,

Балолар оғзига кишан урилиб,
Томуғ қопқасига қаланажак тош.

Тинчлик бўлсин, деди, имзосин чекди
Ер юзи халқларин бешидан тўрти;
Озодлик, омонлик чанқоғи эллар:
— Саломат бўлсин, — дер Советлар юрти!

- Социализм қурган улуғ Ватаннинг
Ғолибу хушахлоқ гражданимиз.
40 Жаҳонда тинчликнинг кафолатини
Кўтара оларлик зўр гарданимиз.

Тинчлик қўрғонининг қалъабонидир
Бу ерда ҳар киши — Лида, Мукаррам,
Академик Тарле, маршал Будённий,
Тўқувчи Мария Ивановна ҳам.

Бугдой — тинч хонадон заҳирасидир,
Нони бут кишининг усти бутундир.
Атомдан ўртанган қишлоқдан эмас,
Учоқдан бурқиган қутлуғ тутундир.

- 50 Узбексан, пахтадир сенинг заҳиранг,
Тинчлик қўрғонига қўяжак ғиштинг.
Бир грамм хатосиз тезу тоза тер!
Шу сенинг ғалабанг, шу — орқапуштинг.

Тинчлик хазинаси атомдан оғир
Инжу пораларга тўлсин, десанг, тер,
Ўзимиз қуролган социализмни
Кундан-кун мустаҳкам бўлсин, десанг, тер!

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ПАХТАҚОР ҚАРДОШЛАРГА

Инжулар уйилган кумуш баркашдай
Бўлиқ пахтамыздан тоғ-тоғ хирмонлар.
Далалар саломга қўлин чўзади:
— Марҳамат, қардошлар, азиз меҳмонлар.

Йил бўйи қилинган меҳнат маҳсулин
Бебаҳо дурлари ушбу бўлади,
Заҳматнинг қадрини заҳматкаш билур,
Дўст диллар бир-бирга кўзгу бўлади.

- 10 Икки қардош ўлка — икки эгизак,
Бел тутиб кирганда бу майдон ичра
Шарафли меҳнатнинг шавқи — ғурури
Қатто сиғмай қолди бу жаҳон ичра.

Эҳ-ҳе... Минг-минг йиллар минг насллардан
Қолиб келаётган шу — ўша замин,
Аммо, бу ерларнинг совет кишиси
Меҳнат ва илми-ла тўлдирди камин.

- Илм-маърифатдир жилолантирган
Меҳнатнинг олмосдай қадру қимматин,
20 Советлар фанидир кўкка кўтарган
Ҳамма меҳнатнинг ҳам салмоқ ҳурматин.

Икки республика қўл-қўл тутишиб
Оламлар кўрмаган ҳосил ундирдик.
Асримиз илмини меҳнатга замлаб,
Ерни ва иқлимни ўзга кўндирдик.

Бизнинг ҳосилларни кўрган қардош халқ
Қувонар уйига тўлгандай бугдой,
Юрагин уриши юзига тепиб,
Ташаккур айтаркан кафтлари чўғдай.

30 Қардош Озарбайжон пахтакорлари,
Сизнинг шарафингиз бу бизнинг шараф,
Ажойиб Ватаннинг фарзандларимиз —
Қондош-қариндошдир тўрттала тараф.

Пахталаримиздан олам ясанур,
Ишимиз халқларнинг зийнати — кўрки,
Юксак ҳосилимиз муҳайё, аммо
Сўнги кўраккача терайлик, чунки:

Ҳар грамм пахтада бир дунё мазмун,
Бу мазмун оламда тинчликнинг иши,
40 Тинчлик, омонликни орзу қилмаган —
Онадан чалароқ туғилган киши.

БУХОРОДАН АНДИЖОНГА ОЧИҚ ХАТ

Бухоро пахтакор азаматининг
Юзида қип-қизил байроқдан тобиш,
Андижонли арслонтўш ўртоқларига
Мағрур пичинг билан қилур намойиш.

— Сиз, ахир пахтада бизга устасиз,
Қаттасиз бизлардан ёшга нисбатан.
Шогирдлар устадан ўзиб кетди-ку,
Орқада қолдингиз нега дафъатан?

- 10 Биринчи беш куннинг қизил байроғи
Бухорли илғорлар қўлида кетди.
Қизимиз Чиннихон саккиз тонналик
Биринчи теримга югуриб етди.

Қани сиз, оқсоқол Тешавой ота?
Туянинг тоймоғи қўйга тенг эмас,
Этаклаб қолдингиз, устазодалар,
Этакни эси бор киши енг демас.

- Яхши от кейнидан чопади — деган
Мақол ушбу навбат бермас тасалли.
20 Салмоққа яраша иш қилиш керак,
Токи дўст-ошналар десинлар, балли!

Шонли республика иззат-обрўси,
Қаторнинг оқ нори бўлган Андижон.
Жон деса жондайсиз, кон деса кондай,
Ҳаммаси муҳайё — қувват ва имкон.

Ҳаддимиз сиғади, мусобақадош,
Олгансиз бир талай аҳду кафолат.
Зўр уринг, донгғингиз дўстлар эшитсин,
Шоядки, Тошкент ҳам тортса хижолат.

- 30 Фарғона, Наманган қадрдонимиз,
Тиклансин қайтадан машҳур эътибор.

Каттакон ҳосилни йиғиб олайлик,
Ювилсин манглайдан уч йиллик ғубор.

Пахта майдонининг заҳматкашлари,
Ғанимат кунлардан бўлинг баҳраманд.
Фурсатин бой бермай сахий далада,
Кунларни тунларга қилайлик пайванд.

Тинчлик саодатин тушунган киши,
Омонлик ишига қўшар ҳиссасин,
40 Биз қурган шу тинчлик ошъёнида
Авлодлар тинглагай мардлик қиссасин.

Биз мақтаб егандай Украина нонин,
Мақташиб кийсинлар бизнинг матани,
Хушахлоқ халқларнинг одати шуки,
Ҳамиша ҳурматлар кичик каттани.

Каттакон оғамиз — устод Андижон,
Пойганинг тўригин эгарлар албат.
Бастига яраша кураш тўридан —
Муносиб ўрнини эгаллар албат!

СУЗ НАВБАТИ ТОШКЕНТЛИКЛАРГА

Бешкуплик ғайратнинг тимсоли бўлиб,
Галаба кўкида ҳилпирар байроқ.
Тошкент пахтакорин очиқ чеҳраси,
Салор сувларидек тиниқ, ярқироқ.

Қадрдон, қурдошлар ўзишувиди
Биринчи маррага етган киши зўр,
Аммо бу ютуқни қўлдан чиқармай,
Сўнгига етказган зўрроқ кишидир.

- 10 Утган бир шеъримда Тошкент важдан,
Ўзим ёзиб қўйиб, уялдим ғоят.
Бухоро, Андижонни ёзиб айтгандим:
«Шоядки, Тошкент ҳам тортса хижолат?»

Ҳақ сўздан манфаат топади дўстлар,
Не қилса Тошкент пойтахт эди.
Узр айтсам ўринсиз, чунки машина,
Теримчи, пахтаси бари тахт эди.

- Дўстларнинг ҳақ сўзи аччиғ бўлса ҳам
Гаразли хушомад сўздан яхшидир.
20 Ҳар кимнинг меҳнати эл бахти учун
Меҳнат ҳар манглайда қуёш нақшидир.

Дуруст, қизил байроқ Тошкент қўлида,
Бироқ, талай район орқада ҳали,
Билмадим бу дўстлар от қўядими
Пойгадан илғорлар қайтган маҳали?

Чунончи, соҳибкор Ҳамроқул ака,
Соғиндиқ, нима-чун чиқмайди дами?
Бировнинг бировга таққоси қийин,
Тешавой акамдан ахир йўқ кам!

- 30 Улуғ республика ўғлонларимиз,
Тошкентми, Фарғона, Андижонми, Хоразм,

Бизнинг меҳнатимиз шу халқ толеи,
Қатта толе учун қилиш керак азм.

Баъзида биргина кишининг иши,
Қатта муаммони қила олур ҳал,
Шунингчун бир бутун ўлка, гишт ташиб,
Баъзан бир кишига қўяди ҳайкал.

Ҳар битта теримчи софдил граждон,
Бир бутун халқ учун беради жавоб.
40 Орадан бир варақ йўқолиш билан
Қадрини йўқотар минг варақ китоб.

Теримчи дўстларсиз, республикамиз
Қатта ғалабада сизга мунтазир,
Улуғ байрам куни илғор саф учун
Эртанинг нормасини терайлик ҳозир.

Қўлингиз шарафли қўлдир, шу қўл-ла
Тинчлик варағига чеккансиз имзо.
Энди шу қўлларнинг маҳсули пахта
Урушқоқ зотларга бўлажак жазо.

50 Ғалаба байроғин эгаллаш учун,
Дўстлар бел тутишар улуғ майдонда.
Кучга — куч қўшилар, идрокка — идрок.
Ғоят қизгин кунлар Ўзбекистонда.

Билмадим, эндиги ҳафтанинг шеърин
Қимларга атайман, бариси яхши.
Тўй кирган хонадон дарвозасидан,
Тўйдан илгарироқ киради бахши.

ТИНЧЛИК МИНБАРИДАН

(Тинчлик конференциясига бағишланади)

Ҳар оила ўчоғин ўз қутлуғ тарихи бор,
Ҳар бошпана — кишилар меҳнатин обидаси.
Болари уясининг кичик кўзанаги ҳам
Ўз яшовчи элининг ватан — она сийнаси.

- Бўй ўсган ҳар ўсмирнинг қаддида, қоматида
Туққан ота, онасин қатра умри яширин.
Ўз қўлда уруғ сочиб, ўстириб пайванд қилган
10 Кичкина кўчатча ҳам гулларкан ғоят ширин.

Ўз яшаган оламини ҳамиша ҳаёт кўриш
Ўлимин инкор қилган инсонликка туғмадир.
Ҳатто ўлиб боргучи чоллар ўз давомини
Авлодларда кўриши зотига йўғирмадир.

Ҳамма ер якка орол, ҳар ким Робинзон эмас,
Қитобий бу афсона касалманд хаёл иши.
Катта оила билан, катта жамият билан,
Бир бутун халқи билан омонда яшар киши.

- Якка-якка ҳар киши бир бутун ўз халқининг
20 Жаҳоний орзуларин қалбида сақлаб яшар.
Қуёшдай катта халқнинг атом зарраси бўлиб,
Саодатга интилиш одамликка ярашар.

Тўлун ойдай каттакон, нурда пишган нон каби
Ер юзи неъматлари ҳамма учун баробар.
Бир тўда ялмоғизлар барисин ютмоқ бўлса,
Бу неъмат — офат бўлиб, емириши муқаррар.

- «Фақат мен яшайман», деб, бошқалар уйин бузиш,
Тарих далолат берар, жазосиз қолмас экан.
Ҳатто боларининг ҳам уясига чўп суқиш —
30 Оқибат бадкирдорнинг кўзига қадар тикан.

Бир халқнинг ватанини ва қутлуғ тарихини
Муғомбир кибр билан топташ мумкин, муваққат...

Фиғонлар — қон туғдириб, қон — интиқом туғдириб,
Бу вулқон золимларнинг қасрини йиқар фақат.

Бир халқнинг азиз умрин, авлодин — истиқболин
Ҳечга чиқаролмагай ҳеч қандай қонли шамшир,
Тарих ўзи ўч билан, бўғин-бўғин куч билан
Ваҳшатин кишанлашга қуяр оташин занжир.

Бир халқнинг баҳорини, меҳнат — киштукорини
40 Ногаҳон офат билан кўкка созуриб бўлмас.
Офат ижодкорларин вабодай нафасини
Аламдийда халқ қўли бўғиб қўя қолур, бас!

Дунёда ҳеч бирон халқ Робинзондай саргашта,
Қалбаки қуюн аро бўлмагай гирдобга ем.
Катта оила бўлиб, катта жамият бўлиб,
Ер юзининг халқлари мазлум халққа бўлар эм.

Жаҳаннам адресини йўқотган иблис каби
Хунхўр империализм Кореяга қўяр ўт.
Ер юзини гулистон қилиб қўйган инсонлар
50 Бу заққум туғёнларга қилолмас ортиқ сукут.

Ўз юрти, ўз уйида, осойишта, баркамол,
Ҳалол меҳнати билан яшаб келган Фарбу Шарқ
Америка сайёди учирган бургутини
Тинчлик кабутарининг парвозидан қилур фарқ.

Корея еридаги мазлумлар ноласини
Бўғолмас Америка саксофонин оҳанги.
Тинчлик тарафдорлари жаҳон бўйлаб овозин —
Ҳайқирининг босолмас долларларнинг жаранги.

Малъун Уолл-стрит қайтадан жаҳон бўйлаб
60 Яна янги урушни бошламоқ ниятида.
Ҳар бир газандани ҳам янчмоқ аъло бўлади,
Ҳали ўрмаламасдан, тухум қўйган пайтида.

Кореянинг ерини қонли ёшга фарқ қилиб,
Беҳадик уча бермас ўлаксаҳўр лочинлар.
Халқларнинг иродаси тарих фармойиши-ла
Бу лаънати галани қора ерга парчинлар.

Корея озодлиги — тинчлик тарафдорлари
Енгилмас шарафининг қудратидан намоийш,

Ер юзида инсонлар бир қалб, бир овоз билан:
70 — Йўқолсин уруш! — дейди.— Бўлсин замон осойиш!

Муқтадир Москвада халқлар дадил айтади
Шонли конференция минбаридан ўз сўзин.
Сўзига ҳужжат қилиб, гурур-ла кўрсатади
Тинчлик пўлат қўрғони, Кремлнинг юлдузин.

Ер юзи халқларининг кўз қароғи Москва,
Жаҳон бўйлаб тинчликнинг суянган посбони.
Шу кунларда айниқса тиниқ ва мусаффордир
Нурларга чўмиб ётган Москва осмони.

ҒОЛИБЛАР ШАРАФИГА

Халқлар биродарлигин чин-чинакам маъноси
Советлар оиласин тузумида барқарор,
Шонли коммунизмнинг покиза идеяси
Кишиларнинг қалбида биллур каби беғубор.

Асл одамзоднинг жаҳоний орзулари
Чашма қатраларидай бир-бирининг ўхшаши,
Бири бирига пайванд, бири бирин тўлдирад,
Бири бирин давоми, бири бирининг боши.

- 10 Бу улуг оиланинг мустаҳкам асосида
Кишилар орзу қилган истиқбол ҳукмрондир.
Шу шериклик манфаат бирлаштирган бизнинг халқ
Бири бирига қондош, бири бирига жондир.

Каттакон оиланинг қарқара ўғиллари,
Барчаси ҳам меҳнаткаш, аёлманд, болажонли;
Ўртада кенг дастурхон — алвон рангли Ватани,
Ватан бўлганда тағин олам-олам имконли.

- Бириси туз келтирса, бириси — ўту чароғ,
Бириси — усти-бошни олмиш уҳда-кафолат,
20 Бириси — рўзғор учун керакли қурол-яроғ,
Бириси — бўстон қурар, бири — янги иморат.


Бирининг саодати — иккинчисин толеи,
Катта оға рус халқи — тўйимизда тўйбоши
Ва мусибат куни ҳам, тарих буни кўролди,
Жафони бирга чекиб, ғалабада қўлдоши.

Чунки бунда кишини бир бирдан жудо қилган
Босқинчи манфаатнинг ҳаромхўр кўлкаси йўқ,
Миллион-миллион кишини ўз айшига қул қилган
Капиталистлар ҳоким мазлумлар ўлкаси йўқ.

30 Кеча озарбайжонлик қардош пахтакорларнинг
Улуғ ғалабасидан Ватанга етгач хабар,
Қондош оға-иниси пахтакор ўзбек халқи
Ўз табригин юборди қуёш билан баробар.

Чунки озар халқининг каттакон оиламиз
Рўзғорига жамбаста забардаст ҳиссаси бор.
Айниқса ўзбек билан бу майдонда ўзаро
Асрий биродарликнинг сўнмаган қиссаси бор.

Уҳдадош бу икки халқ ўз иноқ меҳнати-ла
Ер юзида тинчликнинг қўяр олтин кирпичин.
40 Чунки бу бизнинг ижод ва ижод маҳсулимиз,
Миллионлаб тонна пахта, жаҳонда тинчлик учун...



Ғафур Ғулом ўгли Мирзо Улуғ (ўнгда) ва жияни Дарвин Ғуломов билан. 1950 йил.

ТИНЧЛИК НАШИДАСИ

Яна улуғ айёмнинг қадрдон нашидасин
Шу бахт саҳифасига ёзмоқ бўлди муяссар.
Улуғ совет элидан ер юзи халқларига
Тинчлик саломин айтиб учар чинни кабутар.

Ҳар тонгнинг лирикаси, ҳар нафаснинг ўз файзи,
Ҳар куннинг қайд этарлик мазмуни, тарихи бор.
Бу куннинг лирикаси, файзи, мазмун, тарихи
Ер юзида тинчликнинг қудрати-ла барқарор.

- 10 Кишилар ўз тарихи камолоти йўлида
Кураш билан кўролди орзусининг жамолин.
Ҳамиша интилишдир олмосдай ярқиратган
Инсондаги орзу-ниятларнинг камолин.

Кишилар истайдикки, ер юзида барча халқ
Ўз эрки, ҳуқуқида, умр кўрсин пойдор.
Ҳар кимнинг ўз меҳнати, ўз ватан, ўз хоҳиши
Жаҳоний орзуларин давом этсин беозор.

- Кишилар истайдики, ҳамиша равшан бўлсин
Куни-куни эрталар, куни-куни истиқбол.
- 20 Ҳаммага баб-баравар саҳоват нурун сочиб,
Юракларни иситиб, қуёш кўргазсин жамол.

Кишилар истайдики, ер юзи гулбоғининг
Мусаффо ҳавосидан ҳамма бўлсин баҳраманд.
Кишилар осойишта ўз меҳнат шарбатидан
Мўл-тўкин, истаганча қайната олсин гулқанд.

Кишилар истайдики, қаҳрамон Кореяни
Америка зулмининг ғуссаси ўртамасин.
Кишиларни янгидан бўлажак уруш хавфи,
Фашизм хуружининг қиссаси ўртамасин.

- 30 Узоқ эмасдир, ахир, ғазаб ўти тушмаги
Уолл-стрит номли илоллар ўрасига,
Шу зулму бедод ўзи асабларни ўртабон
Нафасин уфурмаги инқилоб кўрасига.

Уран атомларининг қудрати, сири, ҳукми
Фақат америкалик қотилларга хос эмас,
Тинчлик севган кишилар, ҳардам айтмоғи мумкин:
— Ут билан ўйнай берма, шунча дўқнинг ўзи бас!

- Ҳадеб бошқа халқларни чайнаб, янчиб, кемириб
Комига юта бермас капитал — олтин гирдоб.
- 40 Аламдийда халқларнинг қон ёшли интиқомни
Лаънатилар хонасин қилар оқибат хароб.

Америка, инглиз қонхўрлари истаган
Жаҳоний қирғин — уруш бўлмаёжакдир, чунки:
Кишилар истайдики, тинчлик бўлсин жаҳонда,
Дунёдаги бор кучдан зўроқ инсон истаги.

Кишилар истаса бас, ўз истаги йўлида
Нечоғлик сад бўлмасин, емириши муқаррар.
Бизнинг улуғ Октябрь халқимизнинг истаги
Тарихий ҳужжатимиз, халқлар аро муътабар.

- 50 Жанговар корейс халқи ўз хоҳиши йўлида
Азамат Октябрнинг зўридан олди илҳом.
Минг йилларнинг кишани, жабру ҳақоратларни
Бир жўшқин ҳамла билан қила олди саранжом.

Не ажаб, худди бугун, ёки куни эртага
Европа ишчисининг манглайи чимрилиши,

Не ажаб, долларларнинг, атом иғволарининг
Вьетнамда бўлганидек ногихон емрилиши.

- Халқларнинг шууридан кўкариб, найчалаган
Демократиянинг инқилобий йўли шу.
60 Бундан буён кишилик тарихининг бош йўли
Коммунизм асрига чиқажакдир рўбарў.

Жаҳонда яшаб турган демократ ахлоқли
Миллиардча инсонларга тинчлик сўзидир шиор.
Чунки тинчлик лагерин суянган нўлат тоғи —
Коммунизм ўлкаси — Советлар Ватани бор.

Кишиликнинг таянчи бўлган азиз Ватаним,
Коммунизм ўлкаси, сен эмассан ягона.
Сен билан инсоният яшамоқда бехатар,
Сен билан барбодликдан қўриқланур замона.

- 70 Бахтиёр улуғ халқим шарафли меҳнати-ла
Дақиқалар ичида оламлар қилиб ижод,
Ўтмиш мусибатининг қадамидан емирилган
Минглаб харобаларни қайтадан этар обод...

Совет кишиларининг олий тафаккурига
Улуғ партияимизнинг таълимоти сингмишдир,
Бу таълим халқимизнинг қурашларда байроғи
Ҳамиша голиб келмиш ва ҳамиша енгмишдир.

- Жаҳонда мислсиз халқ, ҳар иши, ҳар бир сўзи
Ер юзида тинчликнинг асосига гаравдир.
80 Қалби покизалиги, танти, азаматлиги
Дўстлар ва ёронларнинг олқишига пайравдир.

Улуғ совет халқининг колоннаси ўтаркан,
Бу қаторда порлайди ўзбекнинг ҳам байроғи.
Чунки Совет Шарқи бу, енгган коммунизмнинг —
Шарқ уфқига ёқилган машъал — ёруғ чароғи.

Улуғ айём кунидир, нияти соф инсонлар
Бири бирини қутлаб нома ёзур сарбасар.
Улуғ Совет элидан ер юзи халқларига,
Тинчлик саломин айтиб, учар чинни кабутар...

ҚУТЛУҒ ИИЛ ТОНГИДА

Шу азиз фурсатларнинг тарихига кирмоққа
 Ўзини лойиқ топган ҳар бир пок инсон учун,
 Муборак коммунизм асрини яратмоққа
 Сарф этган соатлардан туғилган жаҳон учун,
 соқий, менга сун қадаҳ!

- Ҳамиша одамзоднинг зеҳнига машъал бўлиб,
 Нажот сари йўллаган илғор ғоямиз ҳақи,
 Инсоний етукликнинг авжига ҳайкал бўлиб
 10 Чиқишда босиб ўтган поя-поямиз ҳақи,
 соқий, менга сун қадаҳ!

Соқий, менга сун қадаҳ, йигирманчи асрнинг
 Ичган сари кишини ҳушёр этар шаробин,
 Яна ҳам аниқ кўрай яшаб турганим ернинг
 Алвонранг тонготарлар келтирган офтобин —
 мукамал мазмун билан.

- Не бахтдир, ҳар киши ҳам ўз она-Ватанида
 Улуғ жамият бўлиб, ҳаётдан топса ором,
 Саодат гулдастасин тўплаб ўз чаманида,
 20 Янги кунларни кутса шабнамдан тўлдириб жом,
 саранжом якун билан.

Саранжом якунларни эълон этар кун яқин
 Зулмат дастгоҳининг чилпарчаси устидан,
 Ғолиб инсониятни етаклаб борган оқин,
 Муқаррар ғалабанинг нур дарчаси устидан
 кунни эрта кулажак.

- Кунни эрта кулажак озодлик тилагида
 Қаҳрамон Корёяда ўч ўртаган чеҳралар!
 Америка-инглиз қонхўрлари кўкида
 30 Қалбаки шуъла билан ёнган ҳулқар, зуҳралар
 океанга тўкилажак.

Океанга тўкилажак Уолл-стритнинг,
Трумэн, черчилларнинг олтинли тахти-бахти;
Хонаси хароб бўлар урушталаб итларнинг,
Томирини кенг ёяр ерда тинчлик дарахти,
халқлар терар мевасин.

Ер обод, Ватан обод, халқларнинг қалби обод,
Одамлик шаънига мос ажойиб замон бўлиб,
Бахтиёр инсоният қонхўр зўрлардан озод,
40 Саодат манзилига енгилмас корвон бўлиб,
етаклайди тевасин.

Етаклайди тевасин тарихда сўнги навбат
Қорақум чўлларини асрлар кезган корвон.
Кўтаради ушбу йил бир гигант бунда қомат,
Коммунизм даврининг кенг кўкракли паҳлавон —
асримиз иншооти.

Куйбишев ГЭСлари-ла, Волга-Дон канали-ла,
Коммунизм умрининг навқирон фасли келур;
Кишилар минг-минг йиллар орзу тўла дил ила,
50 Мунтазир бўлиб кутган замоннинг асли келур —
коммунизм ҳаёти.

Коммунизм ҳаётин илк баҳор айёмидир,
Шарафли меҳнат аро туғажак бу Янги йил.
Кунларга мазмун берган қалбимиз илҳомидир,
Минг-минглаб асрларнинг пўлат қўрғони деб бил,
улуғ совет Ватанин.

Улуғ совет Ватанин озод граждандари,
Саодат бўсағаси — Янги йилинг муборак!
Фаровон ҳаётингнинг кун-кун ўтган дамлари
60 Халқимиз шарафига ҳайкал бўлмоғи керак —
коммунизм чамани.

Коммунизм чаманин гулзорига кирмоққа
Ўзини лойиқ топган ҳар бир пок инсон ҳақи,
Кишилар орзу қилган замонни яратмоққа
Сарф этган умримиздан туғилган жаҳон ҳақи,
соқий, менга сун қадаҳ;
соқий, менга сун қадаҳ!

МИРЗАЧУЛ

Комсомоллар марши

Х о р

Ленин изидан босганда йўл —
Ғолиб ҳаётга мард комсомол,
Эй, бахти кулган сен Мирзачўл,
Еш наслларимизнинг бўстони бўл!

Нақарот

- Партиямиз, илғоримиз,
10 Биз доим сенинг ёнингдамиз.
Ҳар ерда тайёр, ҳар ерда бор комсомол,
Эй, ленинча мард комсомол!

Х о р

Ҳар ишни бошлар тонг чоғимиз,
Партиямиз байроғимиз.
Ундан бу бахту гулбоғимиз,
Устодимиз, чироғимиз.

Нақарот

- Партиямиз, илғоримиз,
Биз доим сенинг ёнингдамиз.
20 Ҳар ишда тайёр, ҳар ерда бор комсомол,
Эй, ленинча мард комсомол!

Х о р

Коммунизмнинг авлодимиз,
Олам яратган ижодимиз,
Олий бинолар фарҳодимиз
Бор бўл, жаҳонлар ободимиз!

Гулла Мирзачўл

Қ и з

- Олқишлайман улуғ байроқдоримни,
30 У йўллади нурга ихтиёримни.
Асримизда чўллар бўлди гулистон,
Қувнаб, қувнаб куйлайман диёримни.

Х о р

Сирдарёга очиб текис йўлларни,
Нурга кўмдик, сувга чўмдик чўлларни.
Янги ерда боғу бўстон яратдик,
Тонглар отиб эркалайди дилларни.

Қ и з

10 Мирзачўлнинг пахтаси бор, кони бор,
Тинч меҳнати, хирмон-хирмон нони бор,
Ватанимиз ер юзининг зийнати,
Қудрати бор, шони бор, имкони бор.

Х о р

Ҳур меҳнатга шараф бўлсин, шон бўлсин,
Шароб ичсак томирларда қон бўлсин.

Ватандир бу

Асил ўғлонлари давлат тузолган ҳур Ватандир бу,
Омонлик қалъаси, тинчлик макони зўр
Ватандир бу.

Муқаддасдир, дахлсиздир ҳар қадамда зарра
тупроғи,
50 Ҳамиша ғолибу енгмак билан мағрур Ватандир бу.

Бу ерда барча халқ озоду бир-бирнинг қариндоши,
Улуғ дўстлик шиори шуъла отган нур Ватандир бу.

Саодат ўлкасидир кўкда порлоқ офтоби бор,
Советлар Иттифоқи — дунёда машҳур
Ватандир бу,

Дахлсиз ҳур Ватандир бу,
Ватандир бу!

Теримчилар қўшиғи

Бизнинг пахта очилмоқда,
Терай қувнаб, қувнаб,
60 Йиғай қувнаб, қувнаб.

Оппоқ-оппоқ пахталарни
Кўкартирган ўзимиз.
Мирзачўллик комсомол,

Уғлонлари, қизимиз,
Шу ернинг юлдузимиз.

Хирмонлар оппоқ-оппоқ,
Терай қувнаб, қувнаб,
Йиғай қувнаб, қувнаб.

70 Тезу тоза ким-ким ўзар,
Терай қувнаб, қувнаб,
Йиғай қувнаб, қувнаб.

Пахта бизнинг асил меҳнат,
Пахта бизнинг нонимиз,
Мўл ҳосилнинг конимиз.
Пахтакорлик ишининг,
Меҳнат қаҳрамонимиз.

Хирмонлар оппоқ-оппоқ,
Терай қувнаб, қувнаб,
Йиғай қувнаб, қувнаб.

80 Қ и з л а р

Сизлардан ўзиб кетдик.

И н г и т л а р

Биз сизлардан қолмаймиз.

Қ и з л а р

Биз теримдан толмаймиз.

У м у м

Юз килолаб термагунча
Бемалол туролмаймиз.

90 Хирмонлар оппоқ-оппоқ,
Терай қувнаб, қувнаб,
Йиғай қувнаб, қувнаб.

Мирзачўлда тўй

И н г и т

Мирзачўлнинг бўстонидир уйларингиз, эй ёрай,
Шу бўстонга келишади бўйларингиз, эй ёрай,
Тўйларингиз, эй ёр, эй ёрай!

Сирдарёнинг қирғоқлари ёппа ғўза, эй ёрай,
Пахтазорда ҳар бир чаноқ — тилла кўза, эй ёрай.
Ҳар бир чаноқ тилла кўза, эй ёр, эй ёрай!

100 Қ и з

Тилла кўза кўтармоққа биллак керак, эй ёрай,
Ҳур меҳнатда ўзишмоққа тилак керак, эй ёрай,
Юрак керак, эй ёр, эй ёрай!

Тўлин ойга талай юлдуз эргашади, эй ёрай,
Йигитларга чин айтган сўз ярашади, эй ёрай,
Чин айтган сўз ярашади, эй ёр, эй ёрай!

Й и г и т

Чинин айтсам, этик билан сув кечганман, эй ёрай,
Ширинсойдан тўйиб-тўйиб сув ичганман, эй ёрай,
110 Сув ичганман, эй ёр, эй ёрай!

Сирдарёнинг қирларида гул лоламан, эй ёрай,
Минг гектарга чигит эккан эр боламан, эй ёрай,
Мақтанмоқдан уёламан, эй ёр, эй ёрай!

Қ и з

Кўкда учган чинни каптар оқ қаноти, эй ёрай,
Бу майдонда мардоналик қолсин оти, эй ёрай,
Қолсин оти, эй ёр, эй ёрай!

Аҳди маҳкам йигит билан сўзим бирга, эй ёрай,
Меҳнатда ҳам муҳаббатда ўзим бирга, эй ёрай,
120 Муҳаббатда ўзим бирга, эй ёр, эй ёрай!

Й и г и т в а қ и з

Олтин кўзда терганимиз хирмон бўлсин, эй ёрай,
Оқ олтинлар тинчлик учун дармон бўлсин, эй ёрай,
Дармон бўлсин, эй ёр, эй ёрай!

Мирзачўлнинг доврўғига жаҳон тўлсин, эй ёрай,
Сирдарёнинг чароғига осмон тўлсин, эй ёрай,
Чароғига осмон тўлсин, эй ёр, эй ёрай!

ТИНЧЛИК МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИГА

Насллар наслларга мерос деб қолдиражак
Оила реликвийси бир имзо дастхатингиз.
Эндиги тинчликка ҳам шу хос деб қолдиражак
Машъалдек замонани ёритган ҳурматингиз.

Улуғ кишилик ақли атомдаги қувватни
Покиза умид билан қила ололди ижод.
Эндиги беш-ўн балохўр шу мусаффо ниятни
Ўқталиб қилмоқчидир олам уйини барбод.

- 10 Гарчанд катта ижодкор Жолио Кюри уйдан
Бир қадам ташқарига чиқолмайди, визасиз.
Одамзод баҳра олмай унинг ақли — ўйидан,
Бомбага айлантирди Трумэн андишасиз.

Одамзод минг-минг йиллар худодан қўрқиб юрди,
«Йўқ!», дедию қутулди талай ваҳма — хатардан.
Уолл-стритда ҳам «худолар» кўп қутирди,
Тезда йўққа чиқади «Мир!» деган тонготардан.

- Кишиларнинг кишидан фарқи учун етмагай
Дину ирқу эътиқод, рутба билан танда ранг.
20 Тинчлик гигант кемасин фарқи учун етмагай
Тошга урилган чоғи доллардан чиққан жаранг.

Қани энди келажак бир нафас яқинлашиб,
Шу улуғ кунларимиз шавқига бўлса гувоҳ;
Сенинг учун курашиб, сенга деб ҳақ талашиб,
Сенга атаб қурамиз шунча олий боргоҳ.

АЪЛО ХОТИРА

Улуғ бобога лойиқ набира бўлмоқ учун
Унинг кураш йўлларин ўрганмоқ — билмоқ керак.
У қурган иморатнинг ҳар битта зар кирпичин
Ҳар қайси ишимизнинг таянчи қилмоқ керак.

Улуғ бобонинг асл навқирон фарзандлари —
Коммунизм асрининг граждани ўзингиз.
Тирик Ленин наслисиз, фарзанди — дилбандлари,
Ленинча кучга эга ҳар муътабар сўзингиз.

- 10 Улуғ бобо қолдирган бебаҳо меросларнинг
Асл эгаларисиз, тенг ҳуқуқда ягона.
Сизга атайлаб атаб у қўйган асосларнинг
Устида барқарордир бизнинг шонли замона.

Улуғ бобо айтгандек «Ўқиш, ўқиш ва ўқиш»
Ҳамиша умримизнинг сарлавҳаси бўлади,
Офтобнинг нурларидан зеҳнда атлас тўқиш
Муқаддас хотирасин зар лавҳаси бўлади.

Улуғ бобо Ленинга бўлур аъло хотира
Ҳар қайси фарзандининг аъло олган баҳоси.

ИЙЛЛАР

Ёввойи фашистларнинг қаттол зуғумларидан
Юртимизнинг бағрида анча эди жароҳат.
Агарчи қон томса ҳам бўғун-бўғунларидан,
Қалб келажак ҳиссидан топар эди ҳарорат.

Майкоп, Грознийларнинг тутуни кўкка чиқиб,
Сувга бостирилса ҳам Донбассимиз кўмири,
Одесса, Севастополь ерга яксар йиқилиб,
Ўтларда ўртанса ҳам тепар эди томири.

- 10 Фашистлар йиқмоқ учун бутун керагимизни
Хатто портлатганда ҳам Днепр ГЭСимизни,
Қалб чароғи ёритиб етук идрокимизни,
Ёв қувиб кета бердик, жўймадик эсимизни.

Минг-минглаб қишлоғимиз, минглаб шаҳарларимиз,
Лаънати қадамлардан бўлганда ҳам поймол,
Жангга қистаб турарди эрта зафарларимиз,
Эсанкираб қолмадик, бўлмадик паришонҳол.

- Ёв нефтидан ёнаркан халқ заҳира сандиғи —
Миллион пуд ғалла тўккан баракали киштукор,
20 Нонимиз бутун эди, ўчмади тандир чўғи,
Фашистдек аррақиқиқ — эрзацга бўлмадик зор...

Берлинни биноклсиз кўрди генералларимиз,
Мутлақо ғалабанинг келиб муайян куни.
Тинчликка алмашинди ҳарбий паролларимиз,
Халқларнинг бахти бўлди ғалабамиз якуни.

Тинч меҳнат дастгоҳининг қўлга олди тизгинин
Музаффар қўшинимиз солдати сурур билан.
Қишлоқ бозорларини ёр қидириб кезмади,
Людовик сарбозидек бачкана ғурур билан.

- 30 Ёдимда: беш йил бурун — февраль, тўққизинчи кун,

Партиямиз мамлакат олдига қўйган режа.
Шунда сафарбар бўлиб халқ қудрати бўс-бутун,
Буюк издиҳом бўлиб қалққан эдик кун кеча.

Тўрт йилу уч ой каби бир бўлак умр ичига
Сигдирдик миллионларнинг орзу-хулосасин.
Фурсат бардош беролмай совет халқин кучига
Яхлит пўлатдан қуйдик коммунизм асосин.

- Яна Днепр ГЭСнинг чароғи порлаб ёниб,
Оғир тракторларни етаклаб кетди қуёш
40 Ва совет олими ҳам минбар узра сўз олиб,
Атомнинг сирларини халқлар аро қилди фош.

Академик ақлимиз «Уралмаш»лар бағридан
Одимлатиб жўнатди оғир экскаватор.
Нефть фонтани пишқирди ҳатто Каспий қаъридан,
Йўл озиғинг тап-тайёр, уч, қушим, бехавотир.

Ваҳший, тўнғбўй аталиб бадном бўлган табиат
Забардаст қўлга тушгач шунчалар бўлди ёввош,
Бир бутун иқлимларни ўзгартмак мумкин, фақат
Улуғ халқ қудратига Партиямиз бўлиб бош.

- 50 Муборак умрингизнинг ҳар он, ҳар бир нафасин
Тарих зарварақларга шонлар билан қилди қайд.
Ўзбек ҳам бажаролди муқаддас вазифасин,
Не қилса пахтакорман, махтанишга келди пайт.

Талай самолётимиз қуёшга тенг юриш-ла
Ерни айланганидек бир кечаю бир кундуз,
Ўз умрини сийлагай кексалар ҳам кўриш-ла:
Кўп олис мақсад эмас коммунизм деган сўз.

- Қатор беш йилликларнинг оламча ижодидан
Баҳраманд бўлмоқ учун қилур умрим кифоя.
60 Чиқиши мумкин эмас коммунистнинг ёдидан
Бошланғич таълимларда сут билан кирган ғоя.

Ҳали Куйбишев ГЭСнинг қуёшдай чароғидан
Шеъримнинг жилоси-чун топиб оламан илҳом;
Ҳали Волга — она наҳр ҳар икки қирғоғидан
Шонли совет юртининг халқига бергум салом.

Ҳали Урганч шаҳридан чиққан теплоходларда
Етти денгиз айланиб, Москвага етгум бор.

Халқимиз аъми билан яшнаган ободларда
Авлодлар ташаккурин дostonларда айтгум бор.

- 70 Ҳали ўғлим, набирам, кўк ўлар МГУнинг
Равшан кафедрасида оларкан биринчи дарс,
Шеъримга равонликлар бахш этгучи кўзгунинг
Улуғ рус маърифати одасин ёзмоғим қарз.

Асримиз илми билан яна яқинроқ келган
Ёруғ келажак учун узун умр эътибор.
Чунки мен яхшиликка тилак тилар эканман
Тўла имкониятли замин бор, замона бор.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

Ер юзида яшаган барча халқлар истаги
Тинчлик ва омонликнинг ярқирасин қуёши,
Бугунги байрамимиз куни — куни эртаги
Катта умидимизнинг бўла олсин йўлдоши.

Кўклам тонготарини кутиб олмоқлик учун
Алвон ранг байроқлар-ла жаҳон саҳни лолазор.
Ҳар халқнинг ўз истаги, умид, ишончи, кучи
Ва мақсади йўлида ўзига хос юз шиор.

- 10 Чунончи Кореянинг бу байрамда байроғи
Миллионча жангчиларнинг қони билан шафақ ранг,
Ватани, халқи, эрки, шиори ва чироғи
Жангларда азму сабот қалб зарбига ҳамоҳанг.

Америка-инглиз босқинчи галасининг
Беомон жабри-зулми ҳаддидан ошган сари,
Халқ истаган озодлик ва ўч ғулғуласининг
Инқилобий байроғи юксалмоқда юқори.

- Демократик тузумли қариндош Европанинг
Уфқида жаранглайди забардаст тинчлик куйи.
20 Социализм азми қанотини ёйиб кенг,
Ўз эрки, ўз меҳнати, ўз байрами, ўз уйи.

Бироқ хаёл уфқида қоронғу ўзга жаҳон,
Бунда ҳатто лолани топтайдилар, қизил, деб,
Беш-ўнга золим, фоҳиш капиталист ҳукмрон,
Қолган инсониятни санайди, бизга қул, деб.

Сотқин турк амалдори Уолл-стрит учун
«Марҳабо!» деб Мармара қирғоғин тутган маҳал,
Анатоли деҳқони лаби газарган, ўчли
Ва Нозим шеърлари марҳабо билмас — дағал,

30 Испания ерида Америка хўжайин
Гитлерзод Франкони тиззасида эркалар.
Барселона ишчиси айтажак сўзи тайин
Бугун-ку «Norasagan! Pasagemos* эрталар!»

Фашизмнинг занглаган қиличини янкилар
Реваншистлар қўлига қайтадан тутқазса ҳам,
Ғарбий Германиянинг ҳар озод граждани
Ўз тинчлик шиори-ла қолажақдир мустаҳкам.

Француз ишчилари Коммуна фарзандидир,
Қабул қила олмагай Америка занжирын.
40 Гарчанд Ироқу Ажам бу гирдобда бандидир,
Яланглаб қолар ахир шарқнинг қайқи шамширин.

Қудратларнинг кўриги, бирдамлик байрамида
Ҳамма халққа баробар: «Иўқолсин уруш!»— шиор.
Байроқлар тақиқланган долларлар оламида,
Мазлумлар мушт кўтариб чиқар олон-ошкор.

Айниқса ушбу кунлар бунчалар ҳам гўзалсан
Оламлар аро менинг олам оро Ватаним!
Тинчликнинг байроқдори омонликка машъалсан,
Ёруғ келажақларга сен раҳнамо, Ватаним.

40 Кун кеча беш йилликни тўрт йилда ижро қилиб,
Қуёшдек кенг юракдан нурина сочган халқим,
Партия ҳурмати қалб ичига жо қилиб,
Улуғ иншоотларнинг асрини очган халқим.

Енган коммунизмнинг колоннаси ўтаркан,
Жаҳоннинг кенг йўлида арғувон ранг намойиш,
Биринчи Май кўкида ярқираб тонг отаркан,
Ғолиб совет халқининг қалби тўла осойиш.

Давлат туғроси бўлган ўн бешта қизил байроқ,
Тонг елида ҳилпираб олға томон боради.
60 Қардошларнинг сафида қатора ёнган чироқ
Пахтакор ватандошлар Ўзбекистон боради.

* Испанча: Norasagan — улар ўтолмайдилар; Pasagemos — биз босиб ўта оламиз, дегани.

КАПТАР УЧАР, ҒОЗ УЧАР

Ўз юртимиз, боғимиз,
Ўз водимиз, тоғимиз,
Ўз қутли чароғимиз
 Ҳамиша бўлур омон.

Катта-кичик баримиз,
Тинчликнинг аскаримиз,
Шу оппоқ каптаримиз
 Учиб ўтади жаҳон.

- 10 Оқаётган тиниқ сув,
Уйнимиздаги кўзгу,
Лабимиздаги кулгу
 Бахтимиздан нишона.

Доимо кўркам бўлур,
Яхшиликлар зам бўлур,
Тинчликда маҳкам бўлур
 Бизни туққан замона.

- Отамнинг шараф ишин,
Онамнинг ҳар юмушин,
20 Синглимнинг садаф тишин
 Қўриқчиси ўзимдир.

Каптар учар, ғоз учар,
Самолёт кўп соз учар,
Юлдузча қоғоз учар,
 Бу — тинчлик юлдузидир.

Кўзимнинг қароғида,
Мактабим чароғида,
Китобим вароғида —
 Улуғ бобомиз Лени.

- 30 Бахт йўлининг йўлдоши,
Ҳамма ишимиз боши,
Коммунизм қуёши
 Улуғ бобомиз Ленин.

БИЗНИНГ КЕКСАЛАР

Оппоқ соқолларин тонг ели тараб,
Шабнам қатралардай тиниқ ўй билан,
Гоҳ уни текшириб, гоҳ уни қараб,
Ҳижолари туташ ғўнғир куй билан,—
Меҳнат кундузини бошлар кексалар.

Кеча ўтиб кетган умр соати
Шу ёнғоқ ҳосили сингари тайин.
Эндиги нақдина йиллар роҳати
10 Новвот чой сингари эркалар майин,—
Доим фароғатда яшар кексалар.

Минг ойлик умрга кеча тўй қилиб,
Тенгдошлар йўқловин яхши ўтказди.
Даромад орттириб анча қўй қилиб,
Колхоз подасига қўшоқ тутқазди;
«Қари билганини билмайди пари».

Кўзида юз йилнинг чақин мазмуни,
Жуссада нор филнинг салобати бор.
Гўё халқ ҳикмати жонли якуни
20 Сўзида маънилар ҳарорати бор,—
Жамият кўркидир бизларда қари.

Чиннидай покиза, ардоқли ҳужра:
Тугун-тугунчалар лиммо-лим бусот,
Ўтган ёз қовуни пўчоқлар ичра,
Бир кафтча уруғлик лалмикор нўхот,
Бир халта пуштию малларанг чигит.

Бу ернинг мағзида ётар яширин,
Соҳибкор ҳаётдан оз-оз хотира:
Балиқ йил тарвузи, қўй йилдан ширин,
30 Бу йил узумларга тушмайди шира,
Чолга қулоқ осар донишманд йигит.

Пахтакор ўзбекнинг доно чолига
Еримиз ройиши қўлда тангадай,
Чунки шулар воқиф ҳар аҳволига,
Баъзида отахон, баъзан янгадай
Озмунча парвариш қилмаган у сарф.

Отахон тажриба катта ҳосилнинг
Тилла қозигидай бўлса не ажаб?!
Иссиқроқ, совуқроқ келмаги йилнинг
40 Унумнинг чўғига бўлолмас сабаб,
Сабаб — меҳнатимиз эрур ҳарфма-ҳарф.

Катта тахталарнинг бўлиқ ерида
Тиззадан ўпади яшил киштукор.
Пахтакор даланинг ўри-қирида
Минг туман машина ҳайқириб тайёр,—
Дастурхон ёзгандай олам муҳайё.

Кутади азамат ўғиллар, қизлар
Жондош азизларин — отахонларин,
Йўлига пойандаз кеча-кундузлар,
50 Кутади билимдон қадрдонларин,
Ўз лойиқ ҳурматин тутиб жобажо.

Оппоқ соқолларин тонг ели тараб,
Дала йўлларида кетар кексалар.
Учраган ғўзанинг тусига қараб,
Кузакдан хушхабар айтар кексалар,—
Агроном бу гапни топади маъқул.

Кун кеча қилинган меҳнат соати
Ќўза куртагида бўртмоқда тайин,
Эндиги нақдина ҳосил роҳати
60 Ҳозирдан қўшиққа тушмоқда майин,
Илму тажрибанинг қардошлиги шул!

БАХТЛИ БОЛАЛИК

Бизнинг улуғ Партия
Посбон бўлган Ватанда
Қишилар саодати
Яшнар мангу чаманда.

Халқ омон, меҳнат омон,
Бахт омон, Ватан омон,
Халқлар тилаги қулган
Тинчлик барқарор замон.

- 10 Оилалар саломат,
Қайга қарасанг обод.
Халқимиз қудрати-ла
Қилмоқда чаман ижод.

Шу ўғилча улғайиб
Қамолига етгунча,
Коммунизм замони
Қулиб турар гул гунча.

- Роҳати умримизни
Халқлар қилишар орзу,
20 Бахтиёрлар Ватани
Ҳар томон сочар ёғду.

БАХТЛИ БОЛАЛАРИМГА

Биринчи сентябрь тонготар чоғи
Ҳавода гуж каптар қилади парвоз.
Тўкин кузга кенг сахий қучоғин,
Ўрнини бўшатар неъмат тўла ёз.

Биринчи сентябрь ёзнинг лагери
Порлоқ синфларга бўлди айирбош.
Талай китоблар бор, ундан ҳар бири
Зеҳнга кўчади йил бўйи ёввош.

- 10 Биринчи сентябрь, аъло ўқишнинг
Янги зинасидан қўясиз қадам.
Қатта синовларнинг, кузакнинг, қишнинг
Аъло поясидан ўтасиз кўркам.

Биринчи сентябрь, бахт китобидай
Очилур мактабнинг барча дарчаси.
Партия — халқимиз офтобидир,
Сиз эса, шу нурнинг кичик парчаси.

- Биринчи сентябрь, бутун халқимиз,
Тинчликнинг аҳдига қўяди қўлин.
20 Пахтакор ўзбекмиз, бугун халқимиз
Очади теримнинг карвони йўлин.

Шоир отангизман, мен ҳам қўл қўйиб,
Тинчлик ҳузуридан топаркан илҳом,
Ручкамда сиёҳим қуримай туриб,
Бахтиёр авлодга ёзаман салом.

ТЕНГДОШ КОРЕЯЛИКЛАРГА

Худди шу соатда кўнгил каптарин
Еримиз кўкида учиргим бордир.
Қаноти эслатиб шеърим дафтарин,
Аъло сатрларни кўчиргим бордир.

Шеърлар ўзининг ғоятда равон,
Текис ритмаси-ла айтилар давом.
Ёшларнинг гимнидай айланиб жаҳон,
Ҳамма кўнгилларга ёқимли, пором.

- 10 Шу қўшиқ орқали ботир Корея
Тенгдош ёшларига жанговар салют.
Каптарим учади озод уфқида
Гўёки тинчликка символ самолёт.

Пхеньян устида чизиб доира,
Қариндош ёшларга беради далда.
Золимлар ёққан ўт ёнмасин сира,
Қора ниятлари чирисин дилда.

- Каптарим учади чирпирак бўлиб,
Қаноти осмонда чалади қарсак.
20 Тинчлик завқи билан шу юрак уриб,
Ғалаба кунлари етиб қолгандак.

Каптар учишининг қуйилишидай
Шеърим ритмасида қилади давом.
Асл туйғуларнинг туйилишидай
Қондош кореялик ёшларга салом!

ТИНЧЛИК АҲДИ УЧУН

Халқим тинчлик Аҳдига қўя бошлайди қўлин,
Юз миллион эркин қалам ғолиб хоҳиши билан.
Жаҳонда ажойиб халқ, тинчликнинг порлоқ йўлини —
Қопқасида посбондир ҳар қилган иши билан.

Омонлик Ватанининг кенг уфқида давр олиб,
Кабутарлар учади қаноти чалиб қарсак.
Бу бўлур кеча-кундуз уруш учун жар солиб
Юрган муттаҳамларнинг юзига лойиқ тарсак!

- 10 Талай урушлар кўрдик, талай қурбонлар бердик,
Гувоҳ — сочларда оқу манглайда ажинимиз.
Гарчанд Рейхстаг узра байроқ тиккан биз эдик,
Енга туриб урушни истамаймиз — чинимиз!

Миллиард соат ирода, зеҳну куч-қувват билан
Коммунизм чароғи нур булоғин қурамыз.
Советлар наслига хос енгилмас қудрат билан
Дарёлар оқимини саҳроларга бурамыз,—

Тоинки авлодимиз — эндиги гражданлар
Ўз юрти, ўз эркида умр кўрсин баркамол.

- 20 Уруш, фалокат, қирғин, шунча-шунча қурбонлар,
Лаънатлар, лаънатилар қолмасин, топсин завод.

Не бахтдир, Сибирия, Кубань. Донлардан ошиб,
Миллиард пуд ҳосил билан тинчликнинг дони келур.
Не бахтдир, марказ томон тонглар йўлини ошиб,
Олтинкўл қишлоғидан пахта корвони келур.

Не бахтдир, худди шу тонг бизнинг ўғиллар, қизлар
Чопар маърифат томон, қуёш томон рўбарў
Ва буларни олқишлар ярқираган кундузлар,
Юзларини акс этар келажак мисли кўзгу.

- 30 Биз ҳам тонготар чоғи тип-тиниқ ният билан
Тинчлик Аҳдини қўллаб, имзомизни чеккан чоқ,
Гўёки ерда бутун дўст инсоният билан
Қайноқ-қайноқ учрашур бизнинг қадрдон қучоқ.

ТЕРИМЧИ ҚИЗЛАРГА

Пахталар ватанининг асл чевари —
Пахта даласининг қиз-жувонлари.
Тиниқ кўкимизнинг кабутарлари,
Қишилик уруғин меҳрибонлари.

Эрк билан қудратнинг луғати битта,
Сизнинг шаънингизда сўз борар чоғи.
Меҳнат эгизакдир бунга албатта,
Сиз билан бўстондир олам қучоғи.

- 10 Ернинг тоза бўлмай сира ҳаққи йўқ,
Не қизлар қад букиб уни супурган.
Ҳатто тош кўзгу ҳам гўзаллик ҳаққи
Юзингиз аксини ўзга кўчирган.

Булоқ қатрасидай юраги тоза,
Ёқимтой жамоли тириклик кўрки.
Меҳру шафқатидан бўлуқ овоза
Дунёни қопласа арзийди, чунки,

- Чигитнинг ёнбоши ерга теккандан —
Пахта хирмонгача — то ҳанузгача,
20 Илк кўклам чоғи дона тиккандан —
Шундан тўла-тўкин кечки кузгача,

Шуларнинг меҳнати миллион тоннанинг
Ҳар битта кўсаги, ҳар грамида
Хайри, Хадичанинг, Қумри, Аннанинг,
Қунти бор ҳосилнинг жамулжамида.

Олтин пиёлада нишолда каби
Етук идрокимиз ундирган ҳосил,
Тинчлик замонага зўр далда каби
Пахта хирмонлари ўсар муттасил.

- 30 Оқ бахмал кўрпадай пахта қопламиш
Республикамизнинг далаларини.

Теримга бел боғлаб мисоли қамиш,
Янгрaтинг меҳнатнинг яллаларини.

Сизга таянади республикамиз,
Ўзимнинг лобарим, чечан қизим, деб,
Қизалоқ бўлса ҳам аҳди маҳкам қиз,
Ҳар иши тежоғлиқ кўрар кўзим, деб.

Кунларин соатлар забтига олиб,
Ҳатто тарозивон эрни шоширинг.
40 Қумурсқа ёпишган қанддай муталаб,
Хирмонлар қаддини кўкдан оширинг.

Икки юз, уч юзу тўрт юз килолаб
Ҳарна қўлга кирса терилгани хўб.
Бир-бирдан ўзишиб қувлаб-қувалаб...
Бормикан жаҳонда сиз каби маҳуб.

Пахта планимиз тўлиб, эртаси
Ҳурматли номларни ёдга олар пайт,
Албатта сизлардан неча ўнтаси
Қаҳрамон исми-ла қилнажак қайд.

50 Улуғ мамлакатнинг улуғ кучига
Озу кўп қудратин қўшолган одам
Куч берган бўлади тинчлик ишига,
Тинч, омон яшайди юртида бардам.

Тинчликка гаровдир Совет ўлкасин
Ҳар грамм пўлати, ғалла, пахтаси,
Чақирар тенгдошин, ака-укасин
Теримчи қизларнинг тинчлик вахтаси.

ПАХТА — ТИНЧЛИК ХАЗИНАСИ

Юксак кўкимизда учар гуркираб
Улуғ асримизнинг пўлат лочини.
Тенгдошин топмайман оламга қараб,
Енгилмас халқимнинг енгган кучини.

Унинг идрокидан кичик нишона
Одимлаб боргувчи экскаватор,
Атомга отланди бизнинг замона,
Яшай бер одамзод, тинч, бежавотир!

- 10 Ерлар, қуёшлардан туғма коинот,
Бу халқнинг зеҳнига бўйин эгади.
Бу халқ истаса бас, миниб нурдан от
Арктика чўлига зигир экади.

Бу халқнинг қўлида ҳар грамм металл
Айланур ҳаётнинг зарур винтига
Ва ёруғ келажак қилинаркан ҳал,
Металл кўмакчидир ниши қунтига.

- Қуёш консерваси бўлган кўмирнинг
Бир чақмоқ қандчаси берган ҳарорат
20 Яна ҳам узунроқ чўзиб умрни,
Инсонлар бахтига берур ҳаловат.

Ер-кўкнинг кишига бағишлаган бу
Бебаҳо ўлжаси бўлмагай нобуд.
Тежамак-яшамак билан тарозу,
Бириси балдоғу бириси ёқут.

Олтин сандуқ каби сахий Ватаннинг
Бутун бойликларин чўтга солган чоғ,
Пахта хазинаси бизнинг чаманнинг —
Олмос поралари, ёрқин шабчироғ.

- 30 Унинг ҳар толаси кундалик ишнинг
Майда томиридай юракка туташ.

Пахтача қадри йўқ олтин-кумушнинг,
Пахта инсон жонин иситган оташ.

Кишилар истайди кўркам ер юзи,
Бутун инсонларнинг онаси бўлсин.
Эркин одамзоднинг ярқираб юзи,
Бахт билан ҳар кимнинг хонаси кулсин.

Ер юзи халқлари тинчликда, омон,
Саодат умрини давом этсинлар.
40 Гуркираб қариндош, қондошлик замон
Лола чаноғини заржом этсинлар.

Бироқ океан орти ўн-ўн беш малъун
Қилмоқчи кишилар хонасин хароб,
Янги урушлардан чиқариб яқун,
Оламга ҳукмрон бўлмоқчи — сароб.

Қирғин-ўлатларнинг амрин йўқлаган
Уоллстритлик мурдахўр бургут,
Еру кўк кишига атаб сақлаган
Барча хазинага қўймоқ бўлар ўт.

50 Бу ёмон ниятлар ўринламас ҳеч
Халқлар қўлга олса тинчлик ишини,
Зулматни парчалар бу олов қилич,
Қул қила олмагай киши кишини.

Азиз ватандошим, ёдингда бўлсин,
Сен тинчлик ишига сафарбар зотсан,
Майли, иғволардан ой ҳам тутилсин,
Шу постда солдатсан, токи ҳаётсан.

Она тупроғимиз ўз сийнасидан
Бизга бағишлаган кўмиру металл.
60 Пахта ва ғаллалар хазинасидан
Тинчликнинг ишига қўямиз ҳайкал.

Уран атомларин қуввати бизда,
Ҳар чаноқ пахтанинг мазмунидадир.
Олтин ранг чиройли шу тўкин кузда,
Кундалик теримнинг якунидадир.

Юксак кўкимизда учар гуркираб,
Улуғ асримизнинг пўлат лочини.
Тенгдошин топмайман оламга қараб,
Енгилмас халқимнинг енгган кучини.

ҲАМИША ҒОЛИБ ХАЛҚ

Ғалаба сўзин айтмоқ чин ғолибга муносиб,
Сўзи ишига ўхшаш, қалби феълига монанд,
Улуғ ғалабамизнинг карвони йиллар босиб,
Урмимиз коммунизм асрига бўлди пайванд.

Олти йил бундан бурун совет халқи гуррос-ла
Енгилмас армиямиз шукуҳин олқишлади,
Тарих ғалабамизни қайд этди гулдурос-ла,
Шарафнинг бу ҳуқуқи халқимники абадий.

- 10 Жангдаги ғалабанинг тумтароқи эркалаб,
Бепарво ғурур билан ҳовлиқмадик, ошмадик.
Худди ғалаба кунин эртасиёқ эрталаб,
Уруш жароҳатига малҳам қўя бошладик.

Тинчлик кунларин бардам бешйиллиги бошланиб,
Ҳар ким ўз дастгоҳида ўрин тутди жанговар,
Кечаги кичик-кичик юлдузлар қуёшланиб,
Янги ғалабамиздан жаҳонга кетди хабар.



Ғафур Ғулom қаламқаш дўстлари билан. 1951 йил.

НУТҚ

(Ўзбекистон пахтакор колхозчиларининг VIII қурултойида сўзланган)

Яна қутлуғ шу минбардан азиз дўстларнинг
Жон қадрдон чеҳраларин кўриб турибман.
Бирга-бирга меҳнат билан кечган умрнинг
Шарафини ва гаштини суриб турибман.

- Шу қадрдон дўстлар ичра Ҳамроқул ака —
Пахтакорлик илмимизнинг етук устаси:
10 Минг гектарлик майдонидай сахий, бағри кенг,
Муносибдир икки юлдуз — сўзнинг пухтаси!

Қаҳрамонлар колхозининг моҳир раиси
Қўш юлдузли Қим Пен Хва қон-қариндошим,
Республикам ташаккурин айтсам, туганмас,
Оқ олтини — либосиму гуручи — ошим.

Ёши улуғ Назарали ота шу ерда,
У йил бўйи силжимади меҳнат постидан.
Ўз ёшига баб-баравар пахта топширди
Ва чиқолди ўз қадрли лавзи устидан.

- 20 Булар кўҳна қадрдонлар... Ёшлардан сўранг —
Чин меҳнатнинг ва билимнинг асл кучини.
Навқиронлар, Мичуриннинг набиралари
Маҳкам тутиб маърифатнинг ипак учини,

Ёрнинг бутун мазмунини қамраб олдилар,
Билимдонлик бўлган ерда мамлакат обод.
Чироқ қанча кўпроқ бўлса, уй шунча равшан,
Шогирд қанча моҳир бўлса, қувонар устод!

- Избосканлик Эъзозхоннинг олган ҳосили
Замонамиз маърифатин меваси бўлди.
30 Совет фани ўз қудратин қилгач намойиш,
Турли-туман баҳонадан дала қутулди.

Қадрлардир ҳамма ишнинг муаммосини
Ақлу идрок, илм билан қилолгучи ҳал.

Кадрлардир тинч ижодий меҳнатимизнинг,
Обрўмизнинг шарафига қўйгувчи ҳайкал.

Шу бўстонда янги кўчат қанчалар кўркам,
Эҳ-ҳе... Унинг мағзи-мағзи куч билан тўлиқ.
Комсомолдан ўсиб чиққан агроном раис,
Рекорд ҳосил бераётган колхозинг қутлуғ!

- 40 Сен от қўйиб, Берлингача борган ғолибсан,
Шунинг учун қизиги йўқ кўпкарининг ҳам.
Кўклам барвақт келиб қолди, белинг увушиб —
Баъзи қолоқ раислардай ётмайсан беғам.

Қадрдонлик, меҳрибонлик, баъзан ҳаққи бор
Ўз дўстига ҳадди сиғиб бирор сўз айтса...
Сиз билан биз ваъдалашган асл ўртоқмиз...
Номард бўлур бирор ошна сўзидан қайтса.

- Кенг далада ернинг бағрин ёради дизель
Зовурларни қазиб берар экскаватор,
50 Пахта учун нима керак: ўғит, машина —
Барчасини давлатимиз етказаетир.

Шунча улуғ ёрдамларнинг бари бизники,
Демак, катта ваъдамизнинг асоси пухта.
Меҳнат, билим, идрокимиз шунга бўлса жам,
Ватан талаб қилганича берамиз пахта!

Гувоҳ бўлсин қурултойнинг жиғаси бўлиб
Бизни сийлаб, йўқлаб келган азиз меҳмонлар;
Товариши, қадрдон, жўлдас, рафиқони мо,
Пахтакорлик устодлари — дўстлар, жононлар!

- 60 Давом этар одат бўлган мусобақамиз,
Бизлар ахир, бир-бирова шогирду устод.
Ҳамкорликда шундай ҳосил етказайликки,
«Балли!» десин тинчликсевар бутун одамзод.

Мен зафарни куйлагувчи шоирингизман,
Илҳомимга меҳнатингиз бўлиб ҳамоҳанг.
Сизга атаб қалам йўнсам, қўлда қоғозим,
Тонг нурида пахтангиздан эмиб олсин ранг.

ЗУЛФИЯХОНИМГА

Туғилиш куни шеъри

Бахтиёр дўстимнинг бахтли дўстига
Оқарган сочлари бўлсин муборак.
Улуғ Россияда тонг отган куни
Ҳаммамиз туғилган бўлсамиз керак.

Жаҳон субҳидами ўзимизники,
Эндиги саодат истиқболингдай.
Лабимда ғоятда мазалик бўлди
10 Оиланг ҳаққига кўтарганим май.

МАЙ САЛОМИ

Юракдаги қувончнинг
 тўлқинларин кўчирган
Лола япроқларидай
 бир қўйин дафтари бу.
Тонготар шаббодаси
 қанот боғлаб учирган
Тинч-омонлик кўкида
 саодат каптари бу.

- 10 Ажойиб замонанинг
 граждани, шоири,
Ҳаққоний тарихчиси —
 бўлмак экан насибам,
Нафас-нафас умрнинг
 мазмун, аниқ сири
Варақ-варақ зеҳнимда
 баён топар жамул-жам.

- Менинг ушбу саҳифам
 Май куни кўчаларни
20 Тўлдирган алангадан
 кичкина байроқ каби,
Амудан Каспийгача
 ёритиб кечаларни
Оққан улуғ қувватдан
 куч олган чароғ каби.
Эндиги минг йилларда
 яшаган авлодларнинг
Олтин қопқаларида
 ҳалқасин қоқажакдир.
30 Коммунизм асрида
 биз қурган ободларнинг
Насллари қалбига
 нур бўлиб оқажакдир.
Бу — менинг замонамдир,
 минг тоннали пўлатлар

Одимлаб юриб кетди
гигант жонвор каби,
Микрон-микрон ўлчовли
атомдаги қувватлар
40 Бизга хизмат қилади
мингта жони бор каби.

Бу — менинг замонамдир,
кўк ўпган биоларнинг
Ҳар битта зар ғиштида
асрдошлар номи бор.
Асрдошлар ичида
қалбдаги сафоларнинг
Соҳиби, ижодкори —
яшамоқда улугвор.

50 Ленин таълимотидан
илҳомланган фикрнинг
Тўла-тўқислиги-ла
шеър топгач эътибор,
Тарих деса бўлгудай
сатрлари шеърнинг
Ушбу кундай ҳаётинг
лирикаси беғубор.
Май учун шеър ёзмоқ
улуғ орзуси билан
60 Қоғоздай оқ кўнгилга
эълон қилдим намойиш
Қалбим рўбарў келди
қуёш кўзгуси билан
Бу энди ўз кучига
ишонган зўр осойиш.

МАИ ШЕЪРИ

Учсиз, қирсиз яйлоқлар,
Гилам каби тўшалган.
 Лолаларга бурканиб,
Сон-саноқсиз байроқлар
Ғунчаларга қуршалган,
 Гулхан каби ял ёниб,
 Етишди Биринчи Май.

 Ҳар ғунча чароқ каби,
10 Ҳар чароқ — байроқ каби,
 Кўзларга оқади нур.
Кўча-кўйлар тўй каби,
Қаҳқаҳалар куй каби,
 Ҳамма ёқ шодлик — сурур
 Етишди Биринчи Май.

Меҳнатлар кўклами бу,
Кўкламлар кўрками бу.
 Колхозим даласида
Юраклар тўла қувонч,
20 Қувончлар тўла ишонч.
 Ёшларнинг ялласида
 Ҳаёт қилар намойиш.

Қўлтиқда ҳар бир китоб,
Ярқираган офтоб,
 Мақтабим — гул чаманим.
Тўлқинли оқин ўзи,
Қуёшга яқин ўзи,
 Менинг гўзал Ватаним
 Яшамоқда осойиш.

30 Бир таниш овоз келур,
Кўклам ўтиб, ёз келур,
 Синовлар арафаси.
Қатор-қатор эрталар

Кўнгилларни эркалар,
Ютуқларнинг шарпаси
Пардай енгил, беғубор.

Булоқлардай тошмоққа
Синф-синф ошмоққа
Интилади юрагим.
40 Қуёшдаги ранг каби,
Гимнда оҳанг каби
Тўла-тўкис тилагим
Қоялардай барқарор.

**БУ ИЙЛ БИРИНЧИ СИНФГА КИРАДИГАН УҒИЛ-
ҚИЗЛАРИМГА АТАБ ЁЗГАН ШЕЪРИМ**

Шоир ота уйғонган,
Кезинар ёввош-ёввош,
Сиёҳдони устига
Тонг отиб, тушар қуёш,
Сиз учун шеър ёзмоқчи
Шу йиғилган нур билан.
Сатрлари куйлайди

10 Бир жаҳон ҳузур билан.

Боғида ўсган гулзор
Орасида оралаб,
Ишкомдан сават-сават
Хусайнидан саралаб,
Киприк билан супуриб,
Бу чаманнинг йўлини,
Шоир сенга узатар
Ўз мўйсафид қўлини.

Иўлингга гул сочмоқчи
20 Этак-этак, этаклаб.
Мактабингга элтмоқчи
Улуғ йўлдан этаклаб.
Биринчи «А» ҳарфини
Сен ўрганган чоғингда,
Лениннинг маърифати
Эркалар қучоғида.

Менинг Мирза Қодирим,
Сенинг жамолингда мен —
Каттакон улуғ элнинг
30 Боласин кўрмоқдаман.
Сен тенги миллион-миллион
Ўғилларим, қизларим
Менинг келажакларим,
Ҳеч сўнмас юлдузларим.

Саодат мактабининг
Биринчи синфида,
Шоир ота уйғонган
Тонготар нафасида;
Биринчи ҳарф ўрганар
40 Ленин бобо дарсидан,
Бу тонготар муборак,
Тўкин куз нафасидан!

«Алифбе» деб аталган
Қўлтиқдаги китобинг —
Келажакни ёритган —
Каттакон офтобинг.
Сизга биринчи сўзим:
Ленин тилини ўқинг,
Худди Ленин айтгандек:
50 Ўқинг, ўқинг ва ўқинг!

Маърифат денгизида
Тўлқиндан баланд тошинг,
Билим чўққиларини
Довон-довонлаб ошинг,
Толеингиз ёр бўлиб,
Москвани кўрасиз,
Ундан минг-минг йилларнинг
Сирларини сўрасиз.

У, албатта айтади
60 Келажакни — сизни деб:
Лениннинг авлодлари —
Сиздек ўғил, қизни деб.

Мария Ивановна,
Сизга Ғафурдан салом!
Мирзага ўргатингиз
Билганингизни тамом.

УЛУҒ РУС ХАЛҚИГА

- Менинг оғам рус бўлур!..
Виждоним буюрганин
Шу шеърда ёзолсам,
виждондек дуруст бўлур!
Коммунизм асрига
йўл тўшаб берган руссан,
Шарқликман, бир ўзбекман,
улуғ оғам, омон бўл!
- 10 Ижодкор зеҳнимизга
қанот берган ўзингсан,
Яна ҳам баландроқ уч,
яна ҳам осмон бўл!
«Первая книга»дек,
ўн еттинчи йиллари,
Девордаги манифест —
менинг ҳам кўзим очмиш
Ва менинг оиламга
ақлларнинг устоди
- 20 Владимир Ильичнинг
қуёши нурин сочмиш.
«Эшит, Москва сўзлар!»
Уйимдаги жаранггос —
Қолган Шарқимизнинг ҳам
ўчиради уйқусин.
«Аврора» залпларидек
жаҳон бўйлаб бу овоз
Уйғотар инсонларнинг
туғма она туйғусин!
- 30 Мунчалар меҳрибонсан,
мунчалар чин инсонсан,
Мунчалар қадрдонсан,
қадрдоним, оға рус!
Ғазабинг ёвларингни
қирмоқда,
бир жаҳонсан,
Лобарлик ҳунаринг, деб,

- айта қўйсам, дубдуруст.
«Правда» адреси бор
40 шонли Москвамизда,
«Ленин» кутубхонаси
миллион томли бир китоб,
Донишмандларинг номи
одамларнинг эсида,
Кремль юлдузлари
жаҳон узра офтоб!
Ҳақиқат маърифатин
инсоният қидирса,
Рус халқининг илмидан
50 олади мўл-кўл таълим.
Аср-асрлар ўтиб,
ақл нима буюрса,
Бари бир, Ломоносов
унга бўлур муаллим!
Менделеев жадвалин
оламга ўргатолган,
Инсонни ер юзида
қила олган кимёгар,
Аъло ташаккуримни
60 рус халқига айтаман.
Менинг инсонлигимдан
у берди менга хабар.
Атомдаги қувватдан
шарқликни чўчитмаган,
Заррадаги суръатдан
беҳуда ўқитмаган,
Америкалик золим —
миллионер сингари,
Қондан, кўз ёшларидан
70 миллионларни кутмаган.
Менинг оғам рус бўлур!..
Виждоним буюрганин
Шу шеърга ёзолсам
виждондек дуруст бўлур!
Мўйсафид бошгинамни
тик тутиб, кўз ташладим,
Яшаган замонамнинг
юксак МГУларига.
Ахир, нега боқмайин,
80 бешлаб денгиз туташган
Жаҳонни гир айланган
Волга-Дон сувларига,

- Эҳ-ҳе... олам сирини,
 Ватаннинг ўр-қирини,
 Муборак ўз ерини
 Жондан севган рус халқи!
 Мен шарқлик меҳнаткашман,
 сенга боқар қароғим,
 Қароғда ҳар кун тонгда
 90 Шарқда қуёшдай балқи!
 Сен ўқитган ақлимнинг
 етук географияси
 Тенгсизлик, ирқу рангни
 ўз фаҳмидан ўчирган.
 Ленин таълимотида
 таълим олган мияси
 Ҳамма инсон баробар!—
 деган сўзни кўчирган.
 Жанг кунлари қон кечиб,
 100 қўлимда қурол билан
 Руслар билан баробар
 сафларда кета олдим.
 Инсоният душмани —
 малъунга қирон солиб
 Қиличнинг тили билан
 сўзимни айта олдим.
 Кичкина укасини
 эркалаб, кўнглин топиб,
 Бўй баробар ўстирган
 110 оғамизга ташаккур!
 Радишчев фалсафасин
 ва Пушкин лирикасин
 Тонглар ўқиб ўтириб
 қалбим топаркан ҳузур;
 Менинг оғам рус бўлур!
 Виждоним буюрганин
 Шу шеърга ёзолсам,
 виждондек дуруст бўлур!
 Булар менинг авлодим,
 120 минг йиллардан ғув келур,
 Раҳмат демакда бари
 улуғ рус устодига!
 Қорақумдай саҳродан,
 шарқираб Аму келур,
 Қудратимиз совғаси —
 минг йиллар авлодига!
 Уйимдаги чироғда,
 икки кўзда қароғда,

130 Адресда ва сўроғда,
 оға рус омон бўлур!
Жаҳонда, онгда, тонгда,
 қуёш тушган байроғда
Халқимиз истагандек
 муборак замон бўлур!
Менинг оғам рус бўлур!
 Виждоним буюрганин
Шу шеърга ёзолсам,
 виждондек дуруст бўлур!

ҲАМЗА ХОТИРАСИ

Қабрингга гулчамбар келтирдик, Ҳамза,
Сен кезган чаманлар ора оралаб.
Қалбимда ғазабинг ўти туюқиб,
Энг қаттол ёвларни қаттиқ қоралаб...

Шарқнинг халқларига ислом келтирган
Шунча жабру жафо, ахир, оз эмас
Ва унга эгизак инглизларнинг
Макру найранглари Шарққа мос эмас.

- 10 Шу гулда қурбонлар қонидан ранг бор,
Шу гулда — қонаган қалблар тимсоли.
Ҳали ёвлар билан энг сўнгги жанг бор,
«Интернационал» гимни мисоли.

Келтирган гулимнинг тикани ҳам бор,
Классик ғазалда айтилган каби.
Ғунчадай очилди бугун эртаминг,
Энди табассумда инсонлик лаби.

- Берлинда, Венада, Прагада ҳам
Совет солдатларин ёдгори бордир;
20 Ҳақ иш қурбонларин севмак — эътибор,
Ғарчандки, уларнинг хоки ғубордир.
Бу ғубор — қалбларнинг уйин ёритур,
Бу ғубор — зулмнинг ғўрин торитур.

«Новое время» саҳифасида
Бир чала туғилган инглиз қотил
Қуёшдай чеҳрали Малайя қизин
Қорасоч аралаш кесик бошини

- Қонталаш уфқдан вазминлиги-ла
Қироллик тожи деб ушлаб турибди.
30 Дўстларим! Ҳали ҳам гулгун юрагим
Қиличнинг тиғидай титраб турибди.

Кун эрта — эрк учун ўлган гўзалнинг
Қабрига гулчамбар қўйиб келаман.
Ўша номард, малъун, қонхўр жаллодни
Кекса қўлим билан бўғиб келаман.

- Гулга тонг чоғида шабнам ёғади,
Гулларнинг баргида — кўзлардаги ёш.
Корея ерига, шу кичик Шарққа
Бир жаҳон нурини сочади қуёш,
40 Ахир, корейлик қурбонлар узра
Меҳрибон нурини сочади қуёш.

Қуёш деган чоғим — улуғ Лениннинг
Монолит образи бўлур мунаввар.
Ҳар куни субҳидам улуғ Партия,
Замонлар бахтидан бергандек хабар.

Қабрингга гулчамбар келтирдим, Ҳамза,
Диндан, инглиздан зериккан жонман.
Исодан, Мусодан, қуръон, бурҳондан
Тонган коммунистман, оддий инсонман.

- 50 Биз сенинг бошингни баланд кўтариб,
Етук шеъримизни ёза олсак бас!
Сенга ҳам бас бўлди дарвешлар қозган
Бу ислом зиндони — бу кўҳна қафас!

САМАРҚАНДЛИК ПАХТАКОР ДУСТЛАРИМГА

Ҳаммамиз интилган улуғ иқбол бор
Ўмид тонгларида оларкан нафас.
Ота-боболардан қолган мақол бор;
Тирноғин ўз этдан ажратиб бўлмас.

Самарқанд бобо юрт бўлур намоён
Ўтмиши, бугуни келажак билан.
Ҳамиша ярқира, нилий осмон,
Гуллай бер, Алишер куйлаган чаман!

- 10 Йигитлик йиллари ёдимга келур
Зарафшон бўйларин ўйлаган чоғим;
Боғишамолларинг тотимга келур,
Фазодай кенгайиб кетар қучоғим.

Уч яшар қизалоқ, қўлда пиёла,
Шундан бирор қатра тўкилиб кетса,
Ошиқ ўз ёрига берганда лола
Шундан бирор япроқ сўкилиб кетса,

- Жуда уят, ўксук, майли не эса,
Ҳаттоки кўзида пайдо бўлур нам,
20 Самарқанд шаънига бир камлик етса,
Уяламан гўдак сингари мен ҳам.

Ажралмас қўни-қўшни Қашқадарёнинг
Обрўси янгратар республикани;
Фил билан қўзичоқ ахир тенг эмас,
Акаси уялар кўриб укани!

Сиз аввал ичасиз олтин дарёни,
Оқа келганини тотур Бухоро.
Қўйинг: «Шояд-бойд», «гўё», «аммони»,
Гапиринг нақд гапни — шу муҳайёни.

- 30 Самарқанд шаҳрида яшайди Айний —
Меҳнаткаш, қаламкаш, севикли олим.

Ундан таълим олсак бўлмасми, яъни
Саксон ёшли тинмас муаллим.

Бирор субҳидамдан дам олмай қолмас;
Меҳнаткаш умридан минут қилмас ҳайф.
Қалин кўзойнаклар, қорачиғ олмос,
Ҳар варақ китоби унга берар кайф:

Ҳар чаноқ пахтада бўлган нур каби,
Ҳар меҳнат тонгида мард ғурур каби,
40 Меҳнат оқшомлари ҳар оилада
Мақтаниш аралаш кенг ҳузур каби,

Меҳнатдир тупроқдан бизни кўтариб
Азиз бошимизни қилолган баланд.
Меҳнат, курашимиз сафларни ёриб,
Бизни улуғ асрга қилолди пайванд.

Ҳар киши ўзини қилмаса ҳурмат,
Ҳунари шаънига туширади доғ,
Соҳибкор, ҳунарманд Самарқандимсан,
Бир ёнда меҳнатинг, бир ён пахта — тоғ.

50 Самарқанднинг машҳур пахтакорлари,
Ҳар бир дақиқамиз ғанимат, билинг;
Қолоқлик ярашмас, тенгқурлар бари
Олдинда бормоқда, қувинг, тез етинг!

Мўл-кўл бўлиб етган пахта ҳосилни
Тинчликнинг ҳурмати, йиғиб олайлик!
Тинчлик шарафи бу ғолиб вахтада
Ҳамиша посбон бўлиб қолайлик!

КОЛХОЗДА ТУИ

Тўйлар муборак эй,
колхоз боғида,
Уйнаб олайлик эй,
ёшлик чоғида.
Даврон биз билан,
жонон биз билан,
Омонлик юртда эй,
эрк қучоғида.

10 Келинг даврага,—
Ҳалимахонлар,
Келинг қадрдон,
азиз меҳмонлар!
Бахт таронасин
олиб авжидан,
Порласин умрлар,
бизнинг замонлар.

Ким меҳнат қилди
қандини урсин,
20 Советлар юртида
айшини сурсин.
Шонлар муборак,
тўйлар муборак,
Икки ёш ўртоқ эй,
умрини кўрсин.

ҚИРҒИЗИСТОН ПАХТАҚОРЛАРИГА

Қондошу қардошлармиз, акаю укалармиз,
Улуғ гурунғ кунда Фрунзе Ватанида,
Дўстлигимиз байроғи ҳилпирар мағрур — тўқис,
Партия режа солган советлар чаманида.

Жондош қирғиз халқининг ҳар шодлиги куйида,
Тўрдан жой олиб келган оғайни ўзбеклармиз,
Қардошлик оҳанги янграр дўстлик куйида,
Ҳамиша эзгуликдир сизга тилакларимиз.

- 10 Рус халқи етаклади кичик ака-укани,
Бўй ўсган ғолиблармиз коммунизм қургувчи.
Ёғ тушса ялагундай топ-тоза бир ўлкани
Яратган ҳам ўзимиз ва гаштини сургувчи.

Пахтакор қардошларнинг ваъдаси — иши демак,
Пахтанинг олтин билан, уран билан қадри бир.
Пахтакор меҳнатига техника бериб кўмак,
Табиатга ҳокимдир биздаги тиниқ фикр.

- Қардош пахтакор эллар бу мажлисга йиғилиб,
Ўртоқлашар йилларнинг ғалаба тажрибасин.
20 Бу кун, кунни эртага илк кўклам тиф уриб,
Чигит ҳоврига чулғар шудгорларнинг нафасин.

Бу неъматлар ўлкасин яна қилади кўркам
Чувдан, Жалолободдан, Ушдан чиққан каналлар.
Ер тўйин — олам тўйин, фаровонлик чинакам,
Астойдил меҳнатга белда қайиш камарлар.

Қирғиз пахтакорлари бу кун минбарда туриб,
Бутун совет халқига айтмоқда ўз сўзини.
Юқори ҳосил учун этакларни бар уриб,
Кўрсатар соҳибкорлик ҳунарида ўзини.

- 30 Қирғизнинг ўз нефти бор, миллион ватт чароғи,
Ипакка ўралгандир бу ўлканинг қизлари,

Советлар маърифати қўлидаги яроғи
Ва манглайин ёритмиш Кремль юлдузлари.

Олой боларисидай тиришқоқ ботир қирғиз,
Миллион бошли чорванинг ирғай таёқ чўпони.
Кўқда Сомончи йўли бу қўрадан қолма из,
Яшасин меҳнатимиз! Яша, меҳнат замони!

Бу ерда ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз вакили,
Бири биридан ўткир, бири биридан мумтоз.
40 Бу йил чўққи ҳосилнинг йирик азамат йили,
Бири бирига шогирд, бири бирига устод.

Биз эккан чигитларнинг олам-олам пахтаси,
Ер юзида тинчликка метин гаров бўлади.
Яшасин пахтакорлик зарбдорлик вахтаси,
Бу иш замонамизга лойиқ пайрав бўлади.

Қирғиз пахтакорлари, ўзбек пахтакоридан
Қардошларча дўстликка юз офарин, юз салом.
Шеърни юбораман юртимиз баҳоридан,
Ўзбек пахтазоридан:
50 колхозчи Ғафур Ғулом.

ШАРҚ ТИНЧЛИК ИСТАЙДИ

Жуда катта Шарқданмиз, қуёшнинг бешигидан,
Ер юзида биринчи қадамни босган инсон.
Биринчи ўт ялт этмиш Шарқимиз эшигидан,
Бизнинг ихтироимиз биринчи ўқу камон.

Будда меҳробларида гранит тарашлаган,
Тангрилар бизни эмас, биз тангрилар яратдик.
Конфуций таълимига одамларни бошлаган,
Ибтидоий фалсафий ақлни биз таратдик.

- 10 Санскрит, Чин-Мочиннинг, Миср ёзувларининг
Миллионча шакллари ижод қилган ўзимиз.
Юксак тарихимизни камситган ёвузларни
Бўғар беш, ўн минг йиллик тошга ўйган сўзимиз.

Туманча юлдуз билан каттакон китобимиз,
Бошимизда муаллақ ота мерос осмон.
Ўз туғилган еримиз, сувимиз, офтобимиз,
Қора қоплонлари-ла шу ваҳший, бокир ўрмон.

- Томирларда қуюрган ҳар қатра покиза қон,
Ушқириб тошмоқдадир ғазабнинг чеки каби,
20 Замон деб аталгувчи биздаги умру имкон
Ҳаддига етди керак филларнинг кеки каби.

Инглиз қулдорларин асрий жавру бедодин
Қиссаларда ҳиссасин шарқлик халқлардан сўранг.
Лордлар палатасининг лаънаткарда ижоди
Мазлумлар қони билан ерни қилди лоларанг.

Тупроқ, ҳаво, сув, иқлим, меҳнат билан тажриба,
Ўн йиллаб тўйдиради бу ернинг ҳар бир фасли,
Аммо ўз туққанлари оқ қилиниб ватанга
Оч, юпун саргардондир Шарқнинг умиди насли.

30 Ер юзи неъматларин юмига ютган билан,
Бунчалар тўймас экан етти бошли аждаҳо?
Импералист йиртқичдан марҳамат кутган билан,
Мазлум Шарқ тақдирига қўйиб бўлмайти баҳо.

Ҳиндистон икки аср белига шиш келгандай
Чидам билан кўтарди қулликнинг оғриғини.
Қабул қила олмагай дард устига чипқондай
Америка жаҳонгирин елкага яғирини.

Икки кўппак талашур: «Сити — Уолл-стрит,
Уртада неъмат тўла Шарқимиз дастурхони.

40 Икки ўғри талашса оқибат яхшилик кут,
Босқиндан ҳоли қолур меҳнаткаш хонадони.

Филиппин, Вьетнам, Бирма, Малайя ерларида
Ифвогар зўравонлик, уруш жонларга тегди.
Гарчанд фаранг, инглиз кеккайган генераллари
Партизан қуршовида «Таслим!» деб байроқ эгди.

Кореянинг бошига ёғдирилган кулфатни
«Фаҳшу разолат» десак сўз етмай қолган каби.
БМТ байроғи билан ниқобланган зулматни
Кўрган бутун инсонлар, жумла жаҳон асабий.

50 Уятсиз ожизликни Пентагон яширолмас,
Фош қилди ваболанган туман қурту қумурсқа.
Инсоният шаънига шу ҳақорат ўзи бас,
Шарқимизда мақол бор: «Золимнинг умри қисқа».

Пхеньянга ўт қўяр агрессорлар эрта-кеч,
Куйган хонадонлардан олам алвон байроқли.
Бунчалик жавру жафо Шарқ ёдидан ўчмас ҳеч,
Тобора равшан тортар ҳақли интиқом ақли.

Икки хишт бирин-устин мунтазам қолмаса ҳам,
Баҳодир корейс халқи ғолиб қолар муқаррар.

60 Қаро кечлар сўнггидан ярқирайди субҳидам,
Озод халқ армияси тонглардан берар хабар.

Ахир Корея Шарқдир, бизнинг қон-қардошимиз,
Бу ерлар тонг бешиги, озод, эркин нурли Шарқ.
Москва онгимизни ёритган қуёшимиз,
Халқлар қила олади дўст билан душманни фарқ!..

Биз тинчлик тарафдори, уруш очишга йўл йўқ,
Кремль деворидай метиндир сафларимиз.
Меҳнат билан яшамоқ муқаддас, мерос ҳуқуқ,
Муҳрли ҳужжат каби қадоқли кафтларимиз.

- 70 Коммунизм асрининг ўлмас ижодкорига
Эргашган шу улуғ Шарқ муродига етади.
Бир бутун жаҳон бўлиб инсон халоскорига
Миллион садоқатин гранитга битеди.

БИЗ ЖАҲОНДА ГУЗАЛЛИК ИЖОДКОРИМИЗ

Жаҳонга жамолин бергувчилармиз,
Миннати қолмаган инсонда ернинг.
Қон билан лолалар ўстирдик, чунки
Табаррук изи бор музаффар эрнинг.

Ота-боболарнинг удумин оқлаб,
Тупроқни пок тутмоқ одатимиздир.
Бахтиёр умрнинг шаҳаншоҳимиз,
Халқимиз бутлиги давлатимиздир.

- 10 Ҳамиша муборак бўлғувси бизга
Дастурхон устида ушатишган нон.
Қуёш дастурхони ушалмагандек,
Минг бўлак бўлинмас бу кўҳна жаҳон.

Майнинг тўққизида гилос ҳам пишди,
Уни эккан эдик ўтган наврўзи.
Маърифат боғида, ростини айтсам,
Жаҳон боғбонининг ўзимиз, ўзи.

Еру сув, ҳавода бахт топа олган,
Икки юз миллионли озод инсонмиз.

- 20 Қафтимизда олам сири яширин,
Биз-ла ўчакишмак унча осонмас.

Энди, биродарлар, азиз меҳнатнинг
Муқаддас этаги кетмасин қўлдан.
Эргашиб, қўшилиб, жонга жон қўшиб,
Баракат топганмиз Партия йўлидан.

БИР ТОМЧИ БОЛ

- Асалариларнинг
Тинмағур қўшинлари
Гуллардан гулга учар
Кўкламдаги эмчидай.
Ғунчадаги зарларнинг
Тилларанг кукунлари,
Болга айланиб кўчар
Кўз илғамас томчидай.
- 0 Бу бодомгул, бу сафсар,
Бу бинафша, нок иси.
Бу ҳойнаҳой шафтоли,
Жоноқи олма иси.
Бу раъногулдан хабар,
Қуртак ёзган ток иси.
Бу кўкламнинг шамоли
Ёдимда қолма иси.
Бир қатра бол ичида
Бутун кўклам яширин,
- 20 Ҳар томчида қирқ чаман
Гулларининг ҳиди бор,
Тотсанг бармоқ учида
Хушбўй, ёқимли, ширин,
Мазмуни бизнинг Ватан
Пайқар, кимнинг диди бор!
Ҳу, илғанар-илғанмас
Нозик ҳид тамом янги,
Бир ўрим соч ичида
Бир тола мўйдай майин.
- 30 Раҳмат, деб қўйсангиз бас,
Бу ҳид бизнинг боғники,
Бу йил гуллаган жийда,
Мен экканман атайин.
Теварак тоғ ичида,
Ёппаси боғ ичида,
Кўкламларнинг мазмуни
Бизнинг ҳар бир томчи бол.
Олам чароғ ичида,
Кўзда — қароғ ичида,
- 40 Эй дунёлар якуни,
Бизнинг порлоқ истиқбол.

**ЛЕНИНЧИ АВЛОД УЧУН
БАЙРАМ КУНИНИНГ ҚУТЛОВИ**

- Катта байрам кунийди,
Ваня, Аҳмад, Сангинбой
Параддан кейин эди,
Битгаси байроқчийди,
Бир қучоқ кулки билан...
Бутун катта кўчалар
Қундуз бўлиб кечалар,
10 Коммунизм асрининг
Шиорларига тўла.
Бир суратни кўрсатиб:
«Буниси акам», деди,
Яна бирин кўрсатиб:
«Буниси дадам», деди.
Ўзимизнинг кишилар
Уларнинг ҳаммаси ҳам.
Каттакон байрам эди,
Бутун катта кўчалар
20 Қундуз бўлиб кечалар,
Бир кунда ҳаммасини
Кезиб ўтишлик қийин.
Худди шу гапдан кейин
Улуғ ҳайкал тагида
Таъзим билан тўхташиб:
— Ленин бобога салом.
Ер юзининг картаси
Ялт этиб турар эди —
Ваня ҳам кўрар эди,
30 Аҳмад ҳам кўрар эди,
Мен ҳам кўриб турардим.
Каттакон бу оламнинг,
Ленин чизган картаси
Алвонранг ранги билан
Нур сочарди оламга.
Ваня: «Бу Москва», деди,
Аҳмадвой: «Тошкент», деди,
Сангинбой: «Ленинбод»,

- Мен бир кекса муаллим
- 40 Худди шу ўғлонлардек,
Пок-покиза қалбим шод,
Жуда кўнглим тўқ эди,
Зарра қайғу йўқ эди.
Ҳамма кўчалар обод,
Олам обод, мен обод,
Каттакон шуҳратимиз
Ер юзига тарқалсин.
Каттакон қудратимиз
Доим бўлсин пойдор.
- 50 Да здравствует наша Партия!
Да здравствует наша Родина!
География дарсида
Ваня, Аҳмад, Сангинбой
Яхши баҳо олгандир?
Не эканин билмайман
Бугун байрам кунийди,
Эдим жуда қаттиқ шод,
Беш баҳо бўлур, дедим
Ленинчи авлод учун.

ОЛҒА БОС!

Самолёт кўкда учар,
Юртдан юртларга кўчар,
Қатор ўтган пионер
Умид осмонин қучар,

Олға бос!

Олға бос!

Ватаним лочинлари,
Эртанинг лётчиклари,

Олға бос!

Дукур-дукур кўп танклар
Ер титратиб борадир,
Қатор кетган пионер
Саломлар юборадир.

Олға бос!

Олға бос!

Ватаним йигитлари,
Эртанинг танкистлари,

Олға бос!

20 Биз ҳаммамиз кучлимиз,

Ўқиш-билиш ишимиз.

Оталар ўрнин босган

Ишчи авлод ишчимиз.

Олға бос!

Олға бос!

Эй, Ленин зурриётлари,

Қуёшнинг зарротлари,

Олға бос!

УЛУҒ БАЙРАМ ҚУШИҒИ

Сизларга шеър ёзиш шунчалар қийин бўлди,
Икки варақ кетма-кет ёддан баён ёзгандек,
Аввал қўшиғин айтдим, қофия кейин бўлди,
Тап-тайёр гулшанаро кўчатлар ўтқазгандек.

Сиздай аълочи, ўткир, доно ўғил-қизларга
Байрам совғаси учун қўшиқ ёзган чоғимда,
Сатрлари дарёдай, нуқталар юлдузларча,
Сўз эмас, қуёш болқсин қалбимда, қучоғимда.

- 10 Дурдай тиниқ, покиза пахта терар чеварлар,
Тонготардан кечгача қоп тўла, хирмон тўла.
Мен ҳам сизларга атаб дурдона сўзлар терай,
Жарангдош товшингиздан ер тўла, осмон тўла.

Тонг отиб, ўлим билмас қуёш ҳукми юрийди,
Эриб оққан нур аро ҳаётга тўлди олам,
Ям-яшил боғчаларнинг кўзидан нам қуриди,
Япроқлар қад кўтарди, буғланиб учди шабнам.

- Улуғ байрам кунидир, енгилмас совет халқи
Кўча-кўйни тўлдириб, ўтиб борар бахтиёр,
20 Қўшиқ айтиб ўтади, қўшиқ айтмоқлик ҳаққи,
Шу кўйни ёзган шоир ғурурланса ҳаққи бор!

ҚУТЛУФ ШЕЪР

- Лениннинг юрагидир
 халқларни этган халос!
Офтоб ёйилиб кетди
 минг дoston ёзилгудек,
Жаҳоннинг кўркамлиги
 бир бўстон тузулгудек.
Унут бўлмас кунларнинг
 мазмунини айтмакка,
10 Ҳаёт кўркамлигини
 шеъримда қайд этмакка,
Катакон юрак керак;
 чунки бу юрак билан
 ўрганганим ўзи рост,
Лениннинг юрагидир
 халқларни этган халос.
Бир оғиз сўзи билан
 ўнгни ўнг бўлур, деди,
Бир оғиз сўзи билан
 сўнгни сўнг бўлур, деди —
20 Бутун инсониятнинг
 юраги бўлган юрак!
Жаҳон нусха кўтарсин
 қизимнинг кулгусидан,
У ҳам нусха кўтарсин,
 жаҳоннинг келгусидан;
Жаҳоннинг умидидир,
 таянчидир Оу авлод.
Шунчалар улуғликнинг
 шарҳини ёзмак учун
Ю Ватан синаб турибди
 озод инсонлар кучин,
Лениннинг юрагидир
 халқларни этган халос.

ОНА

Туғилган дамимни эслай олмайман,
Ташаккур дейилса арзигулик тонг.
Танам йўргакланган, муштим тугилган,
Олтин рудасидай ишланмаган онг.

Ҳали бепардозман, олам жамолин
Кўра олмакликка кўзим ҳам ожиз.
Танглайим кўтарган бибим бечора
Ким эди, билмайман, ўлгандир, эсиз.

- 10 Биринчи тамшанган она сут қадрин
Асл ўғил бўлиб оқлаш эътибор.
Теварак оламга зийнат саналур
Она юрт бағрида кўркам ҳар чинор.

Қирқ йил ҳа дегунча ўтиб ҳам кетди,
Ўғлингни кўрсайдинг етук камолин,
Қутиб етишолмай бизга қолдирган
Шунчалар муҳайё олам жамолин.

- Дунёдай алвон ранг дастурхон ёзиб,
Сенинг оилангда ҳаммамиз обод.
20 Кумуш узугингни бармоқдан олиб,
Ушбу шеърим билан сени қилдим ёд.

Худди юрак устида
Эркалаган қўлинг бор.
Сочимни силаб қўйган
Панжанг изи — йўлинг бор.

Уфқлардан кенг эдинг
Бағрингга олган чоғи.
Ўзлигимни танитган
Онагинам қучоғи.

- 30 Мингга кириб ўлсам ҳам
Қулоқда қуйма алланг.

Қуёшга қўшнимиз, деб
Кўрсатганинг минг-минг ранг.

Узинг, ахир, нимасан,
Қоямисан, тоғмисан?
Узинг, ахир, нимасан,
Жаҳонмисан, боғмисан?

Рангмисан, қуёшмисан,
Ҳаммасидан улуғсан!
40 Ётук-ётук сўзимни
Шаънингга айтгуликсан.

Ҳойнаҳой бир китобсан,
Минглаб қомусдан баланд.
Ҳойнаҳой офтобсан,
Мен эса сенга фарзанд.

ЭНГ ЗАРУР БУРЧИМИЗ

- Ҳар кимнинг иш соати,
интизоми, ҳаёти,
Ҳар кимнинг ўз дилининг
зарбига итоати
Қуёш аниқлиги-ла
халқимизга билгулик.
Халқимизга билгулик
минутлардаги мазмун,
- 10 Енгмаклик ғурурию
ишламаклик сурури,
Нафас-нафас ҳар якун
қутлуғ бўлсин, дегулик.
Қалб уриб туришига
ҳеч ким ҳукмрон эмас,
Меҳнатга шахсда бўлган
ўз эҳтиёж — табиий.
Эҳтиёж ҳаётгидир,
ҳаёт демак — бу нафас,
- 20 Кузлар, қишлар сўнгида
кўклам бир тож — табиий.
Шу ернинг
варақ-варақ мазмунида меҳнатинг,
Дил зарбинг, манглай теринг,
нафасларинг яширин.
Кузидан, қишларидан,
кўклами, ёзларидан,
Дилнинг ҳар уришидан,
айрим-айрим нафасдан
- 30 Жамул-жами ҳаётдан
улгуржи баҳра олмак
Ҳаётни қадрлаган
ҳар бир инсонга ширин.
Мабодо бирор оқшом
қуюндай қора булут
кўкни қоплаган билан
ишингни қилма унут!

- Ҳар кимнинг иш соати,
 интизоми, ҳаёти,
 40 Лафзи бор, ғурури бор
 Ва ўзбек халқимизнинг
 халқларга қардошлиги,
 Зарур пахтаси билан
 Топди шунча эътибор!
 Кореялик жангчи қиз
 омонлик тонготари
 Чўнтагидан олганда
 гулдор рўмолчасини,
 Пахтаобод қишлоғин
 50 кумуш ранг даласида
 Жаҳон-жаҳон суюниб,
 пахтакорлар тўй қилди.
 Қумрихон ўйин тушди,
 Мамажон айтди ўлан,
 Биродарлик бу бўлур,
 қон-қардошлик бу бўлур,
 Қуёш ҳам қойил бўлиб,
 етказолмай қолди ранг,
 Дил рост бўлса — юз қизил,
 60 дилга юз кўзгу бўлур.
 Биттаси: «Яшанг!»— деди,
 биттаси: «Ошанг!»— деди,
 бири: «Минг яшанг!»— деди;
 Минг яшамоқ осон гап,—
 ҳамма халқ иноқ бўлса,
 Соқий инсофли бўлса,
 май тўла аёқ бўлса,
 Рюмкадек чаноқларда
 қизил бўлса, оқ бўлса,
 70 Хўш, пахта-чи? Ўртоқлар,
 бизлар, ахир, пахтачи!
 Халқлар баҳраманд бўлсин
 миллиард чаноғимиздан;
 «Яли-яли» айтайлик
 ажойиб шеъримизда.
 Билолмай доғда қолсин,
 душман саноғимиздан!
 Пахтаобод қишлоғин
 кумуш ранг даласида,
 80 Қадрдон Мамажоннинг
 янграган ялласида
 Ўзбек ўз овозини
 дўстларига етказди.

Шулар қатори шоир
лафзига муҳр босиб,
Қутлуғ тилаклар билан
қоғозини тўлғозиб,
Халқимнинг юзи бор, деб,
чин айтган сўзи бор, деб,
Юзини халққа тутиб,
ўз шеърини битказди.

КАПТАР УЧИРДИК

(Россия билан Украинанинг қайта қўшилганига 300 йил тўлиш кунинда ёзилган)

Илиқ парник битказдик
Укроп, лукпари учун,
Атайлаб гул ўтқаздик
Дўстлик чамбари учун.

- Ҳадемай Май келади —
Биринчи гул бизники.
10 Ўзи атай келади —
Саъва, булбул бизники.

Шу гулдан, лукпаридан
Қойил қилиб, дўндириб,
Ўзимизда борини
Раъйимизга кўндириб.

Фаровон умримиздан
Гулчамбарлар тўқиймиз,
Энг яхши куйга солиб,
Мақтовларни ўқиймиз.

- 20 Богдан Хмельницкий,
Авлодига шарафлар.
Қуёшдай болқиб кетсин
Улуғ юртда тарафлар.

Мактабнинг тепасида
Ғув айланган кабутар
Гўё оқ қанотида
«Беш» баҳоли бир дафтар.

- Кўм-кўк тиниқ осмон
Декабрь ойида ҳам,
30 Ҳар нафаси бир жаҳон
Тошкент мунчалар кўркам!

Ургатилган оқ қушим,
Зиёҳимни — зеҳнинг деб бил.

Биринчи қўнар жойинг
Москвада Кремль.

Оёғига хат боғлаб
Оқ каптарни учирдик.
Дўстликнинг ҳужжати, деб,
Нусхасини кўчирдик.

- 40 Улуғ рус оғамизга
Инилик саломин айт.
Омонлик шиорингдир
Омон бориб, омон қайт.

Киев осмонида
Ўн олти марта айлан.
Халқимиз шиорисан,
Сайланиб келдинг, сайлан.

- Богдан Хмельницкийнинг
Елкасига бориб қўн.
50 Бахтиёр асрлардан
Бўлиб келдим, деб, якун.

Ўзбек пионерининг
Дўстона саломи бу.
Каттакон қалб эканмиз,
Тиниқ, мисоли кўзгу.

Тиғ уриб кўм-кўк кўкда
Учиб борар кабутар.
Украина пионерига
Дўстлардан бериб хабар.

- 60 Азиз оталаримиз
Кўрган замондан салом.
Улуғ Богдан наслига
Ўзбекистондан салом.

Тиғ уриб кўм-кўк кўкда
Учиб борар кабутар.
Украина пионерига
Дўстлардан бериб хабар.

И Л О В А

АЗОН ҰРНИГА МЕН АЙТДИМ...

Улуғ уммид билан онинг Алишер бұлди унвони,
Демак айни ҳаётида улуғ шоирни пок жони.

Адаб базмида минг йиллар қуёшдек чарх уриб
Варосат бирла тегсин сенга энди Жомийнинг жоми.^{келган}

Бу авжи кибриёдур, етмагай номард гардига,
Эгаллай олғуси кимники қайнар дилдаги қони.

Муқими ишқ бўлсанг тахти маъни маснадинг
Тараддуд дастгоҳинг, эй сухан мулкининг қоони.^{бўлғай,}

10 Туғилдинг саъд саодатда, азон ўрнига мен айтдим—
Қулоғингга тараннум қилғуси Саъдийнинг илҳони.

Ажаб ринд, ҳақпараст Ҳофиз каби оташзабон
Фалак бахтинг учун сочсин сенга иқди Сурайёни.^{бўлғил,}

Менинг номим сенинг номинг-ла бўлсин, бир
Агарчи номларда бир баҳо йўқ, барчаси фоний.^{Ғуломий ҳақ,}

ОН I

Бизнинг ягонадир онт, иродамиз,
Бирдир бизнинг хитоб, умтилиш, нафас,
Ҳеч қачон, ҳеч қачон Украинамиз
Фашист жаллодига қул бўлиб қолмас.

Қарабиндан қўрғошин, тўплардан пўлат
Ёғдириб душманни нобуд этамиз.
Ҳеч қачон, ҳеч қачон Украинамиз
Фашист жаллодига қул бўлиб қолмас.

ЖОН УҒЛИМ

Саломимни эшит, майдонда, ботир, қахрамон **ЎҒЛИМ:**
Саломат биз, саломат бўл, яша, соғ бўл, омон, **ЎҒЛИМ.**

Жаҳондан маҳв бўлсин тоабод малъунлар авлоди,
Қуёшдек пешвозингга чиқиб янги жаҳон, **ЎҒЛИМ.**

Эшитдик, бир ўзинг минглаб фашистлар бошин
узмишсан,
Сенга минг офарин айтур замин у осмон, **ЎҒЛИМ.**

Машаққат чекканим оқланди, **ЎҒЛИМ** болиғ этгунча,
Муҳаббат оқ сути сенга ҳалол ҳар бир замон, **ЎҒЛИМ.**

10 Ажойиб довиурак фарзандларим бор, мақтаниб
айтсам,
Ўзар бирла Ўсар ҳам сенга ўхшар бегумон, **ЎҒЛИМ.**

Ҳануз сен кўрмаган бордир уканг, отин Башар
қўйдик,
Башар бахти учун душманни қиргил беомон, **ЎҒЛИМ.**

Яқин кунда келурсан, келди шерим, деб
қучоқларман,
Бўйингдан ўргилай, мардона бўл бу жангда,
жон **ЎҒЛИМ.**

Диловар қахрамонлик касби бўлди, жанг
дастгоҳинг,
Уриб турган юрак устига тақ Ленин нишон, **ЎҒЛИМ.**

Садоқат мактубин ёзди отанг Ғафур Ғулом сенга,
Тоғанг Чустий ёзур мадҳингга юзлаб дoston, **ЎҒЛИМ.**

* * *

Бир яшаш, бир ўлим — ҳаммамизга ҳақ,
Бир ҳақни ҳеч золим тортиб ололмас,
Чунки катта мақсаднинг миллиард йилида
Гитлердай ғаддорнинг умри бир нафас.

БИЗНИНГ ТАНК

У жангдан қайтди шикаст емасдан,
Аммо, усти-боши тутун, қурум, чанг.
Гўё пўлат совут кийган паҳлавон,
Мағрур қайтгандай қилиб бўлиб жанг.

Пўлат эритувчи Урал қозони,
Кривой Рог конининг мартенларида,
Бунга деб энг аъло металл танлаган
Бутун совет халқи бирга албатта.

- 10 Коннинг қаъридаги энг оддий шахтёр
Ва пўлат қуйгувчи ҳар бир чилангар,
Халқдай мустаҳкам бўл ва еримизнинг
Қалбидай метин бўл,— демиш баробар.

Ёвуз душман учун ўлимдай даҳшат
Азамат қадамлар шараф йўлин бос.
Биз сени ғалаба шони-ла қўйдик,
Шундай ғалабаки, фақат бизга хос.

Советлар ватанин бой конларидан
Сенга деб энг аъло металл қозиймиз.

- 20 Олга юр маҳобат, эй юлдузбардор,
Темир ва оташдан қурол бердик биз.

У ерни титратиб қўзғолиб кетди,
Олдида атака, зўр жанг ётади.
Кечаси-кундузи тинмай курашиб,
Башня тўпларидан ўқлар отади.

Жангга кираётир бу ботир қўрғон
Темир танаси бор, пўлат қалби бор.
Танкист маҳкам ушлаб машина рулин,
Шараф ва ғалаба томонга йўллар.

Тубанда катта йўл бўйлаб бир қатор
Душман машинаси саф тузаб турар.
Аланга ичида ёнган самолёт
Шу томон сузади улуғ яшин — ўт.

— Бу жангда ўламен, бу ўлум аммо
Душманни қилажак қора ерга жо.
Оёқости бўлмас шу азиз Ватан
Интиқом оламен ўлимим билан.

- Штурвал тутади мустаҳкам қўллар
10 Самолёт учади сўнг метр — йўллар
Ва бирдан йиқилар ғазаб, оташ, ўт
Душман цистернаси томон самолёт.

Шу дамда гўёки ер қалтиради
Ва ёв жаҳаннамга кетди абадий.
Тутун, алангалар худди чақмоқдай
Осмонда қилпирар қонли байроқдай

- Ана шундай ўлди жангда Гастелло
Шараф билан қилди жонини фидо.
Минг йиллар сақланар жанговар номинг,
20. Халқнинг юрагида диловар номинг.

Чинқириб учади нишона сари
Изғийди фашистлар солдатин бари.
Осмонга ўрлайди тутун, аланга,
Фашист қаторлари учар осмонга.

Дарахт бошларига тегиб ўрмондан,
Гувуллар моторлар ҳар тўрт томондан.
Лаҳзада йўл бўйлаб кўрсатар кучин,
Ёғдирар солдатлар бошига қўрғошин.

- Шу дамда ўрмонда титрар пулемёт,
30 Самолёт бағрига қатор очиб ўт.
Ҳуш элтар қонли жанг... бир ондан кейин,
Ўқ ейди кумуш ранг шу мағрур лочин.

Советлар осмонин ярали қуши
Ўлим учушини бошлар учувчи.
Ҳавода қаҳқаҳа солганча учар,
Кўп самолёт...

Учувчи қарайди осмонда тумон.
Аланга ичида ётган йўл томон
Қишлоқ ва шаҳарлар хароба буткул,
40 Шу ердан ўзига очмиш фашист йўл.

Учувчилар қалби дадил, мустаҳкам,
Қўллар машинада титрамас, маҳкам
Тубанда ётади қонга ботган из,
Қўзлар бамисоли оташин юлдуз.

Команда қанотин қоқди. Бу буйруқ
Бомбани ташлашга берилди ҳуқуқ.
Қотиллар бошига юксакдан ёғар,
Ғазаб, интиқомга тўлган бомбалар.

Тубанда ётади қонга ботган из,
50 Қўзлар бамисоли оташин юлдуз.
Команда қанотин қоқди. Бу буйруқ
Бомбани ташлашга берилди ҳуқуқ.
Қотиллар бошига юксакдан ёғар,
Ғазаб, интиқомга тўлган бомбалар.

ҲАСАН ОТА

Етмиш ёшни ўтиб кетган беғубор,
Аммо ёниқ кўзларида мустаҳкам виқор.
Кўра олур ерда ётган бир игнани-да,
Нимдошгина парча гулли гуппи эгнида.

Қиш кунлари кийиб олур қирғизча телпак,
Ирғай асо қўлда бўлса жуда югурдак.
Афсонавий Хизр каби ҳар ерда ҳозир,
10 Халқи учун хизмат бўлса тепада нозир.

II

Баъзан-баъзан у Рустамдан бошлар ҳикоя,
Тарихларга шўнғиб кетар биланиҳоя,
Қўп ажойиб мамлакатнинг ўғли эканман,
Кексалари йигитлардай бағайрат, аммо
Йигитлари кексалардай солдийда, доно.

Ёзилмади, керак эмас унинг адреси,
Уни танир Ўзбекистон ёшу қариси.
Афсонавий Хизр каби ҳар ерда ҳозир,
20 Бир чатоқлик кўриб қолса тепада нозир.

НИДО

Бу овоз ўғил ёқдан отага хабар,
Бу овоз набирадан бобога келур.
Кўксимизни душманнинг ити тимдалар,
Кўзимизни ёвларнинг қарғаси чўқур.

Бу овоз хароба шаҳарларимиз,
Вайрон қишлоғимиз кулининг саси,
Бу овоз ҳаётсиз адрларимиз,
Мингларча сўкилган қабр нафаси.

- 10 Қачонгача қолади бу кўлкада Киев,
Кумушдай ярқираб оққан Днепр?!
Бир-бирига чирмашган икки илон — деб
Бу лаънат тамғаси қолмас бир умр?

Тобакай Львовда фашист ҳукмрон,
Тобакай Мажорнинг жазо отряди,
Қарпат ёйлоғида тўкиб шунча қон,
Босиб-янчиб хўжайин бўлиб қолади?

- Гуцул паҳлавони сира тинмасдан
Жанг-жадалга чақириб тортади наъра.
20 Токи оға-ини қондош славян
Бу кураш нидосин тинглар минг карра?

Кўп узоқ қолмади. Ва биз эшитдик
Бизларни чақирар улуг интиқом.
Биз юриш бошлаймиз, жанговар, тетик
Ва биз суд қиламиз бу улуг айём.

Ўз ботир ўғлини жангга чақирган
Она ҳузурига қараб борамиз.
Оёқ остимизда душман берар жон,
Фашист ўлакчасин топтаб борамиз.

30 Тонг яқин. Зулматнинг ҳукми ушалди,
Уфқда офтоб қилур тантана.
Саҳрога толенинг тухмин сепадн,
Ҳаётнинг деҳқони ишида — яна.

Украина қайтадан нурга чўлганур,
Лиммо-лим тўлажак ҳаёт омбори.
Қуёш шуъласида доим тўлғонур,
Озод Украинада наҳрлар бари.

Кнев қабул этар биродарларин.
Қадимдай ғалаба тоқи олдида.
40 Гумбурлар ҳар томон муҳташам Бугмин,
Озод халқлар айтган енгилмас нидо.

* * *

Ҳаёт келди оламга келган ўзингдек,
Баҳор келди шафтолу гули юзингдек,
Ғолиб аканг келди, зулфин қоқилди,
Ўзбилармон муборак нафис сўзингдек.

Салом хати каби узун иш билан
Оламнинг томида учир варварак,
Майсалар устида яланг оёқ чоп,
Дам олсин отасин соғинган юрак.

10 Усма тер, қорайсин опангнинг қоши,
Ялпиз тер, кўкарсин бу куннинг оши,
Кўчат эк, келажак мевали бўлсин,
Манглайда порласин умринг қуёши.

* * *

Шараф бўлар эди тирик қололсам,
Энг сўнгги маълунга гўр қазилган чоқ.
Шараф бўлар эди бир кафт нам тупроқ
Пошнамдан қайғудек йўқола қолса.

* * *

Тугади бу юртнинг зўр жуссасидан
Шу Ватан жангининг жароҳатлари.
Аммо тугармикан қалбдаги яра,
Тугарми интиком ҳароҳатлари?

ШАФТОЛИ

Сен кетган кўкламда қут ният билан
Эккан данакларим шафтолиси бу...
Тўрт йил муддат ўтди лабга теккунча
Меҳнатдан мевалар, ғазабдан кулгу.

Соқолим оқлиги — исми аъзамим,
Қалбим оқлигидан дўстга нишона.
Сиз оғир йўлларни босган кунлари
Ҳар тилим бўлибдир ажин-пешона.

* * *

Осмон тўла юлдузлар, қани сенинг юлдузинг?
Қани, сен ваъда қилган келажагинг, кундузинг?

Чап қўлинг чизигидан очар эдим баъзан фол,
Сочинг ўрайларидан кутар эдим истиқбол,
Наҳотки, бу ниятлар тўсатдан топса завол?

Осмон тўла юлдузлар, қани сенинг юлдузинг?
Қани, сен ваъда қилган келажагинг, кундузинг?

Осмон тўла варрақлар, қани сенинг варрагинг?
10 Сени томдан йиқитди ўзингдек шўх юрагинг.

Бизнинг оилада ҳам бўлиб ўтди қиёмат,
Шўрликкина жонингни сақлаш учун саломат,
Наҳотки, мен қалб билан беролмадим ҳарорат?

Осмон тўла варрақлар, қани сенинг варрагинг?
Сени томдан йиқитди тўполончи юрагинг.

Шонли Октябрь советлар халқига байрамдир,
Чехралар гулгун, кўнгуллар шоду қўлда жомдир,
Доимо ғолиб Ватанда тенги йўқ айёмдир,
Жумлаи оламда бизнинг дўсту ёрон беҳисоб,
Дилда тинчликнинг гурури, бошимизда офтоб.

**Бизда ҳар ким фахр қилғай меҳнати — шони
билан,**

Ўз Ватан, ўз юртини севгай азиз жони билан,
Бу улуғ айёмда хурсанд шунча меҳмони билан,
10 Жумлаи оламда бизнинг дўсту ёрон беҳисоб,
Дилда тинчликнинг гурури, бошимизда офтоб.

Яшна обод бўл, ҳамиша, эй улуғ ҳуррам замон,
Эл омон, меҳнат омон, ер ҳам омон, олам омон,
Тинч омонлик истаган халқлар бари бизлар томон,
Жумлаи оламда бизнинг дўсту ёрон беҳисоб,
Дилда тинчликнинг гурури, бошимизда офтоб.

* * *

Шу қошларинг бири биридан энлик,
Шу кўзларда ҳаёт мутлоқ юз йиллик,
Қайғуни билмаган гул юзинг бордур.

Нега мунча хомушсан, не янги хабар,
Эзилмаган дил бўлди, куймаган жигар,
Алдамчи, норасо хуш сўзинг бордир.

Ишонаман кипригинг қўтаролмас ёш,
Бироқ ўйноқ қалбинг ўзича бебош.
10 Ой ёнида терма юлдузинг бордир.

Ўз-ўзингга мунчалар шивирламасанг,
Офтоб тушган ерларда ўсган кўзи танг
Ғунчами, лолами қирмизинг бордир.

Шу қалб, шу қомат, ҳуснинг ҳурмати,
Бахтиёр оламда яша абадий,
Саноқсиз кундузинг, кундузинг бордир.

ГУРУНГДА АНДИЖОНЛИК

Ёз фасли фарах эрди дийдамнинг шамлигидан,
Гурунгда андижонлик дўстларнинг жамлигидан.

Ёзайлик деб кўнгилни, кирдик семурғ тагига¹,
Зирқиради оёқлар ерларнинг намлигидан.

Кўриб ризқинг кўпикда ранжиди косагул ҳам,
Эй, бадбуруш, майфуруш, пивонгнинг камлигидан.

Бақрайтириб кўзларни алдайсан жўмрагингда,
Нафратга келди ҳамма бетингнинг чамлигидан.

10 Айтгил, бу косаларни гўр бошиданму олдинг?
Ҳар биттаси моховдай вужуди ғамлигидан.

Ҳавз ичра ўйнаган нур қуёш шарорасидек,
Зангорлиги нишона сувларнинг замлигидан.

Бир қиз ёнимга келди, таскини дил бўлай, деб,
Зерикди сўзлашолмай, кўнглимнинг хамлигидан.

Бас қил, сўзингни Гафур, чўзмай бўшат косангни,
Қувонч бўлмайди ортиқ дўстларнинг жамлигидан.

¹ Андижон шаҳар маданият ва истироҳат боғида қурилган семурғ шаклидаги павильон.

МЕНИНГ ШҰХГИНА ҰҒЛИМ

Менинг шұхгина ұғлим исми Мирза Қодирдир,
Кундузлари дам олмас, кечалари беором.
Йиғламоққа устаю ўйнамоққа муқтадир,
Ўйнаганда баробар ўйнайди патнису жом.
Доим унга тилайман, бахтли умрки узоқ,
Ошхонасида — палов, офилхонада бузоқ.

МУХАММАСИ БАДР ШОШИЙ БАР ҒАЗАЛИ ФУРҚАТ

Ишқидин саргашталик бошимни ҳар жо тортадур,
Баъзида бежо чекиб, баъзан ўрин жо тортадур,
Чин абруйсини кўргач дилни мабхо тортадур,
Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,
Бу ишидан даҳр эли ортуқча ғавғо тортадур.

- Осмон қатлим учун чекти шафақ, қон кўзлари,
Даҳр элидан ҳар нафас сурмакдадур жон кўзлари,
Менга мозоғ, албасарга берди имон кўзлари,
10 Қошлари остида ётган икки фаттон кўзлари
Икки ҳинду баччадурким, ёндошиб ё тортадур.

Заъфароний май авалда кулдирур, сўнг можаро,
Кўп емаклик меъдада «саратон» мисол очгай яро,
Ёз қуёши тилла жомин кўмди шом тупроқ аро,
Сориғ олтун касрати кўнгулни айлайдур қаро,
Чунки сафро бўлса ғолиб, ўзга савдо тортадур.

- Қайда ишқ сирри етишса унда сен пайдо кўнгил,
Бўлмадинг бир дам муҳаббат сиррига сен жо кўнгил,
Сийна сондуқида ёшрунганда ҳам аммо кўнгил,
20 Ишқни пинҳон тутарға бўлма шайдо, э кўнгил,
Мушк пинҳон бўлса, бўйи ошкоро тортадур.

Бу майи манхусми сезсин андалиблар созини,
Мардлардурки чекарлар даҳрининг минг бозини,
Бадр қайтмас тинглаган бирлан бўри овозини,
Булҳаваслар торта олмас нозанинлар нозини,
Фурқатидек бекасу шўрида расво тортадур.

БАЙРАМДАН СЎНГ

Шодликнинг меъёри бор, аммо йўқ тарозуси,
Байрамлар тантанаси — меҳнатларнинг кўзгуси,
Уфқни жаранглатди қалбимиз ҳур кулгуси
чертилган пиёладек.

Ўттиз йиллик қудратни кеча қилдик намоиш,
Топган эди гуллар-ла боғу чаман оройиш,
Тўлқинларда ёлқиндай байроқларда осойиш
вазадаги лоладек.

* * *

Ялқовларни кўрганмиз, ёзда салқин сўрида,
Сайратма беданадек чойхонанинг тўрида,
Ҳатто ҳурмат топилмас ўлганида гўрида,
каттарак гуваладек.

* * *

Қуёшнинг марҳамати ҳаммага тенг бўлгандек
Ҳинду қаро тунининг тонг отари кеч эмас.
Асримиз офтоби Ленин қўлёзмасидек
Ҳар бурчакни ёритмак қуёш учун ҳеч эмас.

* * *

Мюнхаузен эмасман — ёлғон гапирсам,
Том Сойер бўлишга ёшим улғайган.
Уртага олингиз нима бўлса ҳам,
«Шум бола» мен, аммо сизга ўртоқман.

* * *

Шеър ёзмоқ учун субҳидамларнинг
Салқин шабадаси шарт эмас экан.
Азиз ватандошлар чўнг меҳнатига
Мен ҳам меҳнатимни қўшиб қўйганман.

Танғилган чеккадан оққан меҳнат тер
Мўйсафид қошлардан юзга оққан чоғ
Эндиги саодат боғин суғориб,
Толелар очажак ўзбекка қучоқ.

- 10 Саратон кунлари лаб ташна, машғур
Меҳнат шиори-ла бизнинг келажак.
Бали бу терлардан, манглай терлардан
Ғолиб ва енгилмас олам унажак.

МЕНИНГ КЕЛАЖАГИМ БОР

Юлдузлар сирини ошкор этган
Улуғ Мирзо деган келажагим бор.
Тарихлар мадраса олийси учун
Бу буюк бинода катта ранжим бор.

Мўйсафид онамнинг оппоқ сочлари
Менинг ўтмишимдан берганда дарак,
Қаро шомлар аро дарак беролмас
Бизнинг оилада Уолл-стрит шабпарак.

- 10 Онам маъюс боқар менинг кўзимга,
Бу кўзда ўтмуш ташвишларин қаттиқ акси бор.
Эндиги умрида,
айта оламан,
Тушмайди муҳтарам чашмига ғубор.

Бўй-бўй йигитларни ўстириб келиб,
Чинордай қомат-ла асраган чоғи,
Не учун бу ғариб мотамзаданинг
Сассиқ алаф ҳидлар бўлди димоғи?

- Ўйғига ҳожат йўқ, йиғлай бошласам
20 Оламни тўнкариб бошимга ташланг!
Бўйларингдан ўргилай, азиз ўғиллар,
Оламни сиз энди қайтадан бошланг.

Зулм ҳам бўлмасин, бедод бўлмасин,
Жабр ҳам бўлмасин, муттаҳамлик ҳам,
Олам дастурхони узра меҳнат-ла битган
Шу бир бурда нонни кўрайлик баҳам.

- Қон рангли лола деб аталган чоғда
Болалар: «Қон на?», деб бизлардан сўрсин,
Даҳшатли тарихнинг мудҳиш изларин
30 Қамчиланган яғринда изларин кўрсин.

Умидлар бир райҳон узиб бергандек
Инсон димоғида бўлсин муаттар,
Ҳаёт тонготардек, доим кулгандек
Абадий ҳаётдан беролсин хабар.

Қачонгача одам бадбахт металлнинг
Номаълум даҳшати остида яшар?
Келинг, бир нафасни тинчроқ олайлик,
Ер халқи ҳазрати одамий башар!

янги куз

Бу мавсум шеъримга бўлай деб тема,
Яксара очилди хризантема.

Зағфар япроқларга қўнган қировни,
Олтин балдоқдаги олмос десанг оз.

Бибилар сандуғи каби барака,
Боболар бағридай қутли сўнги ёз.

Бир ғулун туршакнинг жаҳон лаззатин,
Нонушта чоғида Мирзодан сўранг.

10 Олмоснинг қошига сўрамай кўчди
Кузги ўсмадаги қуюқ нилий ранг...

Кечки куз йиғиму терим саранжом
Танчалар базмига етдик ниҳоят.

Атайлаб домлани кўриб келай деб,
Самарқанд шаҳридан келди Қифоят...

ТАБРИҚЛАЙМИЗ

Оилада муҳаббат туздан олдин туради,
Усма эккан отаман қошинг қаро бўлсин, деб,
Чунки қош деганимиз кўздан баланд туради,
Бошингга ёққан ёмғир кўзингга тушмасин, деб.

Қўша-қўшоқ яшаймиз бу ҳаёт оламида,
Фарзандларнинг жамоли рўпарамизда кўзгу.
Ўлим билмас жонимиз шулар истиқболида,
Ҳар бирин етуклиги бу дунёга обрў.

- 10 Кўчат экиб боғига, шундан мева узган чол
Қалбдаги қувончини сиғдиrolмас уйига.
Яна меники бўлган келажагим бахт-иқбол,
Марҳамат, азизларим, коммунизм тўйига.

МЕНИНГ ҲОВЛИМ

Кишининг қўли гул, деганлари рост,
Икки йил меҳнатнинг натижасида
Алвон ранг гулларни ўстира олдим
Қунту умидларинг чўнг тешасида.

Токларинг шонаси саноққа сиғмас.
Уйда узумларнинг ўн бир хили бор.
Қўклам шаббодаси чеврилиб кезар,
Ишком ёр сийнаси янглиғ беғубор.

- 10 Олмалар, гилослар, шафтолу, шотут
Иқболим келдими — қилди нишона.
Шамшодлар ўстирдим, шояд қизимнинг
Қора сочларига бўлолса шона.

САЛОМ

Узоқлардан тинчлик истаб келган меҳмонлар,
Қон-қариндош қаҳрамонлар, дўстлар жононлар,
Тинчлик истар бутун ер юзида инсонлар,
Тинчлик учун мунтазирдир замин замонлар.

Улуғ Ватан советларнинг озод диёри,
Бутун эллар ва халқларнинг дўстию ёри,
Кўтарилур уфқимиздан уруш ғубори,
Омон бўлсин ўртамизда тинчлик шиори.

* * *

Бу чаманда ўйнаганларнинг,
Бу чаманда куйлаганларнинг
Маданият бўлсин шиори.

Шунқоримиз келажагимиз
Сизнингдир юксак осмон,
Сизнингдир эндиги замон.

Ҳаво тоза гўзал тонг отур
Тонг қушлари билан баробар,
10 Еруғ кунга бўлиб сафарбар.

Ҳаёт томон юрар комсомол
Қадамига мунтазир шу йўл.

КҰНГИЛ ШОДЛИГИ

Бизнинг боғда бу кеча чироғ ёнди тонггача,
Ёру дўстлар истаги чеккамда қизил гунча,
Кўнгил шод эрур, дил обод эрур,
Чунки бунда бўлганлар, меҳнатда Фарҳод эрур.

Кўклам олди ёз бўлди, ер етилиб соз бўлди,
Қим ўзарга қўл қўйсак, олтиндан қоғоз бўлди.
Кўнгил шод эрур, дил обод эрур,
Чунки бунда бўлганлар, меҳнатда Фарҳод эрур.

- 10 Эр ўғлоннинг кўзи бу, ваъдаси, чин сўзи бу,
Хирмон-хирмон оқ олтин — ярқироқ юлдузи бу.
Кўнгил шод эрур, дил обод эрур,
Чунки бунда бўлганлар, меҳнатда Фарҳод эрур.

УЛУҒ КУН БАЙРАМИ — ТИНЧЛИК БАЙРАМИ

Осмонда топ-тоза бир тинчлик бор
Юраклар қатрадек кўркам, беғубор.
Мақтабим, дўстларим ясанган — гулнор,
Яхши қўшиқларни айта бергим бор:
Улуғ кун байрами — тинчлик байрами.

Кун кеча синфда қўйдилар баҳо —
Кўпларга яхшию, кўпларга аъло.
Кўнгилда қувончлар, эгнимда сарпо,
10 Шарафлар тонгидир ҳар иш жобажо:
Улуғ кун байрами — тинчлик байрами.

Пахталар корвони ўтар эрталаб,
Тинчлик иши учун олтин орқалаб,
Дадам қутлайдилар бизни эркалаб,
Юзимни қуёшнинг нурлари ялаб,
Улуғ кун байрами — тинчлик байрами.

Кўкда ғужғон ўйнаб учар кабутар,
Қаноти қоғозу тумшуқлари зар.
Биздан ошноларга етказар хабар,
20 Халқлар озодлик деб куйлайди лапар,
Улуғ кун байрами — тинчлик байрами.

* * *

Ҳисорнинг канали мунчалар узун
Ташналаб одамзод тарихи поя
Лабташна тўкилган кўз ёши учун
Бу инжу қатралар...
Кўкси оқ шу мағрур чўққи тоғлардан
Пок дилли тожикка сув етиб келди.
Тожик саҳролари узум боғлардан
Тожик ҳаётидай лолалар унди.

ОВУТИШ

Тошхон, йиғламоқлик болалик ҳаққи,
Қорароқ бўлади кўзинг, йиғласанг.
Маммангни соғиндинг, онангни чақир,
Эркалик йиғиси лабингда жаранг.

Кулиб турар экан мўлтиради ёш,
Жўрттага бу кўзда акс этиб қуёш.
Сени оутмакчи бўлдик, қизгинам,
Ёқут қиррасидек лабингда шабнам,
10 Маммангни соғиндинг, онангни чақир.

Оутмак бўлади, овунган кўнгил,
Бағримга ирғаниб, шунча қўйдинг **бош**.
Бир эмас, икковлаб урар эди дил,
Қичкина фалакда бир қўша қуёш,
Ўксукликдан узоқ сангин духтарим.

* * *

Тонг отди, халқимизнинг меҳнат куни бошланди,
Агар меҳнат қилмасам, уйимда йўқ хазина.

Туғилган Ватанимсан, туғилган кўкрагимсан,
Юз йиллаб эркалат жонажон она сийна.

Кўзимга ботсин агар қўлимдаги қаламим,
Янглиш гапирганларни тарих қилсин ҳақорат.

СТУДЕНТ

Каттакон бир китоб ўқилган чоғда
Уртадан бир варақ битмай қолса-чи,
Тўқсон тўққиз ярим — юз бўла олмайди
Қилча сим етмаса ёнмайди чироғ.

Бут-бутун кийимни расво қилади
Ўринсиз ямалган бир қийим қуроғ.

* * *

Катта инсониятнинг онаси обрўсисан,
Барча фазилатларнинг бошланғич булоғисан.
Қишилиқ чеҳрасининг тиниқ биллур кўзгуси
Ҳамиша парпираган, кўнгиллар чароғисан.

Кўнгиллар чароғидан узоқ-узоқ йўлларни
Нурлантириб келгансан сут билан суғоргандек,
Не-не оғир кунларда овунтириб дилларни
Алам зирапчасини ниналаб сувургандек.

* * *

Бир муддат пайт эди, эрмак-эрмак деб
Ёшликнинг қўзғолон хаёли билан,
Бир муддат севгида шеър ўртанмак деб,
Тўлқинли қалбимнинг камоли билан.
Енгилтак шеърга ушбу керак, деб,
Аридай ғувларнинг жамоли билан.
Афсуски бу умид келмас ўзга бор,
Алданган ишқимдан кўнглимда ғубор.

* * *

Шеърдану ибтидоий таҳсилим тугал,
Бир лавҳами, портретми чизмак бўлган гал
Ўз жилвасин атлас каби ёзади ҳаёт,
Қай гулшандан гул теришга шоир қолур мот.

ВАРИАНТЛАР

Ғафур Ғуломнинг бой ижодий мероси ва уларнинг мавжуд нашрларини кўздан кечириш шоир ўзининг ҳар бир асарига катта ижодкор масъулияти билан қараганлигини кўрсатади. Шоир архивида кўпгина шеърларнинг дастлабки қораламалари, оққа кўчирилган дастхатлари, машинка нусхалари устида олиб борилган таҳрир ишлари шундан далolat беради. Худди шундай ижодий жараёни Ғафур Ғуломнинг дастлаб ўз вақтида газета ва журналларда, кейинча эса шоирнинг қатор тўпلامларида чоп этилган шеърлағи ўртасидаги вариантлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Шу тарзда адибнинг аксарият шеърлари қўлёзмадан газета ёки журналга, тўпلامдан тўпламга сайқал топиб борган.

«Мукамал асарлар тўплами»нинг ушбу бўлимида томдан ўрин олган асарларнинг вариантлари келтирилади.

Вариант ва изоҳлар бўлимида мисралар олдига қўйилган рақамлар уларнинг таянч матндаги ўрнини кўрсатади.

Шартли қисқартишлар:

- Улим ёвга — Ғафур Ғулом. Улим ёвга. Ўздавнашр, Тошкент, 1941.
- Ватан жонбозлари — Ғафур Ғулом. Ватан жонбозлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1944.
- Қасам — Ғафур Ғулом. Қасам. Ўздавнашр, Тошкент, 1944.
- Бизнинг овоз — Ғафур Ғулом. Бизнинг овоз. Ўздавнашр, Тошкент, 1946.
- Пахтазор қўшиқлари — Ғафур Ғулом. Пахтазор қўшиқлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1946.
- Янги шеърлар — Ғафур Ғулом. Янги шеърлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1946.
- Шеърлар — Ғафур Ғулом. Шеърлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1946.
- Танланган шеърлар — Ғафур Ғулом. Танланган шеърлар, Ўздавнашр, Тошкент, 1947.
- Ўзбек поэзиясининг антологияси. Ўздавнашр, Тошкент, 1948.
- Ўзбекистон чироғлари — Ғафур Ғулом. Ўзбекистон чироғлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1947.
- Ассалом — Ғафур Ғулом. Ассалом. Ўздавнашр, Тошкент, 1949.
- Ўзбек элининг ғурури — Ғафур Ғулом. Ўзбек элининг ғурури, Ўздавнашр, Тошкент, 1949.
- Вақт — Ғафур Ғулом. Вақт. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари нашриёти, Тошкент, 1949.
- Шараф қўлёзмаси — Ғафур Ғулом. Шараф қўлёзмаси. Ўздавнашр, Тошкент, 1950.
- Тинчлик учун — Ғафур Ғулом. Тинчлик учун. Ўздавнашр, Тошкент, 1950.

- Тинчлик урушни енгади — Ғафур Ғулом. Тинчлик урушни енгади. Ўздавнашр, Тошкент, 1951.
- Москва тинчлик таянчи — Ғафур Ғулом. Москва тинчлик таянчи. Ўздавнашр, Тошкент, 1951.
- Танланган асарлар-53 — Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1953.
- Комсомол — Ғафур Ғулом. Комсомол. Ўздавнашр, Тошкент, 1953.
- Бари сеники — Ғафур Ғулом. Бари сеники. Ўздавнашр, Тошкент, 1953.
- Бир ғунча очилгунча — Ғафур Ғулом. Бир ғунча очилгунча. Ўздавнашр, Тошкент, 1955.
- Ленин ва Шарқ — Ғафур Ғулом. Ленин ва Шарқ. Ўздавнашр, Тошкент, 1961.
- Танланган асарлар-56 — Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. 4 томлик, I том, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1956.
- Танланган асарлар — Ғафур Ғулом. Танланган асарлар, 4 томлик, II том, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1957.
- Ўзбек шеърляти антологияси — Ўзадабийнашр, Тошкент, 1952. IV том.
- Танланган асарлар — Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1963.
- Эрта бугундан яхши — Ғафур Ғулом. Эрта бугундан яхши. Ўздавнашр, Тошкент, 1964.
- Асарлар-64 — Ғафур Ғулом. Асарлар. 5 томлик, I том, «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, 1964.
- Асарлар-65 — Ғафур Ғулом. Асарлар. 5 томлик, «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, 1965.
- Асарлар-72 — Ғафур Ғулом. Асарлар. 10 томлик, II том, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972.
- Асарлар-73 — Ғафур Ғулом. Асарлар. 10 томлик. IV том, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1973.
- Асарлар-78 — Ғафур Ғулом. Асарлар, 10 томлик, X том, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1978.

КУЗАТИШ

(9-бет)

Қизил Ўзбекистон, 1941, 29 июнь;

50 Ит кўрса Итлер дер, мушук Муссолини

Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1941, 29 июнь; Ўзбекистон чироғлари:

53 Мен дейман,— энг катта байрам кунда.

Янги шеърлар:

71 Халқлар юрган, бу байрам бўлмасни нега

Қизил Ўзбекистон, 1941, 29 июнь:

71—72 орасида:

Бу йил ғалабанинг шамоли юрган,
Бу йил тарихларда улуғ датадир...
Ғалаба албатта ва албаттадир!

МЕН ЯҲУДИЙ

(15-бет)

Машинка нусха-1:

I Мен яҳудийман

Танланган асарлар-63:

4 йўқ.

Машинка нусха-2; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари:

84 умид ҳудуди

Ўзбек шеърляти антологияси; Танланган асарлар (китоб-3) — «Достон ва балладалар»-63:

146 Бу Ватаи Ленин

Танланган асарлар (китоб-3) — «Достон ва балладалар»-63:

166 мурдор тананг бир умр

ХАЛҚ ОТЛАНДИ

(19-бет)

Машинка нусха; Янги шеърлар:

5 Минг йиллар қайрилиб келган қилични

6 Титигини душман тортажак энди.

Машинка нусха; Янги шеърлар:

8. Оёқларда қайиш таранг узангу

Машинка нусха:

9 Интиҳом ҳиссила кўзга қон тўлган

Машинка нусха:

19 Олдингда шиддатли интиҳом, йўллар.

31 Ватан таҳликага қолмишдир энди.

Машинка нусха:

Янги шеърлар; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-56 (I том):

35 Даҳшатдир биздаги хунли интиҳом.

Машинка нусха:

36 Онамнинг оқ сути, етимлар оши

Янги шеърлар:

36 Онанинг оқ сути, етимлар оши

Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-56 (I-том):

5 Қўп йиллар тинчгина ётган қиличнинг

СЕН ЕТИМ ЭМАССАН

(21-бет)

Машинка нусха-1:

2—3 (Улуғ Ватан урушининг ота-онасиз қолган етимларига)

Совет Ўзбекистони, 1965, 11 апрель:

2—3 Улуғ Ватан урушида ота-онасиз қолган гўдакларга

Ўзбекистон хотин-қизлари, 1951, № 2:

2—3 (Ғафур Ғулумнинг Улуғ Ватан урушининг ота-онасиз қолган гўдакларига атаб ёзган «Сен етим эмассан» шеърдан парча)

Ўзбек поэзиясининг антологияси:

59 Ҳаёт кўзгусидан

Машинка нусха-2; Ўзбек поэзиясининг антологияси:

61 Мен етим ўсганман

Дастхат:

4 Тинчил жигарим

6—11 Сенинг саодатинг қўриқчилари —

ўрнида:

Бошингда қуёшдай
Мушфиқ, меҳрибон
Азиз Ватанинг бор,
Мен бор — онанг бор.

14—28 йўқ.

30 маълун шарпаларнинг

32—34 дағдағаси йўқ.

ўринда

Бу азиз хонада

ёш гўдакларнинг

тушини бузишга берилмас ҳуқуқ

35—38 йўқ.

41—42 Бутун машаққатинг бошимга дурра

43—52 йўқ.

55—56

ўрнида

Бешинчи йилларнинг паришонлиги

57 Алаҳлаш аралаш

58—64 йўқ.

65—79

ўрнида

Жиндак эркалашга интизор эдим,
Кўча ва кўйларда маюс дарбадар
Бир илиқ маскансиз хору зор эдим...
Сен егим эмассан тинчил жигарим.
Тонг отар чоғидир, мен эса бедор

82 Азиз бошинг узра

84—85 Токи сенинг уйқунг бўлсин беғубор,
Токи хаёлингда акс этсин чаман

92—97 йўқ

100—105

ўрнида

Маммаси кесилган, қонга беланган
Хўрланган онангнинг мажруҳ гавдаси,
Ейинки дўзахлар, девлар шарпаси
Оташлар пускуриб қўрқутмоқдами?
Алла азиз болам, мен бошингдаман,
Барча балоларга мен ўзим қалқон.
Чеккангдан жингалак сочинг аралаш
Из солиб тушгучи шу бир қатра ёш,
Ғазаб,

интиқом-дер

қон дер, қон дер, қон.

Сен егим эмассан, ухла жигарим

107 Итдан туққан хароми,

108 Гитлер баччағар

109 Болалар ҳурматин қаердан билсин.

112—144

ўрнида

Оналар кўксини кемирган чаён
Биларми мамманинг ҳаётбахш исин.
Наҳотки Гитлер деб номланган малъун,
Бароқ соч шайтоннинг истаги учун
Ер чаппа айланиб, жаҳон эгар бош,
Наҳотки мағрибдан чиқади қуёш?
Ишонма, чўчима, кўрқма, роҳат қил,
Мунтазам нафас ол, тинчлан сен пича,
Тамом бўлай деди бу қора кеча.
Сен кулаётисан

масъум табассум...

Шафақ алвонидай лабинг порлайди,
Ҳали қуёш чиқар, у Шарқдан чиқар,
Бу ҳукм бузилмас мутлоқ абдий.

Ўзбек поэзиясининг антологияси; Бари сеники:

89 Балки Одесса даҳшати,

Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси:

116 Чаппа айланиур,

Янги шеърлар; Шеърлар, Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси; Бари сеники:

138 Албатта толенгга

150 Изланмоқдалар...

Бари сеники:

Машинка нусха, Қизил Ўзбекистон, 1942, 1 февраль:

Янги шеърлар; Шеърлар; Танланган шеърлар; Ўзбек поэзиясининг антологияси; Бари сеники, Ўзбек шеърляти антологияси, Танланган асарлар (китоб-3) — «Достон ва балладалар»-63.

159 Бу бўса — қуёш

Ўзбек шеърляти антологияси; Танланган асарлар (китоб-3) — «Достон ва балладалар»-63:

156 йўқ.

ҚИШ

(25-бет)

Дастхат (оқлама):

2 Изғирин, қирқ икки градус фақат...

Дастхат (қоралама):

2 Нуль минус олтмиш беш градус... фақат

Дастхат (оқлама); Дастхат (қоралама):

3 Дарёлар якбаста, биллурин кўприк

Машинка нусха-2—3:

3 Дарёлар якбаст, биллурий кўприк,

Дастхат (оқлама):

4 Бўрон армиямиз нурдай югурук

Дастхат (оқлама), Дастхат (қоралама); Машинка нусха-1—3; Янги шеърлар, Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-56 (I том).

6 Даҳшат қуюндан иборат бу ғув

Дастхат (оқлама); Дастхат (қоралама); Машина нусха-1—2—3; Янги шеърлар; Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси:

7 Улуғ Русияга қадрдон қиш бу.

Дастхат (оқлама), Дастхат (қоралама); Машинка нусха-1; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси:

8 Арча япроғидай муздай пардалар,

Машинка нусха-3; Танланган шеърлар:

8 Арча япроғида пардалар

Танланган асарлар-53;

11 Гитарда бир куйни Валя тимдалар...

Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-56 (I том):

11 Гитарда бир куйни Ваня машқ этар...

Дастхат (оқлима):

12 Қолхоз оиласи: ҳаёт ва ғулу

Дастхат (оқлама):

15 Бир тўда қиз кетар елкада обкаш

17 Муттасил ишқдан борар гаплари

Машинка нусха-2—3; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси:

17 Навбаҳор ёшликда дoston гаплари.

Дастхат (оқлама):

18 Қишда ҳам кўкламдай орзу, севгу

19 Муҳаббатпарварда қадрдон қиш бу.

Дастхат (қоралама):

24 Қип-қизил лабида муттасил кулгу,

Дастхат (оқлама):

25 Чунки у — рус ўғли, қадрдон қиш бу.

Дастхат (қоралама):

25 Чунки рус ўғлига қадрдон қиш бу.

Машинка нусха-1; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси:

25 У руснинг ўғлидир — қадрдон қиш бу.

Машинка нусха-2:

35 У рус ўғли — қадрдон қиш бу.

Дастхат (оқлама):

26 дан кейинги 48 мисра йўқ.

Дастхат (қоралама):

29 Баҳона қилишди: «Совуқ: қиш ва қор».

Дастхат (қоралама):

- Қошки ўлтурса эдинг гулхан — ўт қалаб,
Бурунга ғоз ёғи суртиб — бепарво
35 Қўзғолди халқ ўғли жангчи вакиллар
37 йўқ.

Ўзбекистон чироғлари:

- 42 Шовушдай қолади худди сассиқ сув,
43 Улуғ Русияга қадрдон қиш бу.

Машинка нусха-2:

- 47 Тўсатдан оғзига бериб қоларкан

Дастхат (қоралама):

- 53 Маза бўлар эди сизга — ўт қалаш,

Машинка нусха-1:

- 55 Русларга абадий қадрдон қиш бу.

Янги шеърлар:

Дастхат (қоралама):

- 65 Сақланган бир ҳовуч бемаза сувдир

Дастхат (қоралама):

- 67 Ўзимизни синашта қадрдон қиш бу.

*Машинка нусха-2—3; Янги шеърлар; Танланган шеърлар;
Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси:*

- 67 Ёвимизни синовда қадрдон қиш бу.

Ўзбек поэзиясининг антологияси

- 70 Бўрон армиямиз бошлади, кўрдик,

Дастхат (қоралама):

- 72 Тарихда ёзилсун бу катта ғулу

САЛОМ ВА ТАБРИК

(32-бет)

Машинка нусха; шеърлар:

- 2—3 (Ғарбий фронт Н-дивизиясининг нишонли жангчиларига
нишонлаш кунини ўқиб берилган)

Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-56 (I том);

- 2—3 (Ғарбий фронт Н-дивизиясининг жангчиларинини нишон-
лаш кунини ўқиб берилган).

*Машинка нусха; Танланган асарлар-53; Танланган асар-
лар-56 (I том):*

- 23 Бунга бас келолмас ҳар қандай ифлос.

Янги шеърлар:

- 32 Бизни бошлар экан улуғ саркарда

- Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-56 (I том);
- 32 Бизларни бошлар экан улуғ саркарда
СОҒИНИШ
(34-бет)
Машинка нусха-1; Ўзбек поэзиясининг антологияси:
- 11 Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим,
Машинка нусха-2:
- 17 Яъни обод ўйимни у дилшод қилди,
Танланган асарлар (китоб-1) — «Ассалом»-63:
- 28 Кўчатлар қоматин эслатганидек,
Ўзбекистон чироғлари:
- 36 Йўқ, у ўлмас, қадами одам яратар
Ўзбек поэзиясининг антологияси; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Вақт:
- 47 Кўмакчим аргувон ёринг Аниса,
Ўзбек поэзиясининг антологияси; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари:
- 51 Иккавинг икки лабин-лабига
Машинка нусха-2:
- 52 Икковинг икки ёш, лабин-лабига
Машинка нусха-2; Ўзбек поэзиясининг антологияси; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек шеърляти антологияси:
- 55 Ини йўқ аридек тентиганим йўқ.
Танланган асарлар (китоб-1) — «Ассалом»-63:
- 55 Уясиз аридек тентиганим йўқ.
Машинка нусха-2; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53:
- 59 Ўзинг тўқиб келган катта саватда
Ўзбек поэзиясининг антологияси:
- 63 Худди мўйларингдек майин туки бор,
Танланган асарлар (китоб-1) — «Ассалом»-63:
- 66 Севганинг лабида реза тер каби

ХОТИН
(37-бет)

Дастхат (қоралама-1); Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари;

Машинка нусха-2; Оналар:

2 Бизнинг хотинларга ҳаё дастмоя,

Танланган шеърлар:

2 Бизнинг хотинларга ҳаёт дастмоя,

Дастхат (қоралама-1); Машинка нусха-2; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Оналар; Ўзбекистон хотин-қизлари, 1953, № 5:

3 Меҳнатга муҳтожлик доим бегона.

Дастхат (қоралама-1); Машинка нусха, Янги шеърлар; Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Оналар:

6 синглимсан яна —

16—19 Йўқ

Дастхат (қоралама-1);

44—57 йўқ.

62—65 Йўқ.

Оналар:

21 Синглим ва қизим ҳам уларга жинсдош.

Ўзбекистон хотин-қизлари, 1953, № 5:

20—27 йўқ.

Дастхат (қоралама-2):

16 Севгим ҳафсаласин синаб кўришга

17 Хотиним, алданиб сенга уйландим.

19 Жарақлатиб қиз, ўгул туғдинг, тасанно.

53 Кошки бўлосайди энди муяссар

54 Чақмоқтош ва оташ каби ақлдай

56 Бизнинг бу кундаги оғирлиқлардан

57 Фарзандлар берарлар отага хабар.

Дастхат (қоралама-1):

24 Базмимдан сен каби тамим бўлмаса,

Дастхат (қоралама-1); Машинка нусха-2; Янги шеърлар; Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Оналар; Ўзбекистон хотин-қизлари:

28 Кулфат сурмасини қўшни қизига

Машинка нусха-2; Янги шеърлар; Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Оналар:

61—62 орасида қуйидаги мисралар бор:

Ҳикоят бошласам Ҳазрат Одамдан,

Қушнинг қулоғида Ҳавво бор эди.

Тарихи қайди йўқ азалий дамдан

Қолган қўш ҳўкизмиз то бу дам — энди

Зулайҳо бўлганда ошиқинг бўлдим,
Маръям қиёфада туғдинг пайғамбар.
Зебуннисо бўлиб шеър ўқиган ким,
Вафоли умрдош зарби дил қадар.

Дастхат (қоралама-1):

- 66 Ростин айт урушга мен кетар бўлсам
68 Модомики яшаш истайди башар
75 Уғиллар биласан бугун курашда
76 Хаёл паришонроқ, ёқмайди гиринг
77 Юрак ҳам озгина ташвишу ғашда...

Ўзбекистон хотин-қизлари, 1953, № 5;

- 66 Ростинг айт, урушга мен кетар бўлсам,

*Машинка нусха-2; Янги шеърлар; Танланган шеърлар;
Ўзбекистон чироғлари; Танланган асарлар-53:*

- 51 Қудуқ чўнқурига тушмагай қуёш

Машинка нусха-2:

- 53 Кошки бўлолсайди энди муяссар...

Оналар:

17—30 йўқ.

3—24 йўқ

*Машинка нусха-2; Танланган шеърлар; Ўзбекистон чи-
роғлари:*

- 54 Чақмоқ тош ва оташ каби ақлдай

Ўзбекистон хотин-қизлари, 1953, № 5:

20—27 йўқ.

54—55 йўқ.

90—93 йўқ.

Ўзбекистон чироғлари:

- 75 Уғиллар қон кечар бугун курашда

Машинка нусха-1; Машинка нусха-2:

- 85 Хонзода қизидай ўтирма бекор,

*Машинка нусха-1; Янги шеърлар; Танланган шеърлар;
Ўзбекистон чироғлари; Оналар:*

- 90 Бизнинг хотинларга ҳаё дастмоя,

Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар:

- 92 Кетади бошлардан бу ғурбат, соя

Оналар:

- 92 Ҳаётини шабистон машъали сенсен,—

Ўзбекистон хотин-қизлари, 1953, № 5:

- 92 Кетади бошлардан бу ғурбат, албат

Оналар:

93 Халқимнинг шукуҳи, бахт-саодати

Дастхат (қоралама-1):

Шеър охирида қуйидаги мисралар бор:

Сендан туғилганман оқ сутинг ҳаққи
Ва сени севганман, кўр бўлсин кўзим,
Қандай қасам ичай ўзинг айт тагин
Онамсан, ёримсан, синглимсан, қизим.

Машинка нусха-1:

91 йўқ.

Дастхат (қоралама-2) да

қуйидаги мисралар бор:

Улган солдатларнинг тупроқларини
Гитлернинг бошига сочинг, тож бўлсин.
Бера кўрманг муқаддас еримиздан жой
Бир сиқим тупроққа у муҳтож бўлсин.

Найранг дўконида сано фурушнинг
Бор борака топдан бозори касод
Ўроқ билан пичан,
Устара билан соч жанг қилалмағай.

Онам деганимда машаққат кунлар
Оқ сочларинг ораси ёдимга тушар.
Онам деганимда меҳнат ва ҳаёт
Эриш, арқоқ каби бирлашиб кетар.

Аммо бу мерос нақллрдирки,
Доро афсоналаридай.
Болалардан-болаларга ва
Насллардан-наслларга кўчади.

БИЗ ЕНГАМИЗ

(40-бет)

Машинка нусха-1—2; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53:

14 Суйган йигит олдин сафда снайпер,

Машинка нусха-2:

17—20 йўқ.

БИЗНИНГ ҚУЧАДА ҲАМ БАЙРАМ БУЛАЖАК

(43-бет)

Дастхат (қоралама-1):

4 Зулм занжирида узулди
5—6—7 йўқ.

8 Бу боғнинг ҳуснида хазон офати

Дастхат (қоралама-1); Дастхат (оқлама-2); Машинка нусха (1—2); Янги шеърлар; Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси:

58 Ирғириб айтурман айём муборак

60 Афу этсин ғолиблар кечиксам жиндак

64—68 йўқ.

Дастхат (қоралама-2); Дастхат (оқлама 1—2); Машинка нусха-1; Янги шеърлар; Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Танланган асарлар-53—56 (1 том); Ўзбек поэзиясининг антологияси, Танланган асарлар-63:

17 Қрим шароблари жомга тўкилур

Дастхат (қоралама-2):

24 Қулоқда бобом деб янграр нидо

Дастхат (қоралама-2); Машинка нусха:

34 Ҳунарин кўрсатар Тамарахоним

Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси:

34 Нозанин раққоса ўйиндан толмас,

Дастхат (қоралама-2):

37 Бизнинг кўчаларда байрам бўлажак

38 Шунда шоир шеър ўқур завқдан асабий

Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари:

52 Жаранглаб червонслар ҳамёндан чиқар,

Танланган шеърлар-53; Танланган асарлар-53;

Танланган асарлар-56 (1 том); Танланган асарлар-63:

54 У, ранглар...

Дастхат (қоралама-2); Ўзбекистон чироғлари:

56 Ҳақиқий ҳафтиранг, ҳақиқий чаман,

Дастхат (оқлама-1):

4—15 Урнида қуйидаги мисралар бор:

Бўлмагай бу йўлда билониҳоя —

Малъунлар номини қилиб бир пақир

Кетар бошимиздан бу қора соя.

Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Ватан бўйлаб ёзилур алвон дастурхон,

Жаҳон бўйлаб ёзилур дўстларга нома.

Дилингиз ёзилсин, эй азиз меҳмон,

Бу машъум қонли кун етди итмома,

Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак

Дастхат (оқлама-1):

3 Маҳшар ҳаётнинг сўнгги бор охир

Дастхат (оқлама-1):

- 20 Олтун баркашларда бугланиб келур
64—68 ўрнида
Қиёмат куннинг ҳам сўнги бор ахир,
... ва Гитлер тилар жаҳаннам.
Ҳаёт шаробини сиз билан баҳам
Ичмак шарафига етармиз ахир,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак
Дастхат (оқлама-1); Машинка нусхалар; Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси; Танланган асарлар-53:
- 65 Бўлмагай бу ялдо билониҳоя
Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари:
- 30 Одамлик шаънида қилади парвоз,
Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси:
- 35 Улуғ айём кундир армоним қолмас,
27 Йигитлар давр олиб айтурлар қўшиқ,
Танланган асарлар-53:
- 13 Бугун савлати-ла алвон ёзилур
АЛВИДО
(45-бет)
Дастхат-1; Қизил Ўзбекистон, 1943, 3 март; Танланган шеърлар:
- 2 йўқ:
Машинка нусха; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-56 (1 том); Танланган асарлар-63:
- 2 Уртоқ Охунбобоевга
Дастхат-1:
- 8 Хусуфга учради толе қуёши,
Машинка нусха:
- 11 Йиғламоқ қайғуни юмшатар, балки,
Дастхат-2:
- 20 Шеъримнинг энг юксак танноз бандида
Дастхат-1—2:
- 20 Шеъримнинг шоҳ сатри танноз бандида
Дастхат-2:
- 17—18 орасида
Минбарда сўйларкан ҳар бурро нотик,
Ҳалима авж олса аълодан ортиқ.
Дастхат-1; «Қизил Ўзбекистон», 1943, 3 март;

*Танланган шеърлар; Ўзбек шеърляти антологияси;
Танланган асарлар-63:*

27 Унинг тўқ хонаси сенга миннатдор.

Ўзбек поэзиясининг антологияси:

47 Ленин Ватани барқарор бўлсин

48 Ленин байроғи пойдор бўлсин

49 Ниятинг ўринлар, эй улуғ падар

Дастхат-1; Қизил Ўзбекистон, 1943, 3 март:

52 Қиламиз Гитлери тамоғ қатли ом

*Дастхат-1; Қизил Ўзбекистон, 1943, 3 март;
Танланган шеърлар:*

57 Жанговар ўғилмиз, руҳинг бўлсин шод

Дастхат-1; Қизил Ўзбекистон 1943, 3 март;

73 У ерда сен бизга донмо такрор

ҚАСАМ

(47-бет)

Дастхат (қоралама-1):

21—24 йўқ.

32 Ўзбекнинг мардона ўғлонларидан

Дастхат (қоралама-2); Машина нусха:

17—18
орасида

Товус пари каби ранго-ранг сўзлар
Бу боғдан гулдаста келтиролмаса,
Қасамхўр оғизлар, шармсиз кўзлар
Мардона муштардан олади бўса

21-дан
кейин

Саф билан тик туруб кўкрак илғари,
Кумуш ва забаржад лавҳа синғари,
Пахта ерин қилур адрас, беқасам.

Машина нусха:

(Пахта ери бўлур адрас-беқасам).

Машина нусха:

29 Мақтан, мард ўзбегим, бу сенинг пахтаң

ЯНГИ ИИЛ ҚУШИҚЛАРИ

(49-бет)

Дастхат:

- 7 Бу қалин қорларда қанча ҳикмат бор...
 12 Чўлларни кўкартиб, гуркираб, яшнаб,
 15 Кутиш дастурхони тамом омода.
 17 Музаффар йилларга айладик якун!
 21 Шафақ ранг қирмизи майга тўлса жом,
 37 Лаб ўйнар гўёки кабтарнинг пари сингари
 51 Йигит этик билан сув кеча олади.
 52 Ақлу иродамиз, кучимиз — дўстлар!—
 62 Олам тинчлигининг қаҳрамонлари
 89 Озодлик чечагин тутгумиз охир!

ҒОЛИБЛАР БАЙРАМИ

(54-бет)

Дастхат (қоралама):

- 1 Иш дегани нима дегани
 4 Кўк юзи зулматдан, дуддан, тумандан
 5 Даҳшат қасирғадан буткул силинди
 10—48 ўрнида
 Мулла Тўйчи ўлгани халос.

Янги шеърлар:

- 25 Ўзбек алал-абад сенга миннатдор.

Дастхат

- 29 Биринчи Октябрь ийди сингари

КУЗ КЕЛДИ

(57-бет)

Дастхат (қоралама):

- 1 Илк куз

Машинка нусха:

- 5 Мардларнинг юртига етук куз келди

Ўзбек халқининг ғурури:

- 7 Барваста, меҳрибон, ялантўш, танти.

Танланган асарлар-63:

- 7 Барваста, меҳрибон, ялангтўш танли.

Ўзбек поэзиясининг антологияси:

- 14 Қуёшга тиг уриб, урди куркинак,

Ўзбек халқининг ғурури:

- 16 Қирқини бажардинг, қирқ бири йиғин,

*Дастхат (қоралама); Дастхат (оқлама); Янги шеърлар;
 Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Ўзбек халқининг ғурури:*

- 17 Қани бир, этакни бел уруб юбор.

Дастхат (қоралама):

- 22 Ишқомлар зумуррад ёқут хазина

- 25 Яшай бер, боғларга кўмилган Ватан.
Дастхат (қоралама); Янги шеърлар; Ўзбек поэзиясининг антологияси; Ўзбек халқининг ғурури:
- 26 Қиркуяк ёмғури шивирлаб ўтди
Дастхат (қоралама):
- 28 Эндиги кўкламда қўзи кўб бўлур
Ўзбек поэзиясининг антологияси:
- 29 Алҳазар, ярамас куздан, алҳазар.
- 31 Жаннатдан бадарға бўлибди Одам...
- Машинка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Янги шеърлар; Ўзбек поэзиясининг антологияси; Ўзбек элининг ғурури; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-57 (II том):*
- 38 Тилими тилимни минг тилим қилган
Дастхат (қоралама); Машинка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-57 (II том):
- 41 Бебелат жўнайди дўстига совғага
Дастхат (қоралама):
- 48 Аммо бу гал чиндан колхозчи ўртоқ
Ўзбек поэзиясининг антологияси:
- 51 Қолмагай дарёдил эллар бебаҳра,
54 Бир қатра бўлса ҳам қуйилар наҳра.
69 Бир кутган уйимдан юз тўққиз келди.
Дастхат (қоралама):
- 69 Бир кутган унумдан минг тўққуз келди
- 25—26 билан 27—28 мисралар ўрин алмашган.
- 25 Бел ушлаб нарх этсанг майли ҳаққинг бор
*Вақт:
(60-бет)
Дастхат (қоралама):*
- 1—24 йўқ.
Дастхат (оқлама); Шарқ юлдузи, 1946, № 3:
- 2—4 (Укам капитан Ҳамидулла Ҳусанов менга соат совға қилди)
Машинка нусха; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Ўзбек поэзиясининг антологияси; Вақт; Танланган асарлар-53; Ўзбек шеърляти антологияси; Танланган асарлар-63; Танланган асарлар (китоб-1) — «Ассалом»-63; Қизил Ўзбекистон, 1963, 11 май:
- 2—4 йўқ.

Дастхат (қоралама):

2—3 орасида қуйидаги мисралар бор:

Меҳнату саодат, шон ила шараф,
Тўққуз жуфт ўғил-қиз бир умрга кам.

Шарқ юлдузи, 1946, № 3:

7 Баъзида бир нафас олгундек муддат —
14 Яшаб, умр кўриб, ўлгучилар:

Қизил Ўзбекистон, 1963, 11 май; Танланган асарлар-63:

19 Бирини тутолмас айҳаннос овоз.

Дастхат (қоралама):

31 Нафаски, ҳар бири фазолардан кенг.

Дастхат (оқлама); Машинка нусха; Шарқ юлдузи; 1946, № 3; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Ўзбек поэзиясининг антологияси; Вақт; Танланган асарлар-53:

31 Нафаски, мазмуни фазолардан кенг.

Дастхат (қоралама); Шарқ юлдузи, 1946, № 3;

34 Голиб асримизга қуёшдай машғал,

Вақт:

36 Кремль куранти урур мудом,

Шарқ юлдузи, 1946, № 3:

42 Ялт этган умрида барқарор қилди

Дастхат (қоралама):

41—48 йўқ.

Дастхат (оқлама); Машинка нусха; Янги шеърлар; Шарқ юлдузи, 1946, № 3.

45 Жуков амри билан мағлуб немиснинг —

Вақт:

47 Фашистнинг миллион йил умрига лаънат.

Қизил Ўзбекистон, 1946, 11 май; Танланган асарлар-63:

54 Кўзларнинг бахтига ўзликни жамлаб

Дастхат (қоралама), Дастхат (оқлама); Янги шеърлар:

55 Шу улугъ бинога бир хишт қўйсанг бас

61 Дамлар ғаниматдур умурзоқ соқий

Дастхат (қоралама):

62 Фалак чинбариди қуёшки кезади

АВВАЛ УҚИ

(62-бет)

Машинка нусха; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Комсомол; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар (китоб-1) — «Ассалом»-63:

11 Утёсов жазини тинглайсан секин.

Танланган асарлар (китоб-1), «Ассалом»-63:

13 Билиб-билмасликка уришим мумкин.

Янги шеърлар:

24 Қалимга етгудек бисотинг ҳам йўқ,

Танланган асарлар (китоб-1) — «Ассалом»-63:

24 Тўйингга етгудек бисотинг ҳам йўқ.

Машинка нусха; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Комсомол; Танланган асарлар-53:

42 Беш йил — аср эмасдир, аммо капитал —

Комсомол:

44 Беш йиллаб шогирдлик умрин яшайди

Машинка нусха; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Комсомол; Танланган асарлар-53:

54 Ҳамид, сен айтгандек, киши қариса

Комсомол:

57 Комирон, бахтиёр кўрмоқ бўламан.

ЧИН АРАФА

(64-бет)

Дастхат (қоралама-1):

Сарлавҳа остига қуйидаги сўзлар ёзилган:

(Фонлотан, фаулан, фонлотан фаулан.)

Машинка нусха; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-57 (II том); Танланган асарлар-63:

9 Бахтингиз қолмасин деб зулматнинг кўлкасида

Дастхат (қоралама-2):

17—18 Гўдакларнинг чўнтаги атторнинг қутисидек
Жаранглатиб кўради ҳайитлик тангасини,

Машинка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар:

15 Энди кулиш арғинун, қаҳқаҳалардур рубоб,

Дастхат (оқлама); Машинка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Янги шеърлар; Танланган асарлар-57 (II том); Танланган асарлар-63:

22—23 ўрин алмашган.

Дастхат (қоралама-2):

22—25 Шунча бўлдик интизор кўз-кўзга тушмак учун,
Йилоби ҳажр шаридан ўз-ўзга қўшмак учун
Тинч бахтли осмонда юлдузга учмак учун,

Дастхат (оқлама); Машинка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Танланган асарлар-57 (II том):

34 Менинг енгган элимга улўф байрам муборак,

Дастхат (оқлама):

36 Эртага тонг отардан ноғора зилу бом,

Машинка нусха; Янги шеърлар: Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар, Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-57 (II том); Танланган асарлар-63:

36 Эртага тонг отардан ноғорада зилу бом,

Дастхат (қоралама-2):

36—40 Чалинг, Аҳмаджон ота, навони савти билан
Ўйласа ҳам, қийналса ҳам арзий турган қизларнинг
Дўстинг билан рўйхатдан ўтатурган кунидек,
Бу байрамнинг шодлиги ҳам, алами ҳам етарли
Фоилатан, фоилатан, фоилатан фоалан

ҚОЗОҚ ЭЛИНИНГ УЛУҒ ТЎИИ

(66-бет)

Дастхат:

11 Юри сўзламас қозоқ

Танланган шеърлар:

19 Қутли ўйинг муборак,
Дастхат; Машинка нусха-1;

65—67

68—69 *мисралар ўрин алмашган.*

Ўзбекистон чироғлари:

56 Сара мойдай сўлқилдоғон,

Танланган асарлар — 63:

66 Манов олтин, манов мармар,

67 Манов кенг макондадир

Дастхат, Машинка нусха-2; Янги шеърлар; Танланган

шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Танланган асарлар-53:

69 Бариси бу кондадир.

Янги шеърлар:

71 Дуррасида бойланди,

Ўқинг дўстлар; Танланган асарлар-63:

95 Минадай оқиниман,

АҚЛ ВА ҚАЛАМ

(69-бет)

Дастхат:

Сарлавҳадан кейин
125-модда

Меҳнаткашларнинг манфаатларига мувофиқ ва социалистик тузумни мустаҳкамлаш мақсадида СССР граждандарига қуйидаги ҳурриятларнинг берилиши қонун билан гарантия этилади:

а — сўз ҳуррияти;

б — матбуот ҳуррияти ва ҳоказолар

Янги шеърлар:

3 Қалам халқ орқали унга таржимон.

Дастхат; Янги шеърлар:

16 Таржимон тилингни лол ўлгани хуш —

ИИГИТЛАРГА

(70-бет)

Қизил Ўзбекистон, 1946, 23 февраль; Шарқ юлдузи, 1946, № 12:

1—2 орасида

(Қизил қўшиннинг XXVIII йиллигига)

19 Ҳаётни пойндор қилган аскарсиз.

Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 23 февраль; Шарқ юлдузи, 1946, № 12; Янги шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Комсомол; Вақт; Ўзбек поэзиясининг антологияси:

21 Шаҳидсиз, ғозисиз, зотсиз, нафарсиз!

Қизил Ўзбекистон, 1946, 23 февраль; Шарқ юлдузи, 1946, № 12; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Вақт:

29 Сизга таянади, сизсиз посбон.

ҚУЧАТ

(71-бет)

Дастхат-1:

- Сарлавҳа ва
1—12 йўқ.
15 Ўзичун қурганда ошёну тахт
Қизил Ўзбекистон, 1946, 8 апрель; Шарқ юлдузи, 1946, № 3; Танланган асарлар-57 (II том):
- 2 Кеча тўқсон чиқди, наврўз олам —
Дастхат (қоралама):
- 5 Чамандан чимилдиқ энди
7 йўқ.
8 Баҳордай муаттар
10 Одамлар.
МАИ
(72-бет)
Дастхат (қоралама):
- 5 Хуш келгай ўз боғидан ҳар ким этса нўш.
6 Арзигулик умрдан яна бир кўклам,
Дастхат (қоралама):
- 9 дан кейин
КУЗ
(Езнинг тўкинлиги)
Ёзнинг мевалари бўлмаса эди
Бир умр қолсанг ҳам майли эди, Май-Май
Қизил Ўзбекистон, 1946, 1 май:
- 10 Бугунги кўкламни келтиролгунча
Дастхат (қоралама):
- 11 Кулфат ичра олам беш йил қариди
Дастхат (қоралама):
- 11—12 мисраларнинг яна қуйидагича варианты ҳам бор:
Бу йилги баҳорни келтиролгунча
Жафокаш халқимиз тўрт қиш ўтказди.
Қизил Ўзбекистон, 1946, 1 май; Шарқ юлдузи, 1946, № 4—5:
Дастхат (қоралама):
- 15 Бир кичик винт учун сарф этди, ютди!
Танланган асарлар-57 (II том); Танланган асарлар-63:
- 16 Бир она қаҳрамон ўғли мотамини
Танланган асарлар-57 (II том); Танланган асарлар-63:
- 17 Енгди!— тасаллиси билан унитар.
Дастхат (қоралама); Қизил Ўзбекистон, 1946, 1 май; Шарқ юлдузи, 1946, № 4—5:

17 Енгдик!— тасаллиси билан унутди.

*Дастхат (қоралама); Қизил Ўзбекистон, 1946, 1 май;
Шарқ юлдузи, 1946, № 4—5;
Танланган асарлар-57 (II том):*

21 Сталинграддай бир гигант шаҳар.

Танланган асарлар-63:

21 Волга бўйидаги азим бир шаҳар.

ЎҚИ

(74-бет)

Ассалом:

2 Ўқишни билишни севганим учун

Ассалом; Бари сеники:

8 Уялмай қолавер, манглайинг ўпай

БАХТ ТОНГОТАРИ

(77-бет)

Дастхат (қоралама) Ўзбекистон чироғлари:

15—16 Қад кўтарди Чирчиқ билан Оҳангарон шаҳри.

Машинка нусха:

18 Тарменларга Оҳангарон

Ўзбек халқининг ғурури:

31 Тошкент, Андижон, Қува —

Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон 1946, 7 ноябрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Ўзбек халқининг ғурури; Танланган шеърлар-53:

59 муродинга етасан

Дастхат (қоралама); Машилка нусха:

82 Қарашилла, тинч меҳнатнинг

104 Кондан қазмоқнинг мароқи

Танланган асарлар-63:

100 Шеър шундай шўхшанласин,

Машинка нусха:

108 Бу гал ишқ товланади

Дастхат (қоралама); Машилка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 7 ноябрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Ўзбек халқининг ғурури; Танланган асарлар-53:

109 кейин

Шеърим учун бу навбат ҳам

пешво бўлдинг азиз кун,
Саҳоватли хазинадир
ижодимнинг зийнати,
Ватанимиз кўркамлиги,
халқимизнинг қудрати.
Биздаги бор фазилатни
сен бахш этдинг бус-бутун;

ТОШКЕНТ

(80-бет)

Дастхат (қоралама):

1—50 йўқ.

Дастхат (оқлама):

2 10 нчи ноябрь, тонг отар соат 6.

Дастхат (оқлама):

5 Тарновда бола чумчуқ қанотини тузатар

6 Ҳовли саҳнида кампир ивирсилаб юради.

12 Секин йиғиб олмоқда шаҳардан кўланкасин

Қизил Ўзбекистон, 1946, 17 ноябрь:

Ленин ва Шарқ:

10 Лабн тўнғиб қолибди.

*Дастхат (оқлама); Машинка нусха; Танланган шеърлар;
Ўзбекистон чироғлари; Танланган асарлар-53:*

13 Подъёмга чақиради фарфарларнинг садоси

Дастхат (оқлама):

19—98 йўқ.

*Қизил Ўзбекистон, 1946, 17 ноябрь; Ўзбекистон чироғ-
лари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53; Қизил
Ўзбекистон, 1946, 17 ноябрь; Ўзбекистон чироғлари; Тан-
ланган шеърлар:*

31 Юз тоннали ханфада

Ленин ва Шарқ:

33 Райпишчеторг қизлари

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 17 ноябрь; Ўз-
бекистон чироғлари:*

38 Азму салобат билан кўтариларди ердан

*Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар;
Дастхат (қоралама); Машинка нусха:*

51 Вокзалда соат уч, Москвача интизом

Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар:

52 Терлаб-пишиб, ҳансираб, тўхтади паровоз.

Дастхат (қоралама):

54 Ихлос билан салом бер, йўлнинг хордуғини ёз.

Дастхат (қоралама); Машинак нусха; Қизил Ўзбекистон, 1941, 17 ноябрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-57 (II том); Ленин ва Шарқ:

60 Шу бир жуфт деразада, инженер Попов яшар

Ленин ва Шарқ:

64 Оҳангида тонг отар,

Дастхат (қоралама):

66 Ишлади композитор

69 Тонгнинг она қўйнида, чақалоқнинг йиғиси

78 Соат ҳам саккиз бўпти, қаранг-а; ҳа дегунча

80 Қуёш ҳам найза бўйи

Дастхат (қоралама); Машинак нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 17 ноябрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар:

91 Бебаҳо Тошкентимсан, наҳоринг кундуздан шан

95—96 Социал Ватанимнинг кўрки, тожи, бахтисен.

ОЛТИН МЕДАЛЬ

(83-бет)

Дастхат (қоралама):

1 Ўғиллар... қизларингиз улуг синовда

2 йўқ.

Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Қомсомол:

2 (10-синф ўғил-қизларига)

Дастхат (қоралама); Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Қомсомол:

3 Олий Советдаги пўлат сандуқда

8 Беш ойга олдиндан очмоқдаман фол...

9 Бу йигит қизларинг қайси бирисин

Дастхат (қоралама):

10 Кўкрагин безаркин олтин истиқбол:

Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Қомсомол:

10 Кўкрагин безаркан порлоқ истиқбол.

Дастхат (қоралама); Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Қомсомол; Танланган асарлар-53:

11 Бу хато жумлани чакки ишлатдим...

Дастхат (қоралама):

- 4 Билимнинг муҳридек ялтираб кутар
5 Ҳали қўл тегмаган жарангли порлоқ
6 Эндигина зарбдан чиққан медаллар
7 Классда бу доно кўзларга боқиб
13 Истиқбол сизники, ҳаммангизники
14 Сиз бўлмай оламнинг эгалари ким?!
26 Билдим — деб айтишга қиладилар шарм
27—30 йўқ.
32 Дўстпарвар, ўз сўзли, меҳнаткаш, содиқ
37 Гўзаллик фаслидур, аммо чин ҳусн
38 Илм, маърифатла топади камол

Дастхат (қоралама):

- 44 Балоғат паспорти қўлга теккан чоғ
49 Ватан ва давлатга оша саволлар
51 Кечаги зилзила муаммосини

Ленин учқуни, 1953, 24 май; Комсомол:

- 29 Сизнинг хамирингиз, Ватанга, халққа,

Дастхат (қоралама); Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Комсомол:

- 35 Таннозлар, дўндуқлар, қизлар, жононлар,
Комсомол:

- 36 Ўхшовсиз чаманда кўргузинг жамол.

*Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Комсомол;
Танланган асарлар-53:*

- 54—55 орасида

Бирингиз умримни узоқ қиласиз,
Умидям: Коммуна асрин тамошо,

*Дастхат (қоралама); Танланган шеърлар; Ўзбекистон
чироғлари; Комсомол; Танланган асарлар-53:*

- 61 Азиз кўксингизда, юрак устида
62 Порласа ярашар олтин медаллар.

Танланган асарлар-57 (II том):

- 61 Сизга ярашди шу олтин медаль

*Дастхат (қоралама):
қуйидаги мисралар бор:*

Бирингиз тарихини тузган иморат
Қишилиқ хаёлин бўлур авжида.
Бирингиз уранин излаб топарсиз,
Ҳозирча бўй бермас сув мавжида

ТЎПЧИ ЙИГИТЛАРГА

(85-бет)

Дастхат (қоралама):

- 3 Еролган бир заҳарханда

Дастхат (қоралама); Қизил Ўзбекистон, 1946, 24 ноябрь:

- 6 Жимирлар, дексинур, титрар
Дастхат (қоралама):
- 7 Емонлиқ бўлса оламда
Танланган шеърлар:
- 7 Асаб мурдор баландларда,
Дастхат (қоралама):
- 12 Ярқиратди бизнинг отган тўп
14 Еришди жонажон маҳбуб,
Танланган шеърлар; Ўзбекистон чироғлари; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-57 (II том):
- 18 Харобаларда гул унди.
24 Тўзар Берлинда тожу тахту
Машинка нусха:
- 44 Тўлин ой бунда зар-зарра
УЗБЕК ЭЛИНИНГ ҒУРУРИ
(87-бет)
Дастхат:
Сарлавҳадан кейин
(Ўзбекистон 1946 нчи йил давлатга пахта топшириш планини бажарди).
Дастхат; Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 3 декабрь; Ўзбек халқининг ғурури; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган шеърлар-53:
- 4 Яна кўклардан ошур, онамиздай муқаддас
10 Ўз улуғ доҳийсига арзиғулуғ ҳурматин,
Дастхат; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53:
- 13 Океанларда тўфонлар топа олгандур осойиш
Ўзбекистон чироғлари:
- 15 Бриллиантдан суйикроқ кишининг матонати,
Дастхат; Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 3 декабрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Ўзбек халқининг ғурури; Танланган асарлар-53:
- 16 Сенга шеър ёзганда Жамбул эди юз яшар,
17 Қалбада сенинг ҳурматинг одамлик амонати.
Дастхат; Машинка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53:
- 31 Баъзан жафолар ичра ҳансираб қолур нафас,

Ўзбек халқининг ғурури:

29 Биллурий қадаҳ каби товланар юз тарафли,

Дастхат; Машинак нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 3 декабрь:

37 Обрўмиз кўкдан баланд, омборимиз лабма-лаб.

Дастхат; Машинак нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 3 декабрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53:

44 Ҳаётний қоидада сўралганидек гўё

Дастхат; Машинак нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 3 декабрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53; Ўзбек халқининг ғурури:

48 Буни кўрган бошқа касб — бу ишдан етук киши.

Дастхат; Машинак нусха; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53:

47 Тонг откунча титкилаб, текширган чоғлар бўлур.

Ўзбек халқининг ғурури:

60 Бирор баланд оҳангки илғаб қолган бўлсангиз,
73 Бутун қишлоқда тарқар бу севинч, янги хабар,

Қизил Ўзбекистон, 1946, 3 декабрь:

61 Қайсидир соҳибкорнинг ноғиҳон ялласида;

Дастхат; Машинак нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 3 декабрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Ўзбек халқининг ғурури; Танланган асарлар-53:

74 Ўспирин қизлар учун келин кўриш баҳона,

Машинак нусха; Қизил Ўзбекистон, 1949, 3 декабрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Ўзбек халқининг ғурури; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-63:

76 Кузимизнинг байрами — гулларнинг тамошоси,

Дастхат; Машинак нусха; Қизил Ўзбекистон, 1946, 3 декабрь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Ўзбек халқининг ғурури; Танланган асарлар-53:

80—83

84—87 ўрин алмашган.

Қизил Ўзбекистон, 1946, 3 декабрь; Ўзбек халқининг ғурури:

83 Қоқи гулдай бебаҳо, оқибати шул бўлур.

85 Меҳнати кафилидир тўйининг тузигача.

Ўзбек халқининг ғурури:

87 Қизғин ишлар ёзидан фароғат кузигача.

ҚОР

(91-бет)

Танланган асарлар (китоб-1) — «Ассалом»-63:

2 йўқ.

БИРИНЧИ ШЕЪР

(93-бет)

23 Қийёқ чўзар нурсираб

29 Электрик қилга қувлар

Машинка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Танланган асарлар-53—57 (II том):

47 Жонимиз жаҳондек кенг,

Вақт:

59 Бу муҳаббат батамом,

Вақт:

73 Уфуришга етуклик

Дастхат оқлама; Машилка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Вақт; Танланган асарлар-53:

77 Шаҳид ўлган бир солдатнинг

85 Ўзбек эли ўз кучила

Дастхат; Машилка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1947, 1 январь; Ўзбекистон чироғлари; Танланган шеърлар; Вақт; Танланган асарлар-53:

114 Келинг дўстлар, дам ғанимат,

Умурзоқ коинотнинг

ЯНГИ ИИЛ ҚУШИҒИ

(97-бет)

Қўлёзма; Машилка нусха; Бари сеники; Танланган асарлар-53:

7 Шиша кўзли қўзичоқ,

18 Лайлак келар, ёз бўлу

Қўлёзма; Машилка нусха; Бари сеники:

13 Ёшим тўққизга етди.

Қўлёзма; Машилка нусха; Бари сеники; Танланган асарлар-53:

26 Бизнинг уйда бу кеча

33 «Бахтли кўзим» — дедилар

Танланган асарлар-57 (II том):

26—33 йўқ.

Қўлёзма: Машинка нусха:

34 Мингларни ҳам санайман

35 Русчани ҳам танийман

АВЛОДЛАР

(99-бет)

Машинка нусха; «Ленин учқуни» — 17.I.1947;

Сиз менинг ёшлигимсиз:

20 Партиямиз меҳри-ла,

23 Алангали гулхандай.

33 Бу улуғ ватан обод.

КОМСОМОЛ

(101-бет)

Шоир дастхати (оқлама); «Ёш ленинчи» — 30.I.1947;

Танланган шеърлар-57:

19 Бевафо дорларга осдилар, кўрдик,

91-сатрдан сўнг:

Москвада Советлар саройин қуриш...

Бали, бу иморат умумий ҳайкал,

Улуғ асримизнинг жаҳон обрўси.

Сен ўзинг цемент қориб берасан,

Чкалов ҳайкали қўйилур унда.

Уч карра қаҳрамон ўғиллар сизлар,

Сизнинг шарафга ҳам обида шунда

98 Трактор қолмади оламда изсиз.

99 Коммуна асрининг фидойилари,

Машинка нусха:

13 Коммуна қурбони бўлиши мумкин.

20 Бевафо дорларга осдилар, кўрдик,

СИЗНИНГ ҲАДЯНГИЗ

(104-бет)

Машинка нусха:

6 Онаминг ҳур шарпаси бор кўз ёши бу кўзгуда.

13 Мен бир миллион берданкадан биттасини сақлайман.

ТОНГОТАР ҚУШИҒИ

(105-бет)

Дастхат; Ленин учқуни — 7.III.1947;

Тонготар қўшиғи

- 20 Синфимизни айлан,
24 Кейин озод бўламиз,
28 Сен уйингга кетасан.

«МОСКВИЧ»

(108-бет)

Машинка нусха; Танланган асарлар-53; Танланган асарлар-57:

- 5 Бу қайси қўнғузкан, деб сўрар эди.
26 Осмонда биз қўнғиз деган нималар,

БИЗНИНГ БОҚҚА ҚЕЛИНГЛАР

(109-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Ленин учқуни — 9.V.1947; Машинка нусха:

- 15 Дадам меҳмон чақирдилар,
16 Сиз именина қилиб,
18 Тузиб бердим уй қилиб,
19—22 йўқ.

Сиз менинг ёшлигимсиз:

- 25 Биз туғилган замоннинг.

ЕТТИ ЮЗ УТТИЗ ҚУН

(110-бет)

Машинка нусха; Танланган шеърлар; Ассалом; Қизил Ўзбекистон — 9.V.1947:

- 5 Итлар ойга қараб ҳурушдан ўтди.
25 Бир нахот устида қандай чорадир:
25-сатрдан сўнг:
Шон-шараф ва обрў инсонлик касби,
Ҳуқуқла адашса қилинур хато.
Туғилмоқ ҳуқуқи ҳайвонга ҳам хос,
Шукурки, отдош ҳам эмасмиз ҳатто.

БИРИНЧИ ДАРС

(112-бет)

Шоир дастхати (оқлама); Ленин учқуни — 1.IX.1947; Танланган асарлар-57:

- 2 Боғимизда жамбил, райҳон,
10 Кумуш қулф чарим папкам бор.
27 Билдим ўттиз икки ҳарф.
53 Салобатли интизом.
59 Биринчи дарс улуг бобо,
62 Кўз нури авлодидир.

БИЗНИНГ ҚИЗЛАР

(114-бет)

Шоир дастхати (оқлама):

- 9 Меҳнатла чарогондир.
27 Гулдек юзи олимиз,
30 Бу юртда улуғ доҳи,

МОСКВАМИЗ

(115-бет)

Шоир дастхати (қоралама), Шарқ юлдузи № 9, 1947:

- 4 Сен очдинг бизларга толе эшигин,
10 Шунда, олғи сафда биз комсомоллар,
12 Гарчанд шаҳид бўлдик, дорга осилдик,
19 Гурур кўрагига беради оҳанг.
25 Бебаҳо хамири йўғрилганлармиз,
28 Садоқат-фарзандлик жавҳари экан.
31 Шогирдлик курсиси устин ўлтириш.
38 Одамлар каъбаси, озодлар юрти,

Дастхат:

- 25 Жони ва вужуди йўғрулганлармиз.
41-сатрдан сўнг:
Қаерда бахт учун гурунғ қурилса,
Учинчи қадаҳдир, Яшасин Москва!
Москва тинчлик таянчи:
10-сатрдан кейин:
Тарихнинг бунда қирқ биринчи йил,
Ноябрь ойининг олтинчи куни.
Олий Бошқўмондон буйруғи билан,
Фашистнинг тўзғиди кўкка тутуни.
31 Шогирдлик курсисин эгаллаб туриш.

АССАЛОМ

(117-бет)

*Шоир дастхати (оқлама); Қизил Ўзбекистон — 6.IX.1947;
Танланган асарлар-53:*

- 9 Ўзбек халқининг ҳам гўё ноғараси.
51 Адолат амри-ла зўр келдик-тинди!

САМАРҚАНД УЧУН

(121-бет)

Машинка нусха-1; Ассалом; Ленин ва Шарқ:

- 19 Умринг коммунага боғланди — порлоқ
23 Ҳамиша озодсан, ҳурсан, ободсан.
30 Маърифат офтоби ўчмоқни билмас,
45 Улуғ коммунанинг наҳоридамиз.

Машинка нусха-2:

22 Улуғ партиямиз қўлидан тутган

ҚУЕШЧАЛАР ШЕЪРИ

(123-бет)

Шоир дастхати (қоралама):

12 Аълочи номимни аста бўшатмай,
15 Шуху шан синфлар бир оз олур дам.
31 Умринг найини бизлар чалурмиз.

ЯНГИ ЙИЛ ШЕЪРИ

(124-бет)

*Шоир дастхати (оқлама); Қизил Ўзбекистон 1.1.1948;
Танланган асарлар-57:*

8 Фараҳли кунлардир, ёқут маржондай,
9 Қўллардан ичқитманг бу ипнинг учин
41-сатрдан сўнг

Халқимнинг юрагин зарби покликда,
Кремль соати каби муҳаққан.

44 Утган йил пахтадан уятли бўлдик,
45 Бегона эмасмиз, қадрдон, маҳбуб.
45-сатрдан сўнг:

Бугун тонготар ва шараф-шон билан,
Пахтакор халқимга бошланур кўклам.

Бултурнинг хижолат боқимондаси,
Бу йилнинг бепоён маҳсулига зам.

57-сатрдан кейин:

Утган кун картучка бекор қилинди,
Бутун халқ тик туриб ҳайқирдик «Урра!»
Қиссада олтин пул, ўлка фаровон,
Нони бут кишининг сўзи ҳам бурро.

Ассалом:

9 Қўллардан итқитманг бу ипнинг учин.

СИЗГА

(129-бет)

Ассалом; Еш ленинчи — 18.IV.1948:

30 Йўқлардан борларни ижод қилингиз,
35 Одаму ҳаводан буён одамзод.

СИЁҲДОН

(132-бет)

Машинка нусха-1:

9 Яшайбер, қолмади дилда армоним.
13 Бу яхши фикримиз бўлди беғубор.

Машинка нусха-2:

5-сатрдан сўнг:

Бир қатра сиёҳнинг қадрин ўлчамак,

Шаҳиднинг қони-ла бўлур баробар.

Қаламнинг учила мен ёзганимда,

Жим турдинг, оламга қилдинг муътабар!

13 Шукурки, фикримиз бўлди бегубор.

17 Мен қора эмасман, дединг-ку тонгдинг.

БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

(135-бет)

*Шоир дастхати (қоралама); Қизил Ўзбекистон —
16.IV.1948; Танланган асарлар-57:*

25 Неча настаринни чаккамга тақдим.

37 Ердаги қуёш бу, депсан чаманни.

41 Яшайбер деяман кўрсам отқулоқ.

42 Отамен, ўгил бу, менга ҳар кўчат,

43 Ўсиб, униб борса шаксиз вақтим чоғ.

49 Урик гулларига буқиниб олди.

51 Бўғотга ин қўйди, тухумин солди.

67 Шоир айта олмас, кўклам нафасин,

68 Нақадар ҳаётий мазмуни таги.

69 Чаманда нимадир қийқиллаб қолди,

70 Овози нотаниш бу қай қуш экан?

71 Қуш эмас, гулқайчи кўтарган боғбон,

72 Қўлига кирибди ўн-ўнбеш тикан.

73 Тўрқовоқ ичида эски туллагим,

75 Кузги бардиларни учириб кетди.

Машинка нусха:

30 Иккита беадаб: булбул ва наъматак,

43 Ерда не неъмат бор ошайвер, дейман.

44 Беадаб Мирзо ҳам минди сўрига.

СОЧЛАР

(140-бет)

Машинка нусха; Танланган асарлар-57;

13 Жаҳоний қадамни қўймоқ эътибор.

17 Ҳиди анқиб кетди нечун бу боғда.

Ассалом:

18 Йигит-қизларининг сочини силаб,

ГУЛ

(141-бет)

4 Бу гулни энг азиз ва ғариб дўстим.

АЛИШЕР

(142-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Танланган асарлар-53:

- 5 Улуғ Алишернинг асрий нидоси,
 7 Боғир; форсий, сийна, арабчаси — садр.
 20 Темурланг давлатин интиқосида,
 21 Саркашу ҳаёти бўйсунмас шуур.
 24 Инсоний муҳаббат, меҳру вафонинг,
 34 Утмишдан беш юз йил муаррих учун,
 59 Шараф-шон ўлкаси бўлган эски Шарқ.

Қизил Ўзбекистон — 15.V.1949:

ЕЗ

(145-бет)

Машинка нўсха:

- 14 Настарин шоҳида сайраган булбул,
 19 Уғлингга берганинг жонга маъқул хўб.
 52 Яшамоқ бир ипак қурти сингари
 53 Болари уйидек азиз, муаззам.
 57 Жаҳоннинг жаҳонда жонониман, деб,
 65 Буни ҳам шеър этиб дафтарингга ёз.

Қизил Ўзбекистон — 7.VII. 1949:

- 26 Ёз жуда... саратон, лупчак шафтолу,
 33 Боғини қилолур лола ранг, хушбўй,
 35 Терлаган баданларга беролур роҳат.
 31 Бунча ҳам тантиқлик кетмайди жуда.
 62 Арпа ўроғида кулган юзлардек.

ЎТТИЗ ЕШ

(149-бет)

Шоир дастхати (оқлама); Танланган асарлар-53:

- 9 Коммуна йўлида ҳар қадам бир миль.
 48 Фашизм туғини қилгучи яксон,

Машинка нўсха:

- 16 Сенга дохийларнинг кўз нури инган,
 21 Сўнмас ҳаётида сизга миннатдор.
 32 Сизсиз ешилмайди айтсак чинини

ЎРИНБОСАРЛАР САЛОМИ

(151-бет)

Шоир дастхати (қоралама):

1-сатрдан сўнг:

Бугун жуда катта кун,
 Дунё-дунё кунларнинг
 Жамулжами, якуни.
 Халқимизнинг бўс бутун,
 Жаҳон-жаҳон орзуси
 Оламча кенг мазмуни.

13-сатрдан сўнг:

Енгилмас Москвамиз
Москвада Кремль..
Севимли жондан азиз,
Фарзандларга миллион йил
Кўрсатур иқбол йўли.

21-сатрдан сўнг:

Пок қалбида беғубор,
Биз комсомол бўламиз,
Индиннинг мард эрлари.

Машинка нусха:

7 Сиз билан очур жамол,
ИНСОНИЯТ БАЙРАМИ

(152-бет)

Шоир дастхати (оқлама), Танланган асарлар-53:

40 Қалби саломатлиги меназига солиб акс,
57 Шу минутнинг завқини кўра оларса баҳам.
77 Гарчанд миллиардлардан сўнг, кекса Бернард Шоу ҳам,
Қизил Ўзбекистон — 9.XI. 1949.

14 Коммуна қураётган халқларнинг оиласи.

32 «Товариш» деган сўзку» бу энди ўз сўзимиз.

ЛЕНИН УЧУН

(158-бет)

Машинка нусха:

29-сатрдан кейин

Ўлмас Ленинни кўрди шу дамда бутун олам,
Сиз демак, инсон демак, инсон демак, сиз дема

СОВЕТ АРМИЯСИГА

(160-бет)

Шоир дастхати (оқлама):

20 Биз ҳам шу ғурбат аро идрок кучин аямай
22 Худди шу ғурбат аро сентир шапкали солдат
29 Болалар қўл узатдик озғин-иркит кафтгирдай,
42 Қўлимиздан қўллади башарият раҳбари.
80 Қизил қўшин ёзолди эрта ва индинларнинг.

ШАРАФ ҚУЛЕЗМАСИ

(163-бет)

Машинка нусха; Танланган асарлар-53:

Сарлавҳадан кейинги қуйидаги эпиграф қайд этилмаган:

(Инглиз Лординнинг бизларни қабила деб атаганига
жавоб)

4 Улуғ ўзбек халқисан,
26 Пахта — дарахт қўзиси
63 Ва шу тупроқ сеники

68-сатрдан кейин:

«Правда» бош бетида,
Кеча ўтган икки йил,
Қардош эллар рапорти
Ўқиб бордик муттасил.

Бу хижолат кифоя,
Меҳнатимиздур кафил.
Юзимизни ёритар
Биз — беражак мўл ҳосил.

Тупроғимиз олтиндир,
Бу йил беш юз минг тонна
Ортиқ пахта берамиз
Ўтган йил унимидан.

Қишининг қадри ошар,
Сўз гавҳари ғуборсиз.
Мардлик баҳоланади
Меҳнатга кўнимидан.

ФАРҒОНА УЧУН
(166-бет)

Машинакка нусха; Ленин ва Шарқ.

- 10 Шу қиз ялла учун лаби титраса,
16 Ўғил-қизларининг иккидан бири,
19 Ёигити Алпомиш, қизи Барчиндай;
25 Ва меҳнат сайқали йўғрулган жамол.
29-сатрдан кейин:

Шу қиз илк оқшомлар ипак юриш-ла,
Атлас барглар аро қилганда хиром,
Барглар ипак қуртдай тола қуриш-да
Гулгун юзларида олажак ором.

- 34 Тўқув тарихимиз билмакчи бўлса,
44 Мусаффо ҳаво вазн қидириб.
49 Бу гал шеърим учун бир баҳонадир.
52 Қошлари оқшомдир, чеҳраси кундуз.

Танланган асарлар-53:

- 10 Шу қиз ялла учун лабин титратса,

ЭМУҚДОШЛАР МУСОБАҚАСИ

(169-бет)

Шоир дастхати (қоралама):

- 6 Елкасига қоқиб, белин тутқазиб,
9 Ирғайи ниҳолидай эгилмас, синмас.
19 Пахта тодаларда жилва беражак.
21 Бўлиқ бошоқлардан Тошкент теражак.
28 Шайтондан қўрқинчроқ капиталистлар —
34 Душманнинг аҳволи ёмон бўлажак.
35 Жаҳонда ягона, азиз ва жондош —
36 Совет ватанимиз омон бўлажак.

- 38 Биз авлод ўз туғма коммунизмнинг
43 Атомлар қуввати бу она юрда
47 Демак, бу қудратда бор сенинг ҳиссанг

ПОЛЬ РОБСОНГА

(171-бет)

*Шоир дастхати (оқлама); Қизил Ўзбекистон —
29.VII.1949*

25-сатрдан кейин:

- Уолл-стрит демак — деволлар кўчасидир
Ва унга туташ келур Нью-Йоркнинг қабристон.
Бали, худди шу ерда инсондаги камолат,
Озодликка умталиш, ҳур эрkning қабристон,
24 Нух кemasин қидирмоқ Қофказнинг тоғларидан.

Машинка нусха:

- 32 Ер юзи инсонники, ҳам уй, ҳам гўри шунда.
42 Форрестол деган бири девона бўлган экан.
48 Тарих ҳукми шу, дейди жаҳондаги ақллар.

ОЛА БУЗОҚ

(173-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Машина нусха:

- 16 Ҳали ўтмай бурни терлайди,
34 Омон бўлсин ола бузоғим,

ФАРҒОНА ДАРЕСИ

(175-бет)

Машина нусха; Танланган асарлар, 1953-

- 3 Бутун Шарқ кўзининг қароғи бўлдик.
5 Шарқнинг маягимиз — чироғи бўлдик!
5-сатрдан сўнг:
Ленин парваришин топган ўзбекнинг...
Каттадир, кичикдир — ҳар битта халқ ҳам.
Озод бўлиш билан топган эътибор.
10 Ҳур ўзбек халқининг ютган толеин
11 Ҳинд, Афғон, Эрондан қилсак ҳикоя,
12 Шўрлик мазлумларга далда бўлади,
19 Олтиндан яна бир варақ ёзарди.
32 Кечаги биринчи синф болалари
37 Ильич лампалари, ҳар бири минг шам.
54 Ҳамиднинг ярқироқ имзоси бордир
68 Гўзал эллар билан гўзал Фарғона
59 Бориб туташади коммунизмга,

ОРЗУ

(179-бет)

Машинка нусха:

2 Кунн кеча биринчи синфда эдик,
13 Кремль юлдузи — чақнаб ёнган ўт.
18-сатрдан кейинги тўртлик йўқ.
23 У ўсган ватаннинг салобати-ла.

31 Инженер бўлишни қиламан орзу.
38 Гўзалсан ватаним, боғу бўстоним,
41 Қўйнига олгандек заррин офтоб.
45-сатрдан кейинги тўртлик йўқ.
60 Биздан йигитларга кунн эртаёқ,
61 Жонажон замоннинг парвози бордир.
66 Беш-олти қаватли, кунгай бинолар
68 Шу шеър ёзилган қоғоздай равшан
73 Қайда бор «Комсомол кўли» ҳавоси?

КОММУНИЗМНИНГ ЙИГИТ НАСЛИГА.

(182-бет)

Дастхат (қоралама):

28 Одамзодга хуррам замонлик,

Дастхат:

12 Чегара-тун қоралигида
41 Улуғ Ленин дилбанди яшар.

ДИПЛОМ

(188-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Танланган асарлар-53:

9 Ўн беш китобдан алла қайсиси
11 Алла қайси бетда алла қай нима.
17 Ўн-ўн беш китобни ёзган устозлар

КОММУНИЗМ АСРИ

(189-бет)

Шоир дастхати (оқлама):

6 Эллик йил илгари инсон қалбида,
14 Эллик йил илгари исёнкор руснинг
18 Эллик йил ораси улуғ Лениннинг.
21-сатрдан сўнг:
Ўзини таниди мазлум Европа,
Ўзини таниди оёқ ости Шарқ.
Озодлик шавқида ўртанган инсон
Қилолди дўст билан душманини фарқ.
24 Ва бу туғ остида эркини олган
31 Навбатин кутади ғолиб орзу:
45 Сутканинг кундузи қисми муттасил,
73-сатрдан сўнг:
Ҳар сиқим тупроғи кўзга тўтиё,
Ғолибу муқаддас, озод ватаним.

Омонлик маскани, тинчлик таянчи,
Асримиз шукуҳи, обод ватаним.

Бизни ғалабадан ғалабаларга
Етаклаб боролган улуг партиям.
Қалблар тозалиги, виждон софлиги
Бариси таълимнинг асл, мустақкам.

Эллик йил мобайни халқлар бахтига
Асос қўйганингиз — янги кун келди.
Советлар халқининг озод юртига
Коммунизм асри бўс-бутун келди.

Қизил Ўзбекистон 1.1.1950:

- 13 Етган орзуси, олган нафаси
76 Бу алёр дostonча узайиб кетди.

КУҚЛАМ ТОНГОТАРИ

(192-бет)

Машинка нусха:

- 4 Товуслари каби нурда товланиб,
27 Уғил ҳар қанча олим бўлса ҳам
28 Ўз уйи, ўз эрки, эркин виждони,
33-сатрдан сўнг:
Бир кило гўшт олиб пул тўлагунча,
Улгура олмайсан тушиб кетар нарх.
Товариш Рубльнинг олам қудрати
Доллар-поллардан шунча қилур фарқ.
41 Тўйнинг гулханида ёнади хошок.
42 Уғил-қиз чиқариш, иморат қуриш,
82 «Қуёш» шаклидир озодлик муҳри,

ХАЛҚЛАР ОТАСИГА

(196-бет)

Шоир дастхати (қоралама), Танланган асарлар-53:

- 3 Қўнгул кулкиси каби замонлардан улуг ном,
6 Мен табриклай оламан Хулкар пионинасин,
8 Худди ҳурмат қилгандек онамнинг ип-нинасин,
13 Қизил майдон орқали тонг отар шу эрталар
15 Қўлимдаги покиза шу қоғоз, шу варақлар
16 Сизга ташаккур айтар, эй менинг доҳиларим,
17 Боғимизда кўкарган гуллардаги япроқлар
18-сатрдан сўнг:
Жуда яхши бўлади, ҳар ким яшайман деса,
Болалар сутин эмса ўз онасин насидан.
Ҳар битта тинч ахлоқли оталар ғурур билан,
Тонг отарни кута олса ўзин ойинасидан.
23 Қайд қилиб келганидек тарихига ўз қуёш.

Машинка нусха:

- 5 Ҳамиша Ленин ишин партия қилур давом.
22 Рус халқининг қудратин бундан минг йиллар олдим.

ДАВРА ҚУШИҒИ

(198-бет)

Машинка нусха:

- 4 Қадрдонлар даврасидир жонажон соқий,
БИЗ ТИНЧЛИК ИСТАЙМИЗ
(199-бет)

Шоир дастхати (қоралама), Танланган асарлар-53:

- 9 Миллиард имзолардан туғулган муштдай,
11 Темир бетонлардан зўр орқапуштдай.
23 Зулмат нур ўрнин эгаллай олмас.
28 Томуғдай уқубат биқсиб қайнаган —
29 Йўқ, жаноб олийлар гарчанд ҳар уруш,

ЯШАСИН ТИНЧЛИК

(201-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Танланган асарлар-53:

- 41 Жаҳондаги халқ қурин
85 Уруғ қардошигача
108 Давомини тилаймиз.
115 Заволини тилаймиз.

БУ — СЕНИНГ ИМЗОНГ

(205-бет)

*Шоир дастхати (қоралама); Қизил Ўзбекистон —
5.VII.1950; Тинчлик урушни енгади:*

- 2 Ғалаба умрининг қомус мазмунин,
4 Озодлик чанқоғи элларга етгач,
9 Қурт еган чинордай кеккайиб турар.
20 Сўзининг бурди бир, аҳди вафоли,
26-сатрдан бошланган тўртликнинг сатрлари алмаштирилган.

БИРИ БИРИГА ШОГИРД, БИРИ БИРИГА УСТОД

(206-бет)

Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон — 12.VII. 1950:

- 24 Бири-бирига ҳамзод
32 Уйимиз чароғларин
70 Кўрки — йигит оғаси

ТЕЗУ ТОЗА ТЕР!

(208-бет)

Шоир дастхати (оқлама):

- 8 Ёнбошга йиқилган филдай ўнгалмас,

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ПАХТАКОР ҚАРДОШЛАРГА

(210-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Танланган асарлар-53:

- 18 Илму маърифатдир жилолантирган
24 Оламча мазмунли ҳосил ундирдик.
35-сатрдан бошланган тўртлик дастхатда йўқ.
35 Бизнинг пахтамиздан олам ясанур,
38 Ҳар грамм пахтада оламча мазмун,
40 Тинчлик, фароғатни орзу қилмаган —

Машинка нусха:

- 38 Ҳар грамм пахтада талайча мазмун,

СЎЗ НАВБАТИ ТОШКЕНТЛИКЛАРГА

(214-бет)

Шоир дастхати (қоралама):

- 1 Сўз навбати Тошкентга
4 мугузига урсанг зирқирар туёқ

ТИНЧЛИК МИНБАРИДАН

(216-бет)

Машинка нусха:

- 30 Оқибат забардастнинг кўзига қадар тикан.
34—41 қўлёзма асосида
58 Ҳайқиринг босолмас долларнинг жаранги.
61 Ҳар бир газандани ҳам янчмоқ авло бўлади,
74 Тинчлик пўлат қўрғони Кремлдаги юлдуз.
76 Жаҳон бўйлаб тинчликнинг орқапушт посбони.

Коммунист — 15.X.1950:

- 2 Тинчлик тарафдорларининг конференциясига.
43 Биргина бечора халқ Робинзондай саргашта,
53 Америка сайёдин учирган бургутини,

Қизил Ўзбекистон — 19.IX.1950:

- 37 Тарих ўзи ўч билан, бўғим-бўғим куч билан.

ҒОЛИБЛАР ШАРАФИГА

(219-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Қизил Ўзбекистон — 31.X.1950; Танланган асарлар-53:

- 15 Барчаси ҳам жафокаш, аёлманд болахонли;
31 Улуғ ғалабасидан Ватанга кетгач хабар,

37 Асрий қаҳрамонликнинг бел тутган ҳиссаси бор.

ТИНЧЛИК НАШИДАСИ

(221-бет)

Шоир дастхати (оқлама):

66 Кишилик арқа пушти бўлган азиз ватаним,
73-сатрдан сўнг:

Халқимиз бу кунининг келажакка ёдгори...
Куйбишев ГЭСлари-ла, бош Туркман канали-ла,
Яна ҳам топажакдир Ватан ўзин сайқалин.

Ленин ва Шарқ:

22 Кишилар истайдики, шу гўзал ер юзини,

ҚУТЛУҒ ЙИЛ ТОНГИДА

(224-бет)

Шоир дастхати (қоралама); «Қизил Ўзбекистон» —

1. I. 1951; Танланган асарлар-53:

32 Океанга тўкилажак Уолл-стритларнинг,
34 Хонаси хароб бўлиб, уруш талаб итларнинг,
35 Томирини кенг ёйиб ерда тинчлик дарахти.
45 Бош Туркман канали деб номланувчи паҳлавон —
53 Шарафли меҳнат аро тушажак бу янги йил.
55 Қолган ярим асрнинг пўлат қўрғони деб бил.

ТИНЧЛИҚ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИГА

(230-бет)

Шоир дастхати (қоралама):

Дастхатда сарлавҳа қўйилмаган. Муқаддима:

Дунёда озодликнинг
Асл чанқоқларига
Илк баҳор мавсумининг
Мукофоти муборак.

АЪЛО ХОТИРА

(231-бет)

Шоир дастхати (қоралама):

16 Офтоб нурларидан зеҳнда атлас тўқиш,

19-сатрдан сўнг:

Ҳар пионер онгида яшайди, ундан зарра —
Унда жилваланади улуғ Ленин даҳоси.

ЙИЛЛАР

(232-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Қизил Ўзбекистон —

25. IV. 1951:

3 Юртимизнинг бағрида тўла эди жароҳат.
5 Қалб, интиқом ҳиссидан топар эди ҳарорат.
19 Миллиард пуд ғалла тўккан баракали киштуқор.

- 20 Нонимиз бутун эди, ўчмас тандирнинг чўғи,
35 Сигдирдик асрларнинг арзу хулосасин.
42 Академик ақлимиз «Уралмаш»нинг бағридан,
73 Улуғ рус маърифати мадҳиясин ёзмак қарз.

КАПТАР УЧАР, ҲОЗ УЧАР

(237-бет)

Машинка нусха; Танланган асарлар-53:

- 17 Бизнинг шонли замона.
29 Партиям доим яшар
33 Партиям доим яшар!

БИЗНИНГ КЕКСАЛАР

(238-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Уқинг дўстлар: Танланган асарлар-57; Ленин ва Шарқ:

- 4 Гоҳ уни текшириб, гоҳ бунни қараб,
11 Бу дамда тенг эмас ёшлар, кексалар.
12 Минг ойлик умрига кеча тўй қилиб,
14 Пенсиядан орттириб учта қўй қилиб,
36 Озмунча парвариш қилинмаган сарф.

БАХТЛИ БОЛАЛАРИМГА

(241-бет)

Шоир дастхати (қоралама):

- 1 Бахтиёр авлодларга салом
2 Ҳаво тип-тиникдир, тонг отар чоғъ,
Бир ҳавли гуруллар ўғил-қизларим,
Бу кун очилади мактаб қучоғи.
4 Тўкин куз очибдир сахий қучоғин,
18 Биринчи сентябрь, бу кун халқимиз,
24 Қаламда сиёҳим қуримай туриб.

Танланган асарлар-57:

- 4 Тўкин куз кенг очиб сахий қучоғин.

ТЕРИМЧИ ҚИЗЛАРГА

(244-бет)

Машинка нусха; Танланган асарлар-53:

- 44 Бир-бирдан ўзишиб қувлаб-қувалаб...

ПАХТА — ТИНЧЛИК ХАЗИНАСИ

(246-бет)

Шоир дастхати (қоралама); Ленин ва Шарқ; Танланган асарлар-53; Ўзбек шеърятининг антологияси:

- 36 Озод одамзоднинг ярқираб юзи,

46 Қирғин, ўлатларнинг амрин ёқлаган,
65-сатрдан сўнг:

Тез, тоза, шошилиб териб олайлик,
Тинчлик хазинаси бўлган пахтани.
Тоинки умрлар бардам қолайлик,
Суръатин бўшатма ғолиб вахтани

Машинка нусха-1:

67 Омонлик асримизнинг пўлат лочини,

БУ ЙИЛ БИРИНЧИ СИНФГА КИРАДИГАН УЎИЛ-
ҚИЗЛАРИМГА АТАБ ЕЗГАН ШЕЪРИМ

(257-бет)

Машинка нусха:

25 Ватаннинг маърифати
26 Эркалаб қучоғида.
30 Боласини кўрмоқдаман
42 Ҳаётнинг нафасидин!
52 Тўлқинли баланд ошинг,
56 Москвани кўрарсиз,
57 Шунда минг-минг йилларнинг
58 Сирларини сўрарсиз.

Сен менинг ёдимдасан-57:

10 Шу чароғон нур билан
13 Орасидан оралаб,
15 Узумларни саралаб,
17 Шоир сизга узатар
18 Ўз соҳибкор қўлини.
24 Биринчи «О» ҳарфини,
25 Кўкимда юлдузларим.
35-сатрдан кейинги тўртлик йўқ.
49 Худди Ленин айтгандай;
66 Мирзага ўргатдингиз

Ленин учқуни — 3.IX.1952:

10 Сатрларни куйлайди

УЛУҒ РУС ХАЛҚИГА

(259-бет)

Дастхат:

4 Шу шеърга ёзолсам,
7-сатрдан сўнг:
Улуғ оиламизга
11-сатрдан сўнг:
Қудратли самолётни
Ижод қилган ўзингсан.
37 Ёввошлик ҳунаринг деб,
43 Улуғ Петрнинг номи
56 Қайдаю, мен қайдаман?

- 57 Мен оламнинг асосин
- 58 Билолмаган кимёгар
- 59 Аммо ташаккуримни
- 68 Миллионерлар сингарн,
- 78 Юксак МГУлари!
- 79 Ва беш денгиз туташиб
- 80 Авторидек мустаҳкам
- 81 Жаҳонни гир айланар
- 82 Волга—Доннинг сувлари!
- 93 Чегара ирқу рангин
- 100 Дўстнинг қуроли билан

Машина нусха:

- 77 Коммунизм асрининг
- 95 Лениннинг китобидан.
- 100 Руснинг қуроли билан
- 125 Замонамиз совғаси —
- 132 Қуёшли ярқироқда

Танланган асарлар-53:

- 43 Улуғ кишиларинг номи

Танланган асарлар-57:

- 22 «Тингланг, Москва сўзлар!»
- 24 Қолган мазлум шарқнинг
- 78 Маърифат замонасин
- 83 Бутун олам сирини,
- 87 Севган улуғ рус халқи!
- 93 Тенгсизлик, ирқ ва рангин
- 103 Инсоннинг бахти учун
- 104 Душманга қирон солиб
- 105 Қиличим тили билан
- 125 Партиямиз совғаси

Қизил Ўзбекистон — 5.IX.1951:

- 2 Оғамиз улуғ рус халқига раҳмат!
- 44 Оламларнинг эсида,

Ўзбек шеъриятининг антологияси!

- 37 Адолат ҳунаринг деб,
- 95 Ильичнинг китобидан

ҲАМЗА ХОТИРАСИ

(263-бет)

Шоир дастхати (оқлама), Танланган асарлар-53:

- 2 Қабринга гулчамбар келтирдим, Ҳамза,
- 4 Қалбимга ғазабнинг ўти тутақиб,
- 5 Энг қаттол ёвларни қора-қоралаб...
- 9 Макру найранглари Шарққа соз эмас.
- 24-сатрдан сўнг:
- Кўзимда ёш парда — бир сурат кўрдим.
- 28 Қонталаш уфқдек вазминлиги-ла,

39 Шафқати, нурины сочажак қуёш,

Машинка нусха:

34 Уша номард, малъун, разил жаллодни

Танланган асарлар-53:

34 Уша номард, малъун, бибурд жаллодни

ҚИРҒИЗИСТОН ПАХТАҚОРЛАРИГА

(268-бет)

Шоир дастхати (қоралама):

1 Қирғизистонли пахтакор дўстларга

2 Қондош-қардошларимиз, ака-укаларимиз,

3 Улуғ гурунғ кунидир Фрунзе ватанида,

6 Жондош қирғиз халқининг ҳур шодлиги, тўйида,

8 Қадрдонлик оҳанги янграб дўстлик куйида,

9 Ҳамиша игилиқдир сизга тилақларимиз.

30 Қирғизнинг ўз нешти бор, миллион ваттли чароғи,

41 Бири-бирига шогирд, бири-бирига устоз.

**ЛЕНИНЧА АВЛОД УЧУН БАЙРАМ КУНИНИНГ
ҚУТЛОВИ**

(275-бет)

Машинка нусха; Ленин учқуни, 7.XI.1953:

12 Бир суратин кўрсатиб

29-сатрдан сўнг:

Улар ҳам кўрар эди,

30-сатрдан сўнг:

Сангин ҳам кўрар эди,

45-сатрдан сўнг:

Бутун халқимиз дилшод,

Қариб қолган кишиман,

Болалар кўнгли каби

Қувонмоққа ҳаққим бор.

ҚУТЛУҒ ШЕЪР:

(279-бет)

*Шоир дастхати (қоралама); Қизил Ўзбекистон —
6.XI.1953.*

10 Арслон явлошлигини,

27 Жаҳоннинг атласидек

28 Қизим кийган бу атлас.

31 Илмий синаб турибди

32 Шарқли бир шоир кучин.

ОНА

(280-бет)

*Шоир дастхати (қоралама); Ўзбек хотин-қизлари, № 12,
1953; Танланган асарлар-53:*

2 Уғлим Мирзо Улуғнинг онасига бағишлайман.

18 Оламдай алвон ранг дастурхон ёзиб,

19 Қатта оялада ҳаммамиз обод.

31 Қулоққа қуйма алланг.

ИЗОҲЛАР

КУЗАТИШ

(9-бет)

1941 йилда шоирнинг ўғли Жўраҳоннинг ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан ёзилган.

Шоир архивида шеърнинг машинка нусхалари мавжуд. Дастхати сақланмаган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша йили 29 июнь сонида босилган. Сўнг «Улим ёвга», «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Танланган асарлар-63», «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томида босилган.

«Асарлар-64» матни асосида нашр қилинмоқда.

12 *Ленада ишчилар отилган куни* — 1912 йил 4 апрель воқеаси.

Чор ҳукумати томонидан олиб борилган шафқатсиз эксплуатация, иш ҳақи камайиб кетганлиги ва бошқа қийинчиликлар ишчиларни иш ташлашга мажбур қилади. Иш ташлаш 1912 йил 29 февраль (13 март)да Андревск конида бошланади. Бу ҳаракатга Стачка марказий комитети раҳбарлик қилади. Аммо орадан кўп ўтмай (4 апрелга ўтар кечаси) Стачка комитети раҳбарлари ҳукумат томонидан қамоққа олинади. Уларни қамоқдан бўшатишни талаб қилиб 4 апрель куни 2,5 минг ишчи Надеждинск кони томон йўл олади. Бу ишчилар жандарма ротмистри Трешченков буйруғи билан ўққа тутилади, революцион ҳаракатнинг авж олишига сабаб бўлади.

13 *Абжад* — қадимги араб алифбосининг тартибини кўрсатувчи саккизта уйдирма сўзнинг («абжад», «ҳавваз», «ҳутти», «каламан», «саъфас», «қарашат», «саххаз», «зазағ») номи. Эски усул мактабларда «Алифбе» китоби ўрнида ўқитиладиган тахтага ёзилган сўзлар йиғиндиси. Абжад ўқиш-савод чиқариш, алифбе ўқиш демакдир. Бу ўринда ҳам шу сўзлар ёзилган тахтакач маъносиди.

20 *Чистон* — (топишмоқ) Шарқ поэзиясидаги лирик жанрлардан бири.

Чистон яратишда асосан, икки усул — абжад ва оддий топишмоқдан фойдаланишган.

Чистонлар фард, байт, қитъа, рубоий ва қисман ғазал шаклида ёзилади, икки байтдан ўн байтгача, ҳатто ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Чистон маърифий, ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлади.

Ўзбек адабиётида чистоннинг дастлабки намуналарини Алишер Навоий яратган (мас., «Қалам», «Танга», «Юмуртқа» ва бошқалар). Огаҳийнинг «Танга», Шавқий Каттақўрғонийнинг «Самандар қуш», Увайсийнинг «Анор» чистонлари машҳур.

64 *Пушкин ёшида* — шоир, мен 37 ёшдаман, демоқчи.

67 *Қирон* — бу ерда ғалаба маъносида.

68 *Мужда* — хушхабар.

ОДАМЛАР УРТАСИДА

(13-бет)

Шеър 1941 йил 25 июнда ёзилган. Дастхати сақланмаган. Илк дафъа «Улим ёвга» тўпламида босилган. Кейинчалик «Танланган асарлар-56» (I том), «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган. «Асарлар-64» матни асосида босилмоқда

МЕН ЯХУДИИ

(15-бет)

1941 йил 26 июнда ёзилган ушбу шеърнинг машинка нусхалари шоир шахсий архивида мавжуд. Дастхати сақланмаган.

Шеър «Улим ёвга», «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Ўзбек шеърляти антологияси-62» (IV том), «Танланган асарлар-63», «Танланган асарлар» (китоб-3), «Достон ва балладалар-63», «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

Томга «Асарлар-64» матни асосида киритилди.

- 10—11 *Боболаринг бошига шох тақиб юриб* — қадимий немис эпосларидаги қаҳрамонларнинг шлёмлари икки шохли эди.
- 15 *Нибелунги* — XIII аср бошларидаги немис эпик поэмасининг бош қаҳрамони.
- 17 *Готик нақш* — готика, готика услуби — асосан Ғарбий Европа мамлакатлари санъатида XII асрда вужудга келиб, XIV—XV асрларгача ҳукмрон бўлган бадний услубнинг шартли номи. Готика айниқса архитектурада кўпроқ кўзга ташланди. Бу архитектуранинг ўзига хос жиҳати — биноларнинг синчлари ва улар устига тошдан йўниб ўрнатилган арклардан иборат бўлгани, биноларнинг баланд ва кенг бўлишини, девор ўрнида устунлардан фойдаланилгани, бу устунлар орасига улкан деразалар ўрнатилгани бино ичининг ёруғ бўлишини таъминлади. Готика услубининг майдонга келиши феодал шаҳарлари бунёд этилиши тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, бу биноларнинг мустақкам конструкциясини таъминлаган. Готика санъат тарихида чуқур из қолдирди, изланишларга ундади. XV—XVI асрларда унинг ўрнини Уйғониш даври реалистик санъати эгаллаган эди.
- 23 *Таврот* — яҳудийларнинг қадимий диний китоби. Афсонага кўра, Мусо пайғамбарга нозил бўлган деб ҳисобланади. Шунинг учун у кўпинча «Мусо қонунлари» деб ҳам аталади.
- 51 *Фиръавн* — қадимги Миср подшоҳларининг номи. «Фиръавн» сўзи қадимги Миср сўзи «пер-о» дан олиниб, дастлаб «Шоҳ қасри» («Улуғ уй») маъносини англатган. 1-сулоладан бошлаб подшоҳнинг ўзи фиръавн деб аталган.
- 52 *Нил* — Африкадаги дарё. Шарқий Африка ясси тоғлигидан Рукарара номи билан бошланиб, Виктория, Кьога ва Мобуту Сесе Секо (Альберт) қўлларидадан ўтгач, дастлаб Альберт Нил, сўнгра Баҳр ул-Жабал деб аталади. Нил Баҳр-ул-Ғазал билан қўшилгандан кейин Оқ Нил деб аталади.

- Кўк Нил қуйилган жойдан Нил номини олган.
- 54 *Мардуд* — ҳайдалган, ифлос.
- 67 *Бобил (Вавилон)* — Ироқда қадимги замонда шухрат қозонган шаҳар. Шаҳарда «Қалъаи Бобил» деб шухратланган катта ибодатхона бўлиб, унинг кўкка етган юксаклиги ҳақида афсоналар тўқилган.
- 84 *Худҳуд* — пўпишак қуши (афсонага кўра, Сулаймон пайгамбарнинг хабарчиси бўлган эмиш).
- 101 «*Капитал*» — илмий коммунизм асосчиси К. Маркснинг «Капитал» асари. «Капитал» марксизм назариясининг муҳим, бош манбаидир. В. И. Ленин ўзининг «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» асарида «Капитал»нинг тарихий аҳамиятини атрофлича кўрсатиб берди.
- 105 *Халқлар бобоси* — Карл Маркс (1818 йил 5 май — 1883 йил 14 март) кўзда тутилади.
- 118 *Байтарий илмида* — ҳайвонлар касалини аниқлаш ва даволаш илми (ветеринария), бунда келтирилган чатиштириш, қўшиш боби маъносидagi «Боби замма» ибораси шоирнинг ўткир киноясидир.
- 119 *Замма* — араб алифбесида *у—ў* унлиси ўрнига ундош ҳарф устига қўйиладиган белги, пеш.

ХАЛҚ ОТЛАНДИ

(19-бет)

1941 йилда ёзилган. Дастхати сақланмаган. Шоир шахсий архивида машинка нусхаси мавжуд.

«Янги шеърлар», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томида чоп этилган.

Томга «Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

6 *Татиғ* — жазо.

7 *Дубулға* — шлём, жангчиларнинг металл бош кийими.

СЕН ЕТИМ ЭМАССАН

(21-бет)

1941 йил 7 декабрда ёзилган. Шеърнинг қора қаламда ёзилган тўрт саҳифадан иборат дастхати ва машинка нусхалари шоир шахсий архивида сақланади. Дастхатда шеър 7 декабрда ёзилганлиги қайд этилган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1942 йил 1 февраль сонида босилган. Кейинчалик «Шеърлар», «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Ўзбекистон поэзиясининг антологияси», «Бари сеники», «Танланган асарлар-53», «Абадий биргамиз», «Танланган асарлар-56» (I том), «Ўзбек шеърятини антологияси-62» (IV том), «Танланган асарлар-63», «Танланган асарлар» (китоб-3), «Достон ва балладалар-63», «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган. Шунингдек, «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1965 йил 11 апрель ва 1967 йил 17 февраль, «Саодат» журналининг 5-сонида босилган.

Томга «Асарлар-64» матни асосида киритилди.

8 *Мушфиқ* — шафқатли, меҳрибон.

31 *Манфур* — жирканч.

89 *Одесса* — УССР Одесса области маркази. Совет Иттифоқининг йирик саноат, маданият, илмий ва курорт марказларидан бири. 1965 йил 8 майда «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилган.

90 *Керчь* — УССР Қрим областидаги шаҳар. Керчь бўғози соҳилидаги порт. Темир йўл станцияси.

Керчьга 1973 йил 14 сентябрда «Қаҳрамон шаҳар» факрий унвон берилган.

95 *Пажмурда* — сўлгин, эзилган

ҚИШ

(25-бет)

1941 йил 17 декабрда ёзилган ушбу шеър дастхатининг олти саҳифали қораламаси, бир саҳифали оқламаси ва машинка нусхалари шоирнинг шахсий архивида сақланади. Шеър «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Ўзбек поэзиясининг антологияси», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Асарлар-64»нинг I томи, «Асарлар-72»нинг II томида босилган.

«Асарлар-64» матни асосида нашр қилинмоқда.

3 *Яхбаста* — музлаган.

3 *Биллури*н кўприк — силлиқ ва ялтироқ муз кўприк.

12 *Фулу* — шовқин-сурон.

15 *Обкаш* — челақда сув ташиш учун ишлатиладиган мослама.

Елкага қўйишга қулайлаштирилиб, ёғочдан қилинади, икки учида челақ осиш учун илмоғи ёки занжири бўлади. Турли суюқлик, мева, сабзавот ташишда ҳам ишлатилади.

21 *Тулуп* — пўстин.

42 *Шовут* — муз бўлаклари.

62 *Нуҳ тўфони* — қадимий афсоналарга кўра, гўё Нуҳ пайғамбар замонида ер юзини сув босиб, ҳамма жонлиларни фарқ қилган эмиш. Нуҳ эса, кема ясаб, ҳамма жондорлардан ўзига қарашлиларни шу кемада ҳалокатдан қутқариб қолган эмиш.

УЧУВЧИНИНГ ҚУШИҒИ

(27-бет)

Ўзбек жангчисига бағишланган ушбу шеър 1941 йил 22 февралда ёзилган. Икки саҳифадан иборат дастхати шоир шахсий архивида сақланади. Шеър «Еш ленинчи» газетасининг 1973 йил 18 май сонидида босилган. «Асарлар-78»нинг X томида нашр этилган.

Томга шоир дастхати асос қилиб олинди.

3 *Забаржад* — қимматбаҳо нилранг тош.

6 *Лочин қўшиғи* — улуғ пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький (1868—1936)нинг инқилобга даъват руҳида янграган машҳур «Лочин қуши ҳақида қўшиқ» (1895) асари.

МАРД ИИГИТЛАР ҚАНОТИ

(28-бет)

Автор бу шеърни 1942 йил январидида Ўзбекистон ССР делегацияси составида Фарбий фронтга борганида Чустий билан биргаликда ёзган. Шеърнинг дастхати, машинка нусхалари сақланмаган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1942 йил 26 апрель сонидида босилган.

«Асарлар-72»нинг II томида чоп этилган.
Томда «Қизил Ўзбекистон» газетаси тексти асосида нашр қилинди.

12 *Фарсах* — Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда қадимдан ишлатиб келинган масофа ўлчов бирлиги. Фарсах — 9—12 минг қадамга ёки 6—8 км (чақирим)га тенг бўлган.

13 *Сайха* — наъра.

17 *Муштарий юлдуз* — Юпитер планетаси.

34 *Боди сарсардек* — кучли шамол каби югурик (от).

ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАН ЕРДА

(31-бет)

Шоир архивида шеърнинг 1942 йил санаси қайд этилган қўлёзмаси сақланади. Дастлаб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1983 йил 6 май сониде босилган.

Қўлёзма асосида чоп этилмоқда.

САЛОМ ВА ТАБРИК

(32-бет)

Шеър 1942 йил 18 мартда ёзилган. Авторнинг шахсий архивида ушбу шеърнинг машинка нусхаси мавжуд. Дастхати сақланмаган.

1942 йилда Ўзбекистондан Ғарбий фронт жангчиларига совға олиб борган делегация составида Ғафур Ғулом ҳам бор эди. Шоир бу шеърни 18 мартда ёзиб, фронт жангчиларига ўқиб берган.

Шеър «Янги шеърлар», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

«Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.

9 *Хамелеон* — тусини ўзгартирувчи махлуқ, буқаламун.

20 *Мурдор* — нопок, ҳаром.

37 *Кремль дурахионлари* — Кремлнинг порлаб турган юлдузлари маъносида.

40 *Хунин* — қонли, бу ўринда қизил маъносида.

43 *Аъзон* — дарҳол, шу онда.

49 *Улуғ айём кунига келдик рўбарў* — ғалаба куни билан юзма-юз келдик демак.

52 *Нишонлаш кунлари берган бу илҳом* — орденлар тақдим этиш кунларидаги тантаналарнинг руҳлантириши.

СОҒИНИШ

(34-бет)

1942 йил 16 майда ёзилган. Дастхати сақланмаган. Машинка нусхалари шоир шахсий архивида сақланади. Илк марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг шу йил 24 май сониде босилган. Сўнгра «Ватан жонбозларига», «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Вақт», «Танланган асарлар-53, 56» (I том), «Ўзбек шеърляти антологияси» (IV том), «Танланган асарлар» (китоб-1), «Ассалом-63», «Асарлар-64» (I том), «Жанговар йиллар қўшиғи», «Асарлар-72» (II том)да нашр этилган. Шунинг-

дек, «Саодат» журналининг 1970 йил 6-сонида босилган.

Томга «Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

4 *Юпитер* — Қуёш системасидаги энг катта, қуёшдан узоқлиги бўйича бешинчи планета. Юпитернинг 13 та йўлдоши бўлиб, энг йирик 4 тасини 1610 йилда Галилей кашф қилган.

7 *Хонаи хурийд* — қуёш уйи.

20 *Музаффар* — зафарли, енгувчи.

39 *Бедил ўқир эдим* — машҳур философ шоир Мирзо Абдулқодир Бедилнинг (1644—1721) шеърларини ўқир эдим деган маънода.

42 *Истак* — тоқ занги ва поялари боғланадиган тол навдаси.

47 *Арғувон, арғавон* — баҳорда очиладиган қизил гулли дарахт.

65 *Сарин* — соф, тоза.

66 *Реза* — майда-майда.

67 *Сабухий* — эрталабки, тонгги.

77 *Мушфиқ* — шафқатли, меҳрибон, марҳаматли.

ХОТИН

(37-бет)

1942 йил 12 июлда ёзилган. Шеърнинг 5 саҳифали дастхати (қораламаси), 2 саҳифали қоралама (парчалар) ва машинка нусхалари шоирнинг шахсий архивида сақланади. Шеър биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1942 йил 29 ноябрь сонида босилган. Кейинчалик «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чирроғлари», «Оналар» (қисқартириб босилган), «Коммунизм сари» тўпламларида, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг 5-сонида (қисқартириб босилган), «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Ленин ва Шарқ», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида, «Саодат» журналининг 1970 йил 6-сонида нашр этилган.

Томга «Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

14 *Мучал, мучал ҳисоби* — 12 та ҳайвоннинг номи билан аталадиган (12 йиллик) даврий йил ҳисоби. Мучал ҳисоби Осиё ва Африка қитъаларидаги кўпгина мамлакат халқлари орасида қадим замонлардан бери мавжуд. Езма манбаларда кўрсатилишича, уни дастлаб Грек-Бақтрия даврида кўчманчи-чорвадор халқлар яратган.

23 *Дубби Акбар* — «Қатта айиқ буржи» юлдузлар системаси.

35 *Зилу бам* — музикада паст-баланд оҳанг.

55 *Доро* — қадим Эрон шоҳи (бизнинг эрамызгача 336—323 йилларда ҳукмронлик қилган).

81 *Бир пақир* — 2 тийинга тенг бўлиб, камситиш, қадрини ерга уриш маъносида ишлатилган.

87 *Истиғно* — тортиниш, нозланиш, эркаланиш маъносида.

БИЗ ЕНГАМИЗ

(40-бет)

Шеър 1942 йил 27 сентябрда Андижон шаҳрида ёзилган. Дастхати сақланмаган. Машинка нусхалари шоир шахсий архивида мавжуд. «Танланган шеърлар», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Асарлар-64»нинг I томида, «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томда «Асарлар-64» матни асосида босилмоқда.

БИЗНИНГ ҚУЧАДА ҲАМ БАЙРАМ БУЛАЖАК

(43-бет)

Шеър 1942 йил 23 ноябрда ёзилган.

Авторнинг шахсий архивида тўртта дастхати ва машинка нусхаси сақланади. Дастхатларнинг иккитаси: бир варақли қоралама (парчалар) ва беш саҳифали қоралама; иккитаси эса, бир варақнинг *а-б* саҳифаларига ёзилган оқлама (парчалар) ва олти саҳифали оқламадир. Оқламада сарлавҳадан сўнг: «Биз ҳужумга ўтдик. Душман Сталинграддан суриб ташланди». Совет Информбюроси — сўзлари ёзилган.

Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1942 йил 25 ноябрь сонидида босилган. Кейинчалик «Ватан жонбозларига», «Янги шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Танланган шеърлар», «Ўзбек поэзиясининг антологияси», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Асарлар-64»нинг I томида, «Жангвор йиллар қўшиғи», «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган. «Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.

2 *Маҳшар ҳаёти* — бу ибора уруш, тўполон кунлари маъносида ишлатилган.

28 *Ҳижронзада* — айрилиқ, ёрдан айрилиб қолганлик ҳолати, фироқ.

32 *Гопак* — украинча рақс номи.

АЛВИДО

(45-бет)

Ушбу шеър 1943 йил 28 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Йўлдош Охунбобоевнинг (1885—1943) вафоти муносабати билан ёзилган.

Шеърнинг иккита дастхати (тўрт ва бир саҳифали) ҳамда машинка нусхаси авторнинг шахсий архивида сақланади. Иккинчи дастхатнинг бошланишида шоирнинг «Афсуски, афсуски қўшиб кўммади» шеърининг уч мисраси ёзилган бўлиб, унинг икки мисраси тўла ва учинчи мисраси устидан чизик тортиб қўйилган. Шундан сўнг «Алвидо» шеърининг 12 мисраси ёзилган. Бу шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1943 йил, 3 март сонидида босилган. Кейинчалик «Танланган шеърлар», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Ўзбек шеърляти антологияси» (IV том), «Танланган асарлар-63», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томга «Асарлар-64» матни асосида киритилди.

2 *Охунбобоев* — Охунбобоев Йўлдош (1885, Фарғона область, Марғилон район Жойбозор қишлоғи — 1943, Тошкент) — Совет давлат арбоби. Қамбағал аравасоз оиласида туғилган. 1921 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1916 йилги Марғилон халқ қўзғолонининг иштирокчиси. ЎзКП(б) I съезди (1925)да Ўзбекистон КП МК бюроси аъзоси, 1925 йил 13 февралда Бухорода бўлиб ўтган ЎзССР Советларининг биринчи Таъсис қурултойида ЎзССР МИК раислигига сайланди. Шу йили ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ижроия комиссияси составига, Бутуниттифоқ Советларининг III съездида МИК аъзолигига, сўнгра СССР МИК Президи

диуми аъзолигига сайланди. 1938 йилдан СССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари ҳамда ЎзССР Олий Совети Президиуми раиси.

3 *Маҳзун* — ғамгин, қайғули.

8 *Хусуф* — тутилиш, ботиш.

34 *Муҳаққақ* — ҳақиқатан, чиндан демак.

37 *Раиси жумхур* — президент демак бўлиб, Марказий Ижроия Комитети Раиси — Олий Совет Президиуми Раиси ўрнида ишлатилган.

62 *Маҳобат* — савлатли, юксак.

ҚАСАМ

(47-бет)

1944 йил 1 мартда ёзилган ушбу шеърда 1944 йилда ўтказилган Ўзбекистон пахтакорларининг қурултойида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қабул қилинган социалистик мажбурият ҳақида гап кетади.

Авторнинг шахсий архивида шеърнинг иккита дастхати (икки ва бир саҳифали) қораламаси ва машинка нусхаси сақланади.

Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1944 йил 5 март сониде босилган. Сўнгра «Қасам», «Танланган асарлар-56» (I том), «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томга «Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

25 *Қасамёд йил* — 1944 йили Ўзбекистон пахтакорлари қурултойида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун олинган социалистик мажбурият кўзда тутилади.

ЯШНА, ОЗОД ЎЗБЕКИСТОН

(43-бет)

Шеър 1944 йилда Ҳамид Олимжон билан биргаликда ёзилган. Шеърнинг дастхати сақланмаган. Машинка нусхаси «Ўзбекистон мадҳи» сарлавҳаси билан шоир шахсий архивида сақланади. Ушбу шеър «Тошкент оқшоми» газетасининг 1970 йил, 10 август ва «Шарқ юлдузи» журналининг шу йил 7-сониде босилган. Шунингдек, «Яшна, озод Ўзбекистон» сарлавҳаси билан Ҳамид Олимжон «Мукаммал асарлар тўплами» (Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1979, 300-бет) I томида нашр этилган. (Яна бу ҳақда қаранг: С. Мамажонов, Шоир дунёси, Тошкент, 1974, 218-бет).

Томда Ҳамид Олимжон «Мукаммал асарлар тўплами» I томи матни асосида нашр этилмоқда.

ЯНГИ ЙИЛ ҚУШИҚЛАРИ

(49-бет)

Ушбу рубоийлар 1945 йилда Уйғун, Собир Абдулла, Миртемир билан ҳамкорликда ёзилган.

Шоир шахсий архивида бир қатор дастхати сақланади.

«Янги йил қўшиқлари» деб сарлавҳа қўйиб ёзилган тўрт саҳифали дастхат улар ичиде мукаммалидир. Бошқа икки саҳифали дастхатга «Янги йил» сарлавҳаси қўйилган. Қолганлари сарлавҳасиз ёзилган (тўрт, уч, икки саҳифали) бўлиб дастхатнинг вариантларидир. Шунингдек, айрим ўзгаришлар билан босилган машинка нусхалари ҳам мавжуд.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 1 январь сонида босилган. Кейинчалик «Шарқ Юлдузи» журналининг 1968 йил 1-сонида, «Асарлар-72»нинг II томида улардан айрим намуналар эълон қилинган.

Газета матни асосида чоп этилмоқда.

ГОЛИБЛАР

(52-бет)

Шеър 1945 йилда Ўзбекистон пахтакорларининг иккинчи қурултойи вакилларига бағишлаб ёзилган. Дастхати сақланмаган. Илк дафъа «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил, 20 январь сонида босилган. Кейинчалик «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-56» (I том), «Танланган асарлар-63», «Асарлар-64»нинг I томи, «Асарлар-72»нинг II томида чоп этилган.

Томда «Асарлар-64»матни асос қилиб олинди.

16 *Муаззам* — улуғ, катта.

32 *Санамораста* — хилланган, ажойиб.

46 *Қопудор* — дарвозабон, посбон.

60 *Қантар оғиш* — қиш яримлаб, ярмидан ўтиши.

65 *Фатҳ бўлмоқ* — забт этилмоқ, қўлга киритилмоқ.

ГОЛИБЛАР БАЙРАМИ

(54-бет)

Шеър 1945 йил 5 ноябрда ёзилган. Беш саҳифали дастхати ва бир саҳифали дастхати қораламаси (парчалар) ҳамда машинка нусхаси авторнинг шахсий архивида сақланади.

Шоир дастхати қораламасида «Иш дегани нима дегани» деб сарлавҳа қўйилган. Шеър биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 7 ноябрь сонида босилган. Сўнг «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1968 йил 9 май, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1970 йил 28 апрель сонларида ҳам босилган.

«Асарлар-64» матни асосида томга киритилди.

6 *Уфқ меҳроби* — бу ерда уфқ (горизонт)нинг ўртаси маъносид.

7 *Зухро* — Венера планетаси.

9 *Шабчироғ* — тун чироғи, кечани ёритувчи.

12 *Қасирға* — кучли довул, циклон (қуйин).

17 *Тамуғ* — дўзах маъносид.

21 *Шайтанат тахти* — алдамчилик тахти.

41 *Барпо турғизмоқ* — оёққа турғизмоқ.

АФСУСКИ, АФСУСНИ ҚУШИБ КЎММАДИ...

(56-бет)

Шеър 1945 йилда шоир Ҳамид Олимжон (1909—1944) вафотининг бир йиллиги муносабати билан ёзилган. Шоирнинг шахсий архивида шеърнинг тўртинчи қаторига кўп нуқта қўйилган машинка нусхаси мавжуд. Дастхати сақланмаган.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 2-сонида босилган. «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Ушбу томга машинка нусха тексти асос қилиб олинди.

3 *Тажалло* — бу ўринда нур сочмоқ маъносида.

- 21 *Ҳамид* — Ҳамид Олимжон (1909—1944) атоқли ўзбек совет шоири, адабиётшуноси ва йирик жамоат арбоби. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1943).
- 23 *Шайх* — Шайхзода Мақсуд (1908—1967) — атоқли ўзбек совет ёзувчиси, шоир, драматург, олим ва педагог. ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964).
- 23 *Ўйгун* (Отақўзиев Раҳматулла) — 1905 йилда туғилган, атоқли ўзбек совет шоири, драматурги. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1956). Ўзбекистон ССР халқ шоири (1965). Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати (1967), Ўзбекистон ССР ФА мухбир аъзоси (1974).

КУЗ ҚЕЛДИ

(57-бет)

Шеър 1945 йил 12 сентябрда ёзилган. Авторнинг шахсий архивида иккита дастхати (тўрт саҳифали-оқлама ва беш саҳифали — қоралама) ва машинка нусхаси мавжуд.

Шоир дастхати қораламасида ушбу шеър «Илк куз» деб номланган. Бир байт шеър эпиграф қилиб келтирилган:

«Бу боғ ҳуснига гарчанд хазондан офат вор,

Инкотдарак эди оқибат ясиним баҳор».

Байт тагига Фузулий деб ёзилган.

Шеър илк дафъа «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 16 сентябрь сонида босилган. Сўнгра «Пахтазор қўшиқлари», «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чирроғлари», «Ўзбек поэзиясининг антологияси», «Ўзбек элининг ғурури», «Танланган асарлар-53—57» (II том), «Ленин ва Шарқ», «Ўзбек шеърляти антологияси» (IV том), «Танланган асарлар-63», «Танланган асарлар» (китоб-1) — «Ассалом-63», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томга «Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

10 *Сунбула суви* — куз ойларидаги тиниқ оқар сув.

14 *Куркунак* — кўк қарғалар туркумига мансуб қушларнинг бир оиласи.

23 *Атан* — узум осиб қўядиган узун новдалар.

26 *Қирқуяк ёмғири* — кузнинг биринчи ёмғири демек.

39 *Қовға* — қудуқдан сув тортиладиган чарм идиш.

ВАҚТ

(60-бет)

Шеър 1945 йил 19 сентябрда ёзилган. Шоирнинг шахсий архивида шеърнинг иккита дастхати (беш саҳифали оқлама, уч саҳифали қоралама) ва машинка нусхаси мавжуд. Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 21 сентябрь, «Шарқ юлдузи» журналининг 1946 йил 3-сонида босилган. Шунингдек, «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чирроғлари», «Ўзбек поэзиясининг антологияси», «Вақт», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Ўзбек шеърляти антологияси» (IV том), «Танланган асарлар-63», «Танланган асарлар» (китоб-1) — «Асса-

лом-63», «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1963 йил 11 май сониди, «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1973 йил 18 май, «Шарқ юлдузи» журналининг 1973 йил I-сониди ҳам босилган.

Томга «Асарлар-64» матни асосида киритилди.

27 *Мукаррам* — ҳурматли, азиз.

52 *Герострат* — дунёда ном қолдириш учун милоддан илгари 356 йилда жаҳоннинг етти мўъжизаларидан бири ҳисобланган Эфесдаги Артемида-Диананинг ажойиб ибодатхонасини ёндирган. Бу ном ҳар йўл билан шуҳрат қозонишни истаган тентак маъносида ишлатилади.

АВВАЛ УҚИ

(62-бет)

1945 йил 20 октябрда ёзилган. Шоир шахсий архивида машинка нусхаси мавжуд. Дастхати сақланмаган.

«Еш ленинчи» газетасининг 1945 йил 5 декабрь сониди босилган. «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чирроғлари», «Комсомол», «Бари сеники», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Танланган асарлар» (китоб-1) — «Ассалом-63», «Асарлар-65»нинг III томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

«Асарлар-65» матни асосида босилмоқда.

«Қамишдай бел боғлаб» сўзлари билан бошланадиган мисра машинка нусха ва «Асарлар-72»га биноан «Қамишдан бел боғлаб» қилиб берилди.

ЧИН АРАФА

(64-бет)

Шеър 1945 йилда ёзилган. Авторнинг шахсий архивида учта дастхати (бир варақли қоралама, парча; икки варақли «Ўлмаслик керак экан» номли шеър (6 мисра)дан кейин ёзилган яна қоралама, парча; уч саҳифали оқлама) ва машинка нусхаси мавжуд. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 3 ноябрь сониди босилган. Кейинчалик «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чирроғлари», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II томи), «Танланган асарлар-63», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

Томда «Асарлар-64»матни асосида чоп этилмоқда.

15 *Арғанун* — музика асбоби (орган).

38 *Аҳмаджон ота Умурзоқов* (1888—1960) — машҳур қўшнаичи санъаткор.

40 *Фоилоган фаалан, фоилоган фаалан* — бу сўзлар аруз вазни ўлчовини билдиради. Шоир бу ерда ногора товушини кўзда тутди.

ҚОЗОҚ ЭЛИНИНГ УЛУҒ ТУИИ

(66-бет)

Шеър 1945 йил 16 ноябрда Қозоғистон Совет Социалистик Республикасининг 25 йиллиги юбилейи муносабати билан қардош қозоқ халқини табриклаб ёзилган. Шоирнинг ўзи ҳам бу тантанادا Ўзбекистон ССР ҳукумат делегацияси составида қатнашган.

Шеърнинг дастхати ва машинка нухалари шоир шахсий архивида сақланади. Айрим сўзларга шоирнинг изоҳлари мавжуд.

Шеър «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 16 ноябрь сониди босилган. «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Ўқинг дўстлар» тўпламларида, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1960 йил 6 ноябрь сониди, «Ўзбек шеърини антологияси» (IV том), «Танланган асарлар-63», «Танланган асарлар» (китоб-1), «Ассалом-63», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган. Яна «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1970 йил 28 август сониди ҳам босилган.

Томда «Асарлар-64»матни асос қилиб олинди.

14 *Дебоча* — бошлангич.

32 *Кулаш* — Бойсеитова Кулаш (асл исми Гулбаҳром) (1912—1957)—1936 йилдан СССР халқ артисти. Қозоғистон опера санъатининг асосчиларидан бири. Қозоқ операларида ёрқин музикали саҳна образларини яратди. «Қизибек», «Эр Торғин», «Биржон ва Сора» операларида бош партияларни ижро этди. 1949 йилда Бойсеитова Кулаш СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

33 *Омонгелди Имонов* (1873—1919) — қозоқ халқ қаҳрамони. Қозоғистонда 1910 йилги миллий озодлик қўзғолонининг йўлбошчиси ва 1917—1919 йилларда Совет ҳокимияти учун курашнинг актив иштирокчиси.

36 *Жамбул Жабаев* (1846—1945) — машҳур қозоқ халқ оқини. СССР Давлат мукофоти лауреати (1941).

14 ёшидан ўлан айта бошлаган. 1881 йилда Қозоғистоннинг энг йирик оқинлари билан (Қулмағамбет, Сарбас, Досмағамбет, Шошувбой) айтишувда голиб келган.

Жамбулнинг «Большевиклар съезидига», «Ҳаёт ҳақида қўшиқ», «Х съездга», «Олатов», «Совет Иттифоқи» каби асарлари машҳурдир. Улуғ Ватан уруши йилларида Жамбул ўз асарлари билан совет халқларини фашист босқинчиларига қарши курашга руҳлантиради, қаҳрамонлик ва мардликни куйлайди («Москлага», «Ленинградлик фарзандларим», «Ўғлимга хат», «Ўғлимнинг ўлими»). Умрининг сўнги йилларида яратган «Менинг умрим» поэмасида қозоқ халқининг ўтмишдаги оғир ҳаёти ва бугунги озод, фаровон турмушини бадий тасвирлаб берди. Машҳур оқин асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

54 *Олтой* — Осиёдаги бўлак-бўлак тизмалардан иборат тоғ.

67 *Қарағанда* — шаҳар. ҚозССР Қарағанда область маркази. Шаҳар Қарағанда кўмир ҳавзасининг марказида шахтёрлар посёлкаси сифатида вужудга келган.

68 *Менделеев жадвали* — машҳур рус олими Д. И. Менделеев (1834—1907) тузган кимёвий элементлар жадвали.

92 *Муқанов* — Собит Муқонович (1900—1973) — атоқли қозоқ ёзувчиси ва жамоат арбоби. ҚозССР ФА академиги (1954). Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Зулфия асарларидан намуналарни қозоқ тилига ағдарган. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

АҚЛ ВА ҚАЛАМ

(69-бет)

1945 йил 4 декабрда ёзилган ушбу шеърнинг дастхати ва машинка нухаси автор шахсий архивида мавжуд. Шеър «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 5 декабрь сониди, «Бизнинг

овоз», «Янги шеърлар», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Танланган асарлар» (китоб-1), «Ассалом-63», «Ўзбек шеърляри антологияси» (IV том), «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида чоп этилган. Яна «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1968 йил 9 май, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 14 май сонидида босилган.

«Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

7 *Геракл* — Геркулес — қадим грек мифологиясида жуда зўр паҳлавон деб танилган киши.

11 *Қонуни асос* — СССР Конституцияси.

ПИГИТЛАРГА

(70-бет)

1946 йил 20 февралда ёзилган. Машина нусхаси шоир архивида мавжуд. Дастхати сақланмаган.

Шеър «Қизил Ўзбекистон» ва «Коммуна» газетасининг 1946 йил 23 февраль, «Шарқ юлдузи» журналининг шу йил 1—2-сонларида босилган. Шунингдек, «Янги шеърлар», «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироглари», «Ўзбек поэзиясининг антологияси», «Вақт», «Қомсомо.л», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Танланган асарлар-63» «Ўқинг дўстлар», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томга «Асарлар-64»матни асос қилиб олинди.

17 *Муаттар* — гўзал ҳидли, хушбўй ҳидлар тарқатиб турувчи, хуш ис.

21 *Зот, нафар* — офицер ва аскар.

ҚУЧАГ

(71-бет)

1946 йилда ёзилган. Шоир шахсий архивида шеърнинг дастхатидан парча сақланади. Бу дастхат 4 мисрадан иборат бўлиб, шеърнинг охириги тўртлигидир. Шунингдек, яна шоирнинг 1945 йил 19 сентябрда ёзган «Вақт» номи шеърининг машина нусхасининг орқасига ушбу шеърдан қора қаламда парча ёзилган бўлиб, бу ҳам авторнинг дастхати (қоралама)дир. Бу парчанинг аввали 4 мисра бўлиб, шеърнинг биринчи тўртлиги, лекин учинчи мисранинг «сен ҳам жига тақ» қисми ёзилмаган. Кейинги тўртликнинг 1—3—4 мисраларининг биринчи сўзларигина ёзилган холос. Шундан учинчи мисра — Кўкламдай мусаффо ўрнига — Баҳордай муаттар деб ёзилган.

Шеър «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил 8 апрель, «Шарқ юлдузи» журналининг шу йил 3-сонидида босилган. «Танланган асарлар-57» (II том), «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томда «Асарлар-64»матни асосида нашр этилмоқда.

2 *Тўқсон* — уч ой киши.

2 *Нўврўзи олам* — оламнинг янги куни — баҳор кириши, илк баҳор.

4 *Жига* — салла ёки бўрк, тож устига ўрнатиладиган безак, тақинчоқ.

9 *Уду анбар* — хушбўйлик тарқатувчи моддалар.

16 *Шамшоду арғувон хиёбонлар* — тик, барваста ўсган даврахтли ва гулзор хиёбон (бульвар, аллея).

МАИ

(72-бет)

1946 йилда ёзилган ушбу шеърнинг дастхати (қораламаси) шоир шахсий архивида сақланмоқда.

Шеър «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил I Май, «Шарқ юлдузи» журналининг шу йил 4—5-сонларида босилган ва «Танланган асарлар-57» (II том), «Танланган асарлар-63», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

«Асарлар-64» (I том) матни том учун асос қилиб олинди.

27 *Бадиъа сатр* — бадийий маҳорат билан ишланган сатр.

ЎЗБЕКИСТОН ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАРИ МАРШИ

(73-бет)

Ушбу шеър 1946 йил 11 июнда ёзилган. Бир саҳифали дастхати мавжуд. «Ёш ленинчи» газетасининг 1973 йил 18 май сонида биринчи марта эълон қилинган. «Асарлар-78»нинг X томида нашр этилган (Бунда шеърнинг ёзилиш санаси 11 май, 1946 йил деб кўрсатилган).

Томга автор дастхати асосида киритилди.

УҚИ

(74-бет)

Шеър 1946 йил 29 августда ёзилган. Дастхати сақланмаган. Автор архивида машинка нусхаси мавжуд. Шеър тагига гунафша сиеҳ билан қўлда қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган: «29.8.46. Тошкент, «Ленин учқуни» редакциясида».

«Ленин учқуни» газетасининг 1946 йил 1 сентябрь сонида биринчи марта босилган. Кейинчалик «Ассалом», «Тонготар қўшиғи», «Бари сеники», «Танланган асарлар-53»да нашр қилинган.

Томга «Танланган асарлар-53» нашри асос қилиб олинди.

ҲУКМ

(75-бет)

Шеър 1946 йил 4 октябрда Халқаро ҳарбий трибунал фашистлар Германиясининг бош ҳарбий жиноятчилари устидан ҳукм чиқарган кезларда шоир Ҳамид Фулом билан биргаликда ёзилган. Автор шахсий архивида шеърнинг қўлёзмаси мавжуд. Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил 8 октябрь сонида босилган. Сўнг «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томга «Асарлар-78»нинг X томи асосида киритилди.

13 *Зоя* — Космодемьянская Зоя Анатольевна (Таня) (1923—1941) — совет партизани. Хизматчи оиласида туғилган. 1938 йилдан ВЛКСМ аъзоси. 1941 йил октябрда 10-синфда ўқинётганида кўнгилли бўлиб, партизанлар отрядига жўнаб кетади. 1941 йил ноябрнинг охирида Петришчево қишлоғида жанговар топшириқни бажаришда фашистлар томонидан қўлга олинади ва 1941 йил 29 ноябрда қатл этилади. Космодемьянскаяга 1942 йили Совет Иттифоқи Қахрамони унвони берилди. Космодемьянская хотирасига совет шоирла-

ри, ёзувчилари, драматурглари, рассомлари, ҳайкалтарошларининг кўпгина асарлари бағишланган.

- 27 *Майданек* — гитлерчиларнинг кишиларни кўплаб қириш учун қурган лагерларидан бири. 1941 йил кузда Польшанинг Люблин шаҳри яқинида барпо қилинган марказий лагерь ҳисобланган.

БАХТ ТОНГОТАРИ

(77-бет)

1946 йил 7 ноябрда ёзилган. Автор шахсий архивида дастхати (қораламаси) ва машинка нусхалари мавжуд.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил 7 ноябрь сонида босилган. Шунингдек, «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чиролари», «Ўзбек элининг ғурури», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (I том), «Танланган асарлар-63», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томга «Асарлар-64» (I том) матни асос қилиб олинди.

4 *Қўнолга* — қуш қўнадиган ёғоч.

8 *Фарҳод ГЭС* — Ўзбекистонда Сирдарёга қурилган катта гидроэлектростанция. Бу 1943 йил 10 февралда бошланиб, 1948 йилда битказилган.

39 *Шакархон Мўминова* — Фарғона област Қува районидagi Карл Маркс номли колхоз аъзоси, машҳур теримчи.

46 *Уста Канаш* — Канаш Сергей Степанович (1896 — Тошкент) — селекционер. ЎзССР (1944) ва ТожССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1946). В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг (1948) ва ЎзССР ФАнинг ҳақиқий аъзоси (1952). СССР Давлат мукофоти лауреати (1941).

62 *Уста Ширин Муродов* — (1879—1957) — ўзбек халқ меймори, ганч ўймаkori. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). ЎзССР ФА фахрий аъзоси (1943 йилдан). Алишер Навоий номидаги театрининг Бухоро залини беагани учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди (1948).

64 *Нажмиддин* — Нажмиддинов Турсун Хўжаевич (1901—1972) проф. (1944), медицина фанлари доктори (1948), Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1944).

65 *Слоним Моисей Ильич* (1875—1945) — терапевт, медицина фанлари доктори (1906), проф. (1922). Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1934).

67 *Шостакович* — Шостакович Дмитрий Дмитриевич (1906—1975) — совет композитори, педагог, жамоат арбоби, СССР халқ артисти (1954). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). Санъатшунослик доктори (1965).

83 *Тунқотар* — ботир, қаҳрамон маъноларида ишлатилган (асли: тунги посбон, қоровул, соқчи маъносда).

ТОШКЕНТ

(80-бет)

Шеър 1946 йил 10 ноябрда ёзилган. Шеърнинг иккита икки саҳифали оқлама, уч саҳифали қоралама (парчалар) ва машинка нусхаси автор шахсий архивида мавжуд. Шоир дастхати (оқлама-

«си)да «Тонготар, соат 6, 10 ноябрь» ёзуви бор. Нашрларда эса, шеър 12 ноябрда ёзилган, деб қайд этилган.

Шеър «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил 17 ноябрь сонида босилган. «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Ленин ва Шарқ», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

Том учун «Асарлар-64» матни асос қилиб олинган.

11 *Суворов мактаби* — машҳур саркарда, генералиссимус (1789)

Александр Васильевич Суворовнинг (1729—1800) помини абадийлаштириш мақсадида 1943 йил 21 августда СССР ХКС ва ВКП(б) МК қарори билан Суворовчилар ҳарбий билим юрти ташкил этилган. Бу ўринда шу ўқув юрти назарда тутилган.

18 *Кутузов Михаил Илларионович* (1745—1813) — машҳур саркарда, генерал-фельдмаршал.

19 *Хадра* — Тошкентда трамвай, троллейбус ва автобуслар ҳалқаси бўлган майдон; ҳозир Комсомол майдони деб аталди.

31 *Ханпа* — аслида дон-ғалла солинадиган омбор. Бу ерда хамир қорадиган катта идиш маъносида ишлатилган.

60 *Попов Владимир Иванович* (1907) — совет геологи, ЎзССР ФА академиги (1968), геология-минералогия фанлари доктори (1939), проф. (1940), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1957).

76 *Олмос* (1938 й. тугилган) — шоирнинг қизи, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

94 *Румо* — Рим империясининг ўтмишда Шарқ, жумладан, Урта Осиёда кенг тарқалган номи.

ОЛТИН МЕДАЛЬ

(83-бет)

1946 йил 18 ноябрда ёзилган. Шоир шахсий архивида уч саҳифали дастхати (қораламаси) сақланади. Қоралама ҳошиясида «18/XI 46, соат 24» ёзуви бор. Шеър дастлаб «Ёш ленинчи» газетасининг 1946 йил 21 ноябрь сонида босилган. Кейинчалик «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Комсомол», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Ленин учқуни» газетасининг 1953 йил 24 май сонида (парча), «Танланган асарлар» (китоб-1) — «Ассалом-63», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

Ушбу томда «Асарлар-64» асос қилиб олинди.

11 *Илик* — қўл.

31 *Мумтоз* — ажралиб турган, алоҳида.

ТУПЧИ ЙИГИТЛАРГА

(85-бет)

Шеър 1946 йил 21 ноябрда ёзилган. Шоир шахсий архивида дастхати қораламаси ва машинка нусхаси мавжуд. Шеърнинг дастхати қораламасида шеърнинг ёзилиш санаси 21/XI—46, машинка нусхада эса. 1941 йил 21 ноябрь.

Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил 24 ноябрь сонида босилган. Кейинчалик «Танланган шеърлар», «Ўз-

бекистон чироғлари», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Асарлар-64»нинг I томи, «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

«Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.

31 *Қурч* — бронза.

ЎЗБЕК ЭЛИНИНГ ҒУРУРИ

(87-бет)

Шеър 1946 йил 26 ноябрда ёзилган. Тўққиз саҳифали дастхати (оқламаси) ва машинка нусхаси автор шахсий архивда сақланади. Шоир дастхатида сарлавҳадан кейин қуйидаги сўзлар ёзилган: «Ўзбекистон 1946 йил давлатга пахта етиштириш планини бажарди». Шеър шу муносабат билан ёзилган бўлиб, биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил 3 декабрь сонида босилган. Кейинчалик «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Ўзбек элининг ғурури», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Танланган асарлар-63», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

Томга «Асарлар-64» матни асосида киритилди.

15 *Сўйрироқ* — ўткирроқ.

59 *Турсунқулов Ҳамроқул (1892—1965)* — Ўзбекистонда колхоз ишлаб чиқариши ташкилотчиларидан бири. Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1948, 1951, 1957). 1935 йилдан Тошкент обл. Янгийўл районидаги «Бирлик» («Шарқ юлдузи» ҳозирги Ҳ. Турсунқулов номидаги) колхоз раиси.

112 *Байтиқўрғон* — Тошкент яқинидаги қишлоқ.

113 *Нохун (Нохин)* — танбур чертиш учун ишлатиладиган маҳсус металл мослама.

119 *Танда* — газламадаги бўйлама ёки тўқув дастгоҳидаги параллель иплар системаси. Маҳсус катта ғалтак — навоёга ўралган бўлади, навоё тўқув дастгоҳининг орқасига ўрнатилади. Танда пахта, ипак, зигир, жун толалари, сунъий толалар, баъзан, бир неча хил толалар аралашмаси, масалан, жун ва пахта толаларидан тайёрланади.

ҚОР

(91-бет)

Ушбу шеър 1946 йилнинг 28 декабрида ёзилиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг шу йил 29 декабрь сонида босилган. Автор архивда 3 саҳифадан иборат дастхати (оқламаси) ва машинка нусхаси сақланади.

Шеър «Танланган асарлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Танланган асарлар-63», «Танланган асарлар» (китоб-1) — «Ассалом-63», «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

Томга «Асарлар-64» матни асосида босилмоқда.

БИРИНЧИ ШЕЪР

(93-бет)

Шеър 1946 йил 30 декабрда ёзилган. Автор архивда шеърнинг тўққиз саҳифали дастхати (оқламаси) ва машинка нусхаси сақла-

нади. Янги йилга атаб ёзилган ушбу шеър «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1947 йил 1 январь сонидида босилган. Шунингдек, «Танланган шеърлар», «Ўзбекистон чироғлари», «Вақт», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57» (II том), «Асарлар-64»нинг I томида ва «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

«Асарлар-64» матни асосида ушбу томга киритилди.

63 *Беҳзод* — XV аср рассоми.

64 *Гулоб* — атиргул суви, атиргул баргини қайнатиб, буғлатиб олинадиган хушбўй сув.

65 *Эҳром* — уч минг йиллар илгари Мисрда ўтган фиръавн (подшо)ларнинг қабри устига қурилган безакли бино.

67 *Арасту* (Аристотель, мил. гача 384—322 йиллар) — юнон фалсафаси ва фани тараққиётида янги давр яратган буюк мутафаккир.

83 *Шарора* — учқун, аланга, товланш, ярқираш.

88 *Қуллёт* — катта тўплам.

90 *Оқсарой* — 1336—1405 йилларда Шаҳрсабзда қурилган сарой.

ЯНГИ ЙИЛ ҚУШИҒИ

(97-бет)

Шеър 1946 йил 31 декабрда ёзилган. Автор шахсий архивида бир саҳифали қўлёзма ва машинка нусхаси мавжуд. Қўлёзма қора қаламда бир варақнинг а—б саҳифаларига ёзилган.

Шеър «Ленин учқуни» газетасининг 1947 йил 1 январь сонидида босилган. Сўнг «Тонготар қўшиғи», «Бари сеники», «Танланган асарлар-53», «Танланган асарлар-57», (II том) «Асарлар-65»нинг III томида чоп этилган.

Томда «Асарлар-65» матни асос қилиб олинди.

АВЛОДЛАР

(99-бет)

Икки саҳифадан иборат икки нусха машинка кўчирмаси шоир архивида сақланади. Иккинчи машинка нусханинг охирида «12.1.47» санаси қайд этилган бўлса-да, устидан кўк сиёҳда чизиб қўйилган.

Шеър дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (17.I.1947) эълон қилинган, кейинча «Қизил галстук», «Бизнинг овоз», «Бир гунча очилгунча», «Ёшлик байрами», «Сиз менинг ёшлигимсиз», «Танланган асарлар-57» тўпламларига, шунингдек, «Асарлар-73»нинг IV томига киритилган.

«Танланган асарлар-57» матни асосида чоп этилмоқда.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН

(100-бет)

Гунафша сиёҳ, араб ёзувида уч саҳифадан иборат шоир дастхати (қораламаси), икки саҳифали машинка нусха (II)си шоир архивида сақланади. Қўлёзманинг сарлавҳаси остида 17.I.47 санаси қайд этилган.

Шеър Фафур Фуломнинг алоҳида тўпламлари ва кўп томликларда босилган.

Асарлар-65 нинг II томи асосида чоп этилмоқда.

17 *Мисрий* (Абу Комил Шужоъ ибн Аслом ибн Муҳаммад ал-Хосиб ал-Мисрий, тахм. 850—950) — мисрлик математик. Хо-

размийдан кейин алгебрага катта ҳисса қўшган олимлардан бири.

КОМСОМОЛ

(101-бет)

Архивда етти саҳифалик иш қоғозига гунафша сиёҳда ёзилган шоир дастхати (оқламаси) ва беш саҳифали машинка нусхаси сақланади. Шеър Ўзбекистон комсомолининг XV қурултойига бағишланган. Қўлёзманнинг охирида «26.1.47» саналари қайд этилган.

Шеър дастлаб «Еш ленинчи» газетасида (30.I.1947) эълон қилинган. Кейинча «Шоирлар сайловга», «Комсомол», «Ганланган асарлар-57», «Асарлар-64»нинг I томига, «Асарлар-72»нинг II томига киритилган.

«Асарлар-64»матни асосида чоп этилмоқда.

23 *Мичурин Иван Владимирович* (1855—1935) — совет биологи ва селекционер, 300 дан ортиқ резавор-мевали ўсимликлар ихтирочиси, СССР ФАнинг фахрий аъзоси (1935), ВАСХНИЛ академиги (1935).

23 *Алишер Навоий* (1441—1501) — улуг ўзбек шоири ва мутафаккири (маълумот учун ушбу нашрнинг I томига қаранг).

74 *Гомер* — қадимги Юнонистоннинг афсонавий шоири. «Илиада» ва «Одиссея» эпик дostonлари Гомер номи билан боғланади.

74 *Гейне Генрих* (1797—1956) — улуг немис революцион шоири.

76 *Штраус Рихард* (1864—1949) — немис композитори ва дирижёр.

103 *Теодор Драйзер* (1871—1945) — Америка прогрессив ёзувчиси.

СИЗНИНГ ҲАДЯНГИЗ

(104-бет)

Гунафша сиёҳда кўчирилган икки саҳифали шоир дастхати (оқламаси), архивда сақланади. Бир саҳифали машинка нусхаси ҳам мавжуд. Ҳар икки нусха охирида «30.I.1947. Самарқанд» санаси ва ёзуви ҳамда «шоир Ҳамид Фуломда сақланаётган қўлёзмадан кўчириб олинди» деган изоҳи бор.

«Асарлар-72»нинг II томида чоп этилган.

Шоир дастхати асосида нашр этилмоқда.

12 *Царицин* — Волгоград шаҳрининг 1925 йилгача номи.

13 *Берданка* — бир ўқли оддий милтиқ.

ТОНГОТАР ҚУШИҒИ

(105-бет)

Шоир архивида қора қаламда бир саҳифанинг ҳар икки томига ёзилган дастхати (қоралама) сақланади.

Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (7.III.1947) эълон қилинган. «Қизил галстук», «Тонготар қўшиқлари», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига, «Асарлар-73»нинг IV томига киритилган.

«Танланган асарлар-57» тўплами матни асосида чоп этилмоқда.

МОСКВА

(106-бет)

Уч саҳифали (20×29) гунафша сиёҳда ёзилган шоир дастхати (оқламаси) сақланади.

Икки саҳифали (20×30) машинка нусхаси ҳам мавжуд.

«Танланган» асарлар-47, 49» тўпламларига киритилган.

«Асарлар»-72 (II том) асосида босилмоқда.

5 *Ҳофиз Шерозий* (асл номи Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад 1325—1389) — форс-тожик шоири.

Ғазал гуфтию дур суфти биёу хўш бихон Ҳофиз,

Ба назми ту биашфонат фалак иқди сурайёро.

(Ҳофиз сен ғазал айтиб, дур сочинг, энди ўзинг яхшилаб ўқиб бер.

Сенинг назмларингга кўк юксак юлдузлардан маржонлар сочмоқда.— *Шоир таржимаси*).

«МОСКВИЧ»

(108-бет)

«Қизил Ўзбекистон» газета редакцияси иш қоғозининг (1947) икки саҳифасига (20×29) босилган машинка нусхаси мавжуд.

Шеър дастлаб «Асарлар-49» тўпламида эълон қилинган. «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига, «Асарлар-65»нинг I томига киритилган.

«Асарлар-65» нашри асосида босилмоқда.

БИЗНИНГ БОҚҚА КЕЛИНГЛАР

(109-бет)

Архивда шеърнинг шоир дастхати (қораламаси) мавжуд. Охирида «8.IV.47» санаси қайд этилган. Бир саҳифали машинка нусхаси ҳам сақланган бўлиб, сарлавҳа остида «Ғалаба кунининг қўшиғи» ва охирида «1947 йил, 8 май» санаси ёзилган.

Илк бор «Ленин учқуни» газетаси (9. V. 1947) да босилган. «Тонготар қўшиқлари», «Бир ғунча очилгунча», «Сиз менинг ёшлигимсиз», «Танланган асарлар-57» тўпламларига, «Асарлар-75»нинг IV томига киритилган.

«Танланган асарлар-57» матни бўйича босилмоқда.

ЕТТИ ЮЗ УТТИЗ ҚУН

(110-бет)

Шоир архивида уч саҳифали машинка нусхаси сақланади. Охирида «1947 йил, 8 май, Тошкент» санаси қайд этилган.

Илк бор «Қизил Ўзбекистон» газетасида (9.V.1947) эълон қилинган. «Танланган асарлар-47, 53, 57», «Ассалом» тўпламларига, «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томига киритилган.

«Асарлар-64»матни асосида нашр этилмоқда.

40 *Уқлар давлати* — 1936 йили Германия ва Италия фашист давлатлари «Берлин — Рим ўқи» деган ҳарбий-сиёсий агресив иттифоқ тузганлар. Бунга Япония қўшилган.

БИРИНЧИ ДАРС

(112-бет).

Шеърнинг тўрт саҳифали шоир дастхати (қораламаси) сақланади. Охирида «30.VIII.47, Тошкент» ёзуви қайд этилган.

Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (I.IX.1947) эълон қилинган. «Тоңготар қўшиқлари», «Бизнинг овоз», «Танланган асарлар-57» тўпламлари, «Асарлар-73»нинг IV томига киритилган.

«Танланган асарлар-57» матни асосида босилмоқда.

19 *Чимёнсой* — Тошкент область Бўстонлиқ районидаги сой. Маълумот учун ушбу нашрнинг I томига қаранг.

БИЗНИНГ ҚИЗЛАР

(114-бет)

Шоир архивида шеърнинг икки саҳифалик дастхати (оқламаси) сақланади.

Дастлаб «Еш ленинчи» газетасида (18.V.1973) эълон қилинган. Газета нашри асосида босилмоқда.

МОСКВАМИЗ

(115-бет)

Архивда олти саҳифага ёзилган шоир дастхати (қораламаси) ва уч саҳифадан иборат машинка нусхаси мавжуд. Оқлама охирида «Тошкент, 5 сентябрь» санаси қайд этилган.

Дастлаб «Шарқ юлдузи» журналида (1947, № 9) эълон қилинган. «Еш ленинчи» (7.IX.1947 ва 4.IV.1967), «Тошкент оқшоми» газеталарида (3.IV.1967) ҳам босилган. «Ешлик саҳнаси», «Ассалом», «Комсомол» «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига, «Асарлар-64»нинг I томига ва «Асарлар-72»нинг II томига киритилган. «Асарлар-64» нашри асосида томга киритилди.

17 *Ҳумой* — афсонага кўра бахт қуши.

30 *МГУ* — М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети. Илмий-педагогик кадрлар тайёрлайдиган СССРдаги энг йирик олий ўқув юрти, жаҳон фани марказларидан бири. 1755 йили М. В. Ломоносов ташаббуси билан ташкил этилган.

35 *Маноқ* — Хоразмнинг кичик қишлоқларидан бири.

42 *Саккиз юз йилдирки* — Москва шаҳрининг саккиз юз йиллигига ишора.

АССАЛОМ

(117-бет)

Архивда саккиз саҳифали шоир дастхати (оқламаси), беш саҳифали машинка нусхалари сақланади. Қўлёзманинг охирида «5.XI.47» санаси қайд этилган.

Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (6.X.1947) босилган. Кейинча «Ўзбекистон маданияти» газетасида (2.VIII.1967) қайта эълон қилинган. «Ассалом», «Вақт», «Ленин ва Шарқ», «Тинчлик уруши енгади», «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламлари, «Асарлар-64»нинг I томига ва «Асарлар-73»нинг II томига киритилган.

- «Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.
- 20 *Кафе шантанлар* — қаҳвахонада беҳуда ҳаёт кечирувчи худбин шахсга ишора.
- 21 *Рикша* — одам тортадиган икки гилдиракли извош.
- 89 *Тож Маҳал* — Ҳиндистоннинг Агра шаҳри яқинида оқ мармардан қурилган султон Шоҳ Жаҳон ва унинг рафиқаси Мумтоз Маҳал мақбараси.
- 107 *Геркулес* (Геракл) — юнон мифологияси қаҳрамони, Зевснинг ўғли. У жуда кучли бўлган, мислсиз 12 жасорат кўрсатган. Антейни енгиб, Прометейни озод қилган.

САМАРҚАНД УЧУН

(121-бет)

Иш қоғозига босилган икки саҳифали машинка нусха шоир архивда сақланади. Шеър Ўзбекистон ССР Давлат университетининг 20 йиллик санасига бағишланган бўлиб, ёзилган вақти гунафша сиеҳда «25.XII.1947» йил деб кўрсатилган. Саҳифаларда таҳрир этилган ўринлар учрайди.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (26.XII.1947) эълон қилинган. «Ассалом», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-57» тўпламлари, «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-73»нинг II томларига киритилган.

«Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.

10 *Зижи Кўрагоний* — «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагоний янги астрономик жадвали»), «Улуғбек зижи» — Самарқанд яқинидаги расадхонада Мирзо Улуғбек раҳбарлигида яратилган (1437) илмий асар.

14 *Мадойин* — Месопатамиядаги энг кўҳна шаҳар ва шаҳар қасри кўзда тутилади.

28 *Улуғбек* Муҳаммад Тарағай (1394—1449) — буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби.

ҚУЕШЧАЛАР ШЕЪРИ

(123-бет)

Архивда шоир дастхати (қораламаси) ва қаламда кўчирилган (бир варақ қоғознинг ҳар икки томонига ёзилган) нусхаси мавжуд. Кўчирма нусханинг иккинчи бетига «1947, 31 декабрь» санаси қайд этилган.

Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (1.I.1948) эълон қилинган. «Арча», «Мактаб театри», «Тонготар қўшиқлари», «Танланган асарлар-57» тўпламларига, «Асарлар-73»нинг IV томига киритилган.

«Танланган асарлар-57» матнига мувофиқ чоп этилмоқда.

ЯНГИ ЙИЛ ШЕЪРИ

(124-бет)

Архивда олти саҳифали шоир дастхати сақланади. Сўнгги саҳифада «31. XII. 47» санаси қайд этилган. Тўрт саҳифали машинка нусхаси (21×30) ҳам мавжуд.

Илк бор «Қизил Ўзбекистон» газетасида (1.I.1948) эълон қилинган. «Ассалом», «Тонготар қўшиқлари», «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларига, «Асарлар-64»нинг I томига ва «Асарлар-72»нинг II томига киритилган.

«Асарлар-64» матни асосида босилмоқда.

19 Симиини тортганда кеча «Фарҳод»дан — Улуғ Ватан уруши йиллари Бекободда барпо этилган Фарҳод ГЭСи кўзда тутилади.

УЌИЛГАН, ЕЗИЛГАН ВА ЕД ОЛИНГАН

(127-бет)

«Қизил Ўзбекистон» газетаси редакцияси иш қоғозига босилган бир саҳифали машинка нусхаси мавжуд. Охирида «9 январь 1948 йил» санаси қайд этилган.

Машинка нусхаси асосида нашр этилмоқда.

УЛУҒ АҚАМГА

(128-бет)

Шоир архивида шеърнинг машинка нусхаси сақланади. Охирида «Тошкент, 1948 йил, 31 март» санаси бор.

Шеър дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (I.IV.1948) эълон қилинган. «Комсомол», «Тонготар қўшиқлари», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган.

«Танланган асарлар-57» матнига мувофиқ нашр қилинмоқда.

1 *Улуғ ақамга* — Бу ерда шоирнинг ўгли Улуғбек Ғуломов кўзда тутилади.

СИЗГА

(129-бет)

Шоир дастхати сақланмаган. Дастлаб «Еш ленинчи» газетасида (18.IV.1948) эълон қилинган. «Ассалом», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига, «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-73»нинг II томига киритилган.

«Асарлар-64» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ГИЛАМ

(131-бет)

Шоир дастхати сақланмаган. Дастлаб «Асарлар-49»да эълон қилинган. «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида чоп этилган.

«Асарлар-64» нашрига мувофиқ босилмоқда.

2 *Мари* — гилам тўқиш санъати билан машҳур Туркманистон ССРдаги шаҳар.

СИЕҲДОН

(132-бет)

Бир саҳифали машинка нусхаси сақланади. Шеър охирида «12.III.48» санаси бор.

«Танланган асарлар-57» тўпламида эълон қилинган. Кейинча «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида чоп этилган.

«Асарлар-64» матнига мувофиқ томликка киритилди.

ЎЗБЕКНИНГ ТОМИНИ

(133-бет)

Шоир дастхати сақланмаган. «Асарлар-49», «Танланган асарлар-63», «Асарлар-65»нинг I томларига кирган.
«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ТУШ ИУИИШ

(134-бет)

Шеър «Ассалом» тўпламида нашр этилган.

Томга мазкур тўплам матнига кўра жалб этилди.

2 *Шукрулло* (Юсупов Шукрулло) — 1921 йили туғилган. Ўзбекистон ССР халқ шоири.

БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

(135-бет)

Шеър уч бўлимдан иборат бўлиб, тўла машинка нусхаси (8 саҳифа) ва II—III бўлимлардан иборат шоир дастхати сақланади. Қора қаламда ёзилган бир саҳифали парчаси ҳам мавжуд. Машинка нухса охирида гунафша сиеҳда «13.IV.48» санаси ёзилган.

Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (16.IV.1948) эълон қилинган. «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томларига киритилган.

«Асарлар-64» матни асосида нашр этилмоқда.

31 *Ақду банд* — боғланиш, никоҳ.

44 *Мирзо* — шоирнинг ўғли.

ФАРЗАНДЛАРГА

(138-бет)

Дастлаб «Еш ленинчи» газетасида (I.V.1948) эълон қилинган. Кейинча «Комсомол», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларида босилган.

«Асарлар-72»нинг II томига ҳам киритилган.

«Танланган асарлар-57» нашрига мувофиқ босилмоқда.

19 *Сино* — Абу Али ибн Сино.

СОЧЛАР

(140-бет)

«Ленин учқуни» газетаси редакция иш қоғозида бир саҳифали машинка нусхаси мавжуд. Шеър охирида «28.IV.48» санаси қайд этилган. Дастлаб «Асарлар-49» тўпламида босилган. Кейинча «Ленин ва Шарқ» тўпламига, «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларига киритилган.

«Асарлар-64» матни асосида нашр этилмоқда.

14 *Муҳаррам* — шоирнинг рафиқаси, 1916 йилда Қўқон шаҳрида туғилган.

ГУЛ

(141-бет)

Блокнот дафтари варақларига (икки саҳифа) қора қаламда ёзилган қўлёзма сақланади. Охирида «2.V.48, Андижон, Собир Абдулла уйида» деган қайд бор. Бир саҳифали машинка нусхаси (21×30) ҳам мавжуд.

«Шарқ юлдузи» журналида (1967, № 6) эълон қилинган. Журнал матнига мувофиқ босилмоқда.

АЛИШЕР

(142-бет)

Архивда тўрт саҳифали шоир дастхати (қораламаси) сақланади, тўрт саҳифали (21×29) машинка нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, охирида «13 май, 1948 йил» санаси қайд этилган.

Асар илк бор «Қизил Ўзбекистон» газетасида (15.V.1948) босилган. Уша газетада (20.XII.1949) такрор эълон қилинган. «Шарқ юлдузи» журнали (1948, № 9), «Ассалом», «Вақт», «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламлари, «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларига киритилган.

«Асарлар-64» матнига мувофиқ босилмоқда.

74 *Мирзачўл* саҳросин суғора олган Ширинсой қизлари — бу ерда қадимий Мирзачўлни гулистонга айлантирган қаҳрамонлар ҳақида гап борганда Ширинсой қизлари (Бекобод яқинидаги қишлоқ) кўзда тутилади.

81 *Ҳусайн Бойқаро* (1438—1506) — Хуросон ҳукмдори, ўзбек шоири.

ЕЗ

(145-бет)

Шоир архивда уч саҳифадан иборат машинка нусхаси сақланади. Охирида «18.VI.1948» санаси бор. Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (7. VIII. 1948) эълон қилинган. Кейинча «Ўзбек халқининг ғурури», «Ўқинг дўстлар», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига, «Асарлар-64»нинг I томига ва «Асарлар-72»нинг II томига киритилган.

«Асарлар-64» матнига мувофиқ нашр этилмоқда.

ҚИЗЛАРГА

(147-бет)

«Қизларга» шеъри «Ассалом», «Ўқинг дўстлар», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига кирган. «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-64» матни асосида босилмоқда.

ҚИЗИМГА

(148-бет)

Шеър «Ассалом», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига

кирган. «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-64» матнига мувофиқ босилмоқда.

УТТИЗ ЕШ

(149-бет)

Шеърнинг тўрт саҳифали шоир дастхати архивда сақланади. Дастхатда «28 октябрь, 1948 йил» санаси қайд этилган. Икки машинка нусхаси ҳам мавжуд. Машинка нусхаларнинг бирига «Уттиз ёшим» деб сарлавҳа қўйилган.

Шеър илк бор «Қизил Ўзбекистон» газетасида (29.X. 1948) эълон қилинган. «Комсомол», «Шараф қўлёмаси», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган.

«Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-64» наشري бўйича босилмоқда.

28 «Ким» — Коммунистический интернационал молодежи (Коммунистик ёшлар интернационали), халқаро ёшлар ташкилоти (1919—1943).

УРИНБОСАРЛАР САЛОМИ

(151-бет)

Архивда уч саҳифа блокнот қоғозига ёзилган шоир дастхати (қораламаси) ва икки саҳифадан иборат машинка нусхаси сақланади.

Шеър дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (29.X. 1948) эълон қилинган.

Газета нашрига мувофиқ босилмоқда.

ИНСОНИЯТ БАЙРАМИ

(152-бет)

Архивда етти саҳифадан иборат шоир дастхати сақланади. Сўнги саҳифада «5.X.48» санаси мавжуд. Уч машинка нусхалари ҳам бор.

Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (6.XI.1948) эълон қилинган. «Шарқ юлдузи» журналида (1948, № 11) ҳам чоп этилган. Кейинча «Вақт», «Шараф қўлёмаси», «Тинчлик уруши енади», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган.

«Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп қилинган.

«Асарлар-64» наشري бўйича чоп этилмоқда.

33 *Қаҳқашон юлдузлари* — «Сомон йўли» юлдузлари.

56 *Рафаэль Санти (Санцио)* (1483—1520) — Уйғониш даври итальян рассоми, архитектори.

77 *Бернард Шоу* (1856—1950) — инглиз ёзувчиси.

87 *Ява* — Малайя архипелагидаги орол. Индонезиянинг таркибий қисми.

КУЗГИ ҚУЧАТЛАР

(156-бет)

Архивда уч саҳифали (21×28) шоир дастхати мавжуд. Охирида «17.IX.1948» санаси бор. Бир саҳифали (20×28) машинка нусхаси ҳам сақланади.

Дастлаб «Ўзбек элининг ғурури» тўпламида, кейинча «Шараф қўлёмаси», «Ленин ва Шарқ», «Ўқинг дўстлар», «Шеърлар» тўпламларида босилган. «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-64» нашрига асосан нашр этилмоқда.

ЛЕНИН УЧУН

(158-бет)

Шеърнинг уч саҳифали машинка нусхаси мавжуд. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (21.I.1949) босилган. «Ўзбекистон маданияти» газетасида (I.VIII.69) ҳам чоп этилган. Кейинча «Вақт», «Шараф қўлёмаси», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида чоп этилган.

«Асарлар-64» нашрига мувофиқ босилмоқда.

СОВЕТ АРМИЯСИГА

(160-бет)

Етти саҳифадан иборат шоир дастхати архивда сақланади. Сўнги саҳифада «21.II.49» санаси қайд этилган. Тўрт саҳифали машинка нусхаси ҳам мавжуд. Машинка нусханинг бош қисмида «Ўртоқ Муҳамедов, шу оригинални Гафур Ғулом олдириб кетади» деган сўз ёзилган. Машинка нусха кўк сиёҳда жиддий таҳрир этилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (23.II.1949) эълон қилинган. «Шарқ юлдузи» журналида (1968, № 2) ҳам чоп этилган, кейинча «Шараф қўлёмаси», «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларига киритилган. «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида қайта чоп этилган.

«Асарлар-64» нашрига мувофиқ босилмоқда.

38 *Лоуренс Томас Эдуард* (1888—1935) — инглиз разведкачиси (1916 йилдан бошлаб араб мамлакатларида, 1925—1929 йилларда Қарачи, Пешовар, Афғонистон чегараларида); СССРга ҳам қарши қўпуровчилик иши олиб борган. 30-йилларда инглиз фашистлари билан яқинлашган.

ШАРАФ ҚҮЛЁЗМАСИ

(163-бет)

Шоир архивида тўрт саҳифали машинка нусхаси сақланади. Охирида «1949 йил, март» санаси бор. Машинка нусхада таҳририй қўл урилган ўринлар учрайди.

Илк бор «Ленин йўли» газетасида (I.VII.1949) босилган. «Шарқ юлдузи» журналида (1949, № 53) ҳам чоп этилган. Кейинчалик «Ўзбек элининг ғурури» тўпламларига киритилган. «Асарлар-64»-

нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томида ҳам чоп этилган.
«Асарлар-64» нашрига мувофиқ нашр этилмоқда.

ФАРҒОНА УЧУН

(166-бет)

Икки саҳифали машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Охирида «Фарғона, 1949» санаси қайд этилган.

Дастлаб «Коммуна» газетасида (4.VI.1949) эълон қилинган. «Ўзбек элининг ғурури», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларида чоп этилган. «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-64» матнига мувофиқ босилмоқда.

5 ГПИ — Фарғона Давлат педагогика институти.

КЕЧА УНИНЧИНИ АЪЛО ТУГАТИВ

(168-бет)

Шоир архивида шеърнинг машинка нусхаси «Ватан донғи учун» сарлавҳаси билан сақланади. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (2.VII.1949) чоп этилган. Кейинча «Танланган асарлар-57» тўплами, «Асарлар-64»нинг I томига ва «Асарлар-72»нинг II томига киритилган.

«Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.

ЭМУҚДОШЛАР МУСОБАҚАСИ

(169-бет)

Архивда беш саҳифали шоир дастхати (қораламаси), уч саҳифа машинка нусхаси сақланади. Машинка нусхада «1949 йил» санаси мавжуд.

Дастлаб «Ленин йўли» газетасида (23.IV.1949) эълон қилинган. «Шарқ юлдузи» журналида (1949, № 8) ҳам чоп этилган. Кейинча «Ўзбек элининг ғурури», «Шараф қўлёмаси», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томида қайта чоп этилган.

«Асарлар-64» матнига мувофиқ босилмоқда.

ПОЛЬ РОБСОНГА

(171-бет)

Тўрт саҳифали шоир дастхати (оқламаси) сақланган бўлиб, охирида «25.VII.49» санаси қайд этилган. Уч саҳифали (20×29) машинка нусхаси ҳам мавжуд.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (29.VI.1949) эълон қилинган. «Вақт», «Шараф қўлёмаси», «Танланган асарлар-57, 63» тўпламларига киритилган. «Асарлар-64»нинг I томи ва «Асарлар-72»нинг II томида ҳам чоп қилинган.

«Асарлар-64» матнига мувофиқ нашр этилмоқда.

Поль Робсон (1898—1976) — америкалик қўшиқчи, актёр, жамоат арбоби. Негр халқ қўшиқлари, фашистларга қарши қўшиқлар ижроچиси.

8 *Гарлем* — Нью-Йорк шаҳридаги негрлар маҳалласи.

- 19 *Гомас Уильям Айзек* (1863—1947) — америкалик социолог.
 23 *Ренкин Леопольд Фон* (1795—1886) — немис консерватив тарихчиси.
 20 *Розенберг Альфред* (1893—1945) — немис фашист ҳарбий жиноятчиларидан, фашизм идеологларидан.
 22 *Каннибал* — одамхўр, каннибализм — одамхўрлик.
 25 *Хом, Сом, Ефас* — афсонага кўра, инсон болалари Нух пайгамбарнинг шу уч ўғлидан тарқалган эмиш (*шоир изоҳи*).
 35 «*Линч сўди*» — АҚШнинг Виргиния штатида XVIII асрда яшаган ирқчи Ч. Линч номидан олинган. АҚШда негрлар ва прогрессив арбобларни суд ва сўроқсиз жазолаш.

ОЛА БУЗОҚ

(173-бет)

Архивда саҳифанинг ҳар икки томонига ёзилган шоир дастхати (қораламаси) сақланади.

Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (29.VII.1949) эълон қилинган. «Биз сени олқишлаймиз», «Танланган асарлар-57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-72»нинг II томида ҳам чоп этилган. «Танланган асарлар-57» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ФАРҶОНА ДАРЕСИ

(175-бет)

Шоир архивида тўрт саҳифали машинка нусхаси сақланади. Охирида «1949 йил, июль» санаси учрайди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида (31.VII.1949), «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларида босилган. «Асарлар-64»нинг I томига, «Асарлар-72»нинг II томида қайта чоп этилган.

«Асарлар-64» нашрига мувофиқ томликка киритилди.

19 *Катта Фарғонада қазирдик канал* — 1939 йили 45 кун ичида 270 км узунликдаги Катта Фарғона канали қурилганлигини назарда тутати.

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

(178-бет)

Шоир дастхати сақланмаган. Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (1.IX.1949) эълон қилинган. «Совға», «Бари сенки», «Танланган асарлар-57» тўпламларига кирган. «Асарлар-73»нинг I томида ҳам чоп этилган.

«Танланган асарлар-57» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ОРЗУ

(179-бет)

Шоир архивида тўрт саҳифа машинка нусхаси мавжуд. Дастлаб «Еш ленинчи» газетасида (22.XI.1949) эълон қилинган. «Совға», «Шараф қўлёмаси», «Бир ғунча очилгунча», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларида, «Асарлар-65»нинг II томида ва «Асарлар-73»нинг IY томида чоп этилган.

«Асарлар-65» матни асосида босилмоқда.

КОММУНИЗМНИНГ ЙИГИТ НАСЛИГА

(182-бет)

Архивда шеърнинг уч саҳифали шоир дастхати (қораламаси) сақланади. Охирида «5.XI.50» санаси қайд этилган. Бундан ташқари уч саҳифали яна бир кўчирмаси ҳам мавжуд.

Илк бор «Еш ленинчи» газетасида (7.XI.50) эълон қилинган. «Танланган асарлар-57», «Асарлар-65»нинг ва «Асарлар-72»нинг II томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-65» матни бўйича босилмоқда.

БИЗНИНГ ПАХТАМИЗ

(184-бет)

Уч саҳифадан иборат машинка нусхаси сақланади. Охирида «ноябрь, 1950» санаси мавжуд: «Москва тинчлик таянчи», «Эрта бугундан яхши» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

КИЧИК ДУСТЛАРГА

(186-бет).

Шоир архивда шеърнинг бир саҳифали машинка нусхаси «1950, декабрь» санаси билан сақланади.

Дастлаб «Ленин учқуни» газетаси (1.I.1951)да эълон қилинган. «Танланган асарлар-57», «Асарлар-73»нинг II томига киритилган. «Танланган асар-57» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ИМТИҲОН

(187-бет)

Шоир дастхати сақланмаган.

Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (20.V.1950) босилган. «Асарлар-73»нинг IV томига киритилган. Газета матнига кўра босилмоқда.

ДИПЛОМ

(188-бет)

Архивда икки саҳифали шоир дастхати (қораламаси), икки саҳифа (20×29) машинка нусхаси сақланади.

Илк бор «Ленин учқуни» газетасида (29.VII.1949) босилган. «Биз сени олқишлаймиз», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-64» нашрига мувофиқ босилмоқда.

КОММУНИЗМ АСРИ

(189-бет)

Шеърнинг етти саҳифадан иборат шоир дастхати (оқламаси) сақланган бўлиб, унинг сўнгида «1949 йил, 31 декабрь, Тошкент»

ёзувлари қайд этилган. Тўрт саҳифали (20×29) машинка нусхаси ҳам мавжуд.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (1.I.1950) эълон қилинган. «Москва тинчлик таянчи», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-64»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-64» нашрига мувофиқ босилмоқда.

61 *Соли нек аз баҳор маълум мебошад* — йилнинг яхши бошланиши баҳордан маълум бўлади (тожик халқ ҳикматларидан).

ҚУҚЛАМ ТОНГОТАРИ

(192-бет)

Архивда шеърнинг Мақсуд Шайхода билан ҳамкорликда яратилган тўрт саҳифали машинка нусхаси сақланади. Саҳифа сўнгида «Фафур Фулом, Мақсуд Шайхода, 11 март, 1950 йил» деган маълумот қайд этилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (11.III.1950) эълон қилинган. Кейинча «Шараф қўлёзмаси», «Танланган асарлар-57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65»нинг I ва «Асарлар-74»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-64» нашрига асосан босилмоқда.

74 *Ситилар* — Уолл-стрит, Нью-Йорк шаҳрида катта банклар жойлашган кўча.

ХАЛҚЛАР ОТАСИГА

(196-бет)

Шеърнинг архивда тўрт саҳифали дастхати (қораламаси), якки саҳифа машинка нусхаси сақланади. Дастхатда таҳрир этилган ўринлар учрайди. «Шараф қўлёзмаси», «Биз сени олқишлаймиз», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларига, «Асарлар-65»нинг II томига киритилган.

«Асарлар-65» матнига мувофиқ босилмоқда.

ЛЕНИН ҚОМСОМОЛИ

(197-бет)

Архивда шеърнинг қўлёзмаси мавжуд. «Танланган асарлар-53» ва бошқа тўпламларга киритилган.

«Танланган асарлар-53» асосида чоп этилмоқда.

ДАВРА ҚУШИҒИ

(198-бет)

Шоир архивида шеърнинг бир саҳифа (21×30) машинка нусхаси сақланади. Дастлаб «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналида (1950, № 5) эълон қилинган. Сўнгра «Асарлар-72»нинг I томига киритилган.

Машинка нусхага мувофиқ босилмоқда.

БИЗ ТИНЧЛИК ИСТАГИМИЗ

(199-бет)

Беш саҳифадан иборат шоир дастхати (қораламаси) архивда сақланади. Сўнгиди «15.IV.50» санаси қайд этилган. Бундан ташқари уч саҳифали қўлёзма ҳам мавжуд.

Дастлаб «Шарқ юлдузи» журналида (1950, № 7) эълон қилинган. «Еш ленинчи» газетасида (27.VII.1950) ҳам чоп этилган. Кейинча «Тинчлик учун», «Тинчлик уруши энгади», «Шараф қўлёзмаси», «Москва тинчлик таянчи», «Биз сени олқишлаймиз», «Ўзбек шеърятини антологияси», «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» матнига мувофиқ босилмоқда.

ЯШАСИН ТИНЧЛИК

(201-бет)

Ун саҳифа иш қоғозига кўчирилган шоир дастхати (қораламаси), беш саҳифа машинка нусхаси архивда сақланади. Машинка нусхасида «ноябрь, 1949» санаси мавжуд.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» (1.VI.1950) ва «Еш ленинчи» газеталарида (15.IX.1950) эълон қилинган. «Вақт», «Шараф қўлёзмаси», «Биз сени олқишлаймиз», «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» матнига мувофиқ босилмоқда.

46 *Оқ уй* — АҚШ президенти резиденцияси ва идораси. Вашингтон марказида классицизм услубида (1792—1829) қурилган иншоот.

51 *Трумэн Гарри* (1884—1972) — АҚШнинг 33-президенти (1945—53). Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташлашга буйруқ берган.

113 *Черчилль*, Уинстон Леонард Спенсер (1874—1965) — Буюк Британиянинг 1940—45, 1951—55 йиллардаги бош министри, Консерваторлар партияси раҳбарларидан бири.

БУ — СЕНИНГ ИМЗОНГ

(205-бет)

Архивда уч саҳифали шоир дастхати (қораламаси), икки саҳифа машинка нусхаси сақланади. Охирида «5 июль, 1950 йил» санаси қайд этилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (5.VII.1950), «Яшасин абадий мустақкам тинчлик» номи билан эълон қилинган. «Шарқ юлдузи» журналида (1950, № 8) ҳам чоп этилган. Кейинча «Тинчлик учун», «Шараф қўлёзмаси», «Москва тинчлик таянчи», «Ўқинг, дўстлар», «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

БИРИ-БИРИГА ШОГИРД, БИРИ-БИРИГА УСТОД

(206-бет)

Шеърнинг архивда сақланаётган уч саҳифали машинка нусхаси мавжуд. Унда «12 июль, 1950 йил» санаси қайд этилган. Биринчи бор «Қизил Ўзбекистон» газетасида (12.VII.1950) босилган «Шарф қўлёмаси», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларида киритилган. «Асарлар-65»нинг I ва «Асарлар-73»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

21 *Ширвоий* (тахаллуси; асл номи Саид Азим) — Озарбайжон шоири ва маърифатпарвари (XIX асрнинг II ярми).

26 *Полвонтош* — Андижон область Марҳамат районидаги сапоат шаҳар посёлкаси.

ТЕЗУ ТОЗА ТЕР!

(208-бет)

Архивда тўрт саҳифали шоир дастхати (оқламаси) сақланади. Охирида «14.IX.50» санаси бор. Уч саҳифали (20×29) машинка нусхаси ҳам мавжуд. Унда «19.IX.50» санаси қайд этилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (19.X.1950) эълон қилинган. «Танланган асарлар-57», шунингдек, «Асарлар-72»нинг II томига ҳам киритилган.

«Танланган асарлар-57» нашрига мувофиқ босилмоқда.

44 *Тарле Евгений Викторович* (1875—1955) — совет тарихчиси. СССР ФА академиги, жамоат арбоби.

44 *Будённий Семен Михайлович* (1883—1973) — Совет Иттифоқи Маршали (1935), уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1958, 1963, 1968).

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ПАХТАҚОР ҚАРДОШЛАРГА

(210-бет)

Архивда уч саҳифадан иборат шоир дастхати ва икки саҳифали машинка нусхаси сақланади. Шоир қораламасининг бош қисмига юз центнерчи қизлар Басти Багирова, Шомана Гасановалар номлари қайд этилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (20.IX.1950) эълон қилинган. «Шарқ юлдузи» журнали (1950, № 10), «Москва тинчлик таянчи», «Биз сени олқишлаймиз» тўпламларида ҳам чоп этилган. «Асарлар-65»нинг I ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам киритилган.

«Асарлар-65» матнига мувофиқ босилмоқда.

БУХОРОДАН АНДИЖОНГА ОЧИҚ ХАТ

(212-бет)

Уч саҳифа шоир дастхати (қораламаси) сақланади. Охирида «21.IX.1950» санаси қайд этилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (22.IX.1950)да эълон қилинган. «Асарлар-57» тўпламига кирган.

«Асарлар-57» нашрига мувофиқ босилмоқда.

СЎЗ НАВБАТИ ТОШКЕНТЛИКЛАРГА

(214-бет)

Архивда шеърнинг шоир қораламаси сақланади, бундан ташқари унинг уч саҳифа машинка нусхаси ҳам мавжуд. Қораламага «Сўз навбати Тошкентга» деб сарлавҳа қўйилган. Машинка нусхада «8.X.1950» санаси бор.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (8.X.1950) эълон қилинган. «Танланган асарлар-57», «Асарлар-72»нинг II томларига киритилган.

«Танланган асарлар-57» матни асосида чоп этилмоқда.

ТИНЧЛИК МИНБАРИДАН

(216-бет)

Архивда шеърнинг саккиз саҳифадан иборат шоир дастхати (қораламаси) сақланади. Сўнги варақда «15.X.1950, Андижон» деган маълумот ёзилган, уч саҳифали машинка нусхаси мавжуд.

Илк дафъа «Қизил Ўзбекистон» газетасида (19.X.1950) эълон қилинган. «Москва тинчлик таянчи», «Биз сени олқишлаймиз», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ҒОЛИБЛАР ШАРАФИГА

(219-бет)

Архивда шеърнинг тўрт саҳифали шоир дастхати (қораламаси) «30.X» санаси билан сақланади. Икки саҳифа машинка нусхаси ҳам мавжуд.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (31.X.1950) эълон қилинган. «Москва тинчлик таянчи», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига кирган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ТИНЧЛИК НАШИДАСИ

(221-бет)

Олти саҳифадан иборат шоир дастхати «5.XI.50» санаси билан архивда сақланади. Тўрт саҳифали машинка нусхасида «4.II.50» санаси қайд этилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (5.XI.1950) эълон қилинган. «Москва тинчлик таянчи», «Биз сени олқишлаймиз», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-53» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида қайта чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ҚУТЛУҒ ЙИЛ ТОНГИДА

(224-бет)

Архивда шеърнинг беш саҳифали қоралама нусхаси (тўрт саҳифа шоир дастхати, бир саҳифа Мунирхон Муинзода қаламига

мансуб) сақланади. Охирида «29.XII.1950» санаси бор. Бундан ташқари, Муинзода томонидан кўчирилган беш саҳифа оқламаси ҳам бор. Уч саҳифа (21×30) машинка нусхаси оқлама асосида бо-силган.

Қўлёзма асосида чоп этилмоқда.

МИРЗАЧУЛ

(226-бет)

Архивда бир саҳифали шоир дастхати «7.VIII.1951» санаси билан сақланади. Сарлавҳанинг ёнига «Гулла, Мирзачўл!» деган қўшимча сарлавҳа ҳам ёзилган. Бундан ташқари яна бир саҳифа қўлёзма ҳам бор. Қўшиққа композитор С. Юдаков музика басталаган. Дастхатга мувофиқ босилмоқда.

ГУЛЛА МИРЗАЧУЛ

(226-бет)

Архивда уч саҳифали қоралама нусха сақланади. Сарлавҳа устига «Мирзачўл» деб ёзиб қўйилган. Қўлёзмага мувофиқ босилмоқда.

ВАТАНДУР БУ

(227-бет)

Архивда шеърнинг бир саҳифали шоир дастхати «7.VIII.51» санаси билан сақланади. Бир саҳифа ҳозирги ёзувдаги кўчирмаси ҳам бор.

Дастхатга мувофиқ босилмоқда.

ТЕРИМЧИЛАР ҚУШИҒИ

(227-бет)

Архивда икки саҳифали шоир дастхати (қораламаси) сақланади, ҳозирги ёзувдаги қўлёзмаси ҳам мавжуд.

Қўлёзмага мувофиқ босилмоқда.

МИРЗАЧУЛДА ТУИ

(228-бет)

Шоир архивида шеърнинг икки саҳифали қўлёзмаси сақланади. Саҳифа охирида «1950» ҳамда «7. VIII. 51» саналари ёзилган бўлса-да, устидан гунафша сиёҳда ўчирилган. Шеърга С. Юдаков музика басталаган.

Юқоридики қайд этилган «Мирзачўл» туркумидаги беш шеър «Асарлар-72»нинг II томида чоп этилган.

Қўлёзмага мувофиқ босилмоқда.

ТИНЧЛИК МУҚОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИГА

(230-бет)

Архивда шеърнинг уч саҳифали шоир дастхати (қораламаси) сақланади. Уч саҳифали бошқа қўлёзмада «1951 йил, 14 апрель»

санаси қайд этилган. Икки саҳифали машинка нусхасида эса «15.IV.51» санаси қора қаламда ёзилган. Машинка нусханинг биринчи саҳифаси охирига қора қаламда тўртлик ёзилган ва гунафша сиёҳда чизиб ташланган. Ушбу тўртлик шоир дастхатида мавжуд бўлганлигидан савол аломати билан қисқартирган кўринади.

Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (15.IV.1951), «Асарлар-72»нинг II томида эълон қилинган.

Машинка нусхага мувофиқ босилмоқда.

10 *Жолио Кюри Фредерик* (1900—1958) — француз физиги, прогрессив жамоат арбоби. Халқаро тинчлик тарафдорлари ташкилоти асосчиларидан бири. Унинг номида Тинчлик Олтин медали таъсис этилган.

АЪЛО ХОТИРА

(231-бет)

Архивда икки саҳифали шоир дастхати сақланади. Охирида гунафша сиёҳда «19.IV.51» санаси қайд этилган. Бир саҳифали машинка нусхада шу шеърдан беш тўртлик кўчирилган. Дастхатда олти тўртликдир.

Шеър дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (22.IV.1951), кейинчалик яна ўша газетада (24.V.1953) эълон қилинган. «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65»нинг I томида ва «Асарлар-73»нинг IV томида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига кўра босилмоқда.

ИИЛЛАР

(232-бет)

Архивда шеърнинг олти саҳифали шоир дастхати (қораламаси) сақланади. Дастхатда жиддий таҳрир ўринлари мавжуд. Дастхатнинг қўлёзма нусхаси ҳам бор. Унда «21.IV.51» санаси қайд этилган. Уч саҳифа машинка нусхаси охирида қора қаламда «21.IV.51» санаси ёзиб қўйилган.

Шеър шоир қўлёзмасида қайд этилганига кўра, дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (25.IV.1951) эълон қилинган. «Биз сени олқишлаймиз», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

(235-бет)

Икки саҳифадан иборат шоир дастхати (қораламаси) шоир архивида сақланади. Дастхатнинг айрим тўртликлари жиддий таҳрир этилган. Қоралама санаси тўртликдан иборат. Уч саҳифали машинка нусхасида эса ўн тўққиз тўртлик мавжуд. Машинка нусха охирида «апрель, 1951» санаси ёзилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (I.V.1951) эълон қилинган. «Биз сени олқишлаймиз», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» матнига мувофиқ босилмоқда.

29 Нозим Ҳикмат (1902—1963) — машҳур турк шоири, драматурги ва жамоат арбоби. Турк инқилобий шеърятининг асосчиси.

КАПТАР УЧАР, ҒОЗ УЧАР

(237-бет)

Шоир архивида шеърнинг икки саҳифа машинка нусхаси сақланади. Дастлаб «Ленин учқуни»да (30.V.1951) босилган. «Бари сеники», «Бир ғунча очилгунча», «Сиз менинг ёшлигимсиз», «Танланган асарлар-57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-72»нинг II томида ҳам чоп этилган.

«Танланган асарлар-57» нашрига мувофиқ босилмоқда.

БИЗНИНГ КЕКСАЛАР

(238-бет)

Архивда шеърнинг беш саҳифали шоир дастхати (қораламаси) «5.VI.51») санаси билан сақланади. Қораламада таҳрир ўринлари бор. Икки саҳифали қўлёзмага етти тўртлик кирган. Уч саҳифали машинка нусхада эса шеър тўлалигича (ўн икки тўртлик) босилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (8.VI.1951) эълон қилинган. «Биз сени олқишлаймиз», «Ленин ва Шарқ», «Ўқинг дўстлар», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

БАХТЛИ БОЛАЛИК

(240-бет)

Шоир архивида шеърнинг бир саҳифали машинка нусхаси мавжуд. Қора қаламда ўчирилган, тузатилган ўринлар бор.

Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (5.XI.1950) босилган. «Асарлар-72»нинг II томига киритилган.

Машинка нусхага мувофиқ босилмоқда.

БАХТЛИ БОЛАЛАРИМГА

(241-бет)

Архивда сақланаётган икки саҳифадан иборат шеърнинг шоир дастхатига (оқламаси) «Бахтиёр авлодларга салом» тарзида сарлавҳа қўйилган. Сарлавҳанинг ўнг томонига қуйидаги мисралар ёзилган:

Ҳаво тип-тиниқдур, тонг отар чоғи,

Бир ҳавли гуруллар ўғил, қизларим,

Бу кун очилади мактаб кучоғи.

Шеър охирида «1.IX.1951» санаси қайд этилган. Мавжуд бир саҳифали машинка нусхасида «1951, август» санаси учрайди.

Шеър дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (2.IX.1951) эълон қилинган. «Бари сеники», «Бир ғунча очилгунча», «Сиз менинг ёшлигимсиз», «Танланган асарлар-57» тўпламларига киритилган.

«Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Танланган асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ТЕНГДОШ ҚОРЕЯЛИҚЛАРГА

(242-бет)

Архивда икки саҳифали шоир дастхати сақланади. Барақ сўнгига қора қаламда «4.III.51» санаси ёзиб қўйилган. Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (5.VIII.1951) эълон қилинган. Кейинча «Шеърлар-57», «Танланган асарлар-57» тўпламларида қайта чоп этилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларига ҳам киритилган. «Асарлар-65» матни асосида чоп этилмоқда.

ТИНЧЛИҚ АҲДИ УЧУН

(243-бет)

Шоир дастхати сақланмаган. «Танланган асарлар-57», «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларига киритилган. «Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ТЕРИМЧИ ҚИЗЛАРГА

(244-бет)

Шоир архивида шеърнинг уч саҳифали машинка нусхаси сақланади. Саҳифа сўнгига «Октябрь, 1951» санаси бор.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (16.X.1950) босилган. «Биз сени олқишлаймиз», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган.

«Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» матни асосида босилмоқда.

ПАХТА — ТИНЧЛИҚ ХАЗИНАСИ

(246-бет)

Архивда беш саҳифадан иборат шоир дастхати (қораламаси) сақланади. Иккинчи саҳифанинг ҳошиясига бир байт ёзилиб, бу билан охириги байт тўлдирилган. Тўрт саҳифали (20×29) машинка нусхасида «10.II.1951» санаси қайд этилган.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (21.XI.1951) босилган. «Ленин ва Шарқ», «Эрта бугундан яхши», «Ўзбек поэзияси антологияси», «Ўқинг дўстлар», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларида эълон қилинган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-65» нашри бўйича босилмоқда.

ҲАМИША ҒОЛИБ ХАЛҚ

(248-бет)

Шеърнинг бир саҳифадан иборат машинка нусхаси архивда сақланади, охирига гунафша сиеҳда «1951» санаси қўйилган.

Дастлаб «Янги Фарғона» газетаси (55 сон, 1951)да эълон қилинган. «Ўзбекистон маданияти» газетасида ҳам чоп этилган (9.V.1967).

Газета матни асосида чоп этилмоқда.

НУТҚ

(250-бет)

Шеър дастхати сақланмаган.

Шоирнинг 1953, 1957 йилларда чоп этилган тўпламларига киритилган.

«Танланган асарлар-57» матни асосида чоп этилмоқда.

ЗУЛФИЯХОНИМГА

(252-бет)

Архивда кўчирилган бир саҳифали қўлёзмаси «1952 йил, ноябрь» санаси билан сақланади. Қотибнинг қайд этишича, мазкур шеър (туғилган куни шеъри) Москвадан — Езувчиларнинг II съезидан қайтаётганда поездда ёзилган. Асл нусхаси Зулфия архивида сақланади. «Совет Ўзбекистони» газетаси редакция иш қўғозига босилган машинка нусхаси ҳам мавжуд.

«Асарлар-72»нинг II томига киритилган.

Машинка нусха матнига мувофиқ босилмоқда.

1 *Зулфия* (Зулфия Исроилова, 1915 й. туғилган) — Ўзбекистон ССР халқ шоири (1965). СССР Давлат мукофоти лауреати (1976). Неру ва Нилуфар мукофотларининг лауреати.

МАЙ САЛОМИ

(253-бет)

Шеър дастхати сақланмаган. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (1.V.1952) эълон қилинган. «Совет Ўзбекистони» газетасида (23.IV.1970) қайта босилган. Шеърнинг биринчи нашрида «Бўтакўздек тонг жамоли ишқивозиман» эпиграфи мавжуд. «Танланган асарлар-57» тўплами, «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг I томига ҳам киритилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

МАЙ ШЕЪРИ

(255-бет)

Шоир архивида шеърнинг 1952 йил 1-Май санаси қайд этилган икки саҳифали машинка нусхаси сақланади.

Дастлаб «Пионер» журналида (1952, № 2) эълон қилинган «Бари сеники», «Бир ғунча очилгунча», «Танланган асарлар-57» тўпламларига киритилган.

«Танланган асарлар-57» матнига мувофиқ босилмоқда.

БУ ЙИЛ БИРИНЧИ СИНФГА ҚИРАДИГАН
УҒИЛ-ҚИЗЛАРИМГА АТАБ ЕЗГАН ШЕЪРИМ

(257-бет)

Архивда шеърнинг уч саҳифадан иборат машинка нусхаси мавжуд. Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (3.IX. 1952) эълон қилинган. «Бари сеники», «Сиз менинг ёшлигимсиз», «Танланган

асарлар-57» тўпламлари ва «Асарлар-73»нинг IV томига киритилган.
«Танланган асарлар-57» матнига мувофиқ босилмоқда.

УЛУҒ РУС ХАЛҚИГА

(259-бет)

Шоир архивида шеърнинг тўққиз саҳифадан иборат қўлёзмаси (қоралама) «3.IX.52» санаси билан сақланади. Беш саҳифа машинка нусхаси ҳам мавжуд.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (5.IX.1952) босилган. Сўнгра «Шарқ юлдузи» (1952, № 9) журнали, «Ленин учқуни» газетасида (2.IX.1952) чоп этилган. «Абадий биргамиз», «Ўзбек шеърини антологияси», «Танланган асарлар-53, 57» тўпламларига киритилган. «Асарлар-64» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» матнига мувофиқ босилмоқда.

41 *Ленин кутубхонаси* — Москва шаҳрида В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси.

ҲАМЗА ХОТИРАСИ

(263-бет)

Шоир архивида шеърнинг уч саҳифадан иборат 12.IX.52. санаси кўчирилган қораламаси сақланади. Уч саҳифали машинка нусхаси ҳам мавжуд.

Дастлаб «Коммуна» газетасида (28.IX.1952) эълон қилинган. «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларида босилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-65»матнига мувофиқ босилмоқда.

САМАРҚАНДЛИҚ ПАХТАКОР ДУСТЛАРИМГА

(265-бет)

Архивида ушбу шеърнинг «2.XI.52» санаси қайд этилган уч саҳифадан иборат машинка нусхаси мавжуд.

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (2.XI.1952), аynи пайтда «Ленин йўли» газетасида (5.XI.1952) босилган. «Биз сени олқишлаймиз», «Танланган асарлар-57» тўпламларида эълон қилинган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-65» матни бўйича босилмоқда.

12 *Боғи шамол* — Самарқанд шаҳридаги қадимий боғ. Ҳозирги кунда шаҳарнинг катта райони.

КОЛХОЗДА ТУИ

(267-бет)

Архивида шеърнинг «2.IX.1952» санаси қайд этилган икки саҳифадан иборат шоир дастхати (қораламаси) сақланади. Бир саҳифа машинка нусхаси ҳам мавжуд.

Машинка нусхага мувофиқ босилмоқда.

ҚИРҒИЗИСТОН ПАХТАКОРЛАРИГА

(268-бет)

Архивда шоирнинг етти саҳифадан иборат «13.II.53» санаси қайд этилган дастхати (қораламаси) сақланади. Дастхатда айрим таҳририй ўринлари бор.

«Совет Ўзбекистони» газетасида (5.V.1973) эълон қилинган. Мазкур текстга композитор С. Юдаков куй басталаган.

Газета нашрига мувофиқ босилмоқда.

ШАРҚ ТИНЧЛИК ИСТАЙДИ

(270-бет)

Шоир архивида шеърнинг тўрт саҳифадан иборат машинка нусхаси сақланади. Варақ сўнгида «21.III.53» санаси бор. Бу нусхадан англашилишича, Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш мукофотининг лауреати Сайфиддин Китчилуга аталган. «Асарлар-72»нинг II томига киритилган.

Машинка нусхага мувофиқ босилмоқда.

49 БМТ — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

57 Пентагон — АҚШ ҳарбий министрлигининг биноси. Кенг маънода АҚШнинг ҳарбий ташкилоти маъносини англатади.

БИЗ ЖАҲОНДА ГУЗАЛЛИК ИЖОДКОРИМИЗ

(273-бет)

Шеърнинг дастхати сақланмаган.

Дастлаб «Социалистик Ўзбекистон» журналида (1953, № 3) эълон қилинган. «Асарлар-64» ва «Асарлар-72»нинг II томларига ҳам киритилган.

Журнал нашрига мувофиқ босилмоқда.

БИР ТОМЧИ БОЛ

(274-бет)

Шоир архивида икки саҳифадан иборат машинка нусхаси сақланади. Варақ сўнгида «9.IV.53» санаси қайд этилган.

Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (14.IV.1953) босилган. «Бир гунча очилгунча», «Сиз менинг ёшлигимсиз», «Ленин ва Шарқ», «Танланган асарлар-57» тўпламларига, «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ЛЕНИНЧИ АВЛОД УЧУН БАЙРАМ КУНИНИНГ ҚУТЛОВИ

(275-бет)

Шоир архивида шеърнинг икки саҳифали қўлёзмаси ва уч саҳифадан иборат машинка нусхаси сақланади. Дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (7.XI.1953) босилган. «Тонготар қўшиқлари», «Танланган асарлар-57», «Асарлар-73»нинг IV томида ҳам чоп этилган. «Ленин учқуни» матнига мувофиқ босилмоқда.

ОЛФА БОС

(277-бет)

Шеър дастлаб «Пионер» журналида (1953, № 9) босилган. Кейинча «Асарлар-73»нинг IV томига киритилган. Журнал матни асосида чоп этилмоқда.

УЛУФ БАЙРАМ ҚЎШИФИ

(278-бет)

Шоир дастхати сақланмаган. Дастлаб «Пионер» журналида (1953, № 11) эълон қилинган. «Асарлар-73»нинг IV томига киритилган.

Журнал нашрига мувофиқ босилмоқда.

ҚУТЛУФ ШЕЪР

(279-бет)

Шеърнинг уч саҳифадан иборат шоир дастхати (қораламаси), кейинча кўчирилган икки саҳифали яна бир қўлёзмаси архивда сақланади. Икки саҳифа машинка нусхаси ҳам бор. Унда «5.II.53» санаси қайд этилган бўлса-да, сиёҳда устидан чизиб қўйилган.

Илк дафъа «Қизил Ўзбекистон» газетасида (6.XI.1953) босилган. «Танланган асарлар-53, 57, 63» тўпламларига кирган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида қайта чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ОНА

(280-бет)

Архивда шеърнинг тўрт саҳифадан иборат шоир дастхати (қораламаси) «17.XI.53» санаси билан сақланади. Икки саҳифа машинка нусхаси ҳам бор. Унда «1953 йил, 19 ноябрь» санаси қайд этилган.

Шоир дастхатида «Она» сарлавҳаси ёнига «Ўғлим Мирза Улуғнинг онасига бағишлайман» деб ёзилган.

Дастлаб «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналида (1953, № 12) эълон қилинган. Кейинча «Биз сени олқишлаймиз», «Ўқинг дўстлар», «Танланган асарлар-57, 63» тўпламларига кирган. «Асарлар-63» ва «Асарлар-72»нинг II томларида қайта чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

ЭНГ ЗАРУР БУРЧИМИЗ

(282-бет)

Шоир дастхати сақланмаган. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида (13.I.53) эълон қилинган. Кейинча «Танланган асарлар-53, 63» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65» ва «Асарлар-72»нинг II томларида ҳам чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

КАПТАР УЧИРДИК

(286-бет)

Шеър дастлаб «Ленин учқуни» газетасида (20.XII.1953) босилган. Кейинча «Бир гунча очилгунча», «Сиз менинг ёшлигимсиз» тўпламларига киритилган. «Асарлар-65»нинг ва «Асарлар-73»нинг IV томларида қайта чоп этилган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ нашр қилинмоқда.

19 *Богдан Хмельницкий* (1595—1657) — украин гетмани, 1648—54 йилларда поляк шляхтаси зулмига қарши украин халқи олиб борган озодлик уруши раҳбари. 1654 йил 8 январда Переяслав радасида Украинани Россия билан қайта қўшилганини эълон қилган.

АЗОН ЎРНИГА МЕН АЙТДИМ

(289-бет)

Шеър 1941 йил 22 сентябрда Андижонда ёзилган.

Ғафур Ғулом андижонлик дўсти, шоир, адабиётшунос Улфат Имомиддин Қосимовнинг уйида меҳмон булган. Шу даврда шоир Улфат ўғил кўрган бўлиб, номини Унвон қўйган эди. Ғафур Ғулом дўстини фарзанд билан табриклаб, ярашиқ ном топши кераклигини айтган. У бадиҳагўйлик билан — Алишер бўлди унвони — деб ушбу ғазалини бошлаб, болага Алишер деб ном қўйган.

Ғазалнинг машинка нусхаси автор шахсий архивида мавжуд. Дастхати сақланмаган. «Шарқ юлдузи» журнаlining 1967 йил 6-сонида босилган. «Асарлар-78»нинг X томида Имомиддин Қосимовнинг шахсий архивидаги қўлёзмадан шоир Восит Саъдулла кўчирган нусхага мувофиқ нашр қилинган. Бунда сарлавҳа ўрнида «Улфатга» деб ёзилган.

Ушбу томга шоир архивидаги машинка нусха тексти асосида киритилди.

5 *Жомий* — Абдураҳмон Жомий (1414 й.— Нишопур яқинидаги Жом — 1492 й, 8.II. Ҳирот) — форс-тожик шоири ва философи. Жомий шоирнинг тахаллуси. Навоий ўзининг «Хамсатул-мутаҳаййирин» китобида Жомийнинг 38 асарини санаб кўрсатади. Жомий асарлари фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига оид бўлиб, назм ва насрнинг ҳар хил жанрларида ёзилган.

6 *Кибриё* — улуғлик, буюклик.

8 *Маснад* — тахт, юсак ўрин.

10 *Саъд саодат* — бахт-саодат, яхшилик.

12 *Ринд* — нозик табиат.

12 *Ҳофиз* — машҳур форс-тожик классик шоири. Ҳофиз ғазал жанрини энг юксак поғонага кўтарган ижодкорлардан.

12 *Оташзобон* — нутқи ўткир, таъсирчан, сўзга уста, сўз билан қалбларни ҳаяжонга келтирадиган.

13 *Иқди сурайёни* — Сурайё юлдузлари туркуми, юлдузлар шодаси.

ОНТ

(290-бет)

Шеър тахминан 1941 йилда ёзилган.

Шоир шахсий архивида икки саҳифадан иборат қўлёзмаси сақланади.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 8-сонида босилган. Сўнг «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

Ушбу томга машинка нусха тексти асосида киритилди.

6 *Қарабин* — калта, енгил милтиқ. Оддий милтиқдан стволнинг калталиги ва нишонга олиш қурилмаси билан фарқ қилади.

ЖОН УҒЛИМ

(291-бет)

Шоир ушбу шеърни 1942 йил январда Москвада Чустий билан биргаликда ёзган. Шоирнинг фронтдаги ўғли Жўраҳонга бағишланади.

Шеърнинг дастхати сақланмаган. Архивда машинка нусхалари мавжуд. Улардан бири «Совет Ўзбекистони» газетасининг хизмат варақасига машинкаланган.

Шеър «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 2-сонида «Унутилмас сатрлар» рубрикаси остида босилган. «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

Томга шоир шахсий архивидаги машинка нусха матни асос қилиб олинди.

4 *Маҳв* — йўқолиш, битиш.

8 *Болиғ* — балоғатга етган, бўй етган, йигитлик даврига ўтган.

11 *Ўзар* — шоирнинг ўғли. 1946 йилда вафот этган.

16 *Диловар* — юракли, ботир, қаҳрамон, полвон.

БИР ЯШАШ, БИР УЛИМ — ҲАММАМИЗГА ҲАҚ

(292-бет)

Қўлёмаси шоир шахсий архивида сақланади. Дастхати сақланмаган.

«Шарқ юлдузи» журналининг «Унутилмас сатрлар» рубрикасида 1967 йил 12-сонида босилган. «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Ушбу томда «Асарлар-72» матни асосида чоп этилмоқда.

БИЗНИНГ ТАНК

(293-бет)

Шеър тахминан 1943 йилда ёзилган.

Шоир шахсий архивида уч саҳифали дастхати (парча) сақланади.

Илк дафъа «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (6 май, 1983) чоп этилган.

Шеър ушбу томда дастхат асосида нашр этилмоқда.

46 *Гастелло Николай Францевич* (1907—1941) — совет ҳарбий учувчиси. Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1941, 26.7), капитан.

20 *Маҳобат* — ҳайъат, шуқуҳ, савлат.

КАТТА ИҶЛ БУЙЛАБ

(294-бет)

Шеър қўлёмаси шоир архивида сақланади. Илк дафъа «Ўзбек адабиёти ва санъати» газетасининг 6 май (1983) сонида босилган. Қўлёмаси асосида чоп этилган.

ҲАСАН ОТА

(296-бет)

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (6.V.83) босилган. Қўлёзмаси архивда сақланади. Дастхат асосида нашр қилинмоқда.

НИДО

(297-бет)

Шеър 1943 йилнинг 4 июнида ёзилган.

Дастхати шоир шахсий архивда мавжуд. Шеърнинг бош қисми сақланмаган.

Дастхатнинг бир чеккасиغا Нидо-2, Нидо-3 деб ёзиб қўйилган. Охирида шеърнинг ёзилган даври ҳам қайд этилган. Илк дафъа «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилган.

Шеър қўлёзма асосида нашр этилмоқда.

ҲАЕТ КЕЛДИ ОЛАМГА КЕЛГАН ЎЗИНГДЕК

(299-бет)

Дастхати ва машинка нусхаси шоир шахсий архивда сақланади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 12 сонидида босилган. «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томда дастхат асосида нашр этилмоқда.

ШАРАФ БУЛАР ЭДИ ТИРИК ҚОЛОЛСАМ

(300-бет)

1942 йилнинг апрель ойида ёзилган ушбу шеърнинг дастхати ва машинка нусхаси шоир шахсий архивда мавжуд.

«Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томда дастхат асосида босилмоқда.

ТУГАДИ БУ ЮРТНИНГ ЗУР ЖУССАСИДАН

(300-бет)

Шоир шахсий архивда дастхати ва машинка нусхаси мавжуд.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1968 йил 1-сонидида босилган. «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.

Томга дастхат асосида киритилди.

ШАФТОЛИ

(301-бет)

Шеър тахминан 1945 йилда ёзилган. Шоир шахсий архивда машинка нусхаси мавжуд. Шеърнинг дастхати сақланмаган. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил, 8-сонидида босилган. «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Ушбу томда машинка нусха тексти асос қилиб олинди.

ОСМОН ТҶЛА ЮЛДУЗЛАР, ҚАНИ СЕНИ ЮЛДУЗИНГ

(302-бет)

Шеър шоирнинг ўғли Башарнинг вафоти муносабати билан 1946 йил 28 мартда ёзилган. Дастхати сақланмаган. Шоир шахсий архивида шеърнинг иккита машинка нусхаси мавжуд. Шулардан бирининг устига қора қаламда, шоир дастхати билан «Башар ўғлининг урсияси», деб сарлавҳа қўйилган. Тагида эса «Ўзи 24/III-да вафот қилди. 28/III—46» ёзуви бор. Ҳошияда «Осмон тўла, қани, сочинг, наҳотки», сўзлари ёзилган.

Шеър «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 2-сонида «Унутилмас сатрлар» рубрикасида «Осмон тўла юлдузлар, қани сенинг юлдузинг» сарлавҳаси билан (бу асли шеърнинг биринчи мисраси) босилган. Худди шу сарлавҳа билан «Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.

Томга «Асарлар-72» матни асос қилиб олинди.

ШОНЛИ ОКТЯБРЬ СОВЕТЛАР ХАЛҚИГА БАЙРАМДИР

(303-бет)

Шеър тахминан 40-йилларнинг иккинчи ярмида ёзилган. Дастхати шоир архивида мавжуд. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (6.V — 83) босилган.

Томда дастхат асосида нашр этилмоқда.

ШУ ҚОШЛАРИНГ БИР-БИРИДАН ЭНЛИК

(304-бет)

Дастхати сақланмаган.
«Асарлар-72»нинг II томида нашр этилган.
Шу асосда чоп қилинмоқда.

ГУРУНГДА АНДИЖОНЛИК

(305-бет)

Архивда шеърнинг бир саҳифали машинка нусхаси мавжуд. Охирида «1947, Андижон» санаси бор.

Томга машинка нусхаси асосида киритилди.

МЕНИНГ ШУХГИНА УҒЛИМ

(306-бет)

1946 йилда ёзилган. Шоир шахсий архивида шеърнинг қўлёзмаси мавжуд. Қўлёзмада шеър 1946 йилда ёзилганлиги қайд этилган. «Асарлар-78»нинг X томида нашр этилган ушбу шеърга 1947 йил санаси қўйилган.

Томга қўлёзма тексти асосида киритилди.

Мирзо Қодир — 1945 й., 17 февралда туғилган.

Физика-математика фанлари доктори.

4 *Муқтадир* — эплайдиган, қўлдан келадиган.

МУХАММАСИ БАДР ШОШИЙ БАР ҒАЗАЛИ
ФУРҚАТ

(307-бет)

Мухаммас тахминан 1946 йилда демократ шоир Фурқатнинг «Тортадур» радибли машҳур ғазалига боғланган. Тахаллус Ғафур Ғулом томондан XIV асрда яшаган шоир Бадр Чочийга ҳурматан олинган.

Ушбу мухаммас «Шарқ юлдузи» журнаlining 1967 йил 12-сонида редакциянинг қуйидагича изоҳи билан босилган: «Классик демократ шоир Фурқатнинг «Тортадур» радибли машҳур ғазалига боғланган бу мухаммасни Ғафур Ғулом 1946—47 йилларда ёзган, деб тахмин қиламиз».

Ғафур Ғулом 1946 йилда «Шарқдан келаётирман» шеърлар китоби учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирланганида дўсти Собир Абдулла ёзган манзума табрикда шундай сатрлар бор:

Кел Ғафур, чин дўстим, кел, ордендошим,
Тўйиб ўпишайлик, кел, кенг қулоч ёз,
Олим, файласуфим, кел Бадри Чочим,
Шеърят бобида кўпларга устоз!

Шахсий архивдаги қўлёзмада «Бадр Чочий» сўзларининг ёнига Ғафур Ғулом «Бадр Шоший» деб ёзиб қўйган.

БАЙРАМДАН СЎНГ

(308-бет)

Шоир архивида сақланаётган қўлёзма асосида чоп этилмоқда.
ЯЛҚОВЛАРНИ ҚЎРГАНМИЗ

(309-бет)

Шеър тугалланмай қолган. «Асарлар-72»нинг II томида нашр қилинган.
Қўлёзма асосида чоп этилмоқда.

ҚУЕШНИНГ МАРҲАМАТИ ҲАММАГА ТЕНГ БУЛГАНДЕК.

(309-бет)

Архивда бир саҳифадан иборат шоир дастхати сақланади.
«Ўзбекистон маданияти» газетасида (18.V.1973) чоп этилган.
«Асарлар»72 нинг II томига ҳам киритилган.
Мазкур том матни асосида босилмоқда.

МЮНХАУЗЕН ЭМАСМАН — ЕЛҒОН ГАПИРСАМ

(309-бет)

Архивда бир саҳифадан иборат шоир дастхати сақланади.
«Асарлар-78»да эълон қилинган.
Мазкур том матни асосида чоп этилмоқда.

1 *Мюнхаузен* (барон Мюнхаузен) — немис адабиётида яратилган турли ёлгон саргузаштларини айтиб, мақтаниб юривчи киши образи.

ШЕЪР ЕЗМОҚ УЧУН СУБҲ ДАМЛАРНИНГ

(310-бет)

Шоир архивида шеърнинг бир саҳифадан иборат машинка нусхаси сақланади. Сўнгги саҳифада «20.VII.1948» санаси қайд этилган.

Шеър дастлаб «Совет Ўзбекистони» газетасида (9.VII.1967) чоп этилган. «Асарлар-72»нинг II томига ҳам киритилган.

Машинка нусхага мувофиқ нашр этилмоқда.

МЕНИНГ ҚЕЛАЖАГИМ БОР

(311-бет)

Шоир архивида блокнот varaқларига (етти саҳифа) ёзилган қўлёзма, икки саҳифа (21×30) машинка нусхаси сақланади. Дастлаб «Шарқ юлдузи» журналида (№ 6, 1967) эълон қилинган.

Журнал нашрига мувофиқ босилмоқда.

ЯНГИ ҚУЗ

(313-бет)

Архивда шеърнинг бир саҳифадан иборат шоир дастхати сақланади. Саҳифа сўнггида «12.XI—48» ёзуви мавжуд. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 6 май (1983) сониде босилган. Қўлёзма асосида чоп этилмоқда.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

(314-бет)

Шоир архивида бир саҳифали машинка нусхаси сақланади. Охирида «1949» сана қайд этилган.

«Ўзбекистон хотин-қизлари» (1958, № 3) журналида чоп этилган. Кейинча «Биз сени олқишлаймиз» тўплами, «Асарлар-65»нинг I томида эълон қилинган.

«Асарлар-65» нашрига мувофиқ босилмоқда.

МЕНИНГ ҲОВЛИМ

(315-бет)

Қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Фафур Гулом асарлари ўн томлигининг II томида чоп этилган.

Томга қўлёзма асосида киритилди.

САЛОМ

(316-бет)

Шоир архивидаги қўлёзма асосида чоп этилмоқда.

БУ ЧАМАНДА УЙНАГАНЛАРНИНГ

(317-бет)

Шоир архивида шеърнинг бир саҳифадан иборат қўлёзмаси сақланади.

Қўлёзма асосида чоп этилмоқда.

ҚУНГИЛ ШОДЛИГИ

(318-бет)

Шоир архивида шеърнинг икки машинка нусхаси сақланади.

Томга машинка нусха асосида берилди. Нусхалардан бирида шеърнинг ёзилиш тарихига оид бастакор Тиллажоновнинг қуйидаги ҳикояси келтирилган:

«Бир ерда Ғафур ака билан ўлтирганимизда радио «Қайларга бораёй» куйида бир қўшиқни берди. Эшитиб бўлгандан сўнг Ғафур ака «Куйи яхши-ю, сўзи ибтидий экан» деди-ю, сочини бир-икки қўли билан силади, ўлтирган жойига ўрнаша олмайётгандай, у ёқ бу ёққа силжиди, кейин «шошма Мирзо, шу куйга бир нарса деб берайми», деди. «Биз яхши бўлади», дедик.

«Бўлмаса ёз» деб, шеърни айта бошлади, мен ёзиб олдим.

Куйни бир бор эшитиб, шу куйга тушадиган шеър ёзиш жуда қийинлигини билардим, аммо Ғафур ака шеърни ҳеч қийналмай, яна оғзаки тез айтиб берди. Мингиллаб кўрсам бу шеър куйга равон тушди. Шунда мен Ғафур аканинг мусиқани яхши билишига, эшитиш қобилиятининг зўрлигига қойил қолганман»

УЛУҒ ҚУН БАЙРАМИ

(319-бет)

Шоир архивида бир саҳифадан иборат машинка нусхаси сақланади. «Бари сеники», «Бир ғунча очилгунча», «Ешлик байрами», «Танланган асарлар-57» тўпламларига киритилган.

«Танланган асарлар-57» матни асосида босилмоқда.

РАСМЛАР РҮЙХАТИ

Ғафур Ғулом. 1953 йил	12
«Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» шеърининг дастхати	42
Ғафур Ғуломнинг СССР Давлат мукофоти билан тақдирланган «Шарқдан келаётирман» китобининг муқоваси ва лауреатлик дипломи. 1946 йил	93
Ғафур Ғулом СССР Ёзувчилар союзи XII пленуми иштирокчилари билан. 1950 йил	195
Ғафур Ғулом ўғли Мирзо Улуғ (Унгда) ва жияни Дарвин Ғуломов билан. 1950 йил	221
Ғафур Ғулом қаламкаш дўстлари билан. 1951 йил	249

МУНДАРИЖА*

1941

Кузатиш	9	330	379
Одамлар ўртасида	13	—	380
Мен яҳудий	15	331	380
Халқ отланди	19	331	381
Сен етим эмассан	21	332	381
Қиш	25	334	382
Учувчининг қўшиғи	27	—	382

1942

Мард йигитлар қаноти	28	—	382
Талон-торож қилинган ерда	31	—	383
Салом ва табрик	32	336	383
Согиниш	34	337	383
Хотин	37	337	384
Биз енгамиз	40	340	384
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак	43	340	385

1943

Алвидо	45	342	385
------------------	----	-----	-----

1944

Қасам	47	343	386
Яшна, озод Ўзбекистон, шонли эй ўзбек эли	48	—	386
Янги йил қўшиқлари	49	343	386
Ғолиблар	52	—	387

1945

Ғолиблар байрами	54	344	387
Афсуски, афсусни қўшиб кўммади	56	—	387
Куз келди	57	344	388
Вақт	60	—	388
Аввал ўқи	62	346	389
Чин арафа	64	347	389
Қозоқ элининг тўйи	66	348	389
Ақл ва қалам	69	349	390

1946

Йигитларга	70	349	391
Кўчат	71	349	391

* Биринчи устундаги рақамлар асосий текст, иккинчи устундаги рақамлар вариантлар, учинчи устундаги рақамлар эса изоҳлар берилган саҳифаларни билдиради.

Май	72	350	392
Ўзбекистон физкультурачилари мадҳи	73	—	392
Ўқи	74	351	392
Ҳукм	75	—	392
Бахт тонготари	77	351	393
Тошкент	80	352	393
Олтин медалъ	83	353	394
Тўпчи йигитларга	85	354	394
Ўзбек элининг ғурури	87	355	395
Қор	91	—	395
Биринчи шеър	93	357	395
Янги йил қўшиғи	97	357	396

1947

Авлодлар	99	358	396
Владимир Ильич Ленин	100	—	396
Комсомол	101	358	397
Сизнинг ҳадянгиз	104	358	397
Тонготар қўшиғи	105	358	397
Москва	106	—	398
Москвич	108	359	398
Бизнинг боққа келинлар	109	359	398
Етти юз ўттиз кун	110	359	398
Биринчи дарс	112	359	399
Бизнинг қизлар	114	360	399
Москваниз	115	360	399
Ассалом	117	360	399
Самарқанд учун	121	360	400
Қуёшчалар шеъри	123	361	400
Янги йил шеъри	124	361	400

1948

Ўқилган, ёзилган ва ёд олинган	127	—	401
Улуғ акамга	128	—	401
Сизга	129	361	401
Ғилам	131	—	401
Сийҳдон	132	361	401
Ўзбекнинг томини	133	—	402
Туш йўйиш	134	—	402
Бахор тароналари	135	362	402
Фарзандларга	138	—	402
Сочлар	140	362	402
Гул	141	362	403
Алишер	142	362	403
Ёз	145	363	403
Қизларга	147	—	403
Қизимга	148	—	403
Ўттиз ёш	149	363	404
Уринбосарлар саломи	151	363	404
Инсоният байрами	152	364	404
Кузги кўчатлар	156	—	405

1949

Ленин учун	158	364	405
Совет армиясига	160	364	405

Шараф қўлёмаси	163	364	405
Фарғона учун	166	364	406
Кеча ўнинчини аъло тугатиб	168	—	406
Эмукдошлар мусобақаси	169	365	406
Поль Робсонга	171	366	406
Ола бузоқ	173	366	407
Фарғона дарёси	175	366	407
Бугуннинг шеъри	178	—	407
Орзу	179	366	407
Коммунизмнинг йигит наслига	182	367	408
Бизнинг пахтамыз	184	—	408
Кичик дўстларга	186	—	408
Имтиҳон	187	—	408
Диплом	188	—	408

1950

Коммунизм асри	189	—	408
Кўклам тошготари	192	368	409
Халқлар отасига	196	368	409
Левин комсомоли	197	—	409
Давра қўшиғи	198	369	409
Биз тинчлик истаймиз	199	369	410
Яшасин тинчлик	201	369	410
Бу — сенинг имзонг	205	369	410
Бир-бирига шогирд, бири-бирига устод	206	369	411
Тезу тоза тер!	208	369	411
Озарбайжонлик пахтакор қардошларга	210	370	411
Бухородан Андижонга очиқ хат	212	370	411
Сўз навбати Тошкентликларга	214	370	412
Тинчлик минбаридан	216	370	412
Ғолиблар шарафига	219	370	412
Тинчлик нашидаси	221	371	412

1951

Қутлуғ йил тонгида	224	371	412
Мирзачўл	226	—	413
Тинчлик мукофоти лауреатларига	230	371	413
Аъло хотира	231	371	414
Йиллар	232	371	414
Байрамингиз муборақ	235	—	414
Каптар учар, ғоз учар	237	372	415
Бизнинг кексалар	238	372	415
Бахтли болалик	240	—	415
Бахтли болаларимга	241	372	415
Тенгдош корейликларга	242	—	416
Тинчлик аҳди учун	243	—	416
Теримчи қизларга	244	372	416
Пахта — тинчлик хазинаси	246	372	416
Ҳамиша ғолиб халқ	248	—	416

1952

Нутқ (пахтакорлар VIII қурултойига)	250	—	417
Зулфияхонимга	252	—	417
Май саломи	253	—	417
Май шеъри	255	—	417
Бу йил биринчи синфга кирадиган ўғил-қизларимга атаб ёзган шеърим	257	373	417

Улуғ рус халқига	259	373	418
Хамза хотирасига	263	374	418
Самарқандлик пахтакор дўстларимга	265	—	418
Колхозда тўй	267	—	418

1953

Қирғизистон пахтакорларига	268	375	419
Шарқ тинчлик истаиди	270	—	419
Биз жаҳонда гўзаллик ижодкоримиз	273	—	419
Бир томчи бол	274	—	419
Ленинчи авлод учун байрам кунининг қутлови	275	375	419
Олға бос!	277	—	420
Улуғ байрам қўшиғи	278	—	420
Қутлуғ шеър	279	375	420
Опа	280	375	420
Эш зарур бурчимиз	282	—	420
Каптар учирдик	285	—	421

Илова

Азон ўрнига мен айтдим	289	—	421
Онт	290	—	421
Жон ўғлим	291	—	422
Бир яшаш, бир ўлим	292	—	422
Бизнинг танк	293	—	422
Хасан ота	296	—	423
Нидо	297	—	423
Хаёт келди оламга келган ўзингдек	299	—	423
Шараф бўлар эди тирик қололсам	300	—	423
Туғади бу юртнинг зўр жуссасидан	300	—	423
Шафтоли	301	—	423
Осмон тўла юлдузлар, қани сенинг юлдузинг	302	—	424
Шонли Октябрь советлар халқига байрамдир	303	—	424
Шу қошларинг бир-биридан энлик	304	—	424
Гурунгда андижонлик	305	—	424
Менинг шўхгина ўғлим	306	—	424
Мухаммаси Бадр Шоший бар ғазали Фурқат	307	—	425
Байрамдан сўнг	308	—	425
Ялқовларни кўрганмиз	309	—	425
Қўбшининг марҳамати ҳаммага тенг бўлгандек	309	—	425
Мюнхаузен эмасман — ёлғон гапирсам	309	—	425
Шеър ёзмоқ учун субҳ дамларининг	310	—	426
Менинг келажаким бор	311	—	426
Яни куз	313	—	426
Табриклаймиз	314	—	426
Менинг ҳовлим	315	—	426
Салом	316	—	426
Бу чаманда ўйнаганларнинг	317	—	427
Кўнгил шодлиги	318	—	—
Улуғ кун байрами	319	—	—
Вариантлар	327	—	—
Изоҳлар	377	—	—
Расмлар руйхати	427	—	—

Гулом Гафур.

Мукаммал асарлар тўплами: 12 томлик
/[Таҳрир ҳайъати: С. Азимов ва бошқ.:
Масъул муҳаррир Ю. Султонов]. Т., «Фан» 1984.
Сарл. олдида: ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил
ва адабиёт ин-ти.

2 т. Шеърлар (1941—1953). 432 б.

Гулям Гафур. Полное собрание сочинений: В 12-ти т. Т. 2. Стихи (1941—1953).

Ўз2

На узбекском языке

Гафур Гулям

ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ

в 12 томах

том II

СТИХИ

(1941—1953)

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий совети, ЎзССР ФА тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган.

Муҳаррир *М. Алиев*

Рассом *В. Тий*

Техмуҳаррир *Р. Лушникова*

Корректор *М. Содиқова*

ИБ № 2766

Теришга берилди 13.01.84. Босишга рухсат этилди 5.03.84. P02781. Формати 84×108^{1/32}. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 22,68. Ҳисоб—нашриёт л. 17,3. Тиражи 5000. Заказ 14. Баҳоси 2 с. 10 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси. Тошкент, М. Горький пр-спекти, 79.